

APRIL

# Шарқ юлдузу

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN`AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK



# Sharq yulduzi



*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
ёшлар мураббийси  
Кавсар ТУРДИЕВА  
1958 йилда туғилган*

# Шарқ юлдүзи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиңа бошлаган

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Сайид

Мұхаммад Али

Кенгесбай Каримов

Икбол Мирзо

Қаҳрамон Қуранбоев

Минҳожиддин Мирзо

Сайфиддин Рағиддинов

Фармон Тошев

Исајон Султон

Хайриддин Султонов

Махмуд Тоир

Гулистон Матёкубова

Шерзод Ирзоев

Нурбай Жабборов

Кавсар Турдиева

Шухрат Маткарим

Адҳамбек Алимбеков

Нилуфар Йўлдошева

Бош мухаррир – Сирожиддин Рауф

Бош мухаррир ўринбосари – Азиз Сайд

Масъул котиг – Дилором Муротова


Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Дилфузा Қўзиева

Алабиётшунослик бўлими мудири – Муҳаммад Исмоил


10

2023



## УШБУ СОНДА:

НАЗМ



Эшқобил ШУКУР


*БИР ШОИР ШАМОЛДАЙ АИЛАНИБ ЮРСАМ*

Адирлар кифтида, кирлардан нари  
Жилгадай шошилиб борарди бир йўл.  
На Фарбга, на Шаркка унинг сафари  
Менинг юрагимга келарди бу йўл.

Майсалар эргашар атак-чечаклаб,  
Жилгадай шошилиб борарди бу йўл.  
Салкам олтмиш йиллик умрим етаклаб  
Менинг юрагимга келарди бу йўл.

АДАБИЁТ ВА ШАХС

Сулаймон РАҲМОН




*СҮЮК ВА БҮЮК ШОИР*

Шу-шу Рауф Парфи хафтада икки-уч бор бизницида ётиб коладиган бўлди. Янгийўлга, Шўралисойга кўпинча жумада кетиб, душанбада қайтарди. Қизифи, деярли ҳар гал янги шеърлар ёзиб келар ва уларнинг биринчи ўкувчиси мен бўлар эдим. Тез орада унинг ашаддий мухлисига айландим. У кашф этган шеърий дунё бутун жозибаси: ранглари, жилолари, оҳанглари билан руҳимга, конимга сингиб кетди. Кўпинча “ҳасратимнинг суюк тошлари”, “шаклсиз севинч”, “қандай машъум бу гўзал садо”, “оғушимда зангори сезги, кипригимда суюк ҳаяжон. Кўзларимда юмалоқ севги”, “кибор чўққиларда музлаган баҳор”, “шодумон дард” каби сюреалистик ташбеҳлар ҳаяжонга солар эди. Мен, йигирма ёшлардаги ҳаваскор шоир, Рауф Парфичасига ўйлаб, Рауф Парфичасига ёзадиган бўлиб қолдим.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Лев ТОЛСТОЙ



*ИККИ ҚАРИЯ*

Елисей яна ўига толди. “Энди буларнинг тирикчилиги қандай ўтади?” Одамлар ўрим-йигимга чиқади, бир амаллашади: пичан ғамлайди. Жавдари буғдой етилди – одамлар ўрим-йигимга киришади (кўз тегмасин, баракали бўлибди!), улар нимадан умид киласди: ўзларига тегишли бир ботмон ер бойга сотиб юборилган бўлса. Мен кетар бўлсан, улар тағин бурунги ахволига тушади”. Елисей ўига ботди ва окшом йўлга чиқишга ошикмади – эрталабга қолдирди. Ухлаш учун ҳовли томонга ўтди ва чўзилди. Ибодат килди, аммо уйқуси қочди: бир ўйи – кетиши керак, вактини ҳам, пулини ҳам совурди; бир ўйи – одамлар увол: “Ҳаммасига кўмак беролмайсан. Уларга сув келтириб, бир бурдадан нон бермокчи эдим, холос, ташвишлар бири бирига уланиб кетди”.

## Абукаюм ЙҮЛДОШЕВ

*КАРОМАТ*

Мен беихтиёр яна бир қадам олдинга юрдим. Максадим бу Каромат исмли шўрликни куткаришиди ё бошқамиди, ўзим ҳам аниқ билмасдим чамаси. Бирок, бурчакка қисилиб колган жувон бу қадамимни ўзига нисбатан хавф деб ўйладими, билмадим, ишқилиб... жон алфозда ҳар томонга аланглаб, барча најот туллари тўсилганини илғади чоги, шошиб икки қадам ортга тисланди ва ўгирилиб... ўзини шиддат билан оқаётган бутана сувга отди.

“Дод” демокчи бўламан, нафасим чиқмайди... Оёкларимдан мадор кетган...

– Бу ердан тез кетиш керак... Тез! – ортимдан етиб келган муовин титраб-қакшаб кулоғимга шивирлади. – Тез!



## Сайдулло КУРОНОВ

*АДАБИЁТИЧИНОСЛИИК*

**“МИНГ БИР ҚИЁФА” РОМАНИДА ЭРКИН ИНСОН  
ЮЯСИ**

Адибнинг “Минг бир қиёфа” романни ядросида ҳам эрк ғояси туради. Ёзувчи собиқ шўролар даврида ҳаккукуни бўғилган инсоннинг руҳий-маънавий оламини чукур тафтиш этишга, тузум билан зиддиятга киришган шахснинг мураккаб муносабатларини тасвирлашга, мустабид сиёсат инсон руҳи ва онгида қолдирган жароҳатларнинг кейинги давр (тузум)да бўй берган асоратларини кўрсатишга, бир вактнинг ўзида ўтмиш ва бугунги кун қаҳрамонини бир шахс сиймосида яратишга уринади. Бошқача айтганда, модернизмнинг услубий имкониятлари муаллифга замон ва макон чегараларини бузиб, ижтимоий ҳаётнинг шундай бир киноявий моделини яратиш имконини берадики, уқувчи бадиий вокеликда ҳам ўтмишни, ҳам “бугун”ни кўра бошлиди.



## Тилланисо НУРЁГДИ

*МАКТУБЛАРДА БОРДЕК ҲАҚИҚАТ*


*ШЕБРИЯТ ҲАЙРАТЛА*

*АЙЛАНЯПТИМИ?*

Нега ҳозирги даврда шеър ўқилмаяпти? Бу савол кўпчиликни қизиктирmasлиги аниқ. Шеър ўқимайдиган одамнинг бу ҳақда ўйлаб кўришга ҳам эҳтиёжи бўлмайди. Хўш, унда шеърият бора-бора факат шоирларнинг ўзи учун яратиладиган санъат турига айланадими ё качондир одамлар яна шеър мутолаасига кайтиши мумкинми? Энг қизиги, бу факат бизнинг жамиятда кузатилаётган ҳолми ёки бутун дунёning шеърга бўлган эҳтироси сўнганми?

Худди шу саволларга рус файласуфи ва маданиятшуноси, адабиётшуноси Михаил Эпштейн ўзининг “Юксак поэзия ва алподам” эссесида жавоб кидириб кўради. Эпштейн одамлар шеър ўқимай кўйган бу давр одамини “тобора поэтик шахсга айланиб боряпти” деб таърифлайди.





Эшқобил ШУКУР

## Бир шоир шамолдай айланиб юрсам

Бу кунлар  
(Эшқобил бахшига бағишилөв)

Күнгли яримлару, бағри бутунлар,  
Ёш ниҳоллар, кари-қартанг ўтунлар,  
Алп эркаклар, Барчинелбат хотинлар,  
Ох десам, оғзимдан чиқар тутунлар.  
Бошимиздан ўтиб борар бу кунлар.  
Алвон-алвон, карвон-карвон бу кунлар.

Ҳазрат Сулаймоннинг шамолин миниб,  
Исо кўзларида гоҳ чакнаб-сўниб,  
Мусо ҳассасининг сирига дўниб,  
Исрофил сурининг товшидай синиб,  
Лочин каби учиб, капитардай қўниб,  
Кўкламдай товланиб, хазондай ёниб,  
Устимиздан ўтиб борар бу кунлар.  
Ҳайрон-хайрон кетиб борар бу кунлар.

Эл устидан ўтаётир отли зотлар,  
Ҳар бирининг остида зўр зотли отлар,  
Арз элидан аруздайин ҳазин хатлар,

**Эшқобил ШУКУР** – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими. 1962 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини тамомлаган. Унинг “Юракни ўрганиш”, “Сочлари сұмбул-сұмбул”, “Тунги гуллар”, “Яшил қушлар”, “Ҳамал айвони”, “Қўз юмиб кўрганларим” каби шеърий ҳамда “Қўхна боғ ривоятлари”, “Оқибат оқиши”, “Падаркуш” каби насрый асарлари ва “Ибтидо хатоси”, “Нақшбанд” номли драматик достонлари, “Лаҳза синиқлари”, “Насойим-ул муҳаббатга сайр” туркумлари, “Дунёning кўчииши”, “Қўриқхонада”, “Пул санаётган одам” каби қисса ва ҳикоялар ҳамда “Бобосўз изидан” номли тилимиз тарихи ва тадрижисига багишланган китоблари чоп этилган.

Бир ён шодлар, бир ён додлар, бир ён мотлар,  
Бўлар сўзни айтарга ҳеч борми мардлар,  
Бошимиздан ўтиб борар бу кунлар,  
Гирён-гирён кетиб борар бу кунлар.

Бунда кимдир номус учун жон талашар,  
Кимдир молдай мол оғзидан нон талашар,  
Яна бири итдай хуриб шон талашар,  
Шоқоллардай эт талашар, кон талашар,  
Устимиздан ўтиб борар бу кунлар,  
Урён-урён кетиб борар бу кунлар.

Одам сел измида сарсон тошмидир,  
Кўздаги бир томчи мунчоқ ёшмидир,  
Мехроб излаб юрган далли бошмидир,  
Ўткинч шамолларга хас талошмидир?  
Умримизни нетиб борар бу кунлар,  
Тезгир шомдай йитиб борар бу кунлар.

Алкисса дейману, алхиссалар йўқ,  
Энди дил уйғотар алпқиссалар йўқ,  
Қон йўқ, шоҳтомирни шарт кессалар, йўқ,  
Ор деб коялардай тик жуссалар йўқ,  
Устимиздан ўтиб борар бу кунлар,  
Шафакларга ботиб борар бу кунлар.

Тиф устида юрар мардларга салом,  
Кўнглим титраётир... дардларга салом,  
Худодан келаётган шартларга салом,  
Орни байрок қилган юртларга салом,  
Бошимиздан ўтиб борар бу кунлар,  
Карвон-карвон кетиб борар бу кунлар,  
Билмам, қайга кетиб борар бу кунлар.

### **Андиша**

Мунчалар маъюссан синглим, Андиша,  
Фамгин кўзларингда маржон-маржон ёш.  
Лабларинг пирпираб турар ҳамиша,  
Ўнг ёнингда тошу, сўл ёнингда тош.

Шамолдаги шамдай титраб турасан,  
Маъсума кўнглингда оташин охлар.  
Билмам, қай меҳробга бошинг урасан,  
Ортингда таъкиблар, олдингда чохлар.

Тегрангда ириллар тишларин қайраб,  
Замон бўрилари, нафс тулкилари.  
Бошингда ёйилар қарғадай сайраб  
Разил кимсаларнинг кўр қулкилари.

Талотумлар ичра калбга йўл олган,  
Қайғули йўлдоши Ҳаёning сенсан.  
Сўнгги илинж каби дунёда қолган,  
Маъюс фариштаси Худонинг сенсан.

Ай, кўнглим синглиси, виждан оғриғи,  
Ўзи ҳимоясиз ҳимоям сенсан.  
Қўлингда титрайди имон ёрлиғи,  
Дунё англай олмас ҳикоям сенсан.

### Бўзтўрғай

*Мунглуг бошим остидаги тошимниму дей,  
Ё тош устидаги гариб бошимниму дей?  
Алишер НАВОИЙ*

Мағлуб бўри кўзларидай кўзларимга бир қара,  
Тўрда балиқ сўзларидай сўзларимга бир қара.

Номард бўлиб юрмайин, номард бўлиб ўлмайин,  
Жон чиқар чоғ букилган тизларимга бир қара.

Бу дунёни кезмишам, боғу сахро юрмишам,  
Қизғалдоқдай қон сочган изларимга бир қара.

Какликмидим ё тўти, булбул даъво эмасман,  
Бўзтўрғайдай сахарлар бўзларимга бир қара.

Бошимга қорлар ёғди, сочимга зорлар ёзди,  
Қишлирим, баҳорларим, кузларимга бир қара.

Мен аёз оташиман, қаҳратон бардошиман  
Кўксимда лов-лов чўғдай музларимга бир қара.

Бошим тош устидадир, тошим бош устидадир,  
Ё дўст, энди кўпимгамас, озларимга бир қара.

Бедилдан бир чўғ олдим, дилимга туташди ўт,  
Бўзтўрғайдай сахарлар бўзларимга бир қара.

\* \* \*

Уфкларга чўкмокда туман,  
Хомуш боқар оқшомги боғлар.  
Сени бирдан эслаб кетаман,  
Кун ила шом учрашган чоғлар.

Ёғдуларга чулғанар ногоҳ,  
Кунчиқарда корайган тоғлар.  
Мени сендан этади огоҳ,  
Тун билан тонг учрашган чоғлар.

Хотиралар, армонлар бари,  
Уйғоқ яшар қалбим юртида.  
Ҳаёт кетди мендан илгари,  
Севги қолди ўтмиш ортида.

Дуч келганда саҳрона дарё,  
Юз тутганда хазонга боғлар.  
Сени менга эслатар Худо  
Бахт ва Қайғу учрашган чоғлар.

\* \* \*

Гўзаллик оламга ёймиш зарпарда,  
Маъсума ялпизлар тарагади бўй.  
Ҳаёт қулиб турган шундай дамларда,  
Қўй, ўлим ҳакида гаплашмайлик, қўй.

Мунаввар рангларга тўлмишdir кўзим,  
Дилимни ром этар сабо чалган кўй.  
Бу азиз дамларда энди, азизим,  
Қўй, ўлим ҳакида гаплашмайлик, қўй.

Боғларда... тоғларда... йўллар юрганда,  
Не кўрдик, барини яхшиликка йўй.  
Ҳаёт бизга караб қулиб турганда  
Қўй, ўлим ҳакида гаплашмайлик, қўй.

\* \* \*

Намозшом палласи... дарё бўйида  
Сув билан сирлашиб ўтирас эдим.  
Бир хаёл кўйида, бир шеър ўйида  
Сарғайган япроқдай титрар эдим...

Олисдан бобомнинг овози келди,  
Момомнинг шарпаси ўтди бир ёндан.  
Ногоҳ томоғимга оташ тикилди,  
Бир хўрсиник келди уфқ томондан.

“Салом, ҳасрат...”, дедим, “Салом, изтироб...”  
Сўнг оқа бошладим ўзим ҳам сувдай.  
Олис ва яқиндан келган бир жавоб  
Бир хўрсиник бўлди мангу қайғудай.

“Салом, ҳасрат...” дедим, “Салом, изтироб...”  
Шафақдаги кундай кўнглим ҳам синик.  
Пурғам уфклардан келган бир жавоб:  
Зўр хўрсиник бўлди... оғир хўрсиник...

### Мунофикс

Совун кўпиргандай кўпчиган оғиз,  
Карғадай қағиллаб юртни бузган тил.  
Ҳаром лукмалардан ачиған бўғиз,  
Сенда бори шулдир, сенда бори шул!

Ватанпарварман деб, фидойиман деб,  
Минбарларни миниб муштлайверасан.  
Дуч келса етимнинг сўнгги нонин еб,  
Етимпарвар нутқин бошлайверасан.

Пана-паналарда элга тупуриб,  
Катта саҳналарда “Эл!” деб сайрайсан.  
Мажлисда гўзаллик ҳақда лоф уриб,  
Бир охуни кўрсанг тишинг қайрайсан.

Кимнингдир этаги сенинг ватанинг,  
Кимнингдир оёғи меҳробингдир, бас.  
Кимдир отган суяқ – ғуруринг, шаънинг,  
Сўкир шон, пуч амал, хоин тил – шаънинг  
Ярадаги куртдай ўрмалаган кас.

Совун кўпиргандай кўпчиган оғиз,  
Карғадай қағиллаб юртни бузган тил.  
Ҳаром лукмалардан ачиған бўғиз,  
Сенда бори шулдир, сенда бори шул!

\* \* \*

Йўлларда, тоғларда, шаҳарларда мен  
Бир шоир шамолдай айланиб юрсам...

Кўзларимни юмиб кўрдай ўтаман,  
Бахил бадбаҳтларни каршимда кўрсам.

Фиск-фасод, йирингдир уларнинг бори,  
Қўйни тўла тошдир, қўнгли тўла тош.  
Ҳasad ва зулмдир Парвардигори  
Елкаси устида ахлат тўла бош.

Ўтинчим ўзингта, Яратган Эгам,  
Уларни йўлимда қилмагил пайдо.  
Бу дунё тугул-ку, у дунёда ҳам  
Бундай кимсаларга дуч қилма асло!

### Болаликдаги уй

Отамнинг қўллари қадок бўларди  
Қават-кават қадоқ,  
Қават-кават дард.  
Отам шомда ҳориб ишдан қайтганда  
Унинг қўлидаги қабариқларни  
Эзғилаб ўйнашни яхши кўрардим.  
Мен нодон... мен гўдак кайдан билардим  
Отам дарди билан ўйнаганимни.

Кўзёшни кўп кўрдим онам кўзида.  
Орзу, хавотирга тўла эдим мен.  
Қўнғир ер устида,  
Мовий осмон остида  
Ҳеч кимимиз йўқ эди Худодан бошка.

Уфқ эшигида бир уй бор эди.  
Шафакни томорқа қилган бир ҳовли...  
Девори – дашту дала  
Дарвозаси – дашту дала.  
Ҳовлимиз устида кўриб колардим  
Баъзан фаришталар учиб юрганин.  
Тунда яккам-дуккам бўри увларди,  
Чиқиб келар эди тўқайдан шамол,  
Уч юз йилдан бери ялангоёқ кезган  
Ғамгин зиёратчи дарвешдай гўё.  
Сувнинг нафасини олиб келарди  
Бизнинг уйимизга бу қари дарвеш.

Саратонда салқин шамол кўзғалса,  
Онам: “Фаришталар қанот қоқаяпти” дер эди.  
Мезонда илк ёмғир томчилаганда  
“Момонг йиғлаяпти”, дер эди онам.

Опам китобларни яхши кўрарди,  
Кизғалдокни каттиқ суярди синглим.  
Мен эса кун бўйи дала кезишни –  
Ўзимни кезишни яхши кўрардим.

Олис бир қишлоқда,  
Овлоқ қишлоқда  
Ёввойи қўрқувни қўлга ўргатган  
Одамларни кўрдим. Мардларни кўрдим.  
Юрагини тўкин дастурхон килган  
Қашшоқларни кўрдим, дардларни кўрдим.  
Кўзёш тўкиб турган буюк тоғларни,  
Чинорларни кўрдим бобомдай суюк.  
Топганин дунёга сочган боғларни,  
Бағирларни кўрдим даштдай кенг... куюк...

Хуллас...  
Саратоннинг забти зуғум қилар чоғ,  
Қаҳратоннинг қаҳри тушганда бошга  
Кўнгир ер устида,  
Мовий осмон остида  
Хеч кимимиз йўқ эди Худодан бошқа.  
Хечи кимимиз йўқ эди Худодан бошқа!

\* \* \*

Қора лиbosдаги қирмиз атиргул,  
Зулмат табассуми каби порлайсан.  
Қора лиbosдаги қирмиз атиргул  
Қаҳратон оташи каби чорлайсан.  
Қора лиbosдаги қирмиз атиргул,  
Йўлингда юзтубан девона сабо.  
Васфингда ҳар бир сўз, ҳар бир сатр – гул  
Эгнингда қайғумдай коп-кора кабо.  
Қора лиbosдаги қирмиз атиргул,  
Буюк викор сенда, мағурсан, хурсан.  
Қора лиbosдаги қирмиз атиргул  
Зулмат севиб қолган бир кучоқ нурсан.

### Орамизда

Дўстлик дебон орага қўйган эдик Худони  
“Алпомиш”да  
Уртада севги деган бир бало йўқдир, холос.  
**Рауф ПАРФИ**

Беғубор кунларда  
Маъсум ойларда

Бу дунёдан жуда олис жойларда  
Дүст бўлдик орага қўйиб Худони.  
Дүст бўлдик орага қўйиб Худони.

Сўнгра йиллар ўтиб бари ўзгарди,  
Сендан бери, мендан нари ўзгарди,  
Ҳар не бўлса, дунё сари ўзгарди,  
Сўнгра йиллар ўтиб бари ўзгарди.  
Орага гумонлар ораладилар,  
Ипакдай шайтонлар ораладилар.  
Бир аччик шароблар тушди орага,  
Бир кибор жаноблар тушди орага.  
Бир гўзал хонимлар тушди орага,  
Қаллоблар “жоним”лаб тушди орага  
Қанча ашқол-дашқол, қанча кесак-тош  
Кирдилар орага: иккимиз – талош.  
Не кирди... барчаси орада қолди,  
Фақат орадаги Худо йўқолди.

#### “Алпомиш” достони оҳангларида

Ётиб еса, тоғлар ҳам  
Ода<sup>1</sup> бўлар, ёронлар.  
Тўрт-беш кайпанг бирикса,  
Пода бўлар, ёронлар.  
Икки уруғ бирлашса,  
Куда бўлар, ёронлар.  
Икки уруғ ўрлашса,  
Ода бўлар, ёронлар.  
Кирқин кизлар кирласа,  
Шода бўлар, ёронлар.  
Тўйда нокас тўрласа,  
Тўда бўлар, ёронлар.  
Шамшодга курт дориса,  
Хода бўлар, ёронлар.  
Мард лафзини булғаса,  
Мода бўлар, ёронлар.  
Эл куриса, ор-номус  
Савдо бўлар, ёронлар.  
Эл кўкарса кўлмак ҳам  
Дарё бўлар, ёронлар.  
Холин билмаган ўздан  
Жудо бўлар, ёронлар.

Барига гувоҳ охир  
Худо бўлар, ёронлар.

<sup>1</sup> “Ода бўлар” – шевада, “адо бўлар” маъносида.

\* \* \*

Мен қандай кечирим сүрайин сендан,  
Не қилиб құнглимни тұқай пойингга.  
Шунчалар ҳам хафа эдингми мендан  
Холи хилофимдан ранжлар райъингда.

Мангу уятдаман сенинг қошингда...  
Мангу музликларни әритар зорим.  
Не савдолар үтди содда бошимдан  
Одам бүлолмадим, Парвардигорим.

Канча олис кетди яқин юлдузлар,  
Елларга совурдим түйғуларимни.  
Жондай зиркирайди дилда илдизлар,  
Үзгага сотдимми қайғуларимни.

Ғамгин борадирман чақмок тиғида  
Сұнған алангадай азми карорим.  
Лолман икки дунё оралиғида  
Одам бүлолмасдан, Парвардигорим!

\* \* \*

Яна тоғ ортида қорайди оқшом...  
Яна мунгли ойдай мунғайди қайғу...  
Энди ёлғон ёзмак құлымдан келмас...

Яна ҳасрат билан чопиб үтди сув...  
Яна ёңгинамда ох чекди шамол...  
Энди ёлғон ёзмак құлымдан келмас...

Яна гулхан ёқди кимдир олисда...  
Яна чап құксимда йиғлади кимдир...  
Энди ёлғон ёзмак құлымдан келмас...

\* \* \*

Адирлар кифтида, қирлардан нари  
Жилғадай шошилиб борарди бир йүл.  
На Ғарбға, на Шарққа унинг сафари  
Менинг юрагимга келарди бу йүл.

Майсалар эргашар атак-чечаклаб,  
Жилғадай шошилиб борарди бу йүл.  
Салкам олтмиш йиллик умрим етаклаб  
Менинг юрагимга келарди бу йүл.

# Софинч тун бағрида — чақмоқ



Алишер НАРЗУЛЛО

\* \* \*

Кечаги кунларим, кечаги —  
хурларга күмилган боғларим.  
Қўлларим узатсам, ана сен —  
ёмғирдай тўкилган чоғларим...

Бу боғда мангулик бормиди,  
ялпизнинг хуш бўйи муаттар.  
Бу оппоқ дунёнинг саҳнида,  
хавф асло йўқ эди, йўқ хатар.

Кўзларим тиндими, еллар ҳам  
энди жим, мажолсиз — индамас.  
Наҳотки, ҳаммаси тугади —  
наҳотки, ҳеч нарса кўринмас?..

Кечаги кунларим... Бугун мен —  
бир синик, бир дили вайронман.  
Ҳеч нарса кўринмас олдинда,  
ортимга қайтсамми, ҳайронман...

---

Алишер НАРЗУЛЛО — 1967 йилда туғилган. Хўжанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини битирган. Ижодкорнинг “Рангин дунё”, “Яшил дараҳатлар”, “Болаликнинг сўнгги куни”, “Шамоллар гирдобида” каби китоблари чоп этилган.

\* \* \*

Совук ел эсдими, ногоҳ ортимга  
үгрилиб бокқандим, увишди этим.  
Сафларга қарайман, кимлар шодумон,  
негадир күринмас яқин бир дұстим.

Тақдир, улоқтирдинг уни қай томон –  
эй, умр дарахти, бир бутанг қани?  
Жуда ҳам ёш эди, “Арзим бор!” дея  
маломат қилдими, айтгин, у сани?!

Ёш умр, чирпираб учди барг мисол,  
елган нима эди –  
довулми, насим?  
Кеча юздан ошган бир чолни күрдим,  
бирда раҳмим келди, бирда ҳавасим.

Хаёт – хаёт экан, кетиб бораман,  
кисмат ели секин елаётгандай.  
Содда ва түпори дүстимнинг рухи  
ортимдан эргашиб келаётгандай.

\* \* \*

Оппок ёмғир қуиди бу сахар,  
ювди чорак аср гардларни.  
Ёмғирпүшсиз чиқдим күчага,  
күтаролмай эски дардларни.

Йүлда қорга айланди ёмғир,  
тимдаларди шамол юзимни.  
Мени энди ким ҳам топарди,  
кор үчириб борар изимни.

\* \* \*

Күз,  
барглардан жудо бұлди,  
дөв-дараҳтлар.

Новдалардан панох топмас,  
кушлар энди.

Күз юмаман,  
эслайин деб баҳорларни,  
Кечаги кун –  
қандай шириң тушлар эди.

Ташқарыда ракс тушмоқда  
шамол ёлғиз,  
йүқликка юз тутаётір  
борлық аста.  
Қайда қолдинг, болалигим,  
бу не фасл?..  
Умр, үтиб кетдингми, о,  
сен бир пасда...

\* \* \*

На сени излаб бордим,  
на күнгилда хавотир.

Дунёни сув босганды,  
юрагим ухлаётір.

Бепарвоман, бепарво  
лаҳза үтса, күнглим түк.  
Қачонлардир күксимга  
бир дүстим отғанди үк.

Баҳор келса унұтдай,  
кузда күяди дилим.  
Жароҳати битмади:  
о, тириклиқ, о, үлім!

Вужудимга ўт тушар,  
ғам кўрсам, кўрсам йиғи.  
Курагимда бошланар  
минг йиллик ўқ оғриғи...

\* \* \*

Кўнгил кўнгил экан, олға чопмоқда,  
коронғи тун кўзларимга ботмоқда.  
Юрагимнинг аллақайси бурчидаги  
кимдир аzon айтар, о, тонг отмоқда...

\* \* \*

Хазонлардан ғам сўраган  
хаёлларга қуллук, қуллук.  
Қаро тундан шам сўраган  
аёлларга қуллук, қуллук.

Дилдан қўрни учирмаган  
кунларимга қуллук, қуллук.  
Кимлигимни айтолмаган  
унларимга қуллук, қуллук.

Жон кирибди, шукр, ўрик  
гулляяпти қуллук, қуллук.  
Баҳор бугун мени таниб  
чорляяпти, қуллук, қуллук...

\* \* \*

Куяр кўнгил, куяр кўнгил,  
тун охирлаб,  
наҳор келса.  
Дераза ортида күшлар,  
сафосар бир шамол елса...

Соғинч тун бағрида – чақмок,  
баҳорий бир баёт бұлса.  
Бошингни саждага күйсанг,  
абадий бир ҳаёт бұлса...

\* \* \*

Бу булутлар жуда ғалати,  
ёмғирлари сүякка оқар.  
Бу беканор үрмонлар асли  
зах ичидан оламга бокар.


Шамоллари ёвга үхшайды,  
таровати қолғандай кетиб.  
Ботқоқларга етиб боради  
бир күкракка келмайди етиб.

Майсаларга ағанаб ётай,  
дайман  
очиб дил қафасини,  
Лабларимни босаман, лекин  
сезмайман, о, ер нафасини...

\* \* \*

Борлик узра ёйилган туман,  
уриласи тунд юзларимга.  
Хувв-вв дарахтлар, анов тепалик,  
күрінмайди гоҳ күзларимга.

Ибтидога қайтғанмикин вақт,  
ел беркингандың күхна ғорларда.  
Ер юзида тирик жон йүқми,  
арқон үйнәр бүм-бүш дорларда.



Хатто, күёш, қара, панада...

ерда күзёш, нам қолмоқдадир.

Туман ичра қароғларимда

оzmас, күпмас – ғам қолмоқдадир.

Нечун хазон ўйнар бу соат  
тирикликнинг маҳзун боғида.

Жар бошига келиб қолибман,  
қаранг, бу дам боғ адогида.

О, кўзларим! Юмилма энди,  
чўкма намчил туман қаърига.

Бир тутам нур, о, бир тутам  
нуқта кўяр ҳозир барига...

\* \* \*

Одам унутганда,  
эслатгин, тупрок,  
тўрт ёқдан келмаса  
на садо, на бўз.

Кўп ўлик юраклар  
туриб кетарди,  
наҳот, етмаяпти,  
наҳот, битта сўз...

Айтгин,  
тил учидаги бўлса  
ҳам, майли.

Юзига тик боқкин  
одамнинг, қани?!

Биргина  
ёлғонга уйқашмаган сўз  
кутқариб қолади  
буғун ҳаммани...

# КАРОМАТ

Ҳикоя



**Абдуқаюм ЙҮЛДОШЕВ**

Танлаётганимиз қаҳвахона-ю, талаб “биттада – тўрттаси” тарзида эди:

– Ҳам арzon... ҳам овқатлари зўр... ҳам ароклари тоза... ҳам хизмати шоҳона бўлсин!

Шошиб чикиб кетаётганимиз маҳал шартнинг бешинчиси ҳам янграб қолди:  
– Алоҳида зали бўлсин!

Шуниси энди ортиқча-ёв. Ҳар калай, рўйхат бўйича бор-йўғи саккиз киши бўлсак, ҳа, ана, “хўжайн”нинг хўжайнини уч киши бўлиб ташриф буюрар, тўртта бўлиб. Шундаям битта зални тўлдиролмаслигимиз аниқ. Аммо нима ҳам қиласардик, топшириқ ўз номи билан топшириқ-да. Устига-устак, раҳбарнинг истаги муҳокама қилинмайди, қўл кўкракка қўйилганча, ним эгилган кўйи “Хўп бўлади!” дейилади эса... ошиғи билан адo этилади.

Хуллас, тафсилотларни тушириб қолдирадиган бўлсан, хоҳиш ва чўнтақка траша бир емакхона топилди. Ўзиям шундоққина шарқираб оқаётган катта ариқ бўйида, қўкка бўй чўзган адл дараҳтлар бағрида дент, атай буортма қилингандай, йингирма кишига мўлжалланган алоҳида кабинети ҳам бор экан.

Янги раҳбаримиз Жонузоқ телефонда гаплашган маҳали ҳам эгилиб турадиган сунячик-валломати – ҳакикий амалдорларга хос басавлат, энли қизил бўйинбог тақкан, куёш кўрмайдиган юзи бўрдек оппоқ Фатхиддин Садриддинович бир соатча туттириб бўлса ҳам, ҳар нечук, илоннинг тилидай ингичка жигарранг бўйинбогли (уҳшатмагунча учратмас деганлари шу-да), юзининг чап томонида тиртифи бор биткўз ҳайдовчиси билан ошёнимизга қадам ранжида қилди. Ўшангача дамо-дам қўл телефонининг соатига кўз ташлаб олаётган Жонузоқ асабийлашиб, устма-уст сигарет тутатди, биз эса ҳали очилмаган дастурхондан кўзимизни опқочган кўйи, егуликларнинг ёқимли хиди боис беихтиёр ишлаб кетган сўлак безларимизга карши аёвсиз курашган кўйи, “култ-култ” юtingанча йўлга маҳтал тикилиб ўтиравердик.

**Абдуқаюм ЙҮЛДОШЕВ** – “Шуҳрат” медали билан тақдирланган. 1962 йилда тугилган. Тошкент Политехника институтини (ҳозирги Техника университети) тамомлаган. “Қароғизим. Шайх ур-раис”, “Сунбуланинг илк шанбаси”, “Тимсоҳнинг кўз ёшли”, “Парвоз”, “Бир тун ва бир умр” каби китоблари нашр этилган. Р.Бредбери, А.Кристи, Ф.Браун, Э.Помпер ҳикояларини, Е.Березиковнинг “Буюк Темур” романини (Х.Шайхов билан ҳамкорликда) ўзбекчага таржима қилган.

## Абдуқаюм Йўлдошев

Фатхиддин Садриддинович “Вассалимнинг вассали – менинг вассалим эмас”, деган ақидага катъий амал килади чоғи, бизнинг қуюқ саломларимизга нисбатан енгил бош ирғаб қўйиш билан кифоялангач, ер юзида шундок бандалар ҳам мавжудлигини унутгандай, юмшок курсига кулайроқ жойлашиб олди-да, фотиха маъносида бармокларини юзига сийпаш асносида сўрашишни ҳам насия килган қўйи, садоқатли шогирдига караб сокин улуғворлик ила садо берди:

– Вақт зикроқ.

Беихтиёр лабим жийрилиб кетаётганини сезиб, тишимни тишимга босдим, илло, маҳобатли гавдадан мен ишониб кутган даражада гумбурлаган эмас, аллакандай ингичка, хаттоки... узру, хотинчалиш овоз чикканди.

Бу писандани эшитган шогирд деганлари типирчилаб қолди-ку: ҳовлиқиб нон синдирган, ликопчаларни валломати томон сурган, титраб-қақшаб, дастурхонга тўкиб чой қўйган... Хайрият, йигитлар давра қўриб юришган эмасми, дарҳол бу борада ташаббусни қўлларига олишиб, Жонузокнинг мушкулини осон килишди.

Фатхиддин Садриддинович ароқ ичмас экан, конъяқдан оз-моз нўш этиб туаркан. Бўғриқиб кетган Жонузокнинг “Биринчиси билан иккинчисининг орасидан қил ҳам ўтмаслиги керак” деган анъанавий таклифига кўра иккинчи қадаҳлар ҳам бўшатилди. Шундан кейингина қадрли меҳмонимизнинг юзида ҳаёт аломати сезилди: озгина қизил югорди, Жонузок ҳам сал ўзини босиб олиб, титраб-қалтирашин камайтириди.

Бунақа давраларга боравериб ўрганиб қолганми, нима бало, Фатхиддин Садриддиновичнинг биткўз ҳайдовчиси хеч ким билан иши бўлмай, дастурхон бошида ёлғиз ўзи ўтиргандай иштаҳа била тановулга киришганди. Унга ҳавас билан қарадим. Тез овқат чайнаётган маҳали биткўзнинг юзидаги тириғи худди калтакесакнинг узилиб тушган думига үхшаб иланг-биланг қиларкан. Буни қўриб кулгим келди, бироқ суқим кириб қолмасин, деб, дарров кўзимни олиб қочдим.

Сал нафси ором олган, шекилли, курси суюнчиғига ястанган Фатхиддин Садриддинович давра ахлига андак норозилик билан, ўsic ҷап кошини чимирган қўйи назар ташлади. Шу аснода бизга хизмат кўрсатаётган, ора-сира келиб “Камчиликлар йўқми?” деб сўраб кетаётган йигирма беш ёшлардаги, озғингина, оқ юзли официант кизга ҳам танқидий караб қўяркан:

– Гендер хуқуқларига амал қилинмадими? – деб сўраб қолса бўладими.

Жонузокнинг оғзидаги оғзида, бўғзида бўғзида қолди; бечора қўлидаги чала гажилган товуқ оёғини нима қилишни ҳам билмай каловланарди. Алоҳа, бу нозик қочирим маънисини раҳбар англамаганини сезди-ёв, муовин тавозе ила изоҳ берди:

– Ходимларимизнинг деярли ярми хотин-қизлар. Биз уларнинг ҳақ-хуқуқларини...

Аммо Фатхиддин Садриддинович ходималарнинг ҳақ-хуқуқлари борасида маъруза эшитишни истамади чоғи, изоҳнинг биринчи жумласи билан қаноатланган қўйи даврага истехзо ила ишора қилди:

– Кўриниб турибди...

Бу сафарги пичинг-қочирим анчайин яланғочрок бўлдими, ҳайтовур, недир илдаони илғади, шекилли, бирдан ранги бўзариб, кўзлари ола-кула бўлиб кетган Жонузогимиз жон аччиғида, нажот излагандай ён-верига аланглади. Бироқ стол атрофида факат ўз ҳамжинсларини кўргач, қуйи лабини қаттиқ тишлаган қўйи бужмайиб қолди, назаримда, пешонасидаги ажинлари бирдан чукурлашгандай бўлди.

Фатхиддин Садриддинович деганлари бирорнинг қусурини кўриб қолса, юзингизнинг демай писиллатиб отишга уста чоғи, навбатдаги зарба ҳам ўзини кўп туттириб кўймади – бир неча ликопчани янгилаган официантка кабинадан чикиб кетаётган маҳал одатига кўра:

– Камчиликлар йўкми? – деб сўраганида, раҳбаримизнинг раҳбари нечукдир зорозироқ тарзда, жеркиброк сас чиқарди:

– Камчиликлар етарли.

Бу сафар ўзимизни нейтрал иштирокчилар, “фон” сифатида ҳис этиб ўтирган биз кам гарангсиб қолдик: баайни маҳорат ила оғзидан олиб ёқасига ёпиширилган сўз ўйинидан кулайлик десак, писанданинг оханги кескинроқ; ҳеч нима эшитмагандай жимгина овқатланаверайлик десак, яна нокулай: бизнинг бу ҳаракатимиз, ўтириғи ҳаракатсизлигимиз “Сенинг гапинг – менинг фалоним” тарзида қабул қилинмасмикан...

Шунақанги нозик вазиятларда кичик бошликларнинг жонига тўзим берсин-да!

Жонузок – ҳали янги раҳбар эмасми! – кесатикили қочирим маънисини англаб этишга беҳуда уринган аҳволда, оғзини ёпишниям унуган кўйи мияси олиб ташланган кўй каби анграйиб-довдираб, эсанкираб, сўлжайиб гоҳ Фатхиддин Садриддиновичга бақраяди, гоҳ бизга.

Яхшиям эски тулкилардан бўлган абадий муовинимиз бор экан. Тажриба барибири тажриба-да. У киши шартта ўрнидан турди-ю, кабинага чўккан нокулай сукунатни бузмоқ қасдидами, негадир раҳбаримизнинг раҳбарига, хаттохи янги бошлиғимизга эмас, яримлаган конъяқ шишиласига қараб, қўлини кўксига қўйган кўйи дўриллаган овозда мурожаат қилди:

– Эллик-элликдан-а...

Сўнг, худди шишадан ўз таклифига маъқуллов эшитгандай шиддат ила унинг бўғзига чанг солди. Сафимиздан кимдир ароқ қуя бошлади.

Яна шу муовиннинг таклифига кўра “Юкорида айтилган яхши тилакларни михлаб кўйиш учун” ичдик.

Табиий инстинкт ўз ишини қилди: катта раҳбар ўз йўли билан, аммо оч ҳолингда, устига-устак тўкин дастурхон бошида ўтирган маҳалинг ошқозонни авраб ўтириш мушкул, инчунун, аста-секин санчқи-қошиқларнинг ликопчаларга урилиши кучая борди.

Ичишга ичган, бироқ газак ҳам қилмаган, нечукдир баттар хурпайиб олган Фатхиддин Садриддинович антишвонадай жажжи қадаҳни қўлида айлантириб кўп томоша қилди, хўп томоша қилди, сўнг, оғзига буюк мўъжиза кутаётгандай мутеларча, “манаман” дея кўзга ташланиб турган садоқатини изҳор қилароқ термилиб қолган Жонузок томон ўтирилди ва, дарҳақиқат, катта бир сирни айтиётгандай, маънодор оҳангда лутф этдики:

– У ёқларда официантка деганлари... табассум қилиб, яшнаб... учиб хизмат килади... Атрофингда гирдикапалак бўлади... Бир ишоранг билан нима хоҳлаётганингни тушунади, дарров ортиғи билан бажараради...

Афтидан, катта раҳбарнинг нимадан унчалик кўнгли тўлмаганини тусмол қилди чоғи, муовин ювилмаган қошиқдай орага сукилди:

– Ҳа, энди, чойчақа учун-да...

Фатхиддин Садриддинович унга ёвқараш қилди:

– Ўшаниям ҳалоллаб олиш керак, ука... У ёқларда хизматинг ёқмадими, тамом, чойчақа берилмайди!

Хафтафаҳмрок ўринбосаримиз яна қовун туширди:

## Абдуқаюм Йұлдошев

– Буям истеъмолчи хукуклари химоя килинишининг бир күриниши-да, а, Фатхиддин aka?

Афти нордон нарса егандай буришиб кетган азиз меҳмонимиз мувовинга жавоб кайтаришни ҳам үзига эп күрмади, шекилли, үкрайиб күйиш билан кифояланди.

Фатхиддин Садриддинович ниҳоят лаънати кадаҳни дастурхонга кўйди ва жойида қалтираб тўлғанаётган, не айб қилиб кўйганини англамаса-да, аллақачондан бери үзини гуноҳкор санаётган, айни лаҳзада валломати кошида тиз чўкиб изн сурашга ҳам ҳозир шогирдига энсаси котиброк караб кўйгач, надоматлар ила:

– Бу ерда бўлса... – деб кўйди.

Баногоҳ бошқариб кетаётган машинасининг рўли олиб кўйилгандай тамомила эсанкираб, довдираб қолган Жонузок бир оғиз жуфтлади... икки... уч... Йўқ, барибир курукшаб кетган томоқдан ноаниқ хиркирашдан бошка овоз чикмади.

Алоҳа “каттакон”нинг “у ёклар”даси нима маъно берәётганини илгади чоғи, мувовин минғирлаб кўйди:

– Дарҳақиқат, бунақа масалаларда чет эллар олдинда... Уларга етишга бизникиларга йўл бўлсин...

Кабинага сассиз кириб, ликопчаларни янгилаётган хизматдаги киз одатига кўра:

– Камчиликлар йўкми? – деб сўради.

Ва камина одатдагидай раҳбаримизнинг раҳбари хурпайган кўйи “Камчиликлар етарли” дея писиллаб кўяди деб ўйлагандим. Бироқ официантканинг жиддий чехрасига норози кўз ташлаб кўйган Фатхиддин Садриддинович вассали Жонузокнинг боши узра номаълум нуктага хорғин тикилган кўйи, минғирлади:

– Булар қачон одам бўлишади... Қачон кулибгина хизмат қилишни ўрганишади...

Алоҳа шўрлик раҳбаримиз товукникидай мияси билан неларнидир тусмол қилди-ёв. У ғўлдираб:

– Бир секунд, Фатхиддин Садриддинович, – деди-да, ҳовликиб ўрнидан туаркан, жон-жаҳди билан мувовинга “юр” ишорасини қилди.

Икковлон ёв кувандай шошиб чиқиб кетишгач, кабинага нокулай сукунат чўқди. На овқат ея оласан, на гапира оласан. Ҳамма кўз остидан ноҳақ хафа қилингандай баттар ўшшайиб олган раҳбаримизнинг раҳбарини кузатарди.

Юрагим сиқилиб кетди. Чўнтағимдан намойишкорона тарзда сигарета кутисини олдим-да, аста сирғалиб хонадан чиқдим.

Эшикни ёпиб, таомлар иси коришик бўғик ҳаводан чуқур нафас оларканман, шундай қаршимдаги устун ёнида баҳсласиб турган Жонузок, ўринбосар ва биз кабинани гаплашган шу қаҳвахона эгаси – ўттиз беш ёшлардаги семиз, тепакал, тирсиллаб турган енги калта йўл-йўл кўйлагига энли бўйинбоғ тангиб олган Адҳамни кўрдим.

Раҳбаримиз қалтираб-титраб дўқ урарди:

– Мени танийсан-а? Телевизорда кўргансан-а?

Кўл қовуштириб турган Адҳам ҳар эҳтимолга қарши бош иргади:

– Албатта, акажон, албатта.

– Агар хоҳласам ҳозирнинг ўзида СЭСни, пожарнийни чакириб, икки секундда кафенгни ёпдириб ташлайман! Юзта минималка штраф солдиртираман!

Мувовин орага суқилди:

– Икки юзта!

Жонузок баттар жўшди:

– Ичкарида ким ўтирганини биласанми ўзи, а? Биласанми?

Адҳам ёлворди:

– Қүйинглар, акажонлар... Хизматдамиз... Нима камчилик бўлса, бир секундда тузатамиз.

Афтидан, Жонузокка шу керак эди. У типирчилаб қолган қаҳвахона эгасига бармоқ ўқталди:

– Мен пулини тўлаб қўйдимми, шунга яраша сервис талаб қилишга ҳақлиман!

“Чиранчиқ олдилар-ку, – деган ўй ўтди кўнглимдан. – Пулини тўлаб қўйган иншлар. “Йиғ-йиғ”га бир сўм қўшмасдан туриб-а...”

Рахбарим ҳамон пўписа қилишни қўймасди:

– Чакир официанткангни! Кулиб кирсинг! Кулиб хизмат килсин! Пулини ҳалоллаб олсин!

– Бўлди, акажонлар! Бўлди! Сизлар bemalol ичкарига кираверинглар!

Адҳам ошхона томон учди.

Муовин ҳайратини изҳор қилишга ошиқканча ним эгилди:

– Аммо-лекин бопладингиз, хўжайин!

– Бунақалар билан шундай гаплашиш керак! Мен ўёқда эканимда бунақалар кўл ковуштириб, хизмат қилиш учун навбатда туришарди...

Энсам қотди. Нима бало, бугун ҳамманинг ушлаб олгани “у ёқ”ми дейман?

“Каттаконлар” эшик олдида турганимни кўрмай қўя қолишсин деган ўйда чкарига шошдим.

Икковлон узун-қисқа бўлиб кириб келишган, муовин шоша-пиша қадаҳларни тўлдираётган маҳал эшик очилди ва патнис тўла газак кўтарган Адҳамнинг ўзи – зарҳакиқат – табассумларга гарк бўлган қўйи кириб келди.

– Хуш келибсиз, сафо келибсиз, азиз меҳмонлар! – кўтаринки кайфиятда хитоб қилинган қаҳвахона хўжайнини. – Сизларни кафемизда кўриб турганимиздан бошимиз осмонга етди! Ёқимли иштаҳа!

Адҳам чақонлик билан ликопчаларни дастурхонга қўйиб чиқа бошлади.

Мен шунда Фатхиддин Садриддиновичнинг аввал анграйиб қолганини кўрдим, сўнг тишларини ғазабли ғижирлатганини эшитгандай бўлдим.

Жонузоқ дент, мактоб кутган боладай талтайиб ўтириби.

Муовин яна бир бор раҳбарига пахта қўйиб кетиш имкониятини кўлдан бермади:

– Жонузоқ аканинг хурматига шахсан кафе хўжайнининг ўзи хизматимизда!

Бу орада ликопчалардан кутулган Адҳам америка актёрларига үхшаб оппок тишларини намойиш килмоқчидай оғзини катта очиб илжайди-да, яна бир бор ёқимли иштаҳа тилашни унутмаган қўйи тавозе билан, патнисни қўлтиғига кистирганча хонани тарқ этди.

Ана шунда... Фатхиддин Садриддинович кутилмагандага шартта ўрнидан турди ва то Жонузоқ ўзига келиб олгунга кадар... шипиллаб жўнаворди.

Мўъжаз кабинамиз тўполон бўлиб кетди.

Ранги кўкарган, дағ-дағ қалтираётган Жонузоқ хўжайнининг ортидан отиларкан, жон алфозда муовинга ниманидир ишора қилишга улгурди.

Ўринбосар мени енгимдан судраб олиб чиқди. Икков ошхонага чопдик. Ўринбосарнинг шопскин кўрсатмасига кўра бизга хизмат кўрсатаётган официант киз алоҳида тугунчага ковурилган товуқ, тўртта кабоб, иккита нон, газаклардан кўйди, бошқасига конъяқ, шоколад, сув-пув солинди.

Иккала тугунчани кўтарганча ташқарига югурдик.

Биткўз аллақачон рўлда, машинанинг мотори ишляпти, Фатхиддин Садриддинович эса орқангич очиқ эшик олдида тайсалланиб туриби, ёнида иккала кўли кўксисда Жонузоқ.

## Абдуқаюм ЙҮЛДОШЕВ

Хайдовчи ҳүшёр экан: яқинлашган маҳалимиз юхона эшиги үз-үзидан очилди.

Рахбаримизнинг раҳбари тугунчаларга ёқтирасдан кўз ташлаб кўяркан, Жонузокқа навбатидаги нишини сұқди:

– Эътиборинг учун, у ёкларда бунака ишларни официантканинг үзи бажаради.

Ниҳоят айбдор топилганди – раҳбаримиз қаҳр билан муовинига амр этди:

– Чакиринг агар... авлиё бўлсаям!

Шўрлик муовин қаҳвахонага караб зипиллади.

– Швабраси тузук...

Яқинрок туриб қолганим боисми, мен Фатхиддин Садриддиновичнинг бу сўзларини аниқ эшидим, аммо уларнинг мағзини тушуниб етишга ақлим ожизлик қилди. Энди тамомила эсанкираб, пешонасига тер тошган, лаблари пир-пир учайтган Жонузокнинг ахволини тасаввур этиш қийин эмасдир.

– Кучоғингга сиғади... – деб кўйди бу орада Фатхиддин Садриддинович.

Айнан шундай деди.

Бу қадар жумбокли, эҳтимолки ҳикматга бой тош ёнғоқ жумлаларни чакиб, ичидаги моҳиятини кўриб-тушуниш камина каби акли кўтоҳлар имконидан ташқарида, албатта. Бироқ, Жонузоқнинг кийшайиб-қорайиб кетган юзига, аянчли ахволига қарадиму, раҳбар эса-да, ақлий интеллект коэффиценти меникидан унчалик баланд эмас, шекилли, деган карорга келдим. Ҳар нечук, бундок эътироф туйқусдан зада кўнгилга аллақандай мазах аралаш сурур туйғусини олиб кирганини тан оламан: “Ул-а, бу кунингдан, артист...”

Ишхонада беш-олти дарддош-сирдош (азбаройи холислик учун қавс ичидаги кўшиб ўтиб кетай, улар орасида бир муддат бўшаб қолган юмшоқ курси илинжида тамшаниб юрган, ҳатто елиб-югуриб ҳам кўрган, ана энди, муддаолари ҳосил бўлмагач, дами чикқан пуфакдай шалвираб, янги раҳбарга зимдан тиш қайраб юрган икки собик даъвогаримиз ҳам бор) – орқаворатдан албатта! – Жонузокни шундай деб атардик. Илло, қачонлардир, “ойнаи жаҳон”да хизмат қилган кезлари уч-турт марта экранда кўриниб, маънавияту қадриятдан ваъзлар ўқиган, босиб келаётган “оломон маданияти” хавфига қарши қилич яланғочлаб чиққанини оташин нутқида намойиш этароқ, “кўп сонли томошибинларни”-да огоҳликка даъват этган бу кимса нечукдир үзини буткул эл, ҳа, майли, мақтанчоқлик бўлмасин, аҳолининг камида ярми танишига мутаассибларча ишонарди. Шу ишонч таъсирида бўлса керак, у айниқса бегона одамлар орасида кўпинча үзини хаёлпараст ижодкор сифатида тутар, мурожаат этганларида эса – ҳамиша қулоги динг бўлгани ҳолда – баногоҳ чукур, ўта чукур тафаккуру мушоҳада оламидан қайтиб келишга мажбур бўлган даҳодай намойишкорона оғриниб, алланечук норозилик билан, киприкларини пирпиратган кўйи “Узр, хаёл олиб кетибди... Бир нима дедингизми?” деб сўрардики, шўрлик содда савол бергувчи үз густоҳлигидан, шундок буюк одамни арзимаган саволи билан чалғитганидан хижолат тортиб қоларди. Артист, ўлай агар, артист!..

Ўша рангли кутини маълуму машҳурликнинг кафолати сифатида биладиган Жонузоқ бизга раҳбар мақомида таништирилган тақдимот машваратидаёқ үзига сўз беришганида дастурий маъruzасини истиҳола-пистиҳола қилиб ўтирасдан “Мени ҳаммаларинг танийсизлар: телевизорда кўп кўргансизлар” деб бошлаганини эслаб ўтмасам бўлмас. Бироқ бу ҳали ҳолvasи экан. Кейинроқ ўтказилган, котиба томонидан “беш дақиқалик” деб эълон килингани ҳолда одатда икки-уч соат давом этадиган, бир одам монологидангина иборат бўладиган ўта зерикарли мажлисларида ҳам ўрни келса-келмаса “Мен у ёқда эканимда ҳар қандай топшириқни дўндириб ташлардим, чунки қаерга борсам, мени албатта танишади... Менинг үзимдан кўра

иқлирок... Мен у ёқда эканимда...” кабилидаги даъво-дастаклар билан қыларни сил килиб юборадиган бўлди. Хўп, эслаганингдаёк оғзингнинг саҳидиган даражада киёмат яхши жойда ишлаган экансан, юравермайсанми тиб; бизнинг номи улуғ, супраси куруқ идорада пишириб кўйибдими сенга, марднинг ўзи йўқ.

Руси, тан оламан, киёфаларни эслаб қолишга укувим йўкрок. “Зангори бир кўрган одамимни эртасига кўча-пўчада учратиб қолсам, – улар биринга ўхшаб кетишилари учунми – мутлақо танимаслигим-ку, юз фоиз аник. бабли, навбатдаги аччик ичакдай чўзилган йифинда шахсан раҳбаримизнинг менга: “Мана сиз, масалан, менинг чиқишимни неча марта кўргансиз?” ида, очиғи, аввалига нима дейиши билмай довдираб қолдим. Сўнг, ҳар қанча ида, хотирамнинг аллақайси қоронги пучмокларидан ҳам ўзимга бақрайиб турган бу башарани тополмаслигимга амин бўлгач, ноилож айёрлик қилдим:

- Телевизоримиз бузук эди.

Кимдир – шубхасиз, кўйнига алам пичоини солиб, пайт пойлаб юрган магарлардан бири – “пик” этиб кулиб юборди. Жонузок менга очиқдан-очик ланиб, ишонкирамай қаради, сўнг ўсмоқчилаб сўради:

– Канча бўлди бузилганига?

Энг оғири – бошлаб олиш. Кейин давом этаверади. Мен ҳам киприк қокмай кайтардим:

- Беш йилча.

Назаримда, ўтригим фош бўлди. Илло, норози тарзда бош чайқаб кўйган янги баримизнинг оғзидан:

- Охириг чиқишимдан бери олти йил ўтди, – деган гап чиқиб кетса бўладими?!

Табиийки, ҳаммамиз ўзимизни бу икрорни эшитмагандай тутсак-да, кўнглимдан шаккоона ўй кечди: “Ул-а, мақтанадиган матоҳингнинг яроқлилик муддати шакачон ўтиб кетган экан-ку...”

Ким билади, эҳтиётсизлик туфайли лабим сал жийирилдими ёинки кўзларимда ҳизирик ўти чакнаб кетдими, ишқилиб, бирдан менга шубхаланиб қараб кўйган Жонузок бошини сарак-сарак қилганча дафтариға нимадир ёзib кўйди.

Бу “нимадир”... келиб-келиб айнан менинг штатим кискартирилиши лозимлиги ҳидаги қайд экан. Бу совуқ хабарни қулоғимга шивирлабгина айтиб кетган ғулар бўлими нозирасининг сўзларига қараганда, янги раҳбаримизнинг фикрича, бизда ортиқча ходимлар анчагина эмиш, шуларни бирин-кетин кискартириб бориш учунг зиммасига юклатилган “устувор вазифалардан бири” эмиш.

Аввалига бу қарорни унчалик кўнглимга яқин олмадим, ҳатто, ўзимга ўзим далда бериш учунми, “Шу турқи совуқ ўзи ёқмайроқ турибди-да, кетсам кетарман”, деган ўйларгаям бордим. Аммо тез орада, тўрт-беш идорага зидан иш суриштириб борганимдан сўнг бирдан сергак тортдиму, бундай хом ҳаёлларим тумандай учди-тетди. Илло, идоранинг энг кекса ходимларидан бириман – ёш қурғур эллик етти остонасига келиб кўйган; уч йилдан сўнг пенсияга чиқаман. Инчунун, ёш-ёш, кеча институтни битирган, тил билгич, компьютер деганларининг сичқончасидан кириб, экранидан бус-бутун чиқиб келадиган мутахассислар дарвозанинг турумини бузиб турганда, мендай бир... қариянинг улар билан ракобатлашишига йўл бўлсин.

Шафқатсиз воқелик мени кўркувга солди ва мен... бирдан думимни қисдим... Нигилишларда Жонузокжонга тик қарамайдиган, ердан кўз узмай ўтирадиган, унинг ҳамма гапини маъқуллаб, бош иргайверадиган бўлдим; шанба кунлариям ишга келаман дeng; уч-тўрт марта ишни жуда моҳирлик билан олиб бораётган,

## Абдуқаюм ЙҰЛДОШЕВ

кадрларга меҳрибонлик ва ғамхұрлық намуналарини күрсатаётган янги раҳбаримиз шаьнига мақтөв тұла хүшомад сұзларини айтдым...

Ваҳоланки, “Жонузокжон”нинг бор-йұқ каромати менга үхшаб сал бош күтариб қўйғанларни ўта маҳорат ва ҳаттоқи санъаткорона тарзда, минг бир ҳийланайранглар, киши билмас пўписа-таҳдидлар билан тавбасига таянтириб қўйиш, жиловни маҳкам ушлаб туриш эди назаримда. Яна ким билади дейсиз. Ахир кўрқсанга қўша қўринади-ку...

Шу билан штат қисқартирилиши масаласи ҳозирча қўзғалмай турибди. Аммо мажлислар маҳали Жонузокнинг ора-сира менга синовчан-синчков кўз ташлаб қўйишларига қараганда, масала кун тартибидан олиб ҳам ташланмаган. Инчунун, мен янада эҳтиёткоррок, янада хүшёррок бўлишим лозим.

Хуллас, омонатгина ишлаб турибман. Пой-пatakлилигим жуда жонимдан ўтиб кетган ёинки кўнгил тубида норозилик ҳислари тўлғониб қолган чоғлари дарҳол ўзимни ўзим овутишга уриниб, кун санай бошлайман: “Ўттиз беш ойгина қолди... Бу бор-йўғи бир минг эллик кун дегани... Унинг ҳам камида бир юз эллиги дам олиш кунлари... Нима деган гап ахир, бирпасда ўта-кетади... Армиядаям уч йил юрганман-ку... Эсон-омон пенсияга чиқиб олай, кейин елкамнинг чукури кўрсинг бу идорани...” ёрдам беради...

Ҳай, ўтлаб кетдим-а, азага келган дардини айтиб йиғлайди, деганлари шу-да ўзи. Қаҳвахона ёнига қайтайлик.

Муовин... яна қаҳвахона хўжайнини бошлаб келарди. Буни кўрган Фатхиддин Садриддинович жахл билан “тфу” деди-да, – ҳа, айнан “тфу” деди, тупурмади – машинасининг орқа ўринидигига чиқиб олди-қўйди, сўғин эшикни намойишкорона қарсиллатиб ёпди.

Бақа бўлиб қолган Жонузок муовини қолиб, Адҳамга үшқирди:

– Қани официантканг?

Ана шунда кўрдим: қаҳвахона хўжайнини пинагини ҳам бузмади, афтидан, бунақа кекирдагига зўр берадиганларни кўравериб, пишиб кетган ёинки бу даврага энди бошқа нарса ўтказолмаслигига қўзи етган. Унда боя нега ўзини унақа тутган экан? Бақироқ мижознинг кўнгли учунми? Ё бир мазах қилиб, устидан кулгиси келдими? Артист... Уф-ф-эй, бу ҳаётда хамма артист-а...

Хуллас, Адҳам деганлари бир туки қилт этмай хотиржам жавоб қайтарди:

– Мижозларни узатиб қўйиш официанткамнинг хизмат вазифасига кирмайди, ака.

Ҳа, айнан “узатиш” деди, “кузатиш” демади, шу сўзнинг ўзида қандайдир мазахомуз писанды бордай туюлди менга.

– Э оналарини үшанингнинг!.. – ёмон сўкинди Жонузок. – Бор, чақир!

Қаҳвахона хўжайнин ён беришни хаёлига ҳам келтирмади:

– Хурматингиз бор, ака, лекин...

– Хурматингни бир жойга тиқиб қўй-да, оёғини ерга текизмасдан судраб кел!

Бўлмаса мендан кўрадиганингни кўрасан!

Бу галги пўписа чивин чаққанчалик таъсир килмаган Адҳам очигига кўчди:

– Бунақа хизматлар пули...

Бундай гап бўлишини кутмаган, шекилли, Жонузок аввал қаҳвахона эгасига анграйиб қаради, сўнг негадир папкасини олиб, ичини титкилаётган Фатхиддин Садриддинович томон бир кўз ташлаб олгач, жон ҳалпида вишиллади:

– Оғзингга сиққанини оласан, паст! Бор, опкел!

Барибир, “паст” Адҳам келишувни мустахкамлаб олишга уринди:

— Лафз қилдингиз-а, ака...

Үзінгә эътиroz билдиришларига күникмаган Жонузок бүкириб юборди:

— Бор, дедим! Эркакман мен!..

Шу ваъдани кутиб турғандай, бўйинбоғли хўжайнин қаҳвахонасига зипиллаб  
жадид.

Недир имдод бўлганми, биткўз ҳайдовчи сигнал чалди.

Типиричилаб колган Жонузок қайта-қайта қараб ҳам қаҳвахона эшигидан ҳеч ким  
маётганини кўргач, Фатхиддин Садриддинович томон эгилди. Хўжайнининг  
кораси билан ҳайдовчи эшик ойнасини пастга туширди.

— Фатхиддин Садриддинович, сиз бемалол бораверинг, — энтикиб шивирлаётган  
Жонузок ҳайдовчига ишора қилди. — Акамиз сизни ташлаганларидан сўнг қайтиб  
жизнинлар. Арзимаган...

Фатхиддин Садриддинович миқ этмади, аммо ҳайдовчиси томон қараб қўйди.  
Хўжайнининг нима демоқчи бўлганлигини нигохидан хис килса керакки,  
ҳайдовчи ойнани кўтарди. Машина оҳиста сузуб көтди.

Қайтиб қаҳвахонага кирдик.

Кайфияти бир пул бўлган Жонузокнинг шахсан ўзи митти қадаҳга эмас, катта  
желага ароқ тўлдириб қўйди-да, бир қўтаришда ичиб юборди. Сўнг ғазабдан  
жоқаланган кўзларини биз ғарибларга бирма-бир қадаб чиққач, муовинга  
нишиллади:

— Топган жойларингдан ўргилдим сенларнинг!

Муовин жон ҳолатда ўзини оқлашга тушди:

— Хўжайн! Айборман...

— Ана энди айбингизни... айбингизни... — Тили ғўлдирай бошлаган хўжайнин  
муносиб сўз изларди. Ишқилиб “қон билан ювасан” демасмикан, деган ўйдан  
жавотирга тушдим: билиб бўладими, абадий муовин шартта пичоқни олиб... Йўқ,  
тар тугул, пўписа у даражага бориб етмади, гап умумийроқ талаб билан яқунланди:  
— ...ювасиз!

Муовиннинг юзига қон югорди:

— Юваман, албатта, юваман!

“Шўрлик бир зиёфатга тушди-ёв”, деган тусмолга бордим. Аммо... Жонузокнинг  
авзорийдан гап ўтириш ҳакида кетаётганга ўхшамасди.

— Бизга хизмат қилган официантка эсингиздами? Швабра?

— Эсимда, эсимда, — хи-хилади муовин. — Тўппа-тўғри айтдингиз, хўжайнин.  
Ҳакикий швабра. Бутаб ташланган, қўли ўрнида иккита шохи колган теракдан  
фарқи йўқ.

Жонузок жойлашиброқ ўтириб олди, жонсарак муовинга тепадан, синчиклаб  
каради.

— Уларнинг ҳаммаси анақа, а?

Муовин гап оҳангини илғамади:

— Қанака, хўжайн?

Жонузок жеркиб берди:

— Юрдиган, галварс!

Муовин шоша-пиша маъқуллади:

— Тўппа-тўғри, ҳаммаси юради. Уларнинг иши ўзи шунақа. Тўғрими, йигитлар?

Давра атрофида соме тарзда ўтирган биз “йигитлар” ғўлдираб бу фикрини  
маъқуллаган бўлдик. Яхшироқ кўриниб кўймокчи бўлдими, орамиздан кимдир  
дўриллади:

## Абдуқаюм ЙҮЛДОШЕВ

– Э, юрмайдигани йүк буларнинг! Соккасини олса бўлди-да...

Гапини маъкуллатиб, афтидан, дадил бўлиб олган Жонузоқ энди муовинга бемалол ўшқирди:

– Юринг бўлмаса!

Раҳбар йўл бошлади, ўринбосар зипиллаб унга эргашди.

Карасам, “йигитлар”нинг аста-секинлик билан дастурхон томон чўзилган кўллари тобора тезлашмоқда...

Чекишни баҳона килиб, хонадан чиқдим, бир-бирига капишиб вальс тушаётган эркак-аёллар орасидан ўтиб, арик бўйига бордим.

Нимадан кочсанг, шунга тутиласан ўзи. Тўлиб бўтана сув оқаётган арикка қараб турсам, ортимдан алпонг-талпонг қадам товушлари эшитилди ва мен ўгирилиб, айна шу томонга келаётган Жонузоқ билан муовинни кўрдим.

Бу ердан кандай қилиб сездирмасдан, уларга кўринмасдан чиқиб кетиш йўлини излай бошладим. Шу маҳал энди бўйинбоғини ҳилпиратиб чопиб келаётган Адҳам йўл-йўлакай:

– Кўнмади! – деб бакириб колди.

Энди менга ортга йўл йўк эди. Жойимда тураверсам, худди атай келгандай, гап пойлаётгандай бўлиб қолсам керак. Беҳтиёр танаси кучокка сиғмас дараҳт ортига ўтиб олдим.

– Қанакасига кўнмади?

Савонни берган Жонузоқ эди.

– Шунақасига! – ҳаттоқи андак тантанаворроқ тарзда эълон қилди каҳваҳонанинг туллак хўжайнини.

Ўринбосар иккиланиброқ садо берди:

– Қанча деялти?

– Э, пулини гаплашишгаям улгурмадим.

Жонузоқ хириллади:

– Нархини оширавермай, бўладиганини айтсин.

Адҳам шубҳаланиброқ сўради:

– Ўзи берадиганларинг нақдми?

– Накд! – бўкириб юборди Жонузоқ. – Мана, соққасини бу акамдан оласан. Етмаса, уйига бориб бўлсаям олиб келади. Тўғрими, ака?

Нафаси ичига тушиб кетган, бирдан “ака”га айланиб қолган муовин ожизона минғирлади:

– Ҳа... ҳм...

Шундагина мен ўринбосар айбини қай тарзда “ювишини” тушундим...

Адҳам югуриб кетди.

– Гап бундай, ака. Хўжайн – катта одам. У менга... бизга ҳали кўп керак бўлади. У кишининг ёрдами билан ҳали кўтарилеман, шунда сизниям ўзим билан олиб кетаман...

Афтидан, ҳамон миясида ўзидан кетиши мумкин бўлган пулни ҳисоблаётган муовин яна минғирлади:

– Ҳа... ҳм...

– Хуллас, ака, шу топшириқни бажармасак бўлмайди. Бу ҳаёт-мамот масаласи. Янга бир ойдан бери Италияда, дам олишда. Янга энди жуда семириб кетган. Егани ёғли овқат-да. Фатхиддин Садриддинович бир маст бўлиб колганида хотинини “спальний диван” деб атаган. У кишига озғинлар, кучогига сиғадиганлар ёқади. Шуларга кўнгли суст кетади. Шунинг учун, нима қилиб бўлса ҳам...

Мудида-эй. Ўзимнинг бу ҳолда бикиниб туришим ўзимга наша қилиб кетди. Алиб, дараҳт ортидан чиқдим.

Қонузоқ менга ёвқарашиб қилди:

– Ҳа?

Ўзимни оклаган бўлдим:

– Айланаб юргандим...

Шу маҳал Адҳам яна лўкиллаб чопиб келди.

– Кўнмаяпти, акалар.

– Айтмадингми пули нақд деб? – жеркиб берди уни Жонузок.

– Айтдим. Кўнмаяпти, абраҳ!

Қонузоқ кизишиди:

– Ким ўзи у кўнмай? Оддий бир официантка бўлса? Қўл остингда ишласа?

Бармисан ўзи, а?..

Мижознинг ҳар бир гапини маъқуллаб бош ирғаётган Адҳам қўшимча қилди:

– Бунинг устига қишлоқдошим.

– А?

Бу илинж аралаш хитоб муовинга тегишли эди. Ҳар нечук, қиз ҳамқишлоғи

лса, шу билан бу савдони тугатиб қўя қоламиз, деган ўйга борди-ёв бечора.

Адҳам бажонидил изоҳ берди:

– Синфдошимнинг хотини.

– А?

Муовиннинг бу сафарги хитобида шодумонлик унсурлари сезилиб қолди.

– Эри икки йил бурун Россияга кетвортган. Шундан буён дом-дараги йўқ. Пул

хобориш у ёқда турсин, телефонам қилмайди. Бу ёқда иккита бола. Едириши-ичириш  
перак. Қишлоқда иш йўқ. Шунга, иш сўраб ялинниб келганди, раҳмим келиб олгандим.

– Эр бедарак кетган, – хулоса ясади Жонузок. – Иккита бола... Идеал вариант экан.

Бор, гаплаш! Талаб қил! Лекин мен билан ҳазиллашма. Кимлигимни биласан-а!

Адҳам деганлари сирли илжайди:

– Ҳурматингиз бор, aka. Қаранг, ўша рамақијоннинг ўрнига зўр вариант топиб  
куйдим. Чертиб-чертуб танлаб олаверинг. Пулини келишсак бўлди.

Шундай дея мудир бош бармоғи билан ўрта бармоғини шиқиллатганди, коронгиликдан лорсиллаган, роса бўяб-бежанган, кўпчиб турган сийналари-ю бўлиқ сонларини кўз-кўз қилаётгандай очик-сочиқ кийинган икки аёл саллона-саллона қадамлар ила чиқиб келишиди. Уларни боя танца тушаётгандар ичидагургандай бўлгандим. Демак, шу ернинг “штат”даги хонимчалари...

Адҳам викор билан кўкрак керди:

– Қалай? Даҳшат-а!

Жувонларга бир қарашдаёқ нордон нарса егандай афти буришиб кетган Жонузок  
кескин бош чайқади:

– Йўқот буларингни! Бунақалар, ана, кўчадаям тиқилиб ётибди. Хоҳласам, икки  
минутда йигирматасини топиб келаман. Менга ўшанинг ўзи керак! Ўзи!

– Лекин...

– Йифиштир “лекин-пекин”ингни! – Жонузоқ мудирга шубҳаланиб қаради: – Ё  
ўзинг ўйин қиляпсанми? Ўртоғимнинг хотини деб...

– Йўғ-э, aka. – Мудир бармоқларини яна бир шиқиллатганди, жувонлар мик  
этмасдан ортларига қайтишиди. – Ишонмасангиз...

– Ишонмайман! Битта гапинггаям ишонмайман! Лекин, айтиб кўяй, менинг  
кимлигимни биласан...

## Абдуқаюм ЙҰЛДОШЕВ

– Ишонмасанғыз... үзингиз бирга юринг, олдингизда гаплашаман!

Жонузок нафрат билан лаб бурди:

– Құнғиллари яна нимани тусайды? Бу сенинг бизнесинг-ку!.. Мен энди келиб келиб бир официантканиң олдига бораманми? Мен-а? Мен-а?.. У киму, мен ким?.. Сен менинг кимлигимни, агар хохласам икки минутда...

– Бұлти, унда үзини шу ерга бошлаб келаман. Үзингиз әшитасиз.

Адҳам юлқиниб, ноҳак хафа қилинган одамдай норози киёфада ичкарига кириб кетди.

Жонузок “чирт” этказиб тишлари орасидан тупурди. Сұнг:

– Бұлти, – деди бизга қараб. – Бу ерда туриш менинг обрүйимга тұғри келмайди. Иккаланг гаплаш. Ишни пухта қилинглар. Тушунтириңглар, машина оборади, ё икки-уч соатда, ё әрталаб қайтариб олиб келиб құяди.

Шундай дея Жонузок ичкарига кирди-кетди.

Мен муовинга қарадим, муовин менга.

– Нима қиласыз, ақа?

“Ақа” елқа қысади, холос.

Қарасам, зал тарафдан Адҳам билан үша бизга таниш официант жувон үзаро жиқиллашиб чиқиб келишіпти.

Негадир үзимни четрокқа олдым, муовин менга эргашди.

Адҳам гапиради:

– ...Хөв қиз! Булар катта одамлар! Эртага булар мени әзіб ташлашади! Тушун шуни, ахир! Бир марта ёрдам бер! Ахир сени үзим ишга олғанман.

Жувон:

– Адҳам ақа. Сиз мени официанткалиқка ишга олғансиз, бузукчилик қилишга әмас...

– Менга қара. Агар яхшилиқча айтганимни құлмасаң, Достонға телефон қиласаң, хотининг бузилиб кетди, ҳамма билан юрятпі дейман.

Жувон жойида таққа тұхтади, қараб турғандым, күзләрі катта-катта очилиб кетди:

– Сиз... сиз... Достон ақа билан гаплашиб тұрасизми? Хабарим йүк дегандингиз-ку.

– Ҳа, ҳар замонда гаплашиб тұраман. Энди сенға ростини айтадиган бұлсам, үша ёқда үйланиб олған у Наташага. Яқында қызы бұлишибди.

Жувон инграб юборди.

Адҳам уни аврашға түшди:

– Құрьясанми унинг аблаклигини! Ҳамманиң йұли бошқа. Бунинг устига яқында келиб, сендан офисална ажрашиб кетмоқчи. Шунинг учун ҳам ҳеч афсусланма, үйланмаям, боравер...

– Йүк!

– Айтдым-ку Достоннинг аблаклигини.

– Йүк!

– Менга қара, борсанғ, ойлигингни ошириб құядын. Болаларингга сенинг ахмоқона садокатинг әмас, нон керак, гүшт керак, кийим-кечак керак, ахир!

– Йүк.

– Бұлмаса... шу минутдан ишдан бұшайсан! Яна шунаканғи қиласын, бирор сени ишга олмайды. Қишлоққаям боролмайдын қилиб құядын. Борсанғ, ҳамма бетингга тупуради, “ифлос” дейди. Болаларинг ҳам бөш күтариб юролмайдын бұлишиади. Биласан, бу құлымдан келади. Хор бұласан, зор бұласан, бир бурда нон тополмайсан. Ана шунда үзинг ялиниб келасан менга!

– Йўқ!

– Илтимос, Каромат, бир мартагина қутқар. Кейин безовта килмайман, ўлай тар. Ҳеч бўлмаса мен учун бор...

– Ўзингиз учун... ўзингиз боринг. Йўқ!

Адҳам тишларини гижирлатди:

– Шунақами? Ана энди ўзингдан қўр. Борасан! Мажбурлаб бўлсаям обораман. Қўл-оёғингни боғлаб бўлсаям обораман! Ухлатиб бўлсаям обораман! Ҳозир қизларни чакираман, битта укол билан...

Шундай дея... шундай дея бўйинбоғли маъльун бармоқларини бир шикиллатганди, коронгиликдан бояги икки лорсиллаган таъвия чиқиб келса бўладими?

Беихтиёр бир қадам олдинга босдим.

Каромат уларни қўрди, ранги пахтадай оқариб кетди.

Адҳам вишиллади:

– Охири марта сўраяпман: борасанми, йўқми?

– Йўқ!!!

Бу жувон қўкрагидан отилиб чиккан фарёд эди...

Лорсиллаган фохишаларнинг ўзи томон шошмай келаётганиларини кўрган Каромат жон ҳолатда атрофга аланглади, ҳатто мени ҳам қўрди. Аммо, афтидан, мени уларнинг шериги деб ўйлади, баттар ваҳимага тушди.

Энди хотинларга қўшилиб чиқиш йўлини тўсиб олган Адҳам ҳам узун қўлларини кенг ёйганча ожизанинг устига бостириб келмоқдайди.

Мен беихтиёр яна бир қадам олдинга юрдим. Максадим бу Каромат исмли шўрликни кутқаришмиди ё бошқамиди, ўзим ҳам аниқ билмасдим чамаси. Бироқ, бурчакка кисилиб қолган жувон бу қадамимни ўзига нисбатан хавф деб ўйладими, билмадим, ишқилиб... жон алфозда ҳар томонга аланглаб, барча нажот йўллари тўсилганини илғади чоғи, шошиб икки қадам ортга тисланди ва ўгирилиб... ўзини шиддат билан оқаётган бўтана сувга отди.

“Дод” демоқчи бўламан, нафасим чикмайди... Оёқларимдан мадор кетган...

– Бу ердан тез кетиши керак... Тез! – ортимдан етиб келган муовин титраб-қақшаб қулоғимга шивирлади. – Тез!

Шошкин қадам овозлари узоклашаверди. Аммо мен ўринбосарга эргашиб кетолмадим.

Бир амаллаб ариқ бўйига келдим. Қоп-қора сув шиддат билан оқарди.

Кимдир елкамга қўлини қўйди. Сўнг ҳарсиллаб нафас олаётган Адҳамнинг кўпроқ ўзини ўзи ишонтиришга уринаётганга ўхшаш овози эшитилди:

– Кишлоғимизда... бунданам катта канал бор эди. Ўшанда чўмилиб катта бўлган қизлардан бу... Балоям урмайди... Ёмонга балоям урмайди...

Қолган гапларни эшитмадим.

Кўз олдимда қайдадир шу якин атрофда жон-жаҳди билан ариқ чеккасига сузуб келиб, ундан чиқишга уринаётган, бироқ сирганиб кетиб, яна лойқа сув домида колаётган Каромат пайдо бўлди.

Оқим бўйлаб чопиб кетдим.

Мен узок югурдим. Тўхтаб, ариққа қарайман, уни кўрмайман, “Синглим!” деб бақираман, жавоб келмайди, яна чопаман...

Тонг саҳар, уфқда қуёшнинг илк нурлари қўрина бошлигаган маҳал сўнгги илинжларим ҳам сўнди ва мен тақир қирғокқа жонсиз куладим...



Ойгул СУЮНДИКОВА

## Мозийлар қаъридан келади садо

Эй, улуғвор тоғлар!..

1

Эй, улуғвор тоғлар,  
не учун жимсиз?  
нечун эшитмайсиз дил охларимни?  
Эшитган бўлсангиз,  
кўрган бўлгансиз,  
ўзимга ҳам айтинг гунохларимни.  
Дунё шамоллари эсди бағримдан,  
силаб ўтди чағир бошларингизни.  
Айтинг, кечолмайсиз ненинг баҳридан –  
худди менинг каби.  
Бунчалик совуксиз кучайнин десам,  
бунчалик викорли учайнин десам.  
Лекин,  
айрилгиси келмайди сиздан  
оташин қалбим.  
Келинг,  
артиб қўяй асрлар бўйи  
тошдай котиб қолган ёшларингизни...  
...Эй, улуғвор тоғлар,  
бетакрор тоғлар!  
сизда мен билмаган ажиб сехр бор:  
ҳар гал бокканимда  
гуллагай абад,  
рангин бу дунё,  
бетимсол меҳр бор.

*Ойгул СУЮНДИКОВА* – 1957 йилда тугилган. Москва Адабиёт институтини тамомлаган. Шоиранинг “Уфқлар ёнгандаг”, “Умр қуйлари”, “Эътиқод”, “Мен тугилган юрт”, “Мулланафас”, “Зумрад томчилар”, “Кўнгил кенгликлари” номли китоблари нашр этилган.

Хайрат тұяман,  
келинг,  
бошингизни силаб құяман.

2

Шамоллар қайтдими,  
кушлар айтдими,  
мендан сұз очиб,  
майсадай товланған түйғуларимдан,  
Ё сочиб кетдими бедорлигимда  
энг сохир сахаrlар ёғдуларидан.  
Мозийлар қаъридан келади садо,  
хар тонг юз-күзларим сийпалар сабо.  
ким айтар –  
йұқ менинг дил охларим деб,  
ким айтар –  
йұқ менинг гунохларим деб.  
Шу охларим тинглаб,  
күқдан түкилган  
лақзалар айланиб қолдими тошга,  
тоғлар кучоғида тинмас күзёшга.

3

Хамма нарса қайтиб келади,  
йұллар құшиқ айтиб келади.  
Қайтган каби йилда тұрт фасл,  
қайтган каби қорлар, Ѽмғирлар,  
қайтган каби ёз оташлари.  
Фақат бизлар қайтиб келмаймиз,  
яна құшиқ айтиб келмаймиз...  
...Хатто тоғлар чүкиб кетади,  
парчаланиб – ұксиб кетади.  
Күкси кесик-кесик сочилған  
бұлакланиб ётган ҳар бир тош:  
томир отиб ерга, тупрокқа  
күркам тоғдай үсіб чиқади.  
Тұрт тарафдан ёвқур шамоллар,  
Эсса, йұлин тұсіб чиқади –  
баланд тоғлар үсіб чиқади.  
Фақат бизлар қайтиб келмаймиз,  
яна құшиқ айтиб келмаймиз.

4

Ер қаъридан үкириб, үкраб  
отилади ваҳшый вулконлар;  
ямлаб бораётір дengiz, дарёлар,

## Ойгул Сүюндикова

тоғлар, ялангликлар,  
кирлар, адирларни,  
шахару кишлоқлар,  
одамлар,  
одамлар.  
Улар қалбидаги орзулар, ғамлар –  
бари-барини  
күз очиб юмгунча  
кутурган вулконлар ямламай ютди.  
Ловуллар,  
ловуллар улкан оғзини  
күкка очганича жаҳннам ўти.  
Ич-ичим тутайды,  
күзим ачишар,  
бilmадим,  
бу вулкон  
ўзига келади канча вакт ўтиб.  
Нечун жимсан,  
борлиғим,  
шамоллар ҳам кетдими куйиб,  
ларзага тушмас само  
юрак ютиб,  
ҳатто,  
ёмғир исини туйиб.  
Бироқ,  
бу оламда ҳаёт,  
тириклиқ,  
ўлим.  
Бунинг боши қайда,  
охири борми?  
Ҳеч ким айтмас  
ёки айттолмас,  
чунки,  
ўтмиш қайтмас,  
асло  
қайтолмас.  
Аммо,  
яшагиси келади одам,  
юз йил ошагиси келади одам,  
минг йиллаб ўсгандай  
улуғвор тоғлар,  
шамолни тұсгандай сеҳрли чөллар.  
Мен чиқа бошлайман  
баланд чүккига,  
куёш нурларига чулғаниб,  
ёнициб,  
хаяжон  
қадам-бақадам,  
хисларимни бұлгим келмас иккига.

Бутунлик истадим,  
бутунлик:  
қалб бутунлиги –  
тубсиз осмон каби,  
ер каъридай тик.

5

Эй, улуғвор тоғлар!  
Энг ёркин шуълалар,  
сүзлар –  
ер усти-ер ости дарёларида.  
Қаергача борар биз босган излар.  
Сувлар оқди – сув бўлди юрак,  
ой балкиди тонгча олис.  
Менинг кўзим чўкки учида,  
барг каби титрайман.  
Мен – шу лаҳза,  
лаҳза ичидағи мунашвар пок ҳис.  
Вакт ҳукмида ҳар бир нафасим,  
борлик ичидадир рангин ҳавасим.  
Хали мен билмаган изтироб қайда?  
қамишзор бўзлари,  
ойдин кечалар  
симиллайди юлдузлар охи.

6

Эй, улуғвор тоғлар,  
виқорли тоғлар.  
Кумуш чўккилари  
ок қорли тоғлар.  
Асрлар гувоҳи, мозий шоири,  
сиздан рух оламан,  
илҳом шивири.  
Ҳар гал бокқанимда:  
севинч,  
кайгулар  
юрак томирида  
селдай оққанда.  
Ёшим ҳам бир жойни борар коралаб,  
мен ҳамон юрибман дунё оралаб,  
кирмизи лолалар бағрим оролаб.  
Севаман энг тиник тонглар ҳавосин,  
дилбар хур кунларим,  
жилвагар тунларим,  
сатрдай тизилди кўнглим қатига.  
Рангларга урилиб кетаман,  
ранглар –

## Ойгул СҮЮНДИҚОВА

болалигим тотли эртакларидан.

Хамон тұқилади хотираларим  
учаётган шамол этакларида.

Ранглар –  
ортга қайтмас ёшлигим,  
бегубор орзулар,  
бетакрор севгим.

Күнглимда,  
күксимда ўсган тоғларим,  
күлларимда гуллаб кетган боғларим,  
ловуллади уфқлар алвон.

Турт фасл ҳам – күклам,  
бахт эса – осмонда.

Ранглар –  
тиниклашди қузак сувлари,  
сарғыш япроқларга  
яшил мактублар  
ёзишдан толикмас умр қалами.

Севинчлар,  
сөгінчлар,  
ўқинчлар,  
армон, аламим.

Асли,  
инсон тоғдир,  
ерга томир бойлаб,  
күкка құз тиккан...

...Эй, улуғвор тоғлар,  
виқорли тоғлар.

Майсалари майн,  
гиламдир яшил.

Гуллари турфа,  
хұшбүй,  
сара,  
хилма-хил.

Булоқлари –  
қалбим симирган илхом.

Тошлари –  
күм зарраси,  
елдан ҳам нафис  
сабримдир қадрим.

Омон бұлсин боши,  
тұқилмасин ох.

Асрлар гувоҳ –  
эсаётир мағрур вакт шамоллари:  
таратиб,  
яйратиб тоғларим атрин.

# Сизиб келар дақиқалар



Ширин САБУРОВА

\*\*\*

Сени севганида  
юрагим кинига  
сұғмай кетар  
дераза токчасига  
олиб қўйдим  
уни бир куни  
сени дея  
бир чиройли уришини  
томуша қилайин деб  
Ҳар ишга уннаганимда  
бир назар ташлаб қўядим  
жами борлик ғоят гўзал кўринар эди  
Бироқ бир куни  
унинг ийғлаётганини зимдан кузатиб қолдим  
“Чак, чак, чак”  
томарди кўзёшлари  
“Чек, чек, чек озорни”  
бўлиб эшитиларда қулоғимга  
  
қафасига қамаб қўйдим шундан бери  
юрагим

**Ширин САБУРОВА** – 1965 йилда туғилган. Урганч Гидромелиорация техникумини туғатган. Ижодкорнинг “Эзгулик голиб”, “Орзу дарахти”, “Узун лаҳзалар” каби шеърий тўпламлари чоп этилганган.

\* \* \*

“Чилп, чилп, чил”  
Сизиб келар дақикалар  
Дақикаларга тармашаман  
– Олиб борманг  
олиб борманг  
мени дилсиёхликларга  
Дақикалар шавқатсиз  
дақикалар риёкор  
олиб борарлар  
ёвузликнинг исканжасига  
Дилим бўлар сиёҳдан сиёҳ  
“Умринг недан бино бўлибдир?” десалар  
Озорларданми дейин  
Тағин дақиқаларга тармашаман  
– Олиб кетинг, олиб кетинг мени

Қисматни пеш қиларлар риёкор дақиқалар

\* \* \*

Ишларим ғалат кўринар сизга.  
Чунки менинг оддий ҳеч нимам йўқ.  
Бахтим ғалат, дардим ғалат.  
Севгилар севгисиз  
Оташлар қуюксиз.  
Муаммолар ечимсиз.  
Табассумлар самимиятсиз.  
Ҳар ким йўлдан кечса – рано, мен кечсам сизга ғалат.  
Тамадди килсанм, хордик чикарсанм, нораво туюлаверади сизга.  
Либосим сиртига қулоқ тикдирдим, қаранг.  
Челакнинг ҳирига жўмрак кўйдирдим, күёшнинг юзига парда тортиб,  
оташнинг ичига оромкурси ўрнатдим, қаранг!  
Буларнинг ҳеч бири сизни ажаблантирмади.  
– Ҳа, бу ўзи шундай, – дедингиз.  
Сиз мени ўзингизча кашф этган жойда қолдирдингиз.

\* \* \*

Бир куни ит чукурга қаради-ю, қўркиб кетди,  
хурмади ҳатто.  
Ўша чукурга мен ҳам қарайману  
Хеч нарсани кўрмайман,  
ит нимани кўрдийкан?  
Шу-шу бўлди-ю, ит ўсал бўлди,

жунлари ҳам силлик тортиб кетди,  
ҳали-бери ўлиб коладими деб жоним хавотир.  
Йүк, баъзан айлангани чиқиб кетади-да,  
Биров кувлагандек кириб келади.  
“Итга қаранглар, шўрлик кўрккан”, дейман,  
Дейману ўйлайман, “Нимадан кўрккан?”  
Наҳот итлар биз кўрмаган нарсаларни кўрарлар  
Нима бўлар итлар кўрксалар,  
Нима бўлар тушда итлар кўрксалар?

\* \* \*

Об-ҳаво доимо тунд бўладиган шаҳарчада  
шаҳарчанинг чеккасида  
тепаликдаги уй олдига  
ёмғирпўшли одам  
келиб кетар кунора  
Эски ҳашамдор уй олдига.  
Такиллатиб кетар  
дарвозасини  
ҳеч очилмайдиган.  
Ўша уйда  
қариндоши турмас  
таниши турмас  
Факат билгани шу – кимдир тураг  
ҳашамдор уйда  
эшиги ҳеч очилмас уйда  
бирор кимса кўринмас уйда.  
Шундай бўлса ҳам  
келган киши зарда килмас  
келиб кетар  
узок йўл босиб  
қиласидиган бошқа иши йўқдай  
иши ҳатто бисёр бўлса ҳам  
Билмоғи лозим  
уйда ким туришини  
тунд ховлида  
ҳашамдор уйда  
Беозорми ўзи у?  
Балки бирон дили шикаста  
ёрдамга муҳтоҷ балки.  
Ва ё  
тегмасми дея зиёни ён-атрофига?  
келиб кетар, эринмас  
Билиши керак ахир...



## АРАВАКАШ

Қисса

### Ҳабиб АБДУНАЗАР

Аёл ёшланган кўзларини енги билан артди.

Эр унга хавотирланиб қаради.

— Отаси, олов ичидаги ўтиргандекман, — аёлнинг овози қалтиради. — Аъзойи баданим гуруллади.

— Ундай дема, хотин.

Аёл қўлидаги уриниб қолган зангори никобни узатди.

— Ҳадир бўлинг-да, бедаво дард, кўзга кўринмас бало экан.

Аёл қалта-қалта йўталди. Кўкрагига кафтларини босиб, ерга эгилганча ўқчили, изидан тупурди.

Эркак никоб билан оғзини ўради.

— Бор, дори-мори ич!

Жуссаси озғин, юзини ўн-ўн беш кунлик соқол қоплаган — ўзи кирк, кўриниши эллик ёш эркак эгик қаддини кўтариб дарвоза олдига келди-да, ерга тикилган кўйи ажинларини бирма-бир санаётгандек пешонаси узра бармоқларини юргутириди ва бошини қашиди.

“Юқдимикан-а?”

Ортига илкис бурилиб қаради-ю, аёлининг ховлида сочилиб ётган у-бу нарсаларни йиғиштириб юрганини кўргач, эркин нафас олди. Аравасини суриб, кўчага чиқди.

Субҳи сабо симёғочга илиниб қолган йиртиқ варракларни бир умид берадётгандек ҳилпиратди, учишга унгади. Ахён-ахёнда сумкасини елкалаб, шошиб кетаётган бозорчилар кўзга ташланди.

У эълонлар билан тўла симёғоч ёнида тўхтаб, кулранг кўйлагининг фижимларини кафтлари билан текислаган бўлди-да, йўлида давом этди. Озроқ юргач, нимадир ҳалакит бердими, оёғидаги қора елим шиппагини ечиб, у ёқ-бу ёғини кўздан кечирди. Афтини бужмайтириб, нимадир дея ғулдиради. Шиппакнинг ёриклигига кириб қолган майдада тошларни олиб ташлаб, яна одимлади. Ҳар сафар енгилгина филдираб борадиган бўш арава, бугун негадир унга қоплаб тош ортилгандек оғир

**Ҳабиб АБДУНАЗАР** – 1968 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Ижодкорнинг “Манзара”, “Анжир гули”, “Гулларини қўмсанган оғоч”, “Дил меҳроби” шеърий китоблари нашр этилган.

туюлди. Мушаклари толикқандай бўлдими, тўхтаб, кўлларини силтади; белини ушлаганча, икки ёнга кийшайиб машқ қилди. Бошини ҳам чумчуқдек елкаси оша бир-икки айлантириди. Кейин яна олдга интилди. У тор йўлаклардан ўтиб, ўнгга бурилди-да, катта асфалът йўл ёкала б юра бошлади. Чорраҳага яқинлашганда ёнгинасидан “Тез ёрдам” машинаси сиреналарини ёкканча зувиллаб ўтиб кетди. Юраги “шув” этди, хаёлига хотини келди. Ўйга чўмиб, йўл бўйида бир муддат туриб колди. Сўнг чорраҳадан ўтиб, йўлида давом этди.

Тонг ёришиб, йўл адогидаги арк пешлавҳасининг “Чорсу бозори” деган ёзуви кўрина бошлаган эди. У бозорга яқинлашаркан, панжарали дарвоза ёнида турган миршаблар қора таёқ ўйнатишиди: “Арава, кайт, бозор ёпилди! Караптин!”

Эркак бу сўзга тушунмай елка кисди. Одамлар бозор дарвозасининг панжарасини кийшайтириб ўтиш жойи қилиб олганди. Эркак ўша оралиқдан бош суккан йигитга “Хов! Бозор ёпилди, дедим-ку?!” дея бақирган милисага анграйиб қаради.

У йўл четидаги улкан арча соясига қараб юрди. Аравасини дараҳт поясига суяб, ерга чўнкайди. Чўнтағидан носхалтани олиб, хилвираб қолган оғзини бармоклари билан укалай-укалай аранг очди-да, кафтига нос ташламоқчи бўлди. Йўқ, хеч нарса тушмади. Халтани тиззасига уриб-уриб яна кафтига кокди. Нос тугабди. Ҳафсаласи пир бўлиб, халтани чўнтағига солиб қўйди. Шу пайт миршаб билан тортишиб турган тўлагина бир аёлга хаёли оғди. Аёл бошини викор-ла бир ёнга буриб, кўлларини силтаганча унга алланималарни уқтиради. Бехос уни йўтал тутди. У йўталини босишга уриниб, оғзини кафтлари билан бекитди. Хайрият, йўтал осонгина ўтиб кетди. Милиса ундан ижирғангандек юзини бужмайтириб, бир қадам орқага чекинди-да, олифталарча билагига такиб қўйган никобни олиб оғзини ўради. Аёл ҳам никоб излаб сумкаласини титкилай бошлади. Эркакнинг хаёлига бирдан хотини келди: “Ўтиб колса-я. Йўллар ҳам ёпиқ эмиш...”

Бозор рўпарасида очик-ёпиқ хунармандчилик дўконлари саф тортган бўлиб, бозор билан уларнинг орасини катта асфалът йўл ажратиб турарди. Эркак йўлни кесиб, у томонга ўтди. Кечагина харидорлар билан гавжум бу дўконларнинг олдида энди яккам-дуккам одамларни кўриш мумкин эди. Кимдир пичоқни олиб, ўткирлигини синаш учун тигига бармоғини суртиб кўряпти, кимдир катта машинага бешик юклайпти, яна ким бежирим сандиклар олдида хаёлга чўмган...

У сандик олмокчи бўлиб турган ёшрок бир жувон ёнига бориб тўхтади-да, уйи якинроқ бўлса обориб берарман, деган хаёлда аравасининг бандига суяниб қараб турди. Жувон уни кўриб, лабини буриштириди. “Нима, менда бирор ишинг борми?” дея ўқрайди изидан. У яна қайтиб бозор дарвозаси ёнига борди. Пештахталари хувуллаб ётган бозорга бир нафас тикилиб тургач, тағин аравасини суриб, кичкина йўлак бўйлаб ортга қайтди.

“Эй аттанг, бозоримни энди берган эди-я!”

Шу кунларда омади келиб, ўзича яхшигина пул топяпман деган хаёлдаги эркак бугунги толесиз кундан нолиб, ғудранди. “Хийт бу дунёни...” деди-да, жойида тўхтади. Чунки Аллоҳнинг яратикларини, дунёни сўжиб бўлмайди. Буваси шундай деган.

Нима қилсин, чўпонни таёфи бокади, деганларидек, унинг тақдир азали арава билан боғланган бўлса. Неча йилдан бўён шу темир арава жонига ора киради, унинг оркасидан қора козони кайнайди. Бугун барчаси ўзгарди. Ишсиз. Ҳатто арава ҳам унга нон бермай қўйди.

“Бозор бутунлай ёпилса-я? Йўғ-эй, бунакада хаёт бўладими, бозорсиз хаёт бўларканми?..”

## Ҳабиб АБДУНАЗАР

Аравакаш юрагини ваҳм босгандек чукур хўрсинди.

У бетизгин хаёллар измида аравасини шалдиратиб уйга якинлашганида тонг ёришиб бўлганди. Кун бўйи ишлагандек уйга ҳолсизгина, руҳсиз бир кайфиятда кириб келди. Тонг сукунатини аёлнинг “кук-кук” йўтали бузди. У эркакни кўриб ажабланди:

– Нима бўлди? Ҳадаҳа кайтибсиз?

– Бозор ёпилибди, – деди эр чукур уф тортиб. – Карантин дейдими-еъ...

– Бу нимаси экан, отаси?

Эркак лабини буришириб елка қисди.

– Уйда на пиёз, на картошка бор... – деди аёл бироз жимликдан сўнг. – Бирортадан қарз олсак, Панжиданми?..

Эркак жаҳл билан қўл силтади.

– Пакананинг кулоги тагидан жаноза ҳиди келади-ю, қарз эмиш!

Аёлнинг гапи бўғзида қолди.

Эркак шундай деди-ю, кейин яна ўйланиб қолди. Ростдан ҳам уйида егани ҳеч вақоси йўқ эди. Бугун якшанба, кўпчилик бозорга тушади, шундан бир-икки сўм ишлаб оламан, деб умид қилганди, бўлмади.

Панжи ҳам бегонамас, ҳамкишлоди. Улгуржи савдогар. Картошка, пиёзларни кўтарасига пуллайди. У омади чопиб яқинда шаҳардан икки хоналик уй ҳам сотиб олганди. Бахти овчига чўлоқ қийик йўлиқар, деганлари шу-да.

У аравани дарвоза олдида қолдирди-да, ҳовлини бир айланиб, яна ортга кайтиди. Панжиларнинг уйи унча узоқ эмас эди.

Кўп юрмай, дарвоза вазифасини ўтаётган кичкина бир табакали кўк эшикни қоқди.

Эшик очилиб, кўзлари кисик, тўлагина йигит кўринди.

Эркак у билан тирсак уришириб, сўрашган бўлди.

– Қани, кир ичкарига! – деди йигит истамайгина.

Эркак ичкарига бир-икки қадам қўйиб, ҳовли ўртасида тўхтади. Кўзи айвон остига тахлаб қўйилган пиёз ва картошка қопларига тушди. Ундан сал нарида салафанда қадоқланган пахта ёғи, кир совун ва яна алланарсалар бор эди.

Ошхонадан “туп” этиб димоққа ош ҳиди урилди.

– Ҳа, жўра, бозорни кўчириб келдингми? – деди эркак бозор-ўчарларга имо килиб сирлигина жилмаяр экан. – Ё бозордан жой олдингми дейман? Яхши ўйлабсан. Ўзинг ўтириб сотсанг мўмайгина пул бўлади.

– Қанака жой? – деди у қалин қошлигини чимириб. – Дунёдан хабаринг йўқ, шекилли. Телвизир кўрмайсанми нимабало? Ҳаммаёқ остин-устун, киёмат бўлиб ётиби-ю!

– Каантинми? – бу сўзга ўзи унча тушунмаса ҳам, бошқалардан эшитганини такрорлади у.

– Ҳа-да. Бозорлар тақа-тук ёпиларкан. Озик-овкат тугармиш. Бой акалар бир йиллик еяр-ичарларини олиб дачаларига чиқиб кетибди. Одамлар тоғ этакларига палатка тикиб олган дейишади. Вабо тарқабди! Вабо!

– Худо...

– Э, Худони тинч қўй! Кўрмаяпсанми, Хитойда одамлар чумолидай қирилиб ётиби.

– Йўғ-э?!

– Одамлар нафас ололмай кўчаларда ерга таппа-таппа ағанаб ўлиб қолаётган эмиш.

Унинг бу гаплари табиатан оғир-босик бўлган эркакнинг кўнглига ғулу сола бошлади.

- Бу бало ўзимизга ҳам келибди.
- Буни сендан эшитдим.
- Яширади-да булар.
- Жа-а учаликка боришмас.
- Билмайсан-да, ўзимизда тозаям ёмон.
- Мен пайкаганим йўқ.
- Касалхоналарда жой йўқ дейишияти. Кирилиш бошланди-ёв биздаем!
- Улганлар ҳам борми?
- Борми дейсан-а? Одамлар ўликларини олишга навбатда туришибди. Бир тикни олиш юз доллар экан.
- Юз доллар?!?
- Ҳа, юз доллар!

Эркак турган жойида бир лаҳза қотиб турди-да, кейин дудуклана-дудуклана деди:

- Нима, ўликларни пулларканми?
- Бизда ҳамма нарса пулланади. Ўликми, тирикми – фарки йўқ.
- Тушунмадим...
- Э, овсар, нега тушунмайсан?! – Панжи беихтиёр уни ҳақоратлаб юборди.
- Бошка вақт бўлганда, эркак бунга жавоб қайтарган бўлармиди. Ҳозир индамади – мавриди эмас.
- Жасадларни эгасига бермаскан, – сал паст тушгандай бўлди Панжи. – Ҳиндларга ўхшаб ёқаркан.
- Ёқаркан?!?
- Ҳа, ёқаркан!
- Қаёқда ёқади?
- Қаёқда ёқарди? – ишшайди Панжи. – Сувда ёқмайди-ку, оловда ёқади!
- Дўзах, – пичирлади унинг лаблари.

Панжи эшитди.

- Баттар десанг-чи, – деб кўйди.

Эркакнинг ажинли пешонасида худди олов ичиди ўтиргандек йирик-майда тер томчилари пайдо бўлди.

- Бо-озор ҳам ёпилибди, – деди у руҳсиз бир овозда.
- Ёпилмай иложи йўқ, – деди Панжи ҳамма нарсани биладигандек. – Бир-бирига юқиб, ҳаммани қириб юборади бу вабо!

Панжи гаплари қандай таъсир қиласётганини билмоқчи бўлгандек унга синовчан назар ташлаб кўйди. Эркакнинг юзида пинҳоний кўркув зухурланаётгани уни мамнун этгандек бўлди.

- Йуғон чўзилиб, ингичка узиладиган пайт келди, – деди ўз устунлигини намойиш этмоқчи бўлгандек.

Эркак энди нима деярини билмай қолганди.

- Сен ҳам шароитингни қилиб қўй, – деди Панжи насиҳатомуз тарзда, айни пайтда ундан ўзини йирок тутаётганини билдириб.

У эркакнинг нима учун келганини тусмоллаб билган эди. Негадир осмонга бир караб олиб:

- Эҳ, энди пул ҳам пучак бўлиб кетса керак, – деди бўлажак воқеаларни олдиндан турдигандек. – Шу учун кеча бор пулимга бозор қилиб қўйдим.

## Ҳабиб АБДУНАЗАР

Нимадир демокка оғиз жуфтлашга өтілгенгән әркак фикридан қайтиб, бошини қашиди.

– Түғри кипманми? – унга синовчан тикилди Панжи. – Нима киламан, пулни пучак қилиб үтираманми?

– Түғри, – минғирлади әркак.

– Сен ҳам бир танга-ярим танга туғиб құйғанинг бұлса, пучак қилиб үтираймай бир-икки қоп картошка, пиёз олиб құй, – насиҳат охандыңда йўл кўрсатди Панжи.

– Бизда пул қайда?

– Ҳа-а, пиши! – Панжи кўрсаткич бармоғини тепага кўтариб силкитиб қўйди. – Ими-жимида босиб ётасану, билдиришсан-а?! Ишлатгинг келмаётган бўлса, мана, менга фоизга бериб қўй, пучак бўлиб кетса, ошиқчаси билан тўлайман.

Эркак унинг оғзига бироз анкайиб қараб турди.

– Мен кетай.

Ўз овози ўзига зўрга эшитилди.

– Үтиранг бўларди.

– Ишларим бор.

– Ҳозир бирорни зўрлаб бўлмайди, – Панжи жиловни маҳкам ушлаб олганига ишончи комил эди. – Ош бор.

– Раҳмат. Бошқа сафар.

– Зорлик бор, зўрлик йўқ, – Панжи қулочини икки томон ёйди. – Аммо ошначилигимиз бор, ҳадеб пул деб югураверма. Ҳозир йиғиб қўйғанларингга мана бизга үхшаб бозор-ӯчар килгину, жимгина уйда үтири.

– Хўп, сен ҳам уйда үтири.

– Айтмасанг ҳам шунақа қиламан ўзи, – Панжининг ўзига ишончи баланд эди. – Ўзингни эҳтиёт қиласанг, Худо ҳам асрайди.

– Яна Худо билади.

– Биладими-бильмайдими, ишқилиб, кўчага кўп чопиб чиқаверма.

– Бу ёғи Худодан.

– Даҳшатли вабо дейишяпти.

– Оёғи қолиб, тили билан чопадиганлар ҳам кўп.

– Худо кўрсатмасин, юқтириб олсанг борми...

– Пешонада нима бўлса, кўраверамиз.

– Шу таваккалчилигинг ўзингта қимматга тушмасин, дейман-да.

Эркак бу ерга келганига ичиди афсус қилди.

– Кетдим, – деди.

– Эҳтиёт бўлиб юр.

– Майли.

Панжи эркак узатган қўлни олмади.

– Ҳозир ота-бала ҳам бир-биридан узок юрятти.

– Ҳазар қиляпсанми?

– Қанака ҳазар? – Панжи афтини бужмайтири. – Вирус, вирус! Узр, кўчага ҳам чиколмайман.

Эркак кетди.

Қалби кўча каби бўм-бўш эди.

У ортга карамай кетди.

Дарвозаси сари яқинлашаркан, бехос сесканиб кетди.

Қадамини тезлаштириди.

Эшикдан кирган захотиёқ аёлининг калта-калта йўталаётганини эшишиб, кўнгли тинчигандек бўлди.

Хайрият-э!

Аёл калта-калта йўталиб, айвонда ўтирган эркакнинг олдига ошлок тўшади. Бу нарса келтириб қўйиб, ўзи хам унинг ёнига чўкди.

– Кўшнимиз Холида холага хам юқиби бу вабо ўлгур.

– Вабо дема-ей!?

– Нима дей, йўкса?

– Коронавирус!

– Бу ўлгурам вабо-да.

– Унақамас, вабо бўладиган бўлса ҳамма кирилиб кетарди.

– Аранг нафас олаётган экан...

– Нафас ҳам ололмасди.

– Оғзига ҳаво берадиган улашибди...

– Ёнига якинлаша олишмасди.

Аёл индамади.

Тусатдан эркакнинг кўзлари ола-кула бўлди.

– Саломлашмадингми?! – сўради ваҳима билан.

– Ким билан?

– Холида хола билан.

Аёл бошини силкиб, “йўқ” дегандек ишора қилди.

Ўртада оғир суқунат чўкди.

– Момам айтарди, бурунлар ҳам шундай вабо келган экан.

– Вабо дема!

– Хўп, ўша корона бир нима...

– Коронавирус!

– Одамларни ўрага солишган экан.

– Ўрада нима килади?

– Устидан кўрпа ёпиб, димлаган экан.

– Буни Панжига айтиш керак.

– У нима килади?

– Кўркиб юрибди.

– Уни балоям урмайди.

– Нега?

– Айтдингиз-ку, ҳамма нарсани ғамлаб, уйдан чиқмай ўтириб олган деб.

Эркак кулди, тўғрироғи, кулмоқчи бўлди.

– Куз келса, энг баланд кўрғондаги дараҳт шохи ҳам сарғаяди.

– Ўша ўрада, – гапи давомини эсга олди аёл, – отдай бўлиб кетишган экан...

– Ҳей, бўйни буқадай давлатларнинг кўлидан ҳам ҳеч бало келмаяпти-ку?! – эркак илжайди. – Сен эса ўра-мўра дейсан.

– Улар ўрани билишмас-да, – тусмоллади аёл. – Кўп нарсани бизнинг отабоваларимиз билишган.

– Ҳе, ўргилдим отабоваларингдан, – эркак сўкинишдан ўзини базур тийди. – Америка билмасканми, Хитой билмасканми?

– Улар ҳам бир чорасини қилишаётгандир-да.

– Бари бошини чотига тикиб ўтирибди.

– Ҳаммаёқка тарқабди-да, бу ўлгур.

– Бу янгича нарса экан, ўзимизда ўсадиган бангидевона бору, худди шунинг уруг копчасига ўхшаркан.

## Ҳабиб АБДУНАЗАР

- Худо күрсатмасин, бало оёқ остида, дегани шу-да...
- Холида холангта ҳам Үзи шифо берсин, – эркак нималарнидир үйлаб колди.
- Касалхонага ҳам қўймабди-ю...
- Пули йўқдир-да.
- Ўзингиз биласиз-ку.
- Ҳозир пулинг бўлмаса – шу.
- Панжи ошнангиз бекорга уйида камалиб олмаган.

Аёл яна үйланиб қолди.

Сўнг лаби четидаги терларни бармоклари билан сидириб, дарвоза томонга қаради.

- Жанозага чиксангиз бўларди, қўшниникига?
- Эрта ҳам бору...

Эркак, тинч қўясанми-йўқми, дегандек аёлига ўқрайиб қаради.

- Фотиха карз.
- Қарз қаримайди.
- Ҳамма жойда уйинг куйгур бу... корона бир нима...
- Коронавирус!
- Қўшнининг жасадини олиб келишибди.

- Дўхтир бериптими?
- Қора салафанга ўраб беришган экан, очиб кўришса...
- Нима экан кўришса?..
- Майит бошқа эмиш.
- Йўғ-э?!
- Ҳа-а.

Ёнбошламоқчи бўлган эркак яна қад тиклади.

- Сўғин-чи?
- Нима?
- Майитни топишибдими?
- Алмашиб кетибди.
- Энди бошқа майитни булар кўмишибдими?
- Шунака, шекилли?!
- Бунаقا эмасдир-ов!
- Қайтиб боришса, майитни аллақачон бошқа бировга бериб юборишган экан.
- Алмашиб олишибдими?
- Улар саклаб ўтиришармиди, бирдан кўмиб юборишибди.

Эркак айвон устидаги сояларни супуриб келаётган қуёш нурларига кўз тикканча ўйга толди.

Аёл эса бироз ўтиб “хик-ҳик” йиғлай бошлади.

– Олов ичиди ўтиргандекман, аъзойи баданим гуруллайди. Бошим ғарчиллайди, худди пичокни суқиб-суқиб олгандек...

Эркак сухбат мавзусини ўзгартирмоқчи бўлди.

– Афғонда ўликларни Амударёга ташларкан. Балиқлар одам жасадларини еявериб, одамхўр бўб қолганиши.

- Балиқларки одамхўр бўлган эса, қиёмат қўпибди, – аёл инқиллади.
- Одамни кўрса ўзига жалб қилиб, яқинлаштиргач, думи билан уриб ичкарига олиб кириб кетаркан.

– Ҳай, ваҳима ҳам курсин-а!

– Одамдай-одамдай балиқлар дейишади... Лекин балиқлар азал ҳам бизга дўст бўлмаган.

— Нега?

— Балиқ Иблисдан Одам яратилгани хабарини олиб, “Энди бизга омонлик йўқ экан”, дея жар сола бошлаган экан.

— Балиқ ҳам жар солади, биз эса иложсиз ўтирамиз.

— Худо тилини йўқ қилган.

— Худоям гапирганни йўқ қилади.

Эркак ўзининг сўз очган мавзусидан бироз хижолат тортди.

Бошини ерги ва нима дер экан дегандек, хотинига қулоқ тутди.

— Товба, — аёл ингичка бармоқларининг орти билан жийрилган бурнини қашиди. — Ҳамма ишга балиқ айбдор. Одамхўр балиқ, дейсиз. Тили йўқ-да уни. Тилли-жағли одамхўр одамлар кўпайди, отаси. Бозордаги тиллачи хотинлар тиллани қўйиб, никоб сотишга ўтибди. У қурғур ҳам фалон пул. Бу-ку майли, ўликни пуллаганини каранг... Ким нима дардда-ю... Кайси пўтага олов тушса, ўзи ёниб-ўзи ўчади, дегани шу-да.

— Илгари оғирчилик пайтларида вабо ва сув тошқини очарчиликни кучайтирганда, гўрлардан жасадни қазиб олиб, гўштини еганлар ҳам бўлган экан.

— Товба, денг-а, — аёл ёқасини ғижимлаганча кўркувдан кўзлари катта-катта бўлиб эрига юзланди: — Бу-ку, ёлғон-ов. Майитними?

— Лаҳадга энди қўйилган жасадлар бўлса керак-да.

Эркак ён томонга бурилиб, сочиқни оғзига босганча ўқиди. Изидан қаттиқ-каттиқ ўйталди, кўзлари қизариб, корачикларида ёш айланди.

— Қўйинг шуларни! Димоғимдан майит хиди келяпти. Бир тўғрам нонни оғзимга едимми, бурнимга, билмадим. Захар қилдингиз.

Аёл қўлидаги нонни ошлок четига қўйиб, совиб қолган чойдан истамайгина бир хўплам ичди.

— Оббо, — деди эркак энсаси қотиб. — Нима ҳақда гапираётган эдим?

— Ўлат ҳакида, гўрлар ҳақидами-эй, — деди аёл нигоҳларини ошлоқдан олиб кочаркан.

— Ха, ўлат ҳакида, — деди эркак мавзуга қайтиб. — Бу ўлатдан одамларнинг юраклари ёрилиб, қон оғизларига отилиб чиқаркан ва турган жойида ўлиб қоларкан.

— Ўзи арасин, шунақа ёмон ўлат эканми?

— Ха-да. Кишилар тавба-тазарру қилишган, мол-дунёларининг кўп қисмини садақа ва эҳсон қилишган, шаробларни тўкиб ташлашган, чолғу-асбобларини синдиришган... Бизда-чи, ароқ ичса улмай қолармиш, деган миши-миш, сен айтгандек, ўликларни сота бошлашди... Кеча киракашлар Бухорогача одам бошига бир миллиондан сўрашибди. Мана, сенга олам-олам гул...

— Инсоф берсин, — деди аёл кўзларига ёш олиб, бурнини тортаркан. — Қиёматнинг аломатлари бу. Добба чиқиб, бурунларга тамға уриши қолди. Худо ер, осмон ва уларнинг орасидаги нарсаларни ўйнаб яратмаган-да, Сайфининг отаси. Бунда хикмат бор...

— Добба дейсанми? — деди эркак таажжубланиб.

— Ха, добба, у Солиҳ алайҳиссалом түяларининг бўталоғи экан. Қиёматда ердан чиқиб, одамларнинг бурнига тамға босаркан.

— Ниқоб тақиб юрибмиз-ку, шудир-да тамға...

Шу пайт дарвоза ёнида ўйнаб ўтирган болаларининг бақир-чакири суҳбатни бўлди.

Биттаси чамаси саккиз, иккинчиси олти ёшларда бўлиб, бир қараашда уларнинг кенг ва дўнг пешонаси, қирра бурни ва буғдойранг юзи отасига, ингичка лаби, шаҳло кўзлари, қалдиргоч қошлари эса онасига тортиб кетарди.

## Ҳабиб АБДУНАЗАР

Калта күк иштон ва эгнига оқ майка кийиб олган озғингина бола тоғорага бармокларини уриб күшік хиргойи қыларди: “Коронавирус корона-а-а...” Ёнидаги укаси эса күзмунчок тақилган құлларини қимирлатиб үйнаган бўлди.

– Бўлди кил! – бақирди эркак.

Олти ёшлар чамасидаги бола үйиндан тұхтаб, хұмрайғанча бармоклари билан лабларини бироз үйнаб турди-да, сұнг оғзини буриштириб, йиғлаб юборди.

Аёл боласини юпатган бўлди:

– Үлаайина-а. Кел ёнимга! Ҳах, бу отангними! – аёл эрини жазолагандек, ерга бир-икки кафтини уриб кўйди: – Мана, мана!..

Бола жикка ёш тұла күзларини укалаб, онасига талпинди. Аёл боласининг бармокларидан үпиб, бағрига босаркан, деди:

– Кел, иккаламиз мана бунақа үйин үйнаймиз. Нима эди-я, отинг курғур. Зикими? – аёл құрсаткіч бармокларини силтаб, үйин коидасини эслатган бўлди. – Дон-дон, зикий...

Болакайнинг чеҳраси ёришиб, онасининг хатоларини тузата бошлади:

– Унақамас, бармоғингизни мана бунақа қилинг!..

Эркак пиёладаги чойга бўқтириб кўйилган ноннинг ерга тушиб кетишидан хавотир олгандек бош бармок билан чеккасидан босиб тагидаги чойини симирди-да, ўрнидан кўзғалди. Ҳовлини айланаркан, унинг үртасига экилган ошрайхонлардаги чирмовукларга кўзи тушди. У чирмовукларни поясидан ажратиб, юла бошлади. Ҳар куни кимдир поясига тегиб кетса, гупиллаб бўй таратадиган райхонлар бугун хидини йўқотгандек. Эркак ажабланиб, баргларини эзғилаб димоғига тутганди, хиди сезилмади. У райхонларни силкилаб-силкилаб ўрнидан турди ва қўлидаги баргни димоғи тагида эзғилаганча ўрик дараҳтининг ёнидаги айвон супасига келиб чўзилди. Даражтнинг барглари күёш нурларида асалга ботириб олингандек ялтирайди. Күшлар аввал ошлоқ атрофида айланди, сұнг дараҳт шохларига кўниб, у ёк-бу ёкка аланглади. Бу манзара уни овутолмади, шекилли, кўзларини юмиб, ухлашга ҳаракат килди. У ўзини кийнаётган муаммоларга гўё туши орқали ечим топмоқчидек, кўзларини қаттиқ юмди. Кўзлари, қабоқлари лўқиллаб оғриқ берди. Үнг ёнига ағдарилиб, худди болалигида ухлагандек қўлларини сонлари орасига тикиб, ғужанак бўлди. Йўқ, бўлмади. Ўрнидан туриб, яна ҳовлида фимирларкан, хотинига деди:

– Шу хитойликларни ҳам емаган нарсаси қолмади-да.

– Кўршапалакни айтаяпсизми? – ошхона ичида овоз берди аёл.

– Ҳа, вабо шундан тарқаганмиш. Улар ёввойилардек итни ҳам, битни ҳам ейди. Аввал унинг инини рак касалига даво деб овоза-ю дарвоза қилишди, кейин ўзини еди.

– Эй, Худо-эй, одамлар кўршапалак инини катта пулга оларкан, деб чолдеворларни битта қўймай кўриб чиқди.

– Мен ҳам Асад чолнинг чолдеворига борувдим, – синик жилмайди эркак. – Топдиму, сотолмадим. Буни ҳам эплаган қиларкан. Үзи хитойликлар эскидан кўршапалакни баҳт ва омад элчиси деб қадрлаган экан. Энди булар баҳтни ҳам, омадни ҳам ютиб юборишиди.

Аёл “қук-қук” йўталғанча коса-товоқ ювишга тутинди.

Эр яна райхонга тикилиб хаёлга толди. Кўз олдидан юракни ҳаприқтирадиган гўзал манзаралар лопиллаб ўта бошлади: лой ариқда чўмилаётган бола, тандирдан нон узаётган аёл, зовур сувида факт калласи кўриниб, қамишларни кирт-кирт узуб еяётган сигирлар... Гарчи бу манзаралар оддий бўлса-да, унга завқ бергандек, вужудини жунжиктириб, қалбида гўзал бир ҳаловат пайдо қилди. Эҳтимол, уйига

банди этилган одамнинг хаёллари фонида жилваланган бу рангин хотиралар унутилган болалик учун олинаётган қасосдир. Ким билсин. Нима бўлгандаям ҳар замон лоп этиб ёдига тушаётган бу тасвирларни якин ўртада онгидан кечиргани йўқ. Энди эса барчасини худди кўриб турганга ўхшайди. У ўзидаги бу ғайритабиий ҳолни ҳеч нарса билан изоҳлай олмади.

Шу пайт аёлининг яна “кук-кук” йўтуали эркакнинг ўйларини парчалаб ташлади. У аёлига қаради: оёғида оркаси йиртилган калиш, устида ранги унникиб кетган чит кўйлак; кўзлари киртайиб, лаблари ёрилиб, юзлари сўлғинлашибди...

Нозиккина, қоракўз, бир гапириб ўн куладиган бу хушчақчак аёлга уйланганига ўн йил бўлган эса-да, у шу пайтгача уни бундай афтодаҳол киёфада кўрмаганди. Кечирилган ўн йиллик факирона ҳаёт улар учун тотли ва ҳузурбахш эди.

— Сени она туғмаган, — дерди эркак уни эркалаб. — Осмондан тушгансан, осмондан.

— Қўйинг-е?!

— Фамгин кўзларингни ёқтираман.

— Кўз коптими?

— Момом набираларини “Ўзи бир қиз, сочи бир қиз...” деб эркалаторди. Сенинг кўзларинг ҳам бир қиз.

— Бегим, мен чиндан ҳам сизга ёқаманми? — узун киприкларини учириб, жингалак зулфларини силаб қўйди аёл. — Ё устимдан куляпсизми?

— Болаликни эслайсанми, ёш қизча эдинг. Мехмонга келганингда орқамга кўтариб бедазордан тилла қўнғиз ушлаб берганим.

— Эй, қўйсангиз-чи! Ўша тилла қўнғизлар ҳали ҳам қудукдан болаларини излайди. Қўнғизларни алдовдингиз. Ўшанда ёлғончи эдингиз, хозир ҳам...

Эркак қах-қах уриб кулди.

Бу ўша баҳтли кунларнинг гўзал хотиралари эди. Кейин бу туйғулар анча хира тортди. Рўзгор, тириклилк, болалар ташвиши...

Гарчи ўзига тўқ оиласа бўлса-да, рўзгорда борига қаноат қилувчи, эрига бирор марта бўлсин ночор турмушидан нолиб, исён кўтармаган бу аёлнинг келин бўлиб тушган хонадонида бир сигир ва уч-тўртта товуқдан бошқа ҳеч вақоси йўқ эди. Эркак шу сигирни еталаб томоркада ўтлатар, ем-хашак йўқлигидан қишига бориб сотар ва эрта баҳорда яна озгироқ бир сигир сотиб олар эди. Рўзгор шу сигирдан орттирилган пул эвазига амал-тақал қимирларди.

— Болам, — дерди қайнотаси ҳам, — одамнинг бирини икки қиласиган — чорва. Бунда барака бор.

Аёл эрининг қўлига қараб ўтиrmади. Отаси берган бир болали сигирни далада бокиб, аста-секин кўпайтирди, томорқага ғалла экиб, тегирмонда ун қилди. Тутум ўзгарди, рўзгор бояд-шояд бўлиб қолди, сут-қатиқ кўпайди... Аммо баҳт-толе ўзокқа чўзилмади, қайнона оғир дардга чалиниб, қозикдаги барча моллар сотилди. Фермерлар ўз ерлари атрофида мол бокишга рухсат бермади, дала четидаги зовурлар, саксовулзорлар эгалик бўлди...

Эркак тилла чигирткалар<sup>1</sup> ёмғирини орзу қилиб, қишлоқдан чиқиб кетди. Ўз баҳтини ҳаёт қайнаган кенгрок бир майдонда — шаҳарда синааб кўрмокчи бўлди. Балки озроқ пул ишлаб, ўзга юртларга бош олиб кетишни ўйлагандир, янайм ким билсин, аммо топгани томогидан ортмади.

<sup>1</sup> Айюб (алайхиссалом) кийимларини ечиб чўмилатётгандарига устларига осмондан тилла чигирткалар ёккан экан. Ўзда у зот уларни териб йига бошлибди. Парвардигор унга: “Сени бунга муҳтоҷ қилиб кўймагандим”, дебди. Айюб (алайхиссалом) эса: “Тўғри, лекин мен Сенинг баракангта муҳтоҷман”, деган эканлар.

## Ҳабиб АБДУНАЗАР

Эркак махзун тортган хаёлларига бир юпанч, ором излаган бўлди. Бироқ саркаш хаёллар уни кимсасиз ороллар сари етаклаб кетаверди. Эркакнинг назарида дунёнинг барча эшиклари ёпигу, у вабо – аждаҳо пойига ташланган қулондек атрофга жавдираб бокар, нажоткор Нух кемасидан эса дарак йўқ эди. Ойлар денгиздек чайқалиб, кун пўртналарини ҳосил қиласверди. Шифокор ўликларни адаштирганидек, у ҳам кунлар саноғидан адашли.

– Хотин бугун пайшанбами? – сўради эркак.

– Ҳа, – деди аёл мадорсиз вужудини деворга суюб, ёнида турган пиёладаги кайнок сувдан бир-икки ҳўпларкан. – Яхши кун. Момоларга бир иси чироқ қиласамми?..

– Э-й-й, – деди эр хуноби ошиб. – Дунёдаги ҳамма касални момо тутганми. Оллоҳнинг балоси десанг-чи!..

– Айтдим-да...

Аёл сўнік нигоҳларини ерга тикиди.

Эркак жимликни хуш қўрмасди. Бозор шовқинларига ўргангани учунми, ҳовлидаги сукунат унинг юрагини сикди, қишлоғини кўз олдига келтирди.

Үйи зовур ёқасида эди. Ундан нарида икки қишлоқни ажратиб турадиган ажриқ ариқ оқиб үтарди. Икки қишлоқ болалари қуёш қайтгач, сигирларини молхонадан ҳайдаб чикиб зовурга солиб юборарди-да, ўзларини “туппа-туппа” ана шу ариқка ташлаб, то шомгача сувдан чикмай чўмилишарди.

– Зулук чақмайди, – бир куни таскин берган бўлди ёши каттароги.

У қамиш поясидаги бир зулукни олиб, билагига тутди:

– Чак, қани чақ-чи!

Зулук билакларига ёпишмай ўрмалади.

– Ҳаром қон бор жойни чақади, – дейди бола зулукни сонига қўйиб. – Тумшуғини тикиб қонингни сўргач, шишади-ю юмалаб кетади.

– Кел, шуни зулук солувчи Халпа табибга олиб борамиз. Ўтган сафар бешта зулукка кўпала курсечак берганди, – деди иккинчи ёши кичикроқ бола.

– Эй, қўй шу эмчини!

Шу пайт зулук унинг қўлидан сирғалиб сувга тушиб кетди. Улар қамиш пояларини қайириб, зулукни анча излаши.

– Нима бало ютиб юбордингми? – тоқати-ток бўлган жўраси кўзларини катта-катта килиб унга ўқрайди.

– А-а-а, кара-чи! – у оғзини очиб, тилларини чикарди. – Томоғимга ёпишиб қолгандир.

– Йўқ, кетингга кириб кетган бўлса керак, – ҳазил килган бўлди жўраси.

Улар кийкириб кулганча бир-бирини қуввлаб ўзларини яна сувга ташлашди.

Шом тушиши билан қўлига узун хипча ушлаган онаси ариқ бўйида пайдо бўлади. У кийимларини қўлтиқлаганча уйга қочади.

– Шомда чўмилма дейман, – онаси қўлларини сермаб дағдаға килади. – Жинлар сувга чиқади, билмай боласини босиб қўяссанми, устига сийиб қўяссанми...

– Унда жинингиз оёғим остида ўралашмасин, – дейди бола хипчадан қизарган пойчаларини силаб-силаб йиғлар экан.

Жинлар билан бўлган таҳдидлар ҳам уларга кор қилмасди, шекилли, тонг отиши билан яна ариқ бўйида пайдо бўлишарди...

У ўшанда ўпкасини шамоллатиб қўйганди.

– Она, томоғимдаги зулукни олинг, нафас ололмаяпман, – дея тонггача алаҳсираб чиққанди. Онаси табибма-табиб югуриб, ниҳоят Халпа табибдан шифо топган эди. Лекин эркак, ўшанинг асоратими, сал тумов бўлса, бас, йўталиб қоларди.

## Ҳабиб АБДУНАЗАР

Эркак маҳзун тортган хаёлларига бир юпанч, ором излаган бўлди. Бирок саркаш хаёллар уни кимсасиз ороллар сари етаклаб кетаверди. Эркакнинг назарида дунёниг барча эшиклари ёпиғу, у вабо – аждаҳо пойига ташланган қулондек атрофга жавдираб боқар, нажоткор Нух кемасидан эса дарак йўқ эди. Ойлар денгиздек чайқалиб, кун пуртраналарини хосил килаверди. Шифокор ўликларни адаштирганидек, у ҳам кунлар саноғидан адашли.

– Хотин бугун пайшанбами? – сўради эркак.

– Ха, – деди аёл мадорсиз вужудини деворга суюб, ёнида турган пиёладаги кайнок сувдан бир-икки хўпларкан. – Яхши кун. Момоларга бир иси чироқ килсанми?..

– Эй-й, – деди эр хуноби ошиб. – Дунёдаги ҳамма касални момо тутганми. Оллоҳнинг балоси десанг-чи!..

– Айтдим-да...

Аёл сўниқ нигоҳларини ерга тикиди.

Эркак жимликни хуш кўрмасди. Бозор шовқинларига ўргангани учунми, ҳовлидаги сукунат унинг юрагини сиқди, қишлоғини кўз олдига келтириди.

Уйи зовур ёқасида эди. Ундан нарида икки қишлоқни ажратиб турадиган ажриқ ариқ оқиб ўтарди. Икки қишлоқ болалари қуёш қайтгач, сигирларини молхонадан ҳайдаб чиқиб зовурга солиб юборарди-да, ўзларини “гуппа-гуппа” ана шу ариқка ташлаб, то шомгача сувдан чиқмай чўмилишарди.

– Зулук чақмайди, – бир куни таскин берган бўлди ёши каттароғи.

У қамиш поясидаги бир зулукни олиб, билагига тутди:

– Чак, қани чақ-чи!

Зулук билакларига ёпишмай ўрмалади.

– Харом қон бор жойни чакади, – дейди бола зулукни сонига қўйиб. – Тумшуғини тиқиб қонингни сўргач, шишади-ю юмалаб кетади.

– Кел, шуни зулук соловчи Халпа табибга олиб борамиз. Ўтган сафар бешта зулукка кўпала қурспечак берганди, – деди иккинчи ёши кичикроқ бола.

– Эй, қўй шу эмчини!

Шу пайт зулук унинг қўлидан сирғалиб сувга тушиб кетди. Улар қамиш пояларини қайириб, зулукни анча излашди.

– Нима бало ютиб юбордингми? – тоқати-ток бўлган жўраси кўзларини каттакатта қилиб унга ўқрайди.

– А-а-а, қара-чи! – у оғзини очиб, тилларини чиқарди. – Томогимга ёпишиб колгандир.

– Йўқ, кетингга кириб кетган бўлса керак, – ҳазил қилган бўлди жўраси.

Улар кийкириб кулганча бир-бирини кувлаб ўзларини яна сувга ташлашди.

Шом тушиши билан қўлига узун хипча ушлаган онаси ариқ бўйида пайдо бўлади. У кийимларини кўлтиқлаганча уйга кочади.

– Шомда чўмилма дейман, – онаси қўлларини сермаб дағдаға қиласди. – Жинлар сувга чиқади, билмай боласини босиб қўясанми, устига сийиб қўясанми...

– Унда жинингиз оёғим остида ўралашмасин, – дейди бола хипчадан қизарган пойчаларини силаб-силаб йиғлар экан.

Жинлар билан бўлган таҳдидлар ҳам уларга кор қилмасди, шекилли, тонг отиши билан яна ариқ бўйида пайдо бўлишарди...

У ўшанда ўпкасини шамоллатиб қўйганди.

– Она, томогимдаги зулукни олинг, нафас ололмаяпман, – дея тонггача алаҳсираб чиққанди. Онаси табибма-табиб югуриб, нихоят Халпа табибдан шифо топган эди. Лекин эркак, ўшанинг асоратими, сал тумов бўлса, бас, йўталиб қоларди.

Эркак буларни үйларкан, хаёллари оғирлашиб, ўзини ёмон хис қилди, зулук  
хануз үпкасида ёпишиб тургандек күксини охиста силади, вабони томоғида  
тұмалаб бораётган зулукдек тасаввур қилди, оғир ютинді, үкчиidi.

Енида үтирган аёли паст овозда деди:

– Отаси, үпкам туз сепгандек жиз-жиз ачишади, сұякларим қақшайды,  
лоғларим ғұппа-ғұппа битади...

Эркак айвонда ётарди.

Аёл эса унинг бошида үтириб гапини тингларди.

– Кече иккита одам келди.

– Махалла нозирими?

– Йүк, ҳокимиятдан экан. Уй ҳужжатларини сұрашди.

– Нега? – ажабланиб қаради эркак.

– Уй бузиларкан. Биз турган уй йүл қурилишига тұғри келибди. Истироҳат  
боғидан чиқкан йүл тұғри Сағбонға бориб туташаркан, – аёл құлларини өзүиб  
қибла тарафға ишора қилди.

– Сан қаердан билдинг? – эркак ёнбошлаб, бошидаги ёстикни тирсаги тагига  
буқлаб қўйди-да, хайратли, аммо изтироб тұла нигоҳларини аёлига қадади.

– Қўшилар айтди. Кече Холида холанинг уйига чикувдим.

– Нега чиқасан, уйда үтиранг бўлмайдими! – жаҳл билан ёнидаги пиёлани  
четга суриб қўйди у.

Орага сукунат чўмди.

Кўп ўтмай, сухбатнинг давомини билгиси келдими, эркак яна сўради:

– Ижарачи-чи?

– У ҳам келиб-кетди. Ярмини берувдим. У сумкасидан атирга үхшаш нимадир  
олиб пулга сепди-да, чўнтағига солиб гум бўлди. Вабо пулдан ўтаётганмиш.  
Товбангдан кетай... – Аёл бироз үйланиб турди-да, яна деди: – Ижара пулини қолган  
ярмини ўн кунгача тўламасақ, бошка одам қўяркан.

– Шу етмай турувди ўзи... – эркак ўз-ўзига ғўлдиради.

Уртадаги жимликни бу сафар аёл бузди.

– Пастдаги кўча бор-ку, берк кўча?.. Ана шу ердаги ховлини бузган экан,  
бошимдай келадиган етти хум тилла чиқибди. Бу молу дунё кимга вафо килибди.

Эркак бошини кўтариб аёлига қаради. Сўнг ҳоргин кўзларини юмид, бўғик  
овоозда қаҳ-қаҳ отиб кула бошлиди. Кўзларидан ёш чиқди, юзларига қон тепиб,  
пешонасида тер ялтиради ва хириллаганча чала-ярим сўзлар билан деди:

– Бо... бом, қиши... лоқ...

У томогига учган тупукларини чиқаришга уриниб, қаттиқ-қаттиқ йўталди. Йўтал  
тўхтагач, аллақандай воқеани эслагандек бошини тебратиб қўйди. Юзларидаги  
майда ажинлар чўқурлашиб, бўртган лаблари остидан қинғир-қийшиқ сарғимтир  
тишлари кўринди. Чўккан кўзлари кия тортиб, қошларига чирмашди, корачиклари  
милтиллади.

– Нега кулдингиз? – аёл ҳайратланиб эрига юзланди.

– Шунчаки, бир нарса ёдимга тушди, – кўл силтади у. – Кўявер!

Аёл қўлидаги пиёлани ошлоқ четига қўйиб, эрим бирор нарсани мендан  
яширияпти, деган хаёлда қовоғини солди.

– Давлатга яхши-ю, гўдаккина, уй эгасига қийин бўлди-да. Кўчада ҳар замон  
қўриб қоламан, бечора аёл... Эшитсан, юрак касал бўлиб қолибди.

– Тилла чиққанигами? – сўради эркак.

– Йўк, уйини бузилишига кўнмаган экан, камбагалгинани судраб қўчага чиқариб  
ташлабди.

## Ҳабиб АБДУНАЗАР

– Нега кўнмабди? Үрнига уй бермас эканми?

– Бераркан, фақат шаҳар четидан, у ҳам эски эмиш. Бечорани ёш болалари бор эди. Уйни ўзи бузганида тиллалар ўзига колармиди. Айтишларича, унинг пулига бир каатта қаср курса бўлармиш.

– Мероси тилла бўлса керак-да. Шунинг учун.

Аёл ҳеч нарса тушумагандек эрига анқайиб қаради.

– Мероси дейсизми?

– Ха, рахматли Эшқул бувам айтарди, кимдир ўзидан бирор бойликни зурриётларидан бирига мерос қилиб қолдирса, у бойлик ўша одамга етиб бормагунча кўлма-кўл бўлиб юравераркан. Сақларкану, ишлатолмаскан. Опанинг буваси ҳам тиллани мерос қилиб қолдирган бўлса керак-да..

– Давлатга мерос қолдирган эканми, курғур бува?

– Ким билсин, етим-есир дегандек... Эй, қўй, у ёғини билмайман.

Эркак яна узала тушди-да, айвон шифтига тикилганча, хаёлга чўмди. Ёдига буваси келди.

Пахсали, лойсувок уй. Буваси анча йилдан буён тўшакка михланиб, бир кўрпа бўлиб ётарди. Охир дард зўрлик қилди: у даладан уйга қайтганида буваси тилдан қолган, уйда қариндош-уруғлар йигилиб, чолнинг куни битганини айтишарди. Уйнинг бир бурчида ётган чол эшик ёнидаги печка томонга ишора қилиб, ниманидир айтмоқчи бўлар, ётган жойидан туришга уринарди. Қариндош-уруғлар бир-бирига қараб қўйишар, ҳеч нарса тушунмас, баъзилари эса бу ишорани ўзларича тахлил қилиб, бир-бирларининг қулоғига шивирларди:

– Бу печканинг тагига буванинг тилласи қўмилган бўлса керак.

– Йўқ, – дейди бошқаси, – шу томонда кўзига бир нима қўриняпти. Азоилми...

Бува бироз нафас ростлагач, печка томонга қаттиқ тикилиб қўзлари билан яна аллақандай ишоралар қиласарди. Шу пайт устига кулранг чакмон кийган чол ўрнидан иргиб турди-да, кўкала соқолининг учини тутамлаб, донишмандлардек бир муддат ўйга чўмди. Сўнг муаммога ечим топгандек юзи ёришиб:

– Бу ёкка кел, – деди унга.

У ҳеч нарсани тушунмай, секингина одамларнинг елкасига қўлини қўйиб ўзига йўл очгач, туртиниб-суриниб орадан чиқди-да, чолнинг ёнига борди. Чол буваси ётган тўшакнинг бир четидан ушлади ва унга нигоҳи билан “иккинчи томонидан сен ушла”, дегандек имо қилди. Улар бувасининг тўшагини кўтариб, бош томонини киблага қаратиб қўйишиди. Буваси бир чуқур нафас олди-да, қўзларининг четидан бир томчи ёш юмалаб, Аллоҳга омонатини топширди.

– Ана, айтдим-ку, – деди чол, – оёғим қиблага қараб қолди демоқчи бўлган экан. Аллоҳ раҳмат қилсин.

Бувасини қўмиб келгач, амакисининг тинчи бузилди, шайтон яна восвос қилди. Ҳар куни келиб, у-бу баҳоналар билан акасига печкани бузиш ҳақида гап очадиган бўлди.

– Ўлик бўш чиқди, aka! – деди амакиси арзирли баҳона топганидан кувониб бир куни. – Эскиларни айтишича, уйдан ўликнинг бўш чикиши ёмон экан. Изидан яқинларини тортаркан. Бундай пайтда печкани бузиб, остига ўқлов қўмиш керак экан.

Хуллас, амакиси уй эгаларини кўндириб, охири печкани бузди, тагини ковлади. Аммо у ердан ҳеч нарса тополмади.

Эркак буларни эслаб, яна мийғида кулиб қўйди.

У юзида котиб қолган кулгисини йигиштириб олди-да, бурилиб аёлига деди:

– Болалар кани?

Аёл ўрнидан туриб, айвондан тушди-да, ўйнаш учун күчага чикиб кетган болалари томон ғудранганча юрди:

– Бошга битган булаар, карғиши копи булаар, касал юқтириб олса-я...

Тун пардаларини тортиб, сарғимтири шуълаларни уйга қамади. Хавотир ва вахимали кунлар деворга ўзининг улкан сояларини солди. Эркак хуфтон намозини ўкиб, ўрнидан энди турганди, ичкаридан хотинининг зардали овози эшитилди:

– Каерданам олиб келдингиз шу матоҳни?!

Эркак эшикдан бош суқиб, хонтахта устида турган эски ПЕНТИУМ-2 компьютери ва унинг ёнида йиглаб турган икки ўғлини кўрди.

Кечак мактаблар ёпилиб, онлайн дарслар бошлангани учун эркак уйдаги бор пулени олиб, эски-туски сотадиган бозордан бир компьютер топиб келганди.

Эркак компьютерни ёқиб, болаларини овутган бўлди:

– Мана қаранглар, битта-битта ўйнаймиз, кани қетдик...

Болалар компьютер атрофини айланиб, жажжи бармоқчалари билан уни астагина силаб кўришди. Мониторда тўзгиб сўнгра тезда бирлашиб кетаётган кубикчаларга завқланиб бокишиди.

Эркак сичқончани жойидан у ёқ-бу ёкка силжитди:

– Мана бу сичқонча...

– Ростданам тирик сичқонми? – чувиллашиб болалар.

– Бу экран, бу... Эй, интернет пакит олмабмиз-ку! – эркак ўйланиб қолди. – Майли, пул тушсин, кейин. Ҳозирча компьютерда ишлашни ўрганиб туринглар...

Эркак аллақандай ўйинни очиб берди-да, ўзи хонтахта четига чўзилди. Болалар ўйинга қизиқиб кетишиди. Одамча жарлардан сакраб тепаликка кўтарилигган сари ўўлида учраган олма, узум ва бошқа меваларни ютиб, корни осилиб бораради. Болалар завқланиб кулар, одамча гоҳи жарга кулаб кетса, “Эй расво қилдинг-ку” дегандек укаси ўрнига акаси бошқарувни кўлига оларди. Укаси эса “Бу ёкка, тепага” деганча энди ақл ўргатишга тушарди.

Тун, алламахал. Болаларнинг кўзлари қизариб мудрай бошлади. Эркак хонтахта четига бошини кўйиб, мудраётган икки ўғлини кўтариб бирин-кетин ўрнига ётқизди. Ўзи ҳам келиб жойига чўзилди. Хотини бу вақтда ёстиқقا суюни аллақачон уйқуга кетганди. Эркакни вахм босдими, хотини томон сурилди ва уни орқасидан беозоргина қучди. Хотини уйғониб кетди. У томон бурилди-да, жойига яхши ўрнашиб, эрининг пинжига тикилди. Бу ҳолат анчадан буён кузатилмаган эди. Эркак ишдан чарчаб келиб, апил-тапил овқатланар эди-да, ўтирган жойида донг котарди. Аёли уни уйғотиб, гўдакдек етаклаб ўрнига ётқизарди. Бугун асосий куни уйда ўтгани учунми, эркакнинг хаёлига англаб бўлмас ширин бир истак келди. Қалбида эҳтиросли ишқ түғён урди. Бу орзиқиши томирлари бўйлаб шиддат билан юргургандек бўлди. У бир кўли билан аёлининг бошини кўкрагига олди-да, иккинчи кўли билан кўйлак остидан унинг оппоқ сонларини силади. Аёлнинг бедор ишқдан енгилгина титраётган баданида бир ўт сезди. Бу ўт томирларида қуюқлашиб қолган қонни эритиб, бутун вужудига сочиб юборгандек эди гўё. Лекин иштиёқ узокка чўзилмади. Бирдан ўзини толиккандек хис этди, оёқ-кўллари бушашди, томоғига нимадир тикилиб, нафас етишмаётгандек туюлди. Буям камдек, шу пайт аёли бир оёғини ошириб эрининг сонлари устига ташлади. Эркакнинг устига дараҳт кулагандек сонлари зиркираб кетди. У аёлининг оёқларини итариб ташлади-да, ўзини орқага олди, калта-калта йўталди. Бу йўталга аёли ҳам кўшилди. Сўнг аёл эрига тескари қараб, кўрпани бошига ўраганча яна уйқуга кетди. Эркак қаддини

## Ҳабиб АБДУНАЗАР

күтариб, болалар уйғониб кетишидан чүчиганидан күли билан оғзини бекитганча ўтирган жойида узок йўталди. Йўтал сал пайсал топгач, у ёқ-бу ёкка аланглаб нимадир излади. Излаганини топди, шекилли, интилиб ёнидаги хонтахта устидан пультни олди. Телевизорни ёқди: “Ковиднинг асосий белгилари: калта-калта йўтал тутиши, иситманинг кўтарилиши, ҳид ва таъм билмаслик...”

Мутахассиснинг овози титраб чиқарди, худди йиғлаб гапираётгандек. Эркакка шундай туюлдими ёки у ростдан хавотирдами?..

“Унинг ҳам фарзандлари, неваралари бордир...”

Эркак қошларини чимириб, вахима аралаш титраётган кўлларини кўрпа остига олди, совуккотгандек этлари жунжикди. Пультни олиб, дастурни ўзгартириди: “Хиндистонда Хитойдан келган заҳарли арилар халқни чақиб ўлдирмоқда...”

“Нима бало, ҳаммаёқда вахима, бало келса қўша-қўша келади, дегани шу бўлса керак”, минғирлади у. Жаҳл килиб, телевизорни ўчирмокчи бўлди. Лекин пульт ишламади. Эркак кўлидагини четга улоқтириди-да, ўрнидан туриб, телевизор вилласини токдан суғуриб отди. Хуррак отиб ухлаётган хотини “нима гап”, дегандек бошини ёстиқдан кўтариб қаради. Бирдан уни ҳам йўтал тутди. Кафтларини оғзига босиб, ўтирган жойида саждага эгилгандек тиззаларига эгилиб-эгилиб йўталди. Уйку элитиб, йўтали эндиғина босилган аёл бунга эри сабабчидек норози оҳангда тўнғиллади:

– Ётсангиз бўлмайдими, яхшигина ухлаётгандим-а...

– Уйкум келмади, – деди эркак. Юраги нимадандир безовта булаётгандай ўрнидан туриб, чап кўкрагини сийпалаганча дераза ёнига борди. Кўз олдига қора таёф ўйнатиб турган милиционер, сиреналарини ёқиб ўтаётган “Тез ёрдам” машиналари, бешик сотиб олаётган аёл келди...

Шу пайт ташқарида шамол туриб, дарахт япроқлари шовуллади. Изидан шитирлаб ёмғир ёға бошлади. Шамол майда томчиларни олиб келиб деразага урди.

– Ёмғир ёғяпти, шекилли, – деди эркак чукур хўрсиниб. – Нам ҳавода вабо ўлмаскан, иссиқда ўларкан. Шаҳарга Қорақумнинг иссиқлари керак бўляпти-да.

– Ёғса ёғар, – деди аёл. – Шунга ҳам мотам тутайми? Вабо кўзга қўринадиган махлуқ бўлса экан, Қорақумнинг қоқ ўртасига обориб тушовлаб келсанг...

Ёмғир кучаявергач, аёл эринибина ўрнидан турди-да, ташқарига чиқди. Дордаги кирларни йиғиштириб, уйга олиб кирди. Уй бурчида ўтириб, уларни тахтай бошлади.

Эркак деразага келиб урилаётган ёмғир томчиларига тикилганча деди:

– Йўлларни ҳам ёпишибди. Бу туришда кишлоқка кетолмасак керак. Таваккал килиб, йўлга бир чиқиб кўрсакмикан ё...

– Билмадим, – деди аёл тахлаган кирларини тугунга солиб боғларкан. – Ана, аравакашларнинг бари қайтибди. Вилоятга кетишга рухсат бермабди.

Аёл гапира туриб, эркакнинг девордаги михга илинган қўйлагини қўлига олди. Тикув машинасининг қутисида ётган ҳар хил рангдаги тугмаларни титиб, оқ тугма излади. Топмагач, унга қўйлакдаги тугмалардан қажман каттароқ бир яшил тугмани қадаб, эрининг ёнига қўйди. Кир тугундан пайпоқ олиб, йиртиқ жойларини ямади. Гўё эри эртага ишга чиқиб кетаётгандек, барча нарсаларини саранжомлаб эркакка юзланди:

– Отаси, эрта бозорга чиқасизми?

– Нима деяпсан, карантин-ку...

– Мениям бирор ишга жойланг, дедим. Айтавериб жағларим толди. Энди бўлса иккаламизам ўтирибмиз уйда. Озроқ йикқан пулимиз бўлармиди...

Аёл хонтахтага чой, мураббо, яримта котган нон келтириб күяркан, гапида давом этди:

– Фалончининг болалари мусофири юртда ўлиб кетиби, деган гап қолувди энди. Улигимиз ҳам сарсон бўларкан-да.

Эркак ҳеч нарса демади.

Аёл болаларининг гилам устида сочилиб ётган кийимларини йиғишириб, уй бурчига ташлади-да, эрининг рўпарасига келиб ўтириди:

– Бу икки етимчангиз саҳардан нон деб туради...

Унинг узун киприкларида бирдан ёш пайдо бўлди. Ичидан тошиб келаётган йиғини босиш учун лабини тишлади. Бошини куйи солиб, бармокларини ўйнади. Сўнг йиғидан тўхтаган гўдакдек энтикиб нафас олди. Хўрсинди. Бошини ўнг ёнга буриб, сийнабанди боғичлари кўриниб турган озғингина елкасини кўйлаги билан ёпди-да, унга оҳиста бош кўйди.

– Нима, мен карантин қилдимми? – эркак курсаткич бармоғини ўз кўксига нуқиди.

– Тақдирим ўйилсан, – аёл ерга эгилганча этаги ўнгирини қайириб аввал кўз ёшларини, кейин бурнини артди.

– Нарсаларингни йиғишири тур, мен Абу Сахийга бориб келаман.

Эркак уст-бошини кийиб, кўчага чиқди. Бу вақтда ёмғир тиниб, йўлда қўлмаклар хосил бўлган эди. У тунги салқин ҳаводан тўйиб симириди. Кўчани ёритиб турган симёғоч чироклари ва оғир сукунат тун яримлаб колганидан дарак берарди.

Эркак автобекатгача бўлган икки дакикали йўлни босиб ўтди. Симёғоч чироклари элас-элас ёритиб турган бу тор кўчалар унинг кўзига янаям ғамгинроқ кўринди.

Чўнтағида эрта учун сақлаб кўйган нон пули бор эди. Автобекатга бориб-қайтишга етади. Эркак эрта бир гап бўлар, деди-да, таваккал қилиб куча бошидан бир машина тўхтатиб, автобекатгача борди. Майдон бўум-буш эди. Бирорта машина кўринмайди. Яккам-дуккам кўзга ташланган машиналар ҳам савдогарларга тегишли. Бу ерда ҳам қора таёқ ушлаган милиционерлар ногоҳ майдонга кириб қолган машина ёки одамларга дўк-пўписа қиласди:

– Ҳой, қайт изингга!.. Йўллар ёпилди, карантин!..

У итоат қилди.

Ёз чилласи бўлишига қарамай, ҳаво совуди. Осмонни тўлдириб қора булутлар саф тортиди. Момакалдироқ гумбурлаб, сўнг дараҳтларни сугуриб отгудек шамол турди. У ерга санчилган илдизларини сугуриб олишга уриниб, осмонга сапчиётган, кейин ночор вужудидан нолиб бошини деворларга ураётган ям-яшил дараҳтга қараб хаёл сураркан, бехос кўз олдига ўз қўлида жон берган дўсти келди.

Дўсти Россияга ишлашга кетиб, уйга икки йилдан кейин ногиронлар аравачасида қайтган эди. Оёқлари ишламасди, бора-бора қўллари ҳам ҳаракатдан тўхтади. Ҳатто белини тутолмаганидан аравачада ўтиrolмайдиган бўлиб қолди. уни ака-укалари коҳинлар сингари кўрпага солиб, у ёқдан-бу ёқка кўтариб юришарди. Шифокорлар касалнинг учини тополмади. Дард кундан-кунга улканлашиб девдек йигитнинг вужудини батамом емирди. Икки ойда озиб чўпдек бўлиб қолди. Ёшгина бола ҳам кўтариб, у ёқдан-бу ёқка олиб кўядиган бўлди.

– Ё вабога йўлиқкан, ё қора босган, – деди беморнинг ака-укалари топиб келган қишлоқ мулласи. – Шифо Аллоҳдан, ўқиймиз.

Мулла етти кун қатнаб, “Ёсин” ўқиди. Бемор ўнгланмади. Унинг вақти-соати яқинлашиб, ниҳоят жони ҳалқумга келди. Мархум отаси билан гаплаша бошлади. “Урманг, ота, урманг...”

## Ҳабиб АБДУНАЗАР

Эркак шуларни эсларкан, миясига ўрнашиб колган, дўстининг сўнгги нафаси – жон беришини кўз олдига келтирди ва даҳшатдан вужуди титраб кетди.

Дўсти шифтга – бир нуктага тикилган кўйи гохидан ширин болалик хотиралари ёдига тушгандек сирли табассум килар, гохидан даҳшатга йўликкан одамдек кўркувдан кўзлари катта-катта бўлиб кетарди. Нихоят у оёклари остида нимадир бору, унга оёкларини тираб, бор вужуди билан юқорига интилди; кўзлари катта-катта бўлиб, ёстиқдан бошини илкис кўтарди. Сўнг оёғини уқалаб ўтирган дўстига даҳшатли тикилиб:

– Бас кил, кўйиб юбор мени... – деди-да, тағин бошини ёстиқка ташлаб хириллай бошлади.

Эркак биринчи бор инсон кўзларининг бу кадар катталашиб кетганини кўриши эди. Улар гўё хозир ўз косахонасидан отилиб чиқадигандек...

Беморнинг бутун вужуди музлаб қолди. Фақатгина томоғи тагида тирнок юзичалик жой пир-пир учиб турарди. Ёнида ўтирган бир киши шошиб жафини боғлай бошлади.

– Тўхтанг, – деди эркак жаҳл билан унинг кўлини беихтиёр уриб юбораркан. – Ҳали тирик у!..

Эркак дўстининг бошидан боғични ечгач, у “уф” дея сўнгги нафасини чикарди-ю, бошини ён томонга ташлаб юборди...

Эркак ўшанда бу нохуш манзарадан заррача бўлсин кўркув хис қилмаганди. Энди-чи, у нега қўрқяпти, нега бу хотиралар уни даҳшатга солмоқда? Гўё ўлим уни ҳам томогидан олаётгандек беором, пешоб қилгиси келган, қисталган одамдек уй ичида ўёқдан-бу ёққа бориб келади, ўтириб-туради?.. Инсон руҳи англаб бўлмас бир хилқат. Эркак ўзи хақида ўйлаганда бу дунёда абадий яшаб келаётгандек, туғилиш – унга кимдир айтиб берган эртакдек туюлади. Лекин ўлим ундаи эмас, киши ўлимнинг яқинлашаётганини сезади, ўзини бу дунёда йўқдек хис қила бошлайди. Ўзи ҳақда ўйлай туриб, ҳеч бир қарорга келолмайди: сен аввал бормидинг, хозир мавжудмисан?.. Бу каби саволлар эса тобора тубсизлик сари олиб кетаётгандга ўхшайверади уни...

Эркак секин ўрнидан турмокчи эди, кўл-оёклар шалвираб қолгандек жойидан кимирломади. Ҳолсиз вужуди ўт-олов бўлиб ёнаётганини ҳис қилди. Ҳаво етмаётгандай чукур-чукур нафас олди. Сўнг жони ҳалқумига келгандек бор овози билан бакирди:

– Хо-оти-и-н?

Ён хонада ғимирлаб юрган аёл юргилаб келиб, унинг оёкларини уқалашга тушди.

Дераза дарчасидан эсган енгилгина тонг шабадаси унинг ёрилган, учук босган лабларини, сарғайган юзларини силаб ўтди...

– Нима бўлди, отаси, – аёл “хук-хук” йиғлай бошлади. – Болаларингизга бош бўлинг. Қўли калта, бир ожиза бўлсан...

– Нега дийди юласан, ҳали тирикман-ку, – деди эркак хириллаган овозда. – Ҳамма ўз кунига маҳтал. Ўлимдан кочиб қутулган борми? Ўтганларни эсладим-да, онаси. Отамни, акамни...

– Уйдан кўнғироқ килишди, онангиз бетоб экан, – деди аёл ғамгин тортиб. – Шифокорлар анави дарддан юқтирган дейишибди.

Эркакнинг юраги “шув” этди, ичидан нимадир узилгандек бўлди. Лахзалик сукунатдан сўнг ўёнидаги ёстиқни тиззасига қўйиб, унга юзини босди.

...Эркак тун бўйи ухлолмади.

Күш уйқу унга англаб бўлмас, ғалати ва кўрқинчли тушлар тақдим этди. Онасини сирги бор кўриш, сўнгги сўзларини эшитиш унга насиб этмади. У онаси билан ғакат туш орқалигини кўришди ва хайрлашди. Унинг рух кулогида эса онасининг ғакат бир сўзигина колди: “Кийналдинг, болам, мусофирилик қурсин...”

Эркак дод солиб йиғларкан, кимдир туртгандек бирдан уйғониб кетди. Худди ғиджигина йигидан тўхтаган боладек энтиқди. Хайрият, туш. Аммо кўзларида ёш кўк. Билдики, йиглаётган ичида... Рух кўзёшларини ютгандек оғир ютинди. У бор бўжуди билан ҳали йиғидан тўхтамаган руҳнинг овозини эшилди, хис этди. Жикка турга тушган, гўё қаҳратон кишида колгандек бутун вужуди калтирас, тили калимага бўтмас, атрофга олазарак бокиб, кимнидир изларди.

– Отаси, сизга нима бўлди?

У алаҳсиради.

– Онам, онам...

Аёл эркакни суюб ташқарига олиб чиқди-да, айвонга ёткизиб устига енгилгина кўрпа ташлади ва ўзи ҳам унинг оёқ учига бош кўйиб уйқуга кетди.

Тонгга яқин ҳавони қип-қизил чанг бўрони қоплади. Улар салафан қоқилган зеразалардан сизиб ўтиб, эркак ва аёл ҳамда ширингина ухлаётган икки болакайнинг ғиприклирига, соchlарига оҳиста қўнди. Шамолсиз, тумандек ёйилиб бораётган бўй чанг-тўзонлар ҳовли ва уй ичини одам одамни кўриб бўлмайдиган даражада коплаган эди.

Эркак ўрнидан туриб, юз-қўлини ювиб, чой ҳам ичмасдан аравасини сурганча кўчага чиқди. Бироз юргач, чанг-тўзонда хира ёниб турган чироклар ёруғига етганда тўхтаб, кулранг кўйлагининг гижимларини кафтлари билан босиб-босиб текислаган бўлди-да, яна йўлида давом этди.

У бозорга етиб келгач, дарвоза ёнига аравасини қантариб, чўнқайиб ёнига ўтириди.

Бозорнинг кираверишида нон сотиб турган икки аёл эса хавотирли нигоҳларини эркакка тикиб, бир-бирига сирли шивирларди:

– Анаву одамни кечак Панжининг эшиги олдида кўрувдим.

– Эҳтиёт бўл, бу ҳам касалга ўҳшаяпти. Кўзларига кара, уни устига калта-калта йўтуляяпти.

– Панжи дейсанми, кечак уйида ўлиб қолган йигитни айтяпсанми?

– Ҳа, шу бозорда картошка сотарди-ку.

– Вабодан ўлибдими?..

– Ҳа, ўпкасига саксон фоиз ўтган экан.

Чанг-тўзон баттар куюқлаша борди.

У араваси ёнида ўтирганча пичирлаб тиловат қилди, юзига фотиха тортди – дуонинг манзили бўлмайди, қайда бўлмасин етиб боради.

“Куз келса, энг баланд кўргондаги дараҳт шохи ҳам сарғаяди...”

Теварак-атрофига аланглади. Ўз овози ўзининг кулоғига бегона ёклардан келиб урилгандек бўлди.

У сесканиб кетди.

Аҳён-аҳёнда сиреналарини ёкиб “Тез ёрдам” машиналари зувиллаб ўтиб коларди. Бироз ўтиб бу чанг-тўзонлар бадбўй бир хид ҳам тарқата бошлади.

Гўё бутун бир шаҳар майитлар хидига тўлгандек...

Тўзон ичида эса шошиб савдо қилаётган ниқобли одамлар оқимини илғаш мумкин эди.

Шу пайт кимдир қўлларини силтаб бақирди:

– Эй арава, бу ёқка!..

У овоз чиққан томонга аравасини суриб кетди.



# ТАФАККУР МАШЪАЛЛАРИ

**Иқболой АДИЗОВА**

Жаҳон адабиётшунослигида тасаввуф ва тариқатлар, сўфийлик ва мутасаввифлик каби масалалар борасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Аммо бу жараёнда аёлларнинг ўрнини ёритишга етарли эътибор қаратилмаган. Лекин дунё адабиётшунослиги томонидан тан олинган, таникли немис олимаси Аннамарие Шиммел ўзининг бир қанча асарларида, хусусан, “Жонон менинг жонимда” [4] китобида Ислом оламида хотин-қизларнинг ўрни масаласига алоҳида эътибор қаратган. Айрим баҳсли фикр-мулоҳазалар учрашига қарамай, олиманинг илмий хуласалари муҳим аҳамиятга эга.

Аннамарие Шиммел ислом дунёсида аёлларга муносабат мақомини ёритар экан, “Сўфий аёллар” [4, 43-64] мақоласида орифа аёллар фаолиятини баҳолашга ҳаракат килади. Улар ҳакидаги маълумотларни оlimа жаҳон кутубхоналарида сакланаётган юзлаб арабий ва форсий манбаларни ўрганиш асносида тўплайди.

Аннамарие Шиммелнинг мақоласида ўттиз бешта сўфий аёл ҳакида маълумот берилган [4]. Аммо Олима фикрлари ва манбалар билан танишиб, уларнинг барчасини ҳам сўфийлар сирасига киритиш унчалик тўғри бўлмаслигини кўрамиз. Бу масалага ойдинлик киритиш келажакда кўплаб маҳсус тадқиқотлар олиб боришини тақозо этади. Балки уларни “орифа ва обида аёллар” деб аташ фикрга аниқлик киритиши мумкин. Навоий “Насойим ул-мухабbat” асарида бундай аёлларни худди шундай атаган. Таъкидлаганимиздек, Аннамарие Шиммел ўз тадқиқотларида кўплаб манбаларга мурожаат килади. Жумладан, асарларида юқорида келтирилган ўн тўртта илмий рисолани эслаб ўтади. Аммо улар қаторида Алишер Навоий асарлари, хусусан, сўфий зотлар тазкираси хисобланган “Насойим ул-мухабbat”ни тилга олмайди. Олима асарларида бунинг сабаби кўрсатилмаган.

**Иқболой АДИЗОВА** – филология фанлари доктори. 1957 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Ўзбек адабиёти тарихи” ўқув қўлланмаси ва дарслиги, “Эл дардини куйлаган шеърият”, “Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур”, “Сўзумни ўқуб англагайсен ўзумни...”, “Увайсий шеъриятида жанрлар тақомилги”, “Увайсий шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгиланиши”, “Thinker poetess of the East” каби монографиялари, юздан ортиқ мақолалари ўзбек ва чет тилларда эълон қилинган.

Балки Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” асаридан фойдалангани сабабли, унинг таржимаси ҳисобланган Навоий асарига мурожаат этмаган бўлиши ҳам мумкин.

Алишер Навоийнинг “Насойим ул муҳаббат мин шамойил ул-футувват” асари 1495–96 йилларда яратилган. Унда 8-аср бошларидан 15-аср охиригача Осиё, Африка ва Европа китъаларида яшаб фаолият олиб борган авлиё, сўфий ва мутасаввуф алломалар, шайхлар ҳақида маълумот берилган. Асар Ўзбекистон, Туркия олимлари томонидан ўрганилган. Турли тадқикотлар яратилган. Бир неча бор – Камол Эраслан (1996), Ҳамидхон Исломов (2011)лар томонидан танкидий матни тайёрланган. Асар муқаддима, асосий қисм ва хотимадан иборат. Муқаддимада асарнинг яратилиш сабаблари, манбалари, авлиёлик рутбасининг талабу шартлари ҳақида маълумот берилади. Асосий қисмда 770 та шайх, авлиёнинг (шундан 35 таси аёл авлиёлар) ҳасби ҳоли баён этилади.

Навоийнинг ўзи “Насойим ул-муҳаббат” Жомий “Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-кудс” тазкирасининг таржимаси эканлигини: “То таърих тўққуз юз бирдаки, ул китобнинг таълифидин йигирма йил ўтуб эрди, Тенгри таоло тавфиқи бирла бу улуғ ишга илик урдум ва бу азим амрға қалам сурдум...” дея таъкидлайди. Аммо муаллиф асарни эркин ва ижодий таржима килиш йўлидан боради. Унга Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асаридаги “Нафаҳот ул-унс”га кирмай колган машойихларни киритади.

Навоий Жомий асаридаги 618 та шайх сонини 770 тага етказди. 152 та аллома ҳасби ҳолини ўз асарига янгидан киритди. Устози тазкирасини туркийзабонлар учун тушунарли бўлишини ўйлаб, соддалаштириди ва жиддий тахрирдан ўтказди: “...ул китобда дағи авлиёуллоҳ зикридин баъзи сўзким, замон аҳлиға кўп муҳтоҷ ун-илайх эрмас эрди итноб вахмидин таркин тутдум ва бу таржимадин ўксуттум...” [3, 13]

Жомий асарида шайхлар рўйхати Абдуҳошим Сўфий билан бошланса, Навоийда Увайс Қаранийдан бошланиб, Абдураҳмон Жомий билан якунланади. Асарнинг “Эркаклар мартабасига етган ориф аёллар зикри” деб номланган сўнгги қисмида ўттиз бешта орифа аёл (736–770) ҳақида ҳам маълумот берилади. Уларнинг тартиби Робиаи Адавиядан бошланиб, Бибичаи Мунажжима билан туғайди.

Навоий орифа аёллар ҳақида маълумот берар экан, ўзигача бу борада фикр билдирилган 3 та асарни – Шайх Мухийиддин Арабийнинг “Футухоти Маккия” (73-бобда деб таъкидлайди), Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” ва Шайх Абдураҳмон Суламийнинг “Табакоти Сўфия”сини “нисват ун – обидот ва нисо ун-орифот ахволи зикрида ало ҳаддихи китобе жамъ қилибдур” [3,482], дея эслайди.

Навоий асар муқаддимасида, тазкирасини янада мукаммаллаштириш мақсадида Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асаридан фойдаланганини ҳам хотирлайди. Унда сўфий аёллардан биргина Робиаи Адавия ҳақидагина маълумот учрайди. Аттор ўз асарида “хослар гурухидан бўлган ихлос мастураси, ишқ ва иштиёқда куйган, яқинлик ва эҳтиросга ошуфта” [5, 79] аёлга бағишлиланган қисмнинг келтирилишини куйидагича изоҳлайди. Бу изоҳ Алишер Навоий тазкирасида 35 орифа аёлнинг киритилиш сабабларидан бирини аниқлашга ҳам асос беради: “...Агар Биби Робиани эркаклар орасида зикр килинганининг сабабини сўрасалар, унга жавоб шуки, Пайғамбар с.а.в. буюрубдурлар:

## Иқболой АДИЗОВА

– Аллоҳ сизларнинг суратларингизга бокмас, балки кўнгилларингизга бокар!” [5, 79]

Кўринганидек, Аннамарие Шиммел ҳам, Алишер Навоий ҳам асарларида 35 тадан орифа аёллар ҳакида маълумот келтиришади. Аммо уларнинг рўйхатида уйғун ва тафовутли ўринлар бор. Жумладан, иккала муаллифда ҳам бир хил сўфий аёллар тасвири қўйидаги 8 тани ташкил этади, холос: 1. *Робийя ал-Адавия*, 2. *Мариям ал-Басрия*, 3. *Райҳона ал-Валийя*, 4. *Робийя аш-Шамийя*, 5. *Шавона*, 6. *Сари ас-Соқотийнинг шогирди*, 7. *Фотима (ал-Каттонийнинг қизи)*, 8. *Фотима бинт Мутанна*.

Навоий асарида келтирилган 35 тадан 27 таси янги исм, Шиммелда ҳам 27 та янги ном учрайди. Бу ҳолат иккала манбада жами 62 та орифа аёл фаолияти ёритилган, деган хulosага келишимизга асос беради. Аммо айрим вазиятларга ойдинлик киритиш тақозо этилади. Жумладан, Навоийда 5 та, Шиммелда еттита Фотима исмли аёл келтирилади. Бунинг такрорий эмаслигини аниқлаш учун, албатта, маҳсус тадкиқот талаб этилади.

Ижодкорнинг орифа аёллар ҳақидаги мулоҳазаларини ўкир эканмиз, улар фаолиятини ўрганиш Навоий ижодий такомилида ва айрим асарларининг ёзилишига ҳам туртки бўлганининг гувоҳи бўламиз.

Асарда, Навоий тасаввух тарихидаги анъанага биноан, Робиа Адавия ҳасби ҳолини келтириш билан сўз бошлайди. Ҳажм жиҳатидан кисқа сатрларда унинг мўътабар сиймосини етарлича очиб бера олади. Унинг ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ ҳодисалар ва тафаккур кенглигидаги фалсафага йўғирилган ирфоний ғояларини аниқ ва тушунарли тарзда ифодалайди.

Навоий орифа аёлларни тавсифлар экан, уларнинг дунёкарашини аниқ тасвирилаш билан бир каторда, ўз замондошлари ва авлодларини маънавий камолотга етаклаш, уларни тарбиялаш вазифасини ҳам бажаради. Жумладан, Лубобат ул-мутаъаббida р.а.нинг бир қанча фикрларини келтиради: “Ул дебдурки, мен Ҳақ с.т.дин уялурменки, мени ғайр била машғул кўргай” [3, 483]; “...Тенгридин ани тилаки, сендин хушнуд бўлғай ва сени ўзидин хушнудлар мақомига эткургай ва сени дўстлари орасида гумном қилғай” [3, 483]. Бу хикматона фикрлар барча давр китобхонини маънавий уйғотишга хизмат қиласади.

Навоий орифа аёллар рўйхатининг бошида Робия Адавияни кўради. Кўп мулоҳазаларини унга қиёсан келтиради. Мариям Басрия ҳам Басрада Робия билан яқин сухбатдошлиқда умр кечирган. Унинг хизматини қилган. У каби ҳаёти, яшаш тарзини фақат ишқда кўрган. Ҳаттоқи, вафоти ҳам ишқ сўзини эшитгани таъсирида рўй берганини эслашади:

Ногаҳон илоҳий ишқни у англаб,

Хушдин кетди, “Аллоҳ” дея шивирлаб [4, 47].

Навоий унинг бир фикрини келтирадики, бу инсон зотига қаноатдан, Инсон ризки билан яратилгани, ҳаракат бор жойда насибасиз қолмаслигидан сабок беради: “Ул дебдурки, ҳаргиз рўзе ғаме емадим ва аниңг талабиға ранж тортмадим, то бу оятни эшиттимки, “Ва сизнинг ризқингиз осмонда ва сизга вайда қилинган нарса бордир” [3, 483].

Навоий Фотимаи Бардаъянинг дунёқарашини биргина жумла билан очиб беради: “Айтадиларки, шатҳиёт<sup>1</sup> [6, 463-б.] сўзловчи орифлардан эди”. Муаллиф мазкур қарашини аниқлаштириш учун “Ким мени эсласа, у билан биргамен” судсий ҳадисини шарҳлагани таърифини келтиради: “Ул сойил билан соате сўзлар айтти ва сўнгра дедики, “Зикр шудирким, сен Ҳақни давомли зикр эттанинг ҳолда унинг зикр этганини мушоҳада этасан. Сенинг зикринг унинг мазкида йўқ булиб кетади. Факат унинг сени зикр этгани қолади. Орада макон ҳам замон ҳам бўлмайди”[3, 487]. Кўринадики, Навоий Фотимаи Бардаъянинг фикрларини чуқур мушоҳада қиласди. Бу каби мулоҳазалар муаллиф ирфоний дунёқарашининг шаклланиши ва кенгайишида муҳим аҳамиятга эга. Ваҳдати вужуд фалсафаси билан уйғун ғояларини асарлари учун адабий асос сифатида қабул қиласди. Теран маъноларга эга мулоҳазаларидан кўплаб асарларини қратишида фойдалангани сезилиб туради. Бу холат шоирнинг фалсафий асарлари за лирикасида тасаввубий талқинларнинг кучайишига замин яратади. Ижодкор асарларининг фалсафий сарчашмалари ҳакида ўйлаганда, мазкур манбаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. “Фиёс ул-луғот” муаллифи шатҳиёт сўзини изоҳлар экан, машойихлар бундай карашларни қабул ҳам, инкор ҳам ғилмайдилар, дейди. Навоийнинг мулоҳазаларидан ва асарларидағи нұктаи назаридан у бу каби қарашларга ижобий муносабатда бўлганини сезиш қийин эмас.

Хуросонлик Фотима Нисобурия ҳакида ҳам Навоий эҳтиром билан хабар беради: “Абу Язид Бистомий қ.с. анга сано айтибдур ва Зуннун Мисрий андин саволлар килибдур” [3, 487]. Абу Язид “айтган бирор маълумотимни унга аён ғаслигини кўрмадим” [3, 487], дея унинг билим камровининг кенглигини, донишмандлигини эътироф этади.

Машойихлардан бири Зуннун Мисрийдан аёллар қавмидан кимни улуг ҳисоблайсан деб сўраганда, “Маккада бир заифа эрдики, ани Фотима Нисобурия дер эрдилар. Қуръон маонийси фаҳмида сўзлар айттур эрдики, манга ажиб келур эрди” [3, 487], деб эътироф этади. Бу фикр Абу Язид ва Зуннуннинг Фотима ҳақидаги фикри уйғулигини кўрсатади.

Навоий асарида келтирилган Робиаи Шомиянинг “Кўнглингда Тангридан ўзга ҳеч нарса бўлмасагина, сен унга етгайсен”, деган фикри ҳам Ҳассон фикрларига ҳамоҳангдир. Шу сабабли, Навоий унга ҳам алоҳида эътибор қаратган [3, 486]. “Робиаи Шомия Аҳмад Абулҳаворийнинг завжаси эди. У аёли ахволининг зиддиятли эканлигини сўзлаб, гоҳ ишқ, гоҳ унс, гоҳ ҳавф мақомидаги рухиятини изоҳлайди. Ишқ ғалабасида у “маҳбуб кўзумдан ва ўзимдан ғойиб бўлди, аммо кўнглумдан ғойиб бўлмади”, унс ҳолатида “жисмим сухбатдош билан, қалбим жононим ила улфатдир”, ҳавф ҳолида “йўл озигим оздир, манзилимга етказолмайди. Озигим озлигига йиғлайми ё йўлнинг узоклигига” каби фикрларини эслайди. Ишқ, унс, ҳавф каби ҳолатлар тасаввув таълимотининг асосини ифодалавчи маҳсус босқичларни англатади. Мазкур

<sup>1</sup> Муҳаммад Фиёсүддин “Фиёс ул-луғот” асарида шатҳиёт калимасини мукаммал изоҳлаб беради: “Шатҳиёт – ирфоний лутатларда зоҳирлан шариатга зид нарсалар ва шариатга хилоф сўзларни тилга олишдир, дейишган. Ва “Кашф”да ёзилишича, мастилик ва завқ таъсирида беихтиёр, баъзан вусул ҳолатида содир бўладиган сўзлардир. Жумладан, Мансур Ҳалложнинг “аналҳақ”, Жунайднинг “лайса фи чуббати сиваллоҳи” ва Боязиднинг “субҳони мо аъзама шаъни” сўзлари каби. Машойихлар мазкур шариатга хилоф калималарни инкор ҳам, қабул ҳам этишмайди (“Маъдан ул-маоний”дан)”.

## Иқболой АДИЗОВА

фикрларнинг хар бири бир китоб даражасида изоҳланишни такозо этади. Аммо Навоий асарида ушбу тушунчаларни Робиа Шомия мисолида ниҳоятда содда ва тушунарли тарзда изоҳлаб беради. Натижада, уларнинг моҳияти, бир-биридан фарқли жиҳатлари борасида етарли тасаввурга эга бўламиш.


Кўринадики, Навоий тазкира жанри талабларидан келиб чиқиб, ихчамлик ва маъновий қуюклика алоҳида эътибор қаратади. У тазкирасида орифа аёлларни жамлар экан, ўз даврида энг машхурларни танлайди ва айрим мулоҳазаларинигина эътироф этади. Аммо шу эътирофлар уларнинг дунёкараши ва тутган йўли борасида мукаммал тасаввур беради.

Ислом ва тасаввуф илми инсон ахлокини таомиллаштирувчи тарбия воситаси. Улар орқали ҳалоллик, тўғрилик, саховат, ота-она ва яқинларни кадрлаш, Оллоҳ неъматларини ғанимат билиш, нафсини ва ўзини таниш ғоялари тарғиб этилган. Навоийнинг кўплаб асарларида мазкур ғоялар ифодаси етакчилик қиласи. “Жаннат оналар оёғи остидадур” ҳадиси ҳаммамизга маълум. “Насойим ул-муҳаббат”да улуғ машойихлар ҳаёти мисолида мазкур ғоянинг ҳаётий исботини кўрамиз. Шайх Абу Абдуллоҳ Ҳафиғ Лайлут ул-қадр нурига мұяссар бўлиш мақсадида томга чиқиб намоз ўқиётган эди. “Онаси Умми Мухаммад уй ичида. Ҳақ с.т.га мутаважжих ӯлтуруб эрди. Ногоҳ “Лайлут ул-қадр” анвори анга зохир бўла бошлади. Ун чиқардики, эй Мұхаммад, эй фарзанд улча сен анда тилайсен, мундадур! Шайх тушти ва анворни кўрди. Ва онаси аёғига тушти, андин сўнг Шайх айтур эрдики, ул вактдин сўнгра онам қадрин билдим” [3, 489]. “...улча сен анда тилайсен, мундадур” жумласи замирида теран фалсафа ва хикмат мұжассам. Бу орқали ижодкор, биринчидан, она зотининг инсон ҳаётидаги ўрнига, унинг қадрига, иккинчидан, осмондан изланган барча эҳтиёжлар ерда эканлигига Румиёна фалсафа билан ўкувчи эътиборини қаратмоқда.

Асарда орифа аёллар қиёфасини ёритишида уларнинг ўз нутқидан фойдаланиш тамоилии етакчилик қиласи. Уларнинг нутқий сатҳлари қиёфаларини мукаммал ифодалаб беради. Шу сабабли ҳам, қисқа ҳажмда ҳар бир образнинг сурати ва сийрати тугал ечимга эга бўлади. Улар ҳакидаги ривоятлар танланишида ҳам муаллиф ўзининг бадиий ниятидан келиб чиқади ва муваффакиятли танловни амалга оширади.

Орифа ва сўфий аёл мақоми берилган мазкур мухтарама зотлар фаолияти ва тақдирини чукур ўрганиш, бизни Шарқ аёли тафаккур теранлигидан баҳраманд этади. Улар инсоният маънавиятининг таомиллашувига улкан ҳисса қўшган. Ёвузликларга қарши йўлни эзгуликлар нури билан ёритган. Кўнгил кўзларини ўз тафаккур машъяллари билан чароғон этишган. Уларнинг илм сарчашмаларидан баҳрамандлик бугун ҳам инсониятни зулматдан куткаради. Таназзулга маҳкум этувчи уруш, дунёга хирс қўйиш ва ўзликни унубиб, нафсга кул бўлиш каби иллатлардан фориғ этади. Аёлларнинг жаҳон ижтимоий ҳаётидаги юксак мақомини белгилашга хизмат қиласи.

# САЖЬ – НАВОБАХШ САНЪАТ



Бахтиёр НАЗАРОВ

## 1

Оғзаки ижод ва ёзма, мумтоз адабиётимизнинг бир-биридан гўзал-гўзал анъаналари кўп. Шулардан бири назмга ҳам хос, лекин кўпроқ насрда намоён буладиган сажъ санъатидир. Матнаги сўзларнинг бисёр қоғияланиш тизимида товланиб турувчи бу услубнинг ўз конун-коидалари бор. Улар ҳакида тарихда илми бадеъага доир кузатувлар, мулоҳазалар талайгина. Улар ҳакида ҳозирги адабиётшуносликда маҳсус тадқикотлар ҳам олиб борилган (Баҳодир Саримсоқов). Ҳар қандай ижод намуналарида қонун-коидасини аниклаш мумкин бўлган сифатлардан ташқари, унинг бу талабларга доим ҳам тушавермайдиган рангин жиҳатлари мавжуд, сажъ санъати учун бу ҳодиса бегона эмас. У, мутахассислар айтганидек, доим ҳам осон ўлчовга бўйсунмайдиган қушларнинг нозик ва гўзал сайроғини эслатади. Бадиий ҳодисанинг номланиши ҳам қушларнинг шу пайровига дахлдор. Бу сехрли товушлар кўпда бир-бирига уйғунлашган, баъзан уйғунлашмаган бўлса-да, бир-бири билан боғлик табиий гармония натижаларидир. Сажъ фикр ва туйғуларнинг бир бутунлиги ва шу бутунликнинг айрим, алоҳида нуктларида маънони кучайтириш таъсирини чукурлаштириш, шаклни товлантириш хусусиятлари билан ажralиб турувчи санъат. Баъзи қўринишлари бошка халклар ижодида ҳам учраса-да, у асос эътибори билан туркий халклар ижодига мансуб. Ўзбек халқ эртаклари, достонларида сажъ мўл қўлланилгани маълум. У айрим тарихий асарларда, номаларда ҳам бисёр ва дилдор ўрин эгаллаб келган.

Янглишмасам сўнгги юз йил ичидан бошдан охригача маҳсус сажъда ёзилган асар деярли йўқ эди. Анчагина олисга тақалувчи унутилаёзган бу анъанамиз қайта тикланмоқда. Буни ҳозирги маданиятимиз, замонавий адабиётимизга ушбу китоб муаллифи олиб кирмоқда. Бирок бу унинг асарида ўз ифодасини факат шаклдагина

---

**Бахтиёр НАЗАРОВ – (1945-2022).** Филология фанлари доктори, академик. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Олим йигирмадан ортиқ монография, рисола, олий ва урта мактаблар учун бир қатор дарсликлар яратган. “Faafur Fулом олами”, “Миллатнинг ҳассос олими”, “Миллий уйғонниш ва Фитрат ижоди”, “Замон билан ҳамнафас”, “Ёнар сўзнинг жозибаси”, “Адабиётшуносликимизнинг йўлчи юлдузи”, “Ёзувчи бадиий оламининг тадқиқи”, “Шукроналик”, “Глобаллашув: бадиий талқин, замон ва қаҳрамон” “Ижоднинг жон томири” каби ўнлаб асарлари чоп этилган.

кўрсатаётган янгилик эмас. Бу шаклдан умуман ва баракали фойдаланган Насриддин янги замон учун муҳим бўлган қалб кечинмаларини тасвирлашга, муҳим гапларни айтишга, қалб оғриқлари ва қувончлари билан ўртоклашишга ҳаракат қиласди, таҳликали замоннинг ўткир маънавий муаммоларига муносабат билдиради. Муҳими, бу муаммоларни муаллиф ўйлаб чиқармайди, оммавий ахборот воситаларидан ўқиб, англамайди. Уларнинг аксари автобиографик бўлиб, асосида ўзи бошидан ўтган воеа-ходисалар, ўзи кўрган, билган, таниган кишиларнинг тақдир-қисмати, улар ҳақидаги ўй-кечинмалари ётади.

Бу бадиий ҳаракатларнинг самара ва натижалари, ютуқ ва камчиликлари ҳақида фикр юритишдан аввал асар муаллифи Насриддин Исмоиловнинг ўзи ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак.

## 2

Насриддин Исмоилов адабий жараёнимизда бегона эмас. Узок йиллардан бўён унинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Шарқ юлдузи” журнали ва бошқа нашрларда мақола, эссе, очерк ва ҳикоялари босилиб туради. “Умр лаҳзалари”, “Ховучимдаги хазина”, “Кўнгил мулки”, “Ҳаёт карvonлари” каби қатор тўпламлар муаллифи.

Сурхондарёдан. Денов фарзанди. Салкам етмиш икки йиллик умрининг асосий қисмини муаллимликка бағишилаган. Ҳозир “Денов овози” газетасида ишлади.

Айни қирчиллама ёшида Афғон урушини бошдан кечирган. Иккинчи гурух ногирони. Уруш гувоҳигина эмас, конли жанглар ичида бўлган, неча бор ўлим билан юзма-юз келган. “Қаҳрамонлар мангу яшайди”, “Ватан рамзи, жасорат рамзи” тўпламларининг номи ва ундаги саҳифалар муаллиф умри ва қисматидан каромат бериб тургандек. Афғонга доир ёзганларидан, хотираларидан бир вактлар сизу бизни кўнигиримоқчи бўлинган “ура-ура”лар, “қаҳрамон”ликлар, “фидой”лар эмас, ўқинч ва аламга йўғрилган қалб изтироблари уфуриб тургандек бўлади.

Сўнгги йилларда Насриддин яна бир хайрли ишга кўл урди. “Етим қолган мактублар” умумий сарлавҳаси остида қатор мақола ва эсселар эълон қилди. Уларда муаллиф узок йиллардан бўён ўзи ахтариб, топиб келаётган: Иккинчи жаҳон уруши жанг майдонларидан мамлакат ичкариси (аксари, Сурхондарё)га ва бу ёрдан фронтга жўнатилган юзга яқин мактубни йиғиб, саралаб, уларнинг эгалари қисмати ва тақдирни

## ТЎЛҚИНЛИ ТУЙГУ

Гапнинг рости, яқин-яқинларгача оламда Насриддин Исмоилов деган адаб борлигини, у ажабтовур асарлар муаллифи эканлигини билмасдим. Лекин яқинда адабнинг биратгула икки китоби – “Оҳнома ёхуд дардли тўлқин” хотира-эссеси ва “Ботирларга ўлим йўқ” номли хотира-қиссаси қўлимга тушди. Адабнинг сеҳрли бир қалами бор эканки, ҳар икки китобни зудлик билан ўқиб чиқдим. Ва тақдир шундай бир адаб, ажойиб бир инсон билан учраштирганига Яратганга шукронга айтдим.

Биз учрашмасдан ҳам дунёдан ўтиб кетишимиз мумкин эди-ку!

“Оҳнома” хотира-эссеси мазмун ва шакл жиҳатидан ўзига хос, балки янги ўзбек адабиётида ягона сажъ-кофияли насрда битилган асардир. У бир неча бир-бирига боғланган бўлимлардан иборат.

Инда шу вақтгача деярли номаълум, энди тарихий ҳакиқатга айланган очеркларни ғон килиб келмоқда. Уларни хаяжонланмай, тўлкинланмай ўкиш мумкин эмас. Бадиий очерклар ўша қаҳрамонларнинг ҳозирги қанчадан-канча яқинлари, лари қалбига нурли уйғонишлар, ойдинликлар, яшаш ва яшариш ёғуларини бирди. Бу ишга Насриддин баъзан шу кадар фидоийлик билан берилиб кетдик, ғумотларни аниклаш, ҳакиқатни тиклаш учун ўз ҳисобидан Санкт-Петербург (Сталинград)гача бориб-келган вактлари бўлди. Сафарлари натижали чиқди. Катор қармонлари ҳакида янги маълумотлар, ашёвий далиллар билан қайтди. Буларнинг ғон килиниши натижаси ўлароқ қанчадан-канча одамларнинг, қавмларнинг янги авлоди вакиллари тутинган оға-инига айланди. “Етим қолган мактублар” рунидаги маколалар чоп этишни Насриддин Исмоилов ҳозир ҳам давом эттироқлоқда. Масалан, “Жангчи мактуби” мақоласи ўзининг ана шундай инсонпарвар фазилатлари ғлан эътиборни тортади (“Шарқ юлдузи”, 2018, №3).

“Оналарнинг фарзандларни ўқ олди, деб килган ноласи; оталарнинг, ўғлим деб, букилиб оҳ тортгани; келинчакларнинг бева қолиб, тунлар юлдузга боқиб, ўзини ёшлигани нигоҳингизга келса бўлгани, хеч бўлмаса, оҳ тортиб қўясиз”, дейди Насриддин ўзининг Афғон урушига бағищланган “Картага ўқ тегди” деб номланган очеркининг дебочасида. Очерқдан юз мисрага яқин назм ҳам ўрин олган. Назаримда очерқдаги ана шу “оҳ” ундалмасидаги тўлқинли туйғу қўлингиздаги китоб номига ҳам кўчиб ўтган.

Насриддин Исмоилов ҳакида гап борар экан, унинг ҳаётида бўлиб ўтган бир ҳодисани эсга олмай бўлмайди. Мен “ходиса” сўзини ундош залворини унутмаган ҳолда ишлатяпман. Зеро, бу ҳодиса нафақат унинг, балки ўзбек ҳалқи ҳаётидаги ётироф этишга арзигулик ҳодисадир.

Тақдирни қарангки, Насриддин Афғон урушининг изтиробларини, айни пайтда Ватанинг тинч, осуда кунларидан бирида ҳаётда камдан-кам учрайдиган ноёб бир қувончни ҳам бошдан кечиришига тўғри келган. Етти фарзанднинг отаси Насриддинга бир оқшомда 5 фарзанд – 2 ўғил ва 3 қизнинг никоҳ тўйини ўтказиш насиб этган. Тўйбошилардан бири фахрий нуроний, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ҳодими, туман маънавият-тарғибот бўлими раҳбари Тоштемир Турдиев бу ҳодисани бежиз Республикада рўй берган маданий-маърифий турмушдаги “Хамса” деб атамаган. Тўйхонада, давра тўрида қўр тўкиб ўтирган икки келин ва уч куёв ўшанда кўпларни лол қолдирган эди. Бутун қишлоқ тўйхонага айланган,

Китобда бир дунё гап бор. Дардли гаплар ниҳоятда кўп. Бирок, уларнинг барини окка кўчириш дилимга сифгади. Китобдан ҳар ким ўзига лойиқ гапни топиб олишига иймоним комил. Китобни ўқиганимдан афсусда эмасман. Ахир кўнгил таскин топди. Демак, бундан ортиқ ором борми?

Айтмоқчи, бу ҳақда китобга “Сажъ-навобахш санъят...” номли батафсил сўзбоши ёзган академик Бахтиёр Назаров кўп жўяли гапларни айтган. Марҳум академик китобдаги “Ёр кетди оҳ, ёр кетди”, “Аёл” ва “Маддоҳ” каби эсселар ҳакида алоҳида меҳр билан гапириб, ундаги “оҳ” ундалмасидаги тўлқинли туйғу қўлингиздаги китоб номига ҳам кўчиб ўтган”, дейди!..

Сувон МЕЛИ,  
филология фанлари доктори

файзбахш кишлоқда тонг отгунча куй-ўлан тинмаган. Бундай ҳодиса факат тантн  
Ўзбекистон тупроғидагина булиши мумкин.

3

Энди, китобнинг ўзи ҳакида. Китоб бугунги кун ўкувчисига бирмунча ғалатироқ,  
сингиши осон бўлмаган, жўнроқ тутумли, юзаки ва содда туюлиши мумкин. Чунки  
дастлабки кўринишида асар сўз ўйини асосига қурилганда таассурот қолдиради.

Бироқ асар сўз ўйинига эмас, ҳаёт дардлари, қувончлари, ташвишлари ҳакидаги  
фалсафий-ҳаётий заминга қурилганини англаб борганингиз сари, уни қизиқиб  
ўкишга ўтганингизни сезмай қоласиз. Асар услубига, шаклигагина дахлдор дастлабки  
таассурот ўрнини ўйлар, мушоҳадалар замиридан армонлар, орзулар, аламлар,  
умидлар, реалликларга коришик туйғулар эгаллаётганлигини сезиб қоласиз.

Асарда назм ва наср навбатма-навбат келади. Шеърлар, табиийки, кофияси  
 билан товланса, насрда сажъ қофия вазифасини бажаради. Лекин бу наср мансура  
эмас. Мансурада, асосан фикрий ва ҳиссий муайян тўлқинлардаги оҳанг етакчилик  
қилса, насрдаги бу вазифани кўпроқ сажъ-қофия ўз зиммасига олади ва топилмалар  
муваффақиятли бўлса, кучли пафоснинг тўлқинланишига туртки беради.

Мана шундай мисраларни ўқиганда “Охнома”нинг асосий қаҳрамони ким  
эканини тиникрок англаётгандек бўламиз. Бу шубҳасиз, муаллифнинг ўзи, зеро,  
бутун асар давомидаги ўйлар, кечинмалар, гирдоби ва таҳайюллар шу қаҳрамон,  
ҳаётида содир бўлган ҳодисотлар билан боғланишда кечади. Шу маънода “Охнома”  
бир қатор эсселардан, алоҳида-алоҳида ҳикоятлардан ташкил топгандаи кўринса-да,  
у яхлит бир асардан иборатдир. Ундаги барча лирик қаҳрамонларни муаллифнинг  
ӯзи, дунёси, қалби бирлаштириб туради.

Бутун бошли юз сахифали асарни бошдан-оёқ сажъ асосига қуриш – ўзи  
бўладиган иш эмас. Лекин, Насриддин Исмоилов бу ишнинг уддасидан чикади.  
Қайтариклар бор, такрор мажозлар бор. Боргина эмас, бундай такрорлар  
баъзан ноўриндек кўринса ҳам мумтоз эртакларимиз, достонларимиз, тарихий  
асарларимиздаги анъана – маъно ва кечинмалар таъсирини кучайтиришга  
бўйсундирилгандек кўринса ҳам, айрим ноўрин такрорлар ўзини оқламайди.

“Охнома”ни автобиографик ички ва ташки олам билан тўйинган хотира-эсселар  
безаб туради. Улар деярли бутун китобга хос, улар ичida: “Ёр кетди, ох, ёр кетди”,  
“Аёл” каби хотира-эсселар товланиб туради, улар умуман аёл билан бир қаторда  
муаллифнинг ўз завжай ҳалоли хотирасига чексиз мухаббати ва садокати ифодаси  
ҳамдир.

Юртимизни астойдил мадҳ этаётган, ютуклари ҳакида қувониб ёзаётган  
қаламкашлар оз эмас. Лекин юзаки ёзаётган, юзаки ваъз қилаётган маддоҳлар ҳам  
анча. Насриддин “Маддоҳ” номли эссесида ана шундай маддоҳларнинг йиғма  
қиёфасини фош этади, бундай мадҳиябозликларнинг факат қалблар, ишончлар  
эмас, умуман жамиятга кўрсатувчи салбий таъсирини ёритишга ҳаракат қиласи.  
Эътибор берсангиз, замон ҳакида маълумот тиник ифодасини топмаётгандек. Бу  
юкни ўзимиз тушуниб олишимизга ишонади: у кеча ҳам бор эди, бугун ҳам бор,  
эртага ҳам булиши мумкин. Муаллиф бизни бу масалада огоҳликка чакираётгандек  
булади.

Китобдаги барча эсселарни “ох”га йўғрилган бир туйғу бирлаштириб туради.  
Улар ичida афсус ва надоматга бурканганлари, ёруғлик чорловлари ҳам бор.  
Улар бутун китоб давомида ўрнида, кераклиги сезилганда, ажиб бир уйғунликда

Трин алмашиб туради ва қалбингиздагини маҳзун пардаларга ўрашдан ташкари, ғұнглимида умидга, ишонч, ҳаётга чанқоклик туйғуларини үйғотади.

Масалан, “Етимлик” хотира-эссесида адид ёздади:

*Ойга бокиб юрган бола,  
Ойдан ҳам, ох, шириң лола.  
Лолани, ох, олсам құлға,  
Шодлик кулиб чиқар үйлға.*

Китобда факат ички туйғулар тараннумига эътибор берібінә қолмай, Ватан сингари мүқаддас тушунча ва хилқат талқинига ҳам алоҳида эътибор берилгани, асар шу образ ёритилиши жиҳатидан, айникса, ёшлар учун катта тарбиявий ҳамияттаға әгадир. Лекин, шу үрінде, назаримда бир масалага аҳамият бермоқ лозим үзүрнади. Чунончи, “Ватан” тушунчасига муносабатда бирмунча аввалги замон билан ҳозирғи мустақиллик даври ўртасидаги муайян фарқни ёритишга алоҳида эътибор зарур қўринади. Эсседаги баъзи ишораларга мавжуд умумийлик устунлик килиб қолаётгандек. Шунингдек, қатор үрінларда бирмунча мубҳам ва ноўрин қўлланган “йиглайман”, “ох”, “гоҳ” сингари сўз ва ундалмаларнинг ишлатилишига ҳушёрроқ ёндашув үрінлидир.

Китобдаги “Дардли тұлқин” ҳам ҳаяжон билан үқилади. Бу лавҳалар ҳам маълум маънода автобиографик характерга эга. Унда Афғон уруши даҳшатлари каламга олинган. Асарнинг бошқа қисмларида бошдан-оёқ масалага фалсафий, психологик рухий ёндашув қўрилса, муаллиф энди бу дардли тұлқинда ифоданинг бошқа йўлини топишга интилади. Воқеа-ходисалар, кечинмалар талқинини эпистоляр йўлга буради. Эътиборимизни ходисалар, кечинмалар рўй берган жой, куни, вакти тарозисига қаратади ва деярли кундалик услубни қўллашга ўтади. Бу услугуб тасвирдаги тарихий хақиқат рухини бўрттириб, ўқувчига таъсир кучини оширади.

Лекин айни вақтда сажъга маҳлиёлик, қофияли сўзлар кетидан қувиш бу қисмнинг айрим үрінларида муаллифга (ва умуман асарга) панд бериб қўяётгандек таассурот колдиради.

Хулоса қилиб айтганда, танқид ва адабиётшунослик бадиий асарни баҳолашда, унинг ҳаётдаги үрінини белгилашда мухим үрин эгалласа-да, у ҳеч қачон бадиий асар тақдирини ҳал қила олмайди. Унинг тақдирини ҳал қиласиган куч ўқувчи ва дидли, талабчан китобхонлардир.

“Оҳнома” буғунги китобхонларда турли муносабат уйғотиши аник. Кимларга ёкиши, айримларга ёқмаслиги мумкин. Лекин безътибор колдирмайди. Кимдир, унинг кучлирок шакли таъсир этиб; шундай асар яратиш шартмиди, бу адабий-бадиий изланишда орқага қайтиш бўлмайдими, биз, барча масалаларда факат олдга юришимиз лозим эмасми, дейиши ҳам мумкин. Ва, бу фикрни батамом үринисиз деб бўлмайди. Кимлардир унинг шаклдаги кучли таъсиридан, асар шакли маънозамзун тақозоси туфайли, ундан яхлит мутаасир булиши мумкин. Бу эса асарга чуқурроқ эътибор билан ёндашувнинг нотўғри эмаслигини кўрсатади. Ахир, минг йиллик достон, эртакларнинг ихлосмандлари ҳозир ҳам оз эмас-ку. Ҳолбуки, улардаги шакл билан бир қаторда, мазмун-кечинмалар ҳам кўп асрлар аввалги даврларга баҳоланади. “Оҳнома”даги маъно кечинмалар эса, айни шу кунги маъно-кечинмаларга дахлдордир.

2019 йил 15 октябрь



# ОЗОРПАНГАН ОҚИБАТ

Эссе



**Холмүмин ЁДГОРОВ**

Кизик, одам болалик пайти тезроқ катта бўлишни орзуласа, вакт ўтиб, ёши улгайгани сайин болалиги, ёшлигини кўмсайди, вақти-вакти билан хаёлан ўша пайтларга кайтиб туради. Ҳаётининг шу икки даврини бир-бирига чофиширганча, ўзича хулоса килмок бўлади.

Ана шундай ҳислар, ота-она ва бугун орамизда йўқ бошқа қадрдонлар соғинчи ўлароқ, ёшлиқда, отам замонида кўрган, эшитган ва билгандариму оз-моз англаганларимни қоғозга туширишга ички бир эҳтиёж сездим.

Зеро, келажагига беэътибор бўлмаган одам, аждодларимиз айтганидек, ўтмишини ёддан чикармаслиги керак.

Ёш бола чоғимда қачон уйга меҳмон келса, айниқса, отам билан ҳангомаси соз бирон тенгқури ёки якин-узоқлигидан қатъи назар эркак қариндош бўлса, то ўша меҳмон кетгунга қадар хизмат қилишга масъул эдим. Меҳмоннинг қўлига сув куйишдан тортиб, дастурхон ёзиш, чой ва овқат олиб кириш менинг гарданимда бўларди. Чунки у даврда эркак меҳмоннинг олдига аёл-қизлар, аксинча, аёл меҳмонлар олдига эса ўғил болалар киритилмасди.

Мехмондорчиликнинг яна бир яхши тарафи овқатланиб бўлингач, чой ичиш асносида қизиқарли ҳангомалар, бирон-бир китобда йўқ ҳикоялар, меҳр-оқибат, одамгарчилик, дунёning ўткинчилиги ҳақида, агар меҳмон диний билимли киши бўлса, шариат қоидалари, ислом ахкомларига оид сухбатлар бўларди.

Үйимиизда пиру муршид маҳсумлар, сўфилар, хусусан, Шамси қора бобо ҳам бир неча маротаба меҳмон бўлган, бу инсоннинг отам билан сухбат чоғи уларга хизматда бўлиш менга ҳам насиб этган.

Мен ҳаётимда илк бор дунёning яралиши, Одам Ато ва Момо Ҳавонинг жаннатдан қувилиши ва уларнинг ерда учрашганлари ёки Қобил ўз қондоши Ҳобилни қандай ўлдиргани-ю, сўнг қарғадан улгу олиб, укасини ерга кўмгани каби асотири ривоятлар, набийларимиз ҳаёти ҳақида хикоятларни айнан шу сухбатларда эшитганман.

**Холмүмин ЁДГОРОВ** – Ўзбекистонда хизмат курсатган юрист. 1965 йилда тугилган. Тошкент давлат университетини тугатган. Республика матбуотида публицистик мақола ва ҳикоялари мунтазам чоп этилиб келмоқда. “Басират кўзи” ҳикоялар тўплами нашр этилган.

Самарқанднинг Паяриғида яшовчи Алимқул жиян (отамдан бир-икки ёшга тичик, соч-соколи оппок, болажон бобой) ҳар йили бир-икки бор бирон-бир сабабсизз, “Сизларни соғиндим, бир хабарлашай дедим”, деб келиб қолардилар. Бир-икки кечада мөхмон бўлиб, отам билан обдон сухбатлашиб, қариндошлар билан кўришиб, жуда хурсанд қайтардилар. Ҳа, у киши шундай ширин сухбат, одамга эътиборли, катта-кичикка бирдай меҳри баланд инсон эдилар. Гап орасида “Онанг ўлмагур” деган иборани бот-бот ишлатиб турар, шунгами у кишини ҳеч ким ўз оти билан эмас, “Онанг ўлмагур, жиян” деб аташарди. (У кишининг нега бу иборани кўп ишлатгандари боисини билмайман. Энди, оналари вактлироқ қазо килиб, кийинчилик кўрган бўлсалар керак, деб ўзимча тусмол қиласан.)

У киши дунёнинг бевафолиги, умрнинг ўткинчилиги, одамлардан факат яхшилик колиши тўғрисида кўп ва хўп гапирав, сухбатлари оҳанрабо мисол тингловчини ўзига ром килиб олар эди. Яна, бир кизик одатлари, гап орасида сухбатдошларига тез-тез “Тўғри гапирдимми-а, нима дейсиз?” ёки “Хато гапирмадимми-а?” деб ўяр, ҳатто менга – саккиз-ўн ёшдаги болага-да юзланиб, “Қани тоғача, сиз нима дейсиз, мен хато айтмадимми?” деб қўярдилар. Мен эса ҳижолатдан терлаб кетардим. (Ахир тасаввур қилинг, отангиз тенги шундай билимдон, кўпни кўрган одам гапининг тўғри-нотўғрилигини сўраб турса...)

Ёшлигимиз ўтган даврда яна бир яхши одат бор эди. Уйга мөхмон келганида, албатта, мөхмоннинг олдига одам айтилар, шу баҳона қўни-қўшни-ю қариндош уруғлар йиғилишарди. Энди-энди фаҳмлашимча, бундай йигинлар мөхмон баҳона одамларнинг бир-бировига кўрсатилган хурмат ва эътибори бўлиб, уларни бирлаштириб туришга, меҳр-оқибатли бўлишга хизмат қилган экан. Сухбатларда, гоҳида кимгадир недир масалада ёрдам килиш каби амаллар айтилган ва улар бажарилган, аммо ҳеч қачон ҳеч ким камситилмаган ёки биروفнинг орқасидан гапирилмаган.

Бугунги кунда-чи? Бугун биз мөхмонни қандай кутяпмиз? Тўйларни ўтказиш ижара тўйхоналарга кўчгани каби мөхмонларимизни ҳам кўчада кутишга ўрганиб қолмадикми? Кадимда тўй-ҳашамни ўтказиша қариндошлар хизмат қилар, шу жараёнлар ҳам уларни бирлаштириб турарди. Энди, ҳатто кенг ҳовлили қишлоқ хонадонларида ҳам тўйлар тўйхонада ўтказилмоқда. Қариндош-уруғ хизматига ҳам эҳтиёж йўқ.

Ҳозирги пайтда уйимизга мөхмон келса, болаларимиз ҳам эшитгулик сухбатлар кила оляпмизми? Ўзи болаларимиз билан гаплашишга, улар таълим ва тарбияси билан шугулланишга вакт ажратаяпмизми? Таълимни тўлигича мактаб, тарбиясини эса кўча ва интернет тармоғига ташлаб қўймадикми?

Қарийб эллик йил илгари яшаган одамларнинг бир-бирига муносабати, эътибори ва хайрихоҳлигини эслаб, бугунги кундаги ўзаро муносабатларга ҳайрон қолмай илож йўқ. Айримлар орасидаги оқибатсизлик, субутсизлик ва тутуриқсизликни кўриб ташвиш чекмаслик, кўнгил оғримаслигининг имкони йўқ.

Ёшлиқда эс таниб, ўзимни эплай олиш даражасига етганимдан бошлаб, отам туй-туйчикка, қариндош-уруғларни кига борар бўлса, мени ҳам ўзи билан олиб кетарди. Энди-энди билишимча, бу отамнинг ўзига хос бир тарбияси экан, биз фарзандларни ёшлиқдан бир-бирамизга яқиндан танитиб, қариндошлик риштасини боғлаш усули экан.

Бир неча йил бурун, ҳамкаслардан бири ўзи туғилиб ўсган вилоятга хизмат сафарига борадиган бўлиб қолди ва бундан инжилгандай бўлиб турганида, “Олдимиз шанба-якшанба, болаларингизни ҳам олиб кетсангиз, баҳонада қариндош-уруғларни ҳам кўриб келасизлар”, деб ўзимча руҳлантирган, маслаҳат берган бўлдим. У эса

шарт эмаслигини, укалари билан борди-келдиси йўклигини, фарзандлари у ёқда турсин, ака-укаларнинг хотинлари ҳам бир-бирини танимаслигини оддий ҳолатдек айтиб қолди.

Буни анча вақт тасаввуримга сиғдиролмай юрдим. Сўнг, билсам, бу ака-укаларнинг барчаси оталари вафот этгач, маълум вақт болалар уйидаги, кейинчалик қай бирлари ота томон, қай бирлари она томон момо-боболарининг қўлида улғайган эканлар.

Яна бир ўз соҳасининг зўр мутахассиси бўлган тенгқур йигит билан анча йиллар кўни-кўшни бўлиб яшадик. Фарзандларига тўйлар қилди, бирга бўлдик. У ўтказадиган тўй ё туғилган кун каби тадбирларида меҳмонларининг барчасини таниш-билишлари ташкил этарди. Шу дўстимиз, ота юрти қўшни давлатда эканлигини, ўртада борди-келди узилиб кетганлигини айтиб, “У ёқдаги қариндошлар бизни, биз уларни танимаймиз”, деб афсусланиб кўярди.

Бежизга ота-боболаримиз “Ўз қариндошларидан алоқа узиш дунё лаззатларидан кўз юмишдир” демаганлар. Қариндошлар хурсандчилик ва ғамимизни бўлишадиган, яхши ёмон кунимизда ярайдиганлардир.

\* \* \*

Биринчи синфга қўлда тикилган латта сумкага бир неча дона дафтар-қалам, “пушкин” пероли чўп ручка, сумканинг ён чўнтағига сиёҳдонни солиб мактабга қатнай бошлаганим шундоккина ёдимда. Ўйинқарок болалик эмасми, эрталаб туриб мактабга жўнаш учалик ёқмасди. Онам раҳматлининг “Бўлақол болам, туракол болам, мактабдан кеч коласан”, деган гаплари билангина зўрға судралиб ўқишга бориб келган пайтларим ҳам бўлган. Дарс қилиш, ёзиш, чизиш ҳам ҳаминкадар, баҳолар ҳам ўзига яраша. Шундай кунларнинг бирида ўқитувчимиз анча-мунча хатолар билан ёзганимга қарамасдан менга “беш” баҳо қўйдилар. Ҳали-ҳануз эсимда қолгани, шу куни мактабдан келасола, тушлик ҳам қилмасдан, берилган вазифаларни бажаришга киришдим. Олдин “черновой” қофозга ёзиб, онамга кўрсатиб, хатоларимни тузатиб бергач, хафсала билан дафтарга чиройли қилиб кўчирдим ва кейинги куни ҳакикий биринчи “беш” баҳойимни олдим.

Ана шундай қилиб, менда билим олишга иштиёқ туғилган. Биринчи ўқитувчимизнинг боғи бизнинг бокқа қўшни эди. Кейин билсам, отам бир куни ўқитувчимиз боғида ишлаётган пайти олдиларига бориб, “Хорма-бор бўл” килгач, “Домулло, бизнинг ўғилнинг ўқиши қандай”, деб суриштирибдилар. Шунда ўқитувчимиз, кизиқиши йўқ, ёзуви ҳам яхши эмас, деган жавоб айтган эканлар. Отам эса домуллодан илтимос қилиб “Шу бизнинг болага ёзуви яхши бўлмаса ҳам қарзга битта “беш” қўйинг”, деб ўтинган эканлар.

Ота эмасми ҳаки бор, “Нега яхши ўқимайсан, ўқи” деб койишлари ёки бошқа йўллар билан мажбурлашлари ҳам мумкин эди. Лекин отам мажбурлаш эмас, балки йўқ жойдан рағбатлантириш орқали, ихтиёрий тарзда ўқишга қизиқа бошлашимга эришган эканлар.

Бугун болаларимизни йўлга солиш, уларни тарбиялашда биз қандай йўл тутяпмиз? Ота-оналаримизнинг бола тарбиясидаги ўзига хос усулларини, ўғитларини унугтиб қўймадикми?

Шу ўринда, отам ўт ўриш ва боғлашни ўргата туриб, айтиб берган бир ҳикоя ҳам ёдимга тушди.

Қадимда, бир бой ва камбағал девор-дармиён қўшни яшаб, уларнинг ҳар иккисининг бир нафардан тенгқур ўғил фарзандлари бўлган экан.

Бойнинг боласи отасининг топганини еб катта булибди. Камбағалники эса аласининг ортидан эргашиб, унинг ишларида ёрдам бериб юриб вояга етиби.

Кунлар ўтиб, бой ҳам камбағал ҳам ошини ошаб, ёшини яшаб, чин дунёга ғона бўлибдилар. Ҳеч канча ўтмасдан бойвачча ўғил отадан қолган меросини сага совуриб тугатиби.

Ахийри ейишга нони колмагач, иш излай-излай қамиш ўришга ёлланибди. Тасодифан камбағалнинг боласи бойвучча қамиш ўраётган жойдан ўтиб қолиб, шар бир-биридан хол-аҳвол сўрашиби.

Шунда бойвучча: “Иложсиз, бир тангага бир боғ қамиш ўриб беришга келишиб, қамиш ўрайпман. Ҳар сермаганимда ўроқ тойиб, қамиш қўлимни тилиб тяпти. Аzonдан ҳозирга қадар ўрганим энди бир боғ бўлди”, деб, бир қучок залкашиб ётган қамиш ўюмини кўрсатиби.

Камбағалнинг боласи: “Бир боғ қамиш бир тангаде, зўр-ку, қани менга ўроқни бер-чи”, деб ўроқни олиб ишга киришиб кетиби. Ва ўроқ билан қамишни қайириб, бир катта тутам ажратибида: “Қамиш ўришни ўргатган отамдан айланайин-отамдан”, дебди. Сўнг эса ўрилган қамишнинг ўзидан икки-уч донасини ажратиб, иккига буқлаб боғлиқ тайёрларкан, “Қамиш боғлашни ўргатган отамдан айланайин, отамдан”, дебди яна.

Отам бу ҳикояни ўт ўраётган пайтимиз айтиб берганди.

Отамнинг болаликдан қўлимиизга ўрок бериб, ўт ўришни, ўтдан боғлиқ эшишни, ўтни боғлашни, ток орасини чопишдан бошлаб, уни кесиш, қўмиш ерга экин-текин қиши дейсизми, хуллас, меҳнат қилишга ўргатгани учун бир умр миннатдорман. Меҳнат қилишни ўргатган отамдан айланай, отамдан!

Ўн бир-ўн икки ўшларда пайтим эса қишлоғимиз магазинига “Урал” велосипеди келган, тенгкурларимдан бир-иккитасига оталари олиб берганди ҳам.

Мен ҳам онамга, “Отам велосипед олиб берсин, жўраларимнинг отаси олиб берди”, дедим.

Кейинги кун гапни яна велосипеддан бошлаб, “Она айтдингизми, велосипед...” деганимда, онам отамнинг “Хали эрта, велосипедга оёғи етмайди”, деб жавоб килганларини айтди. Бола эмасманми, “Отам ҳадеб пулини бирорлар сўраб келса бериб юбораверади, лекин велосипед олиб бермайди”, қабилида ўзимча тўнғилладим, денг.

Орадан бир кун ўтиб отам, қани юр-чи деб магазинга бошлаб борди, велосипедни ҳайдаб кўр, деди. Ўртоқларимнинг велосипедини бир-икки миниб озмоз ўрганганим қўл келди, велосипедни озроқ ҳайдаб кўрсатдим ва отам пулини тўлаб, уни менга олиб бердилар.

Эртаси куни кечки овқатдан сўнг отам гап бошлаб қолдилар: “Болам, билсанг пул қўлнинг кири, ишласанг топилади, сарфласанг йўқ бўлади. Яна билки, одам қачон бирордан қарз сўрайди, қачонки зарил бўлса, мухтоҷликдан сўрайди. Мухтоҷ одамга ёрдам қилиш, қарз бериб туриш унинг ҳожатини чиқариш дегани. Бирорвнинг ҳожатини чиқариш эса савоб бўлади. Иккинчидан, қарз сўраш ҳам қийин нарса. Негаки, киши бирордан қарз сўрашдан олдин ўйланади, қарз сўраб борсам, пули бормикан деб иккиланади. Сўрасам берармикан, деб истиҳола қиласи ва фақат ишонганидангина қарз сўрайди. Қарз аслида еб кетишга эмас, ҳожатини битириб, бир кун қайтариб олиш учун берилади. Шу гапларим доим ёдингда бўлсин”, дедилар.

Мен бошимни ердан кўтара олмай қолдим. Негаки бу гаплар онамга “Отам бошқаларга қарз бераверади” деб билдириган норозилигимга жавоб эди. (Аслида,

## Холмұмин ЁДГОРОВ

Эсимда, бир куни, узок қариндошлиги бор, үzlари тенгкур құшни қишлоқда яшовчи бобо қарз сұраб келгәнларида, “Сиз чой ичиб, бизнинг үғил билан гаплашиб туринг, бирордан оларим бор эди, шуны борасоб олиб келай”, деб, менга, “Бовангга қара”, деган қабилида имо қилиб, отланиб кетдилар. Орадан бир соатта яқин вакт үтиб-үтмай қайтиб келиб, мемонға сұраган пулини бериб жүнатдилар.

Кейинчалик, отам бокұвдаги құзиларни хали яхши семирмай туриб, сотдилар. Шунда, отамнинг “бирордан олары” бұлмагани, аксинча кимдандир қарз құтариб, уни сұраб келувчига бериб юборғанларини тушуниб етгәнман.

Бугунғи қарз олди-берди муносабатларга қаранг энди, ким олган қарзидан тонган, ким берган қарзини қайтариб олганидан тонган, кимлар қарз устидаги фоизини талашиб ёқа йиртишган...

Оталаримиз даври одамларда олди-берди, қарз беришда тилхат олиш, фоизга ёки гаров әзизига қарз бериш деган түшүнчаларнинг үзи йүқ, одамлар бирбировига худдиқи үзиге ишонған каби ишонишар, мұхтож одамға ёрдам қилиб, қарз бериб туриш савоб ҳисобланарди.

Пул борасидаги яна бир масаланы үрни келганды айтиб үтай. Биз болаликда ҳам, катта бұлғач ҳам отамизнинг құзига тик қарамаганмиз. Мактаб өфи йигирма ёки әллик тиин керак булып көлса ҳам истихола қилиб, отамиздан сұрай олмасдик. Онамизга мурожаат қилардик. Онамиз пулнинг нимага кераклигини суриштириб, отамиздан олиб берар, гоҳ-гоҳ номига, “Үзинг сұрасанг бұлмайдими”, деб құярдилар.

Отамиз пулни үзи билан құтариб юрмаганлар, оз-құп бори уйда, онамизда сақланған. Лекин, отанинг изнисиз пул ишплатилмаганлиги сабабидан бұлса керак, биз ҳеч качон “Она, пул беринг” демаганмиз, “Отамдан сұраб беринг” деганмиз.

Инсон зоти оиласи, фарзандлари фарованиелиги учун мемнат килади, топганини уларға сарфлайди. Лекин, қарангки, ишлаб топған маблағларингизни қандай сарфлашда ҳам бир маңын бор экан. Бунда биз құпда эътибор қаратмайдыған энг оддий нарса бу оналаримиз тутумидир. Бундай тутум ҳам тұғри тарбия усули экан.

Ешлигимизда уйда имкон қадар хафтасига бир марта күлчатой (шевада, ҳамирли овқат, “бешбармоқ” деб ҳам аталади) қилинарди. Дастанлаб гүшти пиширилиб, сұнг гүшт қайнатилған сувда ҳамир пиширилади. Онамиз қайнаб пишган гүшт, сабзи, шолғомни бир сирли идишга олиб, отамизнинг олдига құяр, үзи ҳамир пиширишга киришардилар. Биз фарзандлар дастанрхон атрофіда жам бұлғанча үтирамиз. Отамиз гүшт тұғрай туриб, ёши катта-кичиклигимизга қараб навбати билан пичоқ учыда бизга бир парча гүшт ёки бир кесим думба ёки жигарни ҳаммамизга бир-бир илинардилар.

Энди-энди, тушунишимча, бу ҳам оналаримизнинг бизни ҳар нарсада отамизга қарам, итоаткор, содик ва мәхрли қилиб вояға еткизишдеги үта самарали бир тарбия усули экан.

Қишиң күнлари сандалда үтирганча отам тақрорлаб турадыған яна бир гап бұларды: “Күрмаганингни гапирма, қулоғинг әшитған ҳар гапга ишонма, Ҳақдан құрқ ва бирорни иғво қилма!”

Бугун фуқароларнинг ҳукуки ҳамма нарсадан устун құйилған, мулк ҳукуки қонун билан мустаҳкамланған әркін ва тұқын жамиятда яшаяпмиз. Шунга қарамасдан, бир-бири билан ҳақ талашған, мол-мулк талашғанлар оз эмас. Ҳар ким үзини ҳақ деб билганидан үртада низо қўпіб, үзаро ёвлышаётғанлар бор. Ҳақ-хукуқ бүйічә низолашишда ҳам қонунға таянилса, бир тараф иккінчи тарафнинг ҳукукини тан олса, низо үз-үзидан ечилади. Боринг ана ечилмаса судға мурожаат

— б, ҳал қилиш мүмкін. Лекин, айникса кейинги пайтларда, арзимас мол-мұлқ манфаатни деб бир-бировига (Хатто, интернет тармоклари орқали омма күз ида) мағзава ағдариши, ифво ва тұхмат қилиш ҳолатлари күп учрамоқда.

Арзимас манфаатимизни деб, гоҳ жигаримизни, гоҳ яна кимдир бировни очиккора ифво килаётганимизда бунинг жавоби борлигини ҳеч үйлаб күрятмизми?

Ифво қилиш одам гүштини еган билан баробар эканлигини била туриб, шундай қолатга ботишимиз нечун?

\* \* \*

Дунёнинг иши шундайки, келмоқ борки, кетмоқ ҳам бор. Биз тириклик деб шунганимиз эса ана шу келиш ва кетиш оралиғидаги бир фасл вактдан иборатдир.

Дунё яралғандан бүён яхшилик ва ёмонлик бақамти. Яхшиликнинг ва ёмонликнинг жавоби қандай бўлиши лозим? Қисқа умрни қандай ўтказмоғимиз, дунё ва одамлар билан муносабатимиз, меҳр ва қаҳримиз қандай бўлмоғи лозим?

Бизнинг катта момомиз, яъни Ёдгор отамизнинг оналарининг уч нафар ўғли бўлиб, улар бой-бадавлат, кўйлари кўп чорвадор бўлган эканлар. Ёдгор отамиз оғалари вафотидан кейин туғилган, кенжа фарзанд бўлган. Уч ака-ука уйлили, кўйни бирга боқиб, бир қозондан овқат еб юришаркан. Отамизнинг жашлари бўйича момомиз умрларининг охирида кўпроқ ётокази бўлганлар ва заҷон фарзандлари бозор бориб келса, бозорликни оналари олдига кўяр экан. Шунда, момонинг доим сўрари, бозорда гўшт неча пул, ғалла неча пул бўлибди, деган гапи бўларкан. Бозорлик туршак, олма ва ёнғоқлардан уч-тўрт донадан олиб, ёстиғининг тагига ташлаб кўяр, отам ва бошқа набиралари йўнаб олдига келганида уларга улашиб одати экан. Бир кун нима бўлибди-ю, набиралардан қувроғи катта она ухляяпти, билдиримай ёстиғининг тагидан олма, ёнғоқ оламиз, деб ёстиқ тагига кўл тикқанида момо уйғониб қолиб, ҳеч койимайдиган набираларини, “Мен ухлаб ётсам уйғотдинглар, иккинчи ёстиғим тагига кўл тикқанларингни кўрмайин”, деб койиб беради.

Орадан яна вақтлар ўтиб кунларнинг бирида ўғилларидан бири даҳлиздаги гўшит чангакдаги илонни кўриб, уриб туширади. Шовқиндан уйғониб кетган момо, ўғли ва келинидан нима гаплигини билиб, ёстиғи тагини пайпаслайди. Кейин дарғазаб бўлиб, ўғли ва келинини қаттиқ койиди. Бунга ҳам қонаот қылмаган, момо эртаси куни барча ўғилларни чакириб олиб, “Илонни ўлдирганча, мени ўлдир эди. Безарар илонни ўлдирдинг-баракангни ўлдирдинг, ол энди тайёргарлигингни кўравер, баринг”, дея қаттиқ койинади. Шу кундан момо болаларидан араз бўлади, факат онда-сонда марҳум эри билан гойибона гаплашади, йиглайди, Аллоҳга муножаат килади ва учинчи кун деганда бандаликни бажо келтиради.

Фарзандлар, овлу-эл бир бўлиб, момони сўнгги манзилга кузатадилар. Момонинг маъракалари ўтиб-ўтмай ўртанча ўғил бетобланиб ётиб қолади ва орадан бирон ой ўтиб, онасининг ортидан кетади. Сўнг, кўйга үлат тегиб, чорвалари бир бошдан кирила бошлади. Кўрилган чоралар наф бермайди.

Бир келса қўша-қўша келади, деганларидек, Ёдгор отамизнинг аёли тўртинчи фарзандини дунёга келтириб, дунёдан кўз юмади. Беш-үн кунда чақалоғи ҳам четнайди. Катта бир қўра қўйдан қолгани беш-үн тирриқ эчки бўлади. (Отамнинг таъкидича, хамма кулфатларга момонинг хаммадан сир саклаб юргани, яъни ёстиғи тагида ётмиш илонни уриб ўлдирилгани сабаб бўлади.)

Алҳол оила тўзғийди, Ёдгор отамиз бир ўғил бир кизини кариндошларига омонат қолдириб, тўнғич ўғли бўлган бизнинг падари бузрукворимизни ёнига олиб, иш излаб кетади. Кишлөқдан йигирма чакиримча жойдаги бойнинг тарифини

## Холмўмин ЁДГОРОВ

қуриқлашга отамизни қолдириб, ўзи Самарканд шаҳри томон кетган Ёдгор отамиз қайтмайди. Орадан йил ўтиб, бир мўйсафид одам отамни излаб топиб келиб, отамга отаси омонатини топширганлигини, ўлимидан олдин қишлоққа қайтиб ука ва синглисига бош бўлишни васият қилгани хабарини етказади. Отам (ўша пайтда ўн икки ёшли бола бўлган) бой берган бир пудча тариқни орқалаб қишлоққа қайтади.

Сингил ва ука билан қариндошларнига сифинди бўлишдан ор қилган отамиз қишлоқнинг улуғи Омонбой ҳузурига бориб, холини айтиб, овул молларига чўпон қилишни сўрайди. Овул одамлари молларини ёш болага ишониб боктирмаслигига кўзи етган бой ўйланиб туриб, “Майли, болам менинг молларимни бокиб тур”, деб ўн икки ёшли етимга ишонч билдиради.

Яна, отамга ука ва синглисими ҳам олиб келишига изн беради. Шундай килиб ака-ука ва сингил бой хонадонида яшаб, молларини дала-даштда бокиб келиб юради. Буни кўрган овулдаги ўн чоғли хонадон эгалари ҳам молларини олиб келиб кўшадилар ва улар берган ҳак эвазига отам ўзини тиклашга киришади.

Отамнинг айтишича, Омонбой ўта инсофли, диндор ва Ҳакқа етган одам бўлган экан. Бой хонадонидаги икки йиллик хизмати мобайнида отам у кишининг ўзига билдирган ишончи, илик муносабатини қадрлаб, хизматини килади. Умларининг охиригача у кишини алқаб, бу инсондан кўрган яхшиликларини гапириб бериб, дуо килиб юрганларига биз фарзандларигина эмас, кўпчилик шоҳид.

Орадан икки йилча вакт ўтиб, Омонбой “кулок” қилиниб, барча мол-мулки давлатга ўтказилади, ўзи эса камоққа олиб кетилади. Отамнинг айтишича, Омонбой ҳозирги Зангюота туманида жойлашган турмага олиб келинади. Унинг иккита ити ҳам ортидан эргашиб келиб, турма эшиги олдида ётиб олгач, Омонбой, сокчилардан изн сўраб, уларнинг бошини силаб, кетинглар, дегачгина бу итлар бадар кетган экан.

Омонбойнинг аёли, кизлари ва бир нафар кичик ёшли ўғли Хўшмурод ҳеч вақосиз қолади. Отам билган, даладаги буғдой кўмилган битта ўра мусодарачилар назаридан четда қолади. Вакт ўтиб отам укаси билан Омонбой уйининг ичидан кечалари яширин ўра қазийди, ўрадан чиқкан тупрокни пешкаш укалари сой сувига оқизиб келиб туради. Ўра тайёр бўлгач, ака-ука ўша энг чеккадаги ўрадаги буғдойни ташиб келтириб, уйдаги ўрага тўкишади. Бойнинг болалари шу буғдой билан келаси пишиқчиликка етиб олган эканлар.

Ўн олти ёшга тўлиб-тўлмай отам колхозда олди ўрокчи бўлади. Икки жигарига қўшиб, Омонбойнинг сафирларини бокишини-да ўз гарданига олади. Буғдой ўрилиб, янчилиб тугалланиш арафасида колхоз раиси Толиб дўм от устида келиб қолади, хол-ахвол сўраган бўлади. Шунда отам хирмонларни кўрсата туриб, холи қолганларида, “Раис бово палон четки кўшдаги тўрт-беш ботмон буғдойни менга беринг”, деб сўрабди. Раис, нима қиласан, бу буғдойни, десалар, отам: “Шу буғдой билан одам бўламан, ўзимни шусиз ўнглай олмайман”, дея жавоб килганлар. Табиатан дангал, жўмард ва бир сўзли Толиб раис эса, “Шу билан одам бўлсанг бўлақол, ол, бердим, кўпга билдирамай эплаб ол, бола”, деб от сурибкетиб юборар экан.

Отам ана шу меҳнат ҳакига бир неча хисса қўшиб берилган буғдойни ҳақиқатда эплаб олган, бир қисмини егуликка ажратиб, бир қисмини сотиб, мол-ҳол қилиб, ўзини ўнглаб олган экан.

Орадан анча йиллар ўтиб, отам жой эгаллаб уй кўтаради, ёнидаги жойни ҳам жиянига деб белгилаб, эгаллаб кўяди. Жойни сўраган не-не бирорвларга рад жавобини беради. Толиб бовонинг ўғли Карши ака, уй солишга жой изляпман деганида, ана шу ерни кўрсатиб, ўзига қўшни килади. Карши аканинг уй қуришларида, боғтокзор қилишларида ҳам ўzlари бош-кош бўладилар.

Күшничилик, биз эс таниганимизда Қарши ака мактабда тарих фани ўқитувчisi бўлиб ишлар, уруш кўрган, қаттиккўл ва ўта адолатли инсон эдилар.

Девор-дармиён қўшничилигимиз боис биз аклинизни таниб бошлагач билганимиз, отам икковининг бир-бирига ҳурмат-иззати жуда юкори эди. Отам ўйга бирор нарса олса, кўшнига ҳам олиб келар, бирор мевали дараҳт, ёнғок кўчати келтирса, унинг бир тупини бўлса ҳам “Сиз ҳам экинг, эртага бизнинг болалар мева еганда сизникилар караб турмасин”, деб беришларига кўп бор гувоҳ бўлганман. Оналаримиз ҳам қачон тансикроқ овқат килишса, бир-бирига қўшни товок чиқаришга одатланган эдилар.

Икки қўшни бафуржা сухбат килиб қолган пайтлари отам албатта Толиб бобо қилган яхшилигини бир курсар, сўнггига “Отангиз ана шундай яхши инсон ҳилар, жойлари жаннатдан бўлсин”, деб дуо килиб кўярдилар.

Кўшничиликнинг кадрдонлик эканлигини билдирувчи яна бир ҳолатни айтай. Энг кичик синглимни узатаяпмиз. Тўй. Бари қариндошлар ёнимда, лекин ота-онам бошда йўқ. Синглимни узатиб олиб кетишар чоғида ёнимда турган Қарши акага “Маллим aka ўзингиз дуо беринг”, дедим.

У киши дуо қила туриб, ота-онамни эслаб, кўнгиллари бўшаб кўзёшлари шашқатор бўлдилар. Мен шунда ёнимда отамнинг кўзини кўрган бир қўшни эмас, балки отамдай азиз-қадрдан инсон турганлигини ич-ичимдан ҳис қилгандим.

Бугун ҳам яхши қўшничилик удумлари давом этмоқда, лекин гоҳ-гоҳ қўшнилар ўртасидаги ҳасад таъсиридаги ёки бир парча ер баҳонасидаги зиддият, бир-бировига ёвлашишини кўрганда, ўйлаб қоласан киши: “Бизга не бўлмокда?”

Наҳот, биз ота-боболаримиз ардоқлаган қўшни ҳақини унутдик? Кўшнинг тинч сен тинч, узокдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал, қўшнингга ёмонлик соғинма, курбинг етса кўмаклаш, қабилидаги ота-бобомиз айтиб кетган гаплар каёқда қолди?

Энди яна Омонбой бобо авлодлари, уларнинг ҳаётлари ва улар билан муносабатлар масаласига қайтсак. Отам Омонбойнинг сағирларига улар то ўзларини эплаб кетгунинга қадар ғамхўрлик қиласди. Ўғли Хўшмурод вояга етгач, синглиси Барчин аммамизнинг катта қизларини никоҳига бериб, тўйларини ўтказади.

Хўшмурод жездамиз ўйга меҳмон бўлиб келганларида отам у кишига катта эҳтиром кўрсатиб, куёв бўлсаларда ўзидан юқорига – тўрга ўтказиб сийлардилар. Отам у кишига оталари тўғрисида узоқ ҳикоя қилиб берганларида жездамиз кўзлари ёшини арта-арта тинглаганлари эсимда. У киши отамга худди туғишган акаларини атаган каби “ака” деб мурожаат қилас, кўп масалаларда маслаҳатини олар, биз болалар кичик пайтларимиз ҳақиқатдан ҳам у кишини отамнинг укаси деб билардик...

Отамиз умрлари давомида Омонбойдан кўрган яхшилигини қайтариш учун фарзандларининг яхши ва ёмон кунларида доим ёnlарида, бош бўлганининг гувоҳимиз.

Беихтиёр ўйга толаман. Бугун ана шу каби азалий одат ва оқибатга озор етказиб қўймаяпмизми? Кишилик жамиятимизда бўй чўзаётган айрим муаммолар сабаби ҳам шунда эмасми? Менимча, руҳиятимиздаги салбий эврилишлар сабабини бир ўйлаб кўриш лозим...



# МУСАВВИР

Хикоя

Абдулла БОБОЁРОВ

Мана бугун киши билан бўшаб ётган Сайлгоҳ кўчаси одамлар оқими билан тобора гавжумлашиб, тўлиб-тошиб бормоқда. Бу оқим кечагидан барвактроқ ва шиддаткор жўша бошлади.

Одамларнинг аксарияти бугун куннинг анчайин очик булишини тусмоллаб енгил кийинишган, кексароқ кишиларни айтмаса ҳеч бирорида пальто ёки куртка йўқ. Ҳамма костюмда, кизлар эса турфа ранг қалинроқ қўйлакларда, баъзи бирлари ўзларининг гўзаллигига ўн чандон чирой бериб турган нимчаларда озгина кунишиброқ бўлса-да яйраб боришарди. Баъзи бирлари катта, кенг, бир-бирига улашиб кетган кўнгилочар ўйинхоналардан чикиб келишаркан, унинг каттагина майдонга ёйиб қўйган суратларига бир-бир кўз ташлаб, бир муддат туриб қолишарди. Рассом йигит бундай суратлар ихлосмандларини бир ихлосу меҳр билан каршилайди. Гарчанд уларга кўз ташлаганча тик турганида мамнуниятини сездирмаса-да ботинан миннатдор бўлади, ич-ичидан кувониб, суратларини кузатаётгандардан кимларнинг юзида бир табассумми, бир жиддиятми зохир бўлганда яйраб кетади. Ўзи кунларни тунларга улаб чизган суратларларга маҳлиё бўлганча тик қолган одамни кузатиб тураркан, уни беихтиёр хаёлларига кўчира бошлади.

У ўзининг хаёлларидан жилмайди. У неча ойлардан бери дилининг туб-тубида ўстирган бу орзусини эслаб жилмайди ва у сари келаётган кизларни кўриб беихтиёр олдинга бир неча қадам ташлади.

У кизларга караб турар экан, улардаги гўзалликни кўз корачикларига кўчира бошлади. Тўртала қиз ҳам гарчанд бўй-басти, қадди-қомати ўхшаш бўлса-да ҳар бирида айрича чирой мужассам эди. Шу дамда мен излаган, интизор кутган киз шулар орасида бўлса-чи деган фикр кечди хаёлидан.

О, Худо! Хаёлидан кечирди у. Агар бу кизлар суратларини чиздиришга рози бўлганларидами мен уларни чизган бўлардим. Айвазовский аксарият манзараларни ўз кўзи билан кўриб сўнг устахонасида хаёлан чизган. У эса бу

**Абдулла БОБОЁРОВ** – 1949 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Омонат дунё”, “Қантар овган кунларда” каби китоблари чоп этилган.

қизларни хаёлан чизишига ожизлик қиласы. Бириңчидан ҳали ёш, иккинчидан жа у Айвазовский эмас. У оғир хұрсанды. Қизлар унинг суратларини – төгілді манзараларини күзатышар экан, пик-пик күлдилар. “Бобо чинор” сурати қолдига келишганда үйчан қолиши. У бу ерга келадиган ҳар бир томошабындан шуны күтган эди. Бу ҳол содир бүлді, у мамнун жилмайды. Қизлар үзаро ғана ғирирлашиб, нимагадир келишиб бир қарорға келиши, шекилли, уларнинг әнг гүзали ва ёши сал каттароғи “Йүл олдидан” дея номлаган суратининг жархини сүради.

У буни күтмаган эди, суратларини олиб чикишдан муддаоси уларни сотиш ҳам эмасди. Одамларнинг күришини, баһолашини, юзларида акс этадиган түйғуларни күришни истаганды. Шу сабабдан қизга ҳеч нарса демади. Қиз саволини тақрорлади. Қиз дам суратга, дам унга тикилиб турарди.

– Мен сотмокчи эмасдым, – деди у ниҳоят. – Агар сизга маъқул келган бүлса... – үйчан ҳолда жим колди ва бироздан сүнг құшимча килди:

– Сизга беришим мумкин. Лекин пулга эмас. Шундай.

Қиз илкис ажабланыб қаради. Унинг бу гапи унга ёқмагани билинди ва кетишига ғоғланды.

– Ҳа, майли олинг, – деди у. У қизнинг бурилиб кетишини истамади. – Берганингизни берарсиз.

Қиз ажабланғанча қошларини чимириб санамасдан бир даста пул узатди:

– Эртага бундан ҳам яхшиларини олиб чикаман, – деди рассом йигит күлмайғанча. – Менинг үша суратларимни ҳам күрсанғыз бұларды, сиз уларға баҳо берған бұлардингиз.

– Яхши, – деди қиз. – Сизда империонизм (рассомчиликта мазкур йұналиш Францияда XIX аср охири, XX аср бошларыда пайдо бүліб, кейин бутун дунёға кең тарқалған.) рухияти үзимизнинг шарқ рассомчилиги билан үйғунашиб кетғанлығы күриниб турибди агар билсанғыз, бу яна ҳам менинг шахсий фикрим.

– Наҳотки, – деди у.

Ҳа. У күтган қиз унинг қаршиисида турарди. Рассом йигит қизга синчков боққанча давом этди:

– Мен суратларимда бундай рух бор деб үйламайман. Мен машхур империоссионистлар Эдуард Мане, Оскар Моне суратларидан озгина рухлансым-да уларға асло тақлид қылмайман. Уларда ҳам үрганса бұладиган жиҳатлар күпү лекин үзимизнинг Камолиддин Бехзодни бутун дунё рассомларининг буюғи деб биламан. Шу сабабдан унга хавас киламан. Жажжи суратлардан буюкликтен топаман.

– Бу яхши, – деди қиз. – Мен ҳам шу фикрдаман, бу қараашларни жағонға и себотламоқчиман.

– Қандай яхши! – деди рассом йигит қувониб кетғанча. – Мен сизни... орзиқиб кутаётгандым. Сизнинг бир күнмас бир күн келишингизни билардым. Ниҳоят сиз келдингиз.

– Ростданми? – Қиз рассом йигитта синчков күз ташлар экан, чиндан унинг күзларыда мамнуниятни күрди, бу түйғулар унинг юзларыда ҳам балқиб турарди. Қиз қувониб кетди.

– Үмид қиламанки, сиз әртага ҳам шу ерга келасиз, – деди у.

– Албатта, – деди қиз.

– Келсанғыз ва рухсат берсанғыз мен сизнинг расмінгизни чизаман. Энг гүзал асаримни сизга қараб яратаман.

— Камолиддин Беҳзод услубида. Ўзимизнинг Чингиз Аҳмаров, Рўзи Чориев асарларида ҳам шарқона рух бору лекин Беҳзод бошқача. Чингиз Аҳмаровга илҳом берган пари унинг аёли.

— Сиз ундан ҳам гўзалсиз, — деди рассом йигит қўлини кўксига кўйиб энтиканча. — Сиз ҳаммадан гўзалсиз.

Қиз шу дамда унинг юзларида туйгулар жўшкинлигини, хаётий кувонч ва шукухни кўрди. Бу шукух, бир куч одатда кизларни ром этиб қўяр, ўзларини унутиб кўйишларига сабаб бўларди. Ҳозир у ҳам шу ҳолда беихтиёр қўлини узатди ва рассом йигит ҳайратларга тўлганча гўзал қўлларни самимий сикди. Шу лаҳзада бу оппок, илик қўлларни ўпиб олса ҳам бўлишини илғади-ю лекин бундай килмади. У баҳтдан маст эди.

— Эртага келаман.

— Кутаман, албатта кутаман!

Бу сўзлар кўнгилларда, овоз чиқармай айтилди. Қиз бу сўзларни хаёлан эшилди. Жилмайди. Ортига ўгирилиб кетаркан, худди Унинг “Йўлнинг бошланиши” суратидаги қизга ўхшаб кетди. У суратдаги қизга ўхшаб довонлар ортига эмас, катта кўчага, беҳисоб одамлар дарёсига сингиб кетди.

## 2

У кизни катта кўчадан бурилган чоғидаёқ кўрди. У бу пайтда суратларини кекса, мовут шляпасини бошига бостириб кийиб олган, зиёлинома одамга курсатмоқда эди. Бу одам ўта синчков чиқиб қолди, суратларнинг қачон чизилганини, ишлатилган бўёклару матоларнинг каерники эканлигини, унинг неча йилдан буён суратлар чизишини, суратлар чизиш чоғида қайси тоғларда бўлганини, кўпроқ қайси фаслларда чизишини, ишлаш услубини сўраб-сuriштириди, баъзи суратлардаги унинг имзосига бармоғини қўйиб текшириб кўрди, ёнидан телефонини олди-да суратга туширмокчи эди, У беихтиёр “найн” деди. Бу одам уни тушуниб жилмайди, узр сўраб, оҳиста қўзғалди.

Бу пайтда қиз етиб ҳам келди. У бугун нилий кўйлакда, қоп-кора соchlари устидан нилий дуррача ўраб олган эди, шодумонлик бу қиз дилида пинҳон эса-да барибир чиройли юзларида, сумкачасини олдига ташлаб туришида, нимтабассумида билиниб турарди.

— Мен келдим, — деди қиз қўлини саломлашиш учун узатаркан.

— Яхшиям вактида келдингиз, бояги одам жуда ҳам хит қилиб юборди. Ҳар бир суратимни синчиклаб қараб чиқди, сўраб суриштириди.

— У ахир йирик санъатшунос Ойбек Жабборов-ку! Ўзи Москвада яшайди, ҳар олти ойдами, бир йилдами Ўзбекистонга келиб ўзимизнинг рассомлар ижодини ўрганади. Суратларнинг Ойбек Жабборов эътиборини тортибдими, бу яхши! Жуда ҳам яхши. У одам баъзи бир ҳатто унвондор рассомлар ишига ҳам қиё бокмайди.

Рассом йигит кувониб кетди.

— Суратларимни телефонга олишига рози бўлмадим.

— Бекор килибсиз, — деди қиз. — Ойбек Жабборов ниҳоятда ишончли одам. У сизнинг яхши суратларингизни чет элга катта баҳода пуллаб ҳам берарди.

— Ана шунинг учун ҳам рози бўлмадим, — деди йигит. — Мен суратларимни сотишга иштиёқманд эмасман. Айниқса, четга.

— Вой, нега? Ахир буни ҳамма рассомлар орзу қилади.

– Мен эса асарларим ўзимизда қолса дейман. Уларни аввало ўзимизни килар курсин, менинг ишларимга улар баҳо берсин.

Киз рассом йигитнинг бу гапларидан ажаблангандек кошларини чимириди, сўнг жилмайиб:

– Кечаги ваъда килган суратларингизни олиб келдингизми? – деб сўради.

– Улар катта ҳажмда чизилган. Шу сабаб уларни сизга устахонамда кўрсатмоқчиман.

Йигит кизнинг юзларига боқди. Унинг бу таклифини рад этишидан қўркиб кетди. Киз ўйга толди. Юзларини бармоқлари билан силади, сўнгра қатъяят билан:

– Бўпти. Устахонада бўлса устахонада кўраман, – деди у. – Узок эмасми?

– Шу яқин атрофда. Ху анави тўккиз қаватли уйда.

### 3

Улар учинчи қаватга кўтарилиб бордилар. Йигит йўлакда тўхтаб хона эшигини очди. У ердан енгилгина бўёқлар хиди димоқقا урилди.

– Устахонангиз бир хонагина экан, – деди киз хона шифтига, сўнгра тўрдаги тахлаб қўйилган суратларга, деворга ёндош тиралиб турган каравот ёғоч стулга бир-бир кўз ташлаб чиқаркан.

– Ҳа, бир хона. Шуни хам зўрға топдим. Бу шаҳарда ҳозир бир хонали уйларни топиш хам жуда кийин. Айниқса бировлар бу ёкка кўчиб кела бошлагач булалининг нархи осмонга чиқиб кетган. Лекин менга шу ҳам бўлаверади.

– Мен сизнинг барча суратларингизни кўрмоқчийдим, – деди киз жилмайганча. – Агар руҳсат берсангиз, албатта.

– Марҳамат.

Киз бу ердаги суратларни майдондаги кечаги санъатшунос олим сингари синчиклаб, ҳар бир сурат олдида анча туриб қолганча кўздан кечирди.

– Яхши, – деди у нихоят мамнуният билан. – Ажойиб! Бу ерда ажойиб суратларни кўрдим. Ҳаммаси мукаммал. Ҳатто ўзимизнинг номдор рассомлардан ҳам яхши чизгансиз.

– Биламан, – деди рассом йигит ҳам. – Лекин уларда битта нарса етишмайди.

– Нима? – сўради киз ажабланганча. – Нима экан у?

– Сизнинг суратингиз. Мен бир неча ойлардан бери уни хаёлларимда чизиб уйқуга кетаман. Энди уни асл ҳолида, борлигича гўзаллик уйғунлигига чизмоқчиман. Киз бир лаҳза ўйчан туриб қолди, сўнгра жилмайганча стулга ўтириди. У қизнинг иягини озигина кўтараркан унга бир зум қараб турди-да чизишга киришди. У узок вақт чизди. Чизди. Ўзи ҳам ажабланган ҳолда тилло топган тентакдек баъзан қўллари титраб, вужуди ўт бўлиб чизди. Нихоят тутатганини айтди.

– Яхши-ку, – деди қиз ўз суратига боқканча. – Худди мен хаёл қилганимдек чексиз нилий осмон. Бутун борлик, ҳатто одамлар ҳам нилийликка бурканган. Бу нилийликнинг қоқ ўртасида оппок булат сузуб бораётти. У ўзим хаёл қилганимдек уммон бағрида сузуб бораётган кемага ўхшайди. Мен эса ўйчан киёфада ўтирибман. Яхши-ку! Мен суратимнинг ана шундай чизилишини орзу қилгандим. Бу зўр! Сиз ажойиб рассомсиз!

Йигит кутилмаганда эндиғина бўёқлари қуриётган мато устидан оқ ранглар тортиб юборди.

– Вой, – деди қиз стулдан туриб кетаркан. – Вой! Нега унақа қилдингиз?

– Эртага мен сизни янада чиройли килиб чизмокчиман.  
...Қиз нима деярини билмай қараб турарди.

4

– Сиз мени чизаяпсизми фақат тикилиб ўтирасизми? – деди қиз эртаси куни стулда ўтирганча рассом йигит чизгиларига мароқ билан кааркан. Бу дамда рассом чизишдан тұхтаган, қизнинг юзларига, пешонасига андаккина тушиб турган соchlарига ажабланған ҳолда қараб турарди. Қизнинг гапидан йигит ўнғайсиз ҳолга тушиб қолғандай.

– Кечирасиз, сизга қараб қолибман, – деди.

Қиз лабларини қимтиб жилмайды.

– Бу чизишиңгизда менинг суратимни бугун чизиб тутатолмайсиз, – деди қиз.

Шундан сұнг ҳам йигит шошмади. Нихоят, кун ботиш өфіғіда сурат тайёр бўлди.

Қиз суратига қарар экан:

– Вой, яхши-ку!? – деди беихтиёр қувониб кетганча.

Лекин йигит олдинги кунларда бўлганидек тайёр сурат устидан яна оқ бўёк суртиб юборди.

– Вой! Нега унақа қиласиз? – деди қиз гўё унинг устидан бир челак совук сув қуйиб юборишгандек титраб кетганча. – Нега бунака қилдингиз?

– Эртага мен сизни бундан-да чиройли килиб чизаман, – деди йигит қизнинг юзларига бокаркан. – Сиз гўзалсиз. Сизнинг сувратингиз ўзингиздай гўзал бўлиши керак.

– Майли, келаман, – деди қиз. – Қанча десангиз шунча келавераман.

– Раҳмат, – деди рассом йигит мамнун жилмайганча. Қиз устахонадан чиқиб кетар экан, у эзилибгина қолди.

Қиз эртаси куни ҳам ва сұнгра яна бир ҳафта келди. Ана шундай килиб йигит ўн кун қизнинг юзларига, кўзларига, дудокларга, бодом қовокларига боқди, соchlарининг ҳар толимида унинг нигоҳлари излари қолди.

5

– Мана қаранг, қандай, яхшими? – сўради йигит қиз охирги сафар борганида қизнинг хозир чизиб тутатган суратига бокаркан.

– Зўр! – деди қиз. – Бундан ортиғи бўлиши мумкин эмас.

Йигит энди бу сафар пичоқни сурат устидан тортиб юборди.

– Вой! – деди қиз. – Нега унақа қилдингиз?

– Мен эртага ҳам сизни чизишни истайман. Биласизми, нега?

– Биламан, – деди қиз дув кизарганча.

– Билсангиз мен сизни севиб қолдим. Сизнинг сийратингизни ҳар куни юрагимга кўчирмок истайман.

– Биламан, – деди қиз яна. – Рассомлар алалоқибат ўз натураларини севиб колишиларини ўқиганман. Мен ҳам шундай бўлишини билардим.

– Ислмингиз нима?

– Ислим? Охири сўрадингиз-а? Дилором.

“Дилором! Ох, Дилором! Ох, ўн кундан бери сизнинг сувратингизни чизиб қанчалик яйраганимни, сизнинг юзингиздан, ҳар бир соч толаларингиздан,

нигохларингиз ўтидан қанчалик куч олганимни, осмонларга парвоз килганимни бўлсангиз эди!” Киз унинг хаёлларини уқди.

– Эртага ҳам келаман, – деди сўнгра. – Ҳар куни келавераман.

Вой, Худойимей, шунака ҳам бўларкан-да!

Киз шодмон қадам ташлаганча хонадан чикиб кетди. Йигит ортидан кузатаркан шашибигина қолди. Эртага келармикин? Келмаса-чи? Бу фикр уни эзиб юборди. Шу хаёлда туни билан ухламай чиқди. Нега унинг суратлари устидан бўёклар порти ўзига? Ахир уларнинг ҳар бирини олиб қўйса бўлмасмиди? Бўларди!

Киз хайрият эртаси куни ҳам келди. Йигит бугун энг гўзал суратни чизишига шониб ишни бошлаган бўлса-да, кизнинг юзидағи гўзаллик, нигохлари, сиприклар ўқи уни барибир тўхтатиб колаверди. Киз нилий кўйлаги осмонларга тулашиб кетди. Деразадан уларга бокиб турган новдалар, куртаклар тагида гул очган каболар кизнинг оқ туйғулари каби оппок орзуларга тўла эди.

– Мана, ниҳоят бўлди! – деди йигит шодликдан маст, ҳозиргина чизиб тугатган суратга маҳлиё бўлганча бокиб туаркан. Унда ҳозир ҳар бир ижодкорда ўз асарига сўнгти нуктани қўйган чоғидаги кўтаринкилик, ўз ишидан қоникиш, кўкларга парвоз қилиш руҳи пайдо бўлганди.

Киз ўз суратини кўрмок учун ўрнидан туаркан йигит билан рўбарў туриб қолди. Йигит ўзини тутолмай уни бағрига босди. Киз ўзини йўқотиб қўйди. Факат қўзи боягина тайёр бўлган ўз суратига тушгандагина:

– Қўйинг, қўйинг, керакмас, – деди титраб йигитни ўзидан аста итаар экан.

– Сиз ҳам мени севасизми? Айтинг севасизми? – сўради йигит қизнинг қўзларига тикилиб.

Киз индамади. Йигит табиийки буни розилик аломати деб тушунди.

– Ҳа, – деди қиз эшик сари талпинаркан. – Эртага мен Парижга учеб кетаман. Бир йил Луврда шарқ рассомчилигини таҳлил қиласман. Эртага аэропортга мени кузатгани чиқасизми?..

– Сиз кимсиз ўзи? Севдириб, ёнди сизга етишган чоғимда Парижга кетмокчимисиз? Буни нега олдинрок айтмадингиз, ахир?

– Рост. Олдинроқ айтилиши керак эди... – Киз ҳижолат бўлиб сўнг йигитга ўзининг ташриф қофозини узатди.

Унда Камолиддин Беҳзод номидаги рассомчилийк инсититути магистранти Дилором Ортиқхўжаева деб ёзилганди.

– Ҳа, мен илмий ишимни ҳимоя қилиш учун у ёқда бир йил бўласман. Камолиддин Беҳзод ва шарқ рассомчилигининг Европа рассомчилигини муюяса қилиш, хулосаларимни бериш учун бир йил илмий иш олиб бораман. Агар кутсангиз... Телефон рақамим, ўзингиз биласиз расмий қофозимда бор. Энди хайр!

Йигит эса гўё суврат бўлиб ортидан караб қолди...

– Биз ҳадемай учамиз. Менга муваффакият тиланг, Мурод ака! – деди қиз унинг қўзларига тикилиб. – Хайр, мен сизни асло унутмайман, Мурод ака!

Буни қарангки, қиз унинг исмини биларкан! Бир бора сўрамагану барибир биларкан!

– Мен сизни юрагимга чизиб олганман. Уни асло ўчириб бўлмайди, Дилором, – деди у. – Атиги яна бир марта устахонамда бўлганингизда эди.

– Мен Лангар тоғлари томонданман. Менинг юзларим, қон томиримда шу тоғнинг руҳи бор. Агар мени соғинсангиз ўша томонларга боринг, тоғларини чизинг, тоғ этагида бизнинг катта боғимиз бор. Ўша томонларга бориб Лангар тоғларини

менинг назаримда чизинг. Сиз буюк рассомсиз. Лекин иккимизнинг суратимизни ҳеч кимга, ҳеч қачон, ҳатто тиллоларга ҳам сотманг! Майлими, сотманг!

– Сотмайман Дилором, мен сизни севаман.

Биламан. Мен яна бир йилдан сўнг кайтаман. Мени албатта кутинг. Бошқа натуруни мени севганчалик севиб колманг, Мурод aka!

– Мен ҳеч кимни сизни севганчалик севолмайман, Дилором! Ҳеч кимни!

Йигит сўнгра самолётга чиқувчилар томон югуриб кетди. Уни аэропортдагилар бетоқатлик билан кутиб туришарди. Киз ортига қарай-карай узоклашди-да самолётнинг осмонга кўтарилишини кузатиб қоларкан юрагини бир оғрик, вужудини бир хўрсиши, борлигини бир алам тифи тилиб ўтганча аэропортдан тезлаб чиқиб кетди.

### 6

Бир хафтадан сўнг қизни қўмсаб телефон ракамларини терар экан, бу ракамлар дунёning нариги бурчагига, кадар осмонга урлаб, ҳаволар қатламларини ёриб, бироз сукутга чўмиб, уланиб кетди. Уни ҳайратларга солиб қизнинг овозини олислардан келтириди, бирам тиник эди, бирам жозибали эди бу овоз!

– Алло! Сизмисиз, Мурод aka!

– Ҳа, менман Дилором! Бу сизмисиз, чиндан ҳам ўзингизмисиз?

– Ҳа, менман. Ўзингиз билган ўша Дилоромман. Луврдан гапирайпман. Сизга Париждан салом йўллайман!

– Мен эса Тошкентдан юрак саломларимни йўллаяпман, Дилором!

– Қандай яхши, Мурод aka! Мен соғиниб кетдим.

– Тошкентними ёки меними?

– Тошкентни ҳам, ўзимизнинг Лангар тоғларини ҳам ва...

– Ва мени ҳам, шундайми Дилором. Айтинг! Ҳа, денг!

У томондан оҳиста ҳа, деган овоз эшитилди.

Улар шу тарзда гоҳ тун, гоҳ кун демай гаплашиб турдилар. Бундай пайтда гап гапга уланиб кетаверди, бу гаплар киши дилини ифодалаб, олислардан ҳаво катларини ёриб унинг юрагини ҳаёжонларга солиб келаверди. Сўнгра олти ойлар ўтгач эса у ёқдан негадир факат “телефон банд” деган хабарлар келаверди. Бир йил ўтиб эса анча нохуш хабарнома олди. У ниҳоятда қисқа ёзилган бўлиб шунинг ўзи ҳам рассом йигит юрагини тилиб ташлашга, ҳаётини қоронғи ва беором тунларга, кунларини ғуссаларга улаб юборишга етарли эди. “Мурод aka! Мен Парижда абадий қолмоқчиман. Энди мени кутманг. Дилором!” деб ёзилганди. Рассом йигит бу SMSни ўқир экан устахонасини кулфладими, кулфламадими ўзи ҳам билмай тун яримлаган бўлишига қарамай кўчага чиқиб кетди, катор-катор, бир-бирини қувишиб келаётган машиналардан кўрқмай, ҳайдовчилар юрагини ваҳимага солиб кўчаларни кезди. У ҳозир қаерга боришини билмасди. Ярим тун деганда уйига қайtdi. Кела солиб ўзи учун азиз бўлган суратни кенг ёзганча унга тиз чўқди, сўнгра туриб бош қўйди, сурат юзларига, лабларига лаб босди, соchlар узра кўл чўзди. Энди унинг куни, факат кунигина эмас туни ҳам шу тарзда ўтар, чизган суратларидан айримлари аллақачон жаҳондаги энг машҳур галерияларга – Луврга, Третяковга, Америкага чиқиб, йирик журналлар муковаларини безаб, номи республиканинг таникли рассомлари каторига кириб ултурган, уни гоҳ-гоҳда қайси бир кўргазмаларга таклиф килиб колишар, у бу ерга келувчи талаба йигит-қизлардан

бир хурмат қозониб улгурган бўлса-да аллакачон йўқотиб бўлган муҳаббати ҳасрати ва унинг юракни эзувчи алами сабабми, одамови бўла бормоқда эди. У энди онда-сонда рассомлар уюшмаси ташкил киладиган кўргазмаларда ҳам, учрашувларда ҳам катнашмас, бир пайтлар ўзи таҳсил олган, машхур рассом бўлиш илинжида минг бир суратларни ўрганган академия талабалари олдида бирор соатлик учрашувдан ҳам кочар эди.

Бир куни талаба кизлардан бири, таҳминан йигирма уч ёшлардаги дуркун гавдали, юзларига озгина упа суртган гўзал бир киз унинг устахонасини кидира-қидира топиб, уялигина суратини чизиб беришини сўраганида, неча кун бўлса-да натура бўлиб туришига рози эканлигини айтганида у кизнинг юзига, кошларига, гўзал қовокларига, бир пайтлар юононлар мармардан яратган хайкалга карагандек қараб турди-да, қиз таклифини рад этди, рад этганда ҳам кўл силтаб рад этди.

У агар бу қизни чизишни бошласа кўп кунлар қиз юзларига, қовокларига қарай-карай чизишини, алалоқибат уни севиб қолишини биларди. Шу қизни чизиш баробарида биринчи муҳаббатини йўқотиб қўйишидан кўрқди. Ҳолбуки у бу қиз суратини чизса ҳам бўларди. Шундай қилганда ҳаёти мутлақо ўзгариб кетган, унинг дунёсига баҳор насими эса бошлаган бўларми? Дилоромнинг Парижга жўнаб кетганига ҳам чамаси беш йиллар бўлган, унинг ёши ҳам ўтиз бешни коралаб колган, ҳар сафар “Дилором” дея атаган, бир пайтлар меҳр билан вужуди титраб чизган суратга бокқанда, сурат юзига авайлабгина қўл югуртганда ва шу дамда оғир ҳўрсинганча устахонанинг бу ёкка тўйинган ҳавосидан симирганда қўксисда, юраги устида бир оғриқ вужудига, ҳатто бошига ҳам тиф тортиб юбораверар, шунда ҳам у суратга боқиши, тунлари унга қараб ўтиришни канда қилмас эди. Бунинг оқибати барибир ёмон бўлишини билса-да оромбоғларга чикмас, кўчаларга кўрк ва чирой бериб ўтаётган юз бир гўзалларга бир пайтлар бўлганидек умидвор қарамас, Сайлгоҳ майдонига суратларини олиб чикмас, куни бўйи устахонада ўтираверар эди.

Орадан икки йиллар ўтганда уни ярим тунда шогирди шаҳар тез ёрдам шифохонасига етказиб борди. У ерда ётганида тўртинчи куни республиканинг энг машхур кардиологи унинг касаллиги оқибатини англағанча бошини чайқаб-чайқаб. “Ай, ай, оғайним-а! Киркка кирмасдан ҳам шу ҳолга тушадими киши?” деди.

У ўзи тенги, юзларида самимият, тўғрилик, баъзи шифокорларда учрайвермайдиган фидойилик акс этиб турган дўхтирга мўлтирабгина боқар экан:

– Менга нима бўлган ўзи? – дея сўради. – Юрагим гоҳ-гоҳда шунақа санчиб-санчиб оғрийди, ёмон оғрийди.

– Сиз рассомсиз. Биламан, сизни фақатгина республикада эмас, хорижда ҳам билишади. Шундай одам... Ай...ай. Сизнинг бошқа бир яқинингиз бўлганда-ку унга айтардим-а. Майли, бу иккимизнинг сиримиз бўлаколсин. Юракни чарчатиб қўйибсиз, дўст. Шу ёшда-я! Нима бўлган ўзи? Айтайми? Устахонангиз, унинг ҳавоси сизни шу ҳолга солган. Уззукун ўша хонада суратларингиз ёнида ўтиргансиз, ётгансиз. Энди ўзингиз харакат қилмасангиз, отни камчиламасангиз... Бир-икки йил. Бу ҳам нари борса. Агар юрагингиз бардош берса... Бўлмаса... тушунгандирсиз, дўстим. Мен сизнинг иқтидорингизни, ҳалқ олдидағи хизматингизни яхши билганимдан айтаяпман бу гапларни. Ўз кузатувимдан, китобларда ўқиб олган билимларимдан, сизнинг кон таҳлилингиз,

кон босимингиз ва бошқа таҳлиллар хulosаларидан келиб чикиб айтаяпман сизга бу гапларни.

– Хўш, унда... бунинг йўли борми? – сўради рассом умидворлик билан профессор сари кўл чўзаркан.

– Бор, – деди профессор қатъият билан. – Лекин бунга кучингиз, имкониятингиз етадими, буни билмадим. Менимча етмаса керак.

– Нима у, дўстим? Айтинг, балки...

– У операция. Жарроҳлик амалиёти. Операция бўлганда ҳам у бизнинг пашшахоналару ёлғонлар ўрлаб ётган клиникаларда эмас, Нью-Йоркда, Лондонда, энг камида Ҳиндистонда ўтказилиши керак. Бунга кўп маблағ кетади.

– Канча кетади?

– Кетади деманг, канча етади денг, дўст? – профессор ўйчан қолди. – Бориши келиш-йигирма минг, – профессор бармоқларини бирин-кетин бука бошлади. – Операцияга тайёрлаш – энг камида қирқ минг, унинг ўзи камида олтмиш минг, кейинги муолажалар, дорилар... Мана икки юз минглар. Икки юз эллик минг бўлса яна ҳам яхши.

– Икки юз эллик минглар... Бунча пул менда нима қилсин? Бир амаллаб учма-уч яшаётган рассомда. Мен бир хонали устахонамда яшайман, дўст.

– Биламан. Ҳозир сиз рассомлар, ёзувчиларда бу пулнинг ўндан бири ҳам йўқ. Номи улуғу супраси қуруқ одамларсизлар. Жамиятимиз, аксари одамлар ўз ёзувчиларини, рассомларини эъзозлашни унтиб қўйгани учун ҳам бизда ривожланиш йўқ, юксалиш йўқ, булар факат оғиздагина бор, холос.

Дўхтир шундай дер экан, менинг кўлимдан нима ҳам келарди дегандек, палатадан оғир қадамлар ташлаб чиқиб кетди.

### 8

У мана ҳозир устахонасидаги каравотда, бир пайтлар Дилоромнинг нигоҳлари қадалган ўринда чўзилганча ётаркан, профессорнинг сўзларини эслаб эти жимиirlаб кетди. Рўпарасига тик кўйган “Дилором” суратига кўз ташлади. Уни бир пайтлар бўлганидек бағрига босмоқчи бўлди-ю эринди, тўғрироғи бунга уни кун сайин билинар-билинмас тарк этаётган кучи имкон бермади. Унинг кучи, ҳаёт шамдек тугаб бормоқда эди. Шундай хаёлларда экан хона эшигининг секингина чертилганини илғади. Ҳа, кимдир, ўрта бармоғини буқканча эшикни охиста тақиллатди. Сўнгра бир нафаслик жимлик чўқди ва яна, бу сафар тунука қоплама каттикроқ овоз берди.

У титрабигина “ҳозир!” деди-ю овози паст чиқди. Баъзўр ўрнидан туриб эшик сари икки қадам ташланганча деворга суюниб калитни буради.

Илгак сурилиб эшик ғийкиллаб, ғижирлаб, гўё келганга нола килиб очилди. Ташкарида ўрта бўйли, ок сарғиши юзли қирқ ёшлар чамаси, нотаниш одам турар эди. У келган одамга қарап экан, фарангми, немисми деган фикрга борди. Сўнгра ўзини босиб, келганга савол назари билан қаради. Келгувчи, бу ерга келишдан олдин обдон тайёрланган бўлса керак, ўзбек тилини бироз бузган ҳолда:

– Кечирас... Рассом Мурод Дўст керак эди. Мен уни кўрмоқ ҳоҳлайди, – деди.

– Мен ўша Мурод Дўстман. Сиз кимсиз? Мендан нима истайсиз?

– Мен сизни ижозат этсангиз... айтсам, французман. Яна ҳам тўғрироғи Франциядан келаяпман.

Фаранг менинг кимлигимни англағандирсан, дегандек қаради. Ҳа, у билди. Уни ғилором юборган. Балки эридир, балки...

– Галиринг, – деди у бетоқатлик билан. – Биларсиз, сабрим чидамайди.

– Биламан. Сизни яхши тушунаман. Менга Дилором айтган. – Унинг сўзлари тубора ўзбекчалашиб борарди. – Мен унинг топшириғи билан келдим.

– Хўш, у қалай? Яхшими?

– У яхши. Мен унинг эriman, Лувр президентининг савдо бўйича ўринбосари. Дилором Луврда шарқ бўлими раҳбари. Францияда йирик мутахассис. Франция рассомлар жамияти академиги.

– Демак...

– Ҳа, у баҳтиёр. Париж салонларининг маликаси у. Лекин базмларга, тантанали чечаларга барибир кам боради. Лекин бошқалар кўнглини колдирмаслик, жамият ҷархпалагидан тушиб колмаслик учун боради. Биламан, бир пайтлар сиз уни севгансиз. – Фаранг шу онда бир лаҳза сўзида давом этди. – Дилоромнинг ўзи айтиб берган, унинг расмини юзларига, кўзларига қайта-қайта боқиб тақрор-тақрор чизгансиз. Тайёр расм устидан бўёқ суртиб яна чизавергансиз. – Фаранг чукур нафас олди, маъюс жилмайди. – Биламан, мен сизни тушунаман. Ёшлиқда бундай бўлиши табиий. У сизни шарқнинг энг моҳир рассоми деб билади, сиз ҳақингизда француз, инглиз журналларида маколалар ёзган. Якинда сизнинг суратларингиз учун алоҳида бўлма ажратди. Луврда алоҳида бўлма, оддий эмас, шоҳона. Бўйи ўн беш, эни ўн метрлик алоҳида зал. Тепада ўнта кандил суратларингизни ёритиб туради. Бу – Луврда дўстим! Луврнинг нималигини биларсиз?

Фаранг шундай деркан аллақачон стулдан турган суратларни куришни бошлаб юборган эди.

У баъзиларини, кўп йиллардан бери туриб озгина чанг кўниб колганидан дастрўмоли билан авайлабгина артар, уларни ҳайрат-ла кузатар экан, севинчдан яйраб кетган эди.

– О, зўр! Жуда ҳам зўр! Ҳаммаси Луврбоп! Рафаэль, Репин, Мане ва Моне суратлари ёнидан бир тизим қилиб кўйса бўлади. Томошабин дастлаб уларни кўради-ю сўнгра сизнинг залингизга – шарқнинг буюк шедевларини кўришга ўтади, – деди у бирор соатлар суратларни яйраб-яйраб, ён дафтарга нималарнидир ёзганча томоша қилиб бўлгач. – Мен дастлаб бунчалигига ишонмаган эдим. Лекин Дилором мақтаганидан ҳам аъло экан. У буларнинг тўртдан бирини ҳам кўрмаган. Табиийки, у Парижга кетгач сиз кўплаб асарлар битгансиз. Унинг хижрони, ҳасрати ва алами суратларингизга рух бағишилаган, – қаҳ-қаҳ уриб кулди ўз гапидан таъсиrlаниб. – Аслида зўр асарлар дард билан ёзилади. Юракдаги мухаббат дарди рассомни ҳам, расмни ҳам буюклаштириб юборади.

У фарангта маъюсгина кўз ташлаб турарди. Фарангнинг мактовларидан на кувонди, на бир жилмайди. Унинг учун бу мақтовлар энди аҳамиятсиз эди. Мехмон эса ҳали-бери кетишни истамасди, унинг кўнглига йўл топиб, сўнгра асл муддаога ўтмоқчи эди, шекилли.

– Биз Дилором Луврга боргач, саккизинчи ойда танишиб колдик, – дея сўзида давом эттириди фаранг. – У ниҳоятда гўзал эди. Фаранг гўзалларидан ўн чандон гўзал эди. Унда шарқона гўзаллик, Клеопатра гўзаллиги барқ уриб турарди. Уни севмаслик, пойига тиз чўкмаслик, атиргулнинг энг сарасини унга узатганча қўлини сўрамаслик асло мумкин эмасди. Мен унинг пойига тиз чўкканман. Сиз эса тиз чўкмагансиз. Шарқона ғурур, балки унинг қўлингиздаги кабутардай бир учса



# ЎЗБЕКИСТОН БАРТОСИ

Гуландом ҚУРАМБОЕВА

Йигирмадан ортиқ шеърий, насрый китоблар, дарслик ва ўкув қўлланмалар муаллифи, шоира, драматург, киносценарист ҳамда таржимон Кавсар Турдиева болалар дунёсини бадиий акс эттиришда катта тажрибага эга. Шоиранинг бадиий олами ғоят бой ва ранг-баранг. Тинимсиз ижодий меҳнати туфайли “Варрак”, “Ўйнаяпман, ўйлајапман”, “Қуш бўлиб учган она”, “Рақамлар бўйлаб саёҳат” сингари ўнлаб китоблари кичик китобхонлар ичida машҳур. Уларнинг мавзуси, ифода усуслари, хуласалари ҳар хил. Образлари ҳам бир-бирига ўхшамайди. Шоира ҳар бир асарида кичкинтойлар билан боғлик воқеаларни ёрқин акс эттириб, болалар ҳаёти ҳакидаги ўз карашларини умумлаштиради. Ушбу китобларга кирган шеър ва қўшиклар, эртак ва сценарийлар ўзбек болалар адабиёти хазинасидан муносиб жой олган.

Кавсар Турдиеванинг беғубор ва завқли болалик руҳияти барқ уриб турадиган шеърлари жуда равон ўқилади. Дангаса, ишёқмас, ялқов ўкувчиларнинг камчиликлари ўзларига кўрсатилади. Масалан, “Ёдласам бўлмасмиди” шеъри каҳрамони дарсга шеър ёдламасдан келиб, хаёл суради. Кани эди, ҳозир директор келиб сочи ўсган болаларни уришса ёки шанбалик бўлиб қолса-ю, соф ҳавода маза қилиб ишласак, ёки ўқитувчининг бизга раҳми келиб уйга жавоб бериб юборса, деб орзу қиласди. Лирик каҳрамоннинг кулгили ҳолати ёш китобхон руҳиятига мос равишда маҳорат билан чизилади:

Қани энди ногахон  
Ўнгидан келса тушим,  
Худди тушимдагидек  
Бирдан йўқотсан ҳушим.  
Жимгина нажсot кутуби  
Ётардим “Тез ёрдам”дан.  
Шеърни ким ҳам сўрарди  
Касал ётган одамдан.

Гуландом ҚУРАМБОЕВА – филология фанлари доктори. 1978 йилда түгилган. Нукус давлат педагогика институтининг филология факультетини тамомлаган. У “Гул бор Гулистон ичинда”, “Ўзбек тили” дарслиги, “Миртемир ва қорақалпоқ адабиёти”, “Адабий дўстликка йўғрилган ижод”, “Ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқалари” номли монографиялар муаллифи, хориж ва республика матбуотида илмий мақолалари чоп этилган.

Шоира ижодининг яна бир мухим жиҳати, у ўз каҳрамонининг ножӯя хатти-харакатларини таңқид қилмайди, салбий ёки ижобийга ҳам ажратмайди. Инсон сифатида энди шаклланаётган болаларда кузатилиши мумкин бўлган ҳолатни реал тасвирлайди. Уларнинг феъл-авторини баён этар экан, хулоса чикаришни ёш китобхоннинг ўзига ҳавола киласди.

“Дунёни сақлар болалар” номли китобидан ўрин олган қай бир шеърни мутолаа килманг, улар тилининг содда ва равонлиги, қизиқарли ва мазмундорлиги билан жаралиб туради. Бу эса ёш китобхон нуткига ҳам таъсир кўрсатиб, сўз бойлигини орттиради.

Маълумки, мактабгача таълим ёшидаги болалар дунё сирларидан, табиат ҳодисаларидан бехабар, бизни қуршаб турган атроф-мухит, олам ҳакида тезроқ билиб олишга шошилишади. Уларга аталган шеърлар ҳажман қисқа, мазмунан содда бўлиши керак. Йилнинг тўрт фасли таърифланган қуйидаги топишмок-шеър ана шу жиҳатлари билан эътиборли:

*Йуллар яхмалак,  
Юриб жонсарак,  
Ўқиши ҳам ташвиши,  
Қай фасл бу? Киши.*

*Күшлар бу замон  
Жанубга томон  
Тикмоқдалар кўз  
Қай фасл бу? Куз.*

*Ўйнаб ўтлоқда,  
Сўнгра булоқда.  
Чўмилиш хўп соз,  
Қай фасл бу? Ёз.*

*Жонланар тупроқ,  
Куртаклар уйгоқ,  
Тошади анҳор,  
Қай фасл бу? Баҳор.*

Шоира мактабгача таълим ёшидаги болаларга мўлжалланган бир неча эртакларнинг ҳам муаллифи. 2016 йили Кореянинг Кванджу шаҳрида ўтказилган Осиё маданияти марказининг Эртаклар семинарида “Янги йил эртаги” китоби рус ва корейс тилларида тақдим қилинди. Айни пайтда Жанубий Кореянинг қатор болалар боғчаларида “Нортой ва Қорбола” китоби асосида машғулотлар ўтказилмоқда. 2020 йили мазкур китоб Ўзбекистондаги Конфуций институти томонидан ўзбек ва хитой тилларида чоп этилди. Бу эса шоира ижоди нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам тарғиб килинаётганлигидан далолат. Дунё болалари томонидан севиб ўқилаётган яхшилик ва ёмонлик, табиат, ҳайвонот олами, дўстлик, одоб-ахлоқ ва меҳнат тўғрисидаги “Тушдаги сабоқ”, “Сахийлик ҳакида ривоят”, “Бахиллик ҳакида эртак”, “Қуш бўлиб учган она”, “Ҳалолликдан келган баҳт”, “Тошкесаклар мамлакатида”, “Сехргар қўшиғи” ва бошка кўпгина эртакларнинг ҳажми қисқа, мазмуни эса содда.

## Гуландом ҚУРАМБОЕВА

Кавсар Турдиеванинг уч юздан ортиқ шеърига куй басталанган. “Бу бизнинг Ўзбекистон”, “Мард ўғлонлар бўламиз”, “Болалик – подшолик”, “Юртим, бизга бердинг канот”, “Устоз деган улуф сўз бор” каби қўшиклардаги образларнинг ёрқинлиги, сўз маъноларининг аниқлиги, матнинг оҳангдорлиги, мусиқийлиги болалар руҳига ором бағишлайди. Улардан баъзилари “Булбулча”, “Севинч”, “Дилроҳ”, “Томоша” ва “Марварид” болалар ракс ансамблари томонидан республика ва халқаро миқёсда ўтказиладиган оммавий тадбирларда ижро этилмоқда. Шоира “Барака топ”, “Учар от” фильмларининг қўшиклари матнини ёзган. 2015 йил “Энг яхши болалар оромгоҳи қўшиғи” ва “Энг яхши марш қўшиғи” номинациялари бўйича ғолибликни қўлга киритган.

Кавсар Турдиева сўнгги йилларда сценарийлар ҳам ёза бошлади. Унинг сценарийлари асосида “Катта ойи” бадиий фильми, “Иркитвой ва Киркетжон”, “Сумалак ва минг тилак”, “Зумрад ва Қиммат” мультфильмлари ишланди. “Зумраша” киножурнали лавҳалари суратга олинди. Болаларбоп саҳна асарлари учун ёзган “Ватан химоячилари куни учун сценарий”, “Конституцияни бил”, “Али ва микроб”, “Сўнгти қўнғирок”, “Хосил байрами”, “Қорбобога хат келди” сценарийлари шоиранинг образли мушоҳада уфки кенглигини кўрсатади. 2004 йил Республика Театр фестивалида “Тошкесаклар мамлакатида” кўғирчок спектакли 3-ўринни эгаллаган бўлса, 2022 йил республикамизда “Энг яхши болалар анимацион фильмси” сценарийлар танловида шоиранинг “Кувноқ шаҳарча” сценарийси ғолиб деб топилди.

Шоира ўз она тилини қанчалик яхши билса, рус тилини ҳам шу даражада мукаммал билади. “Косички”, “Дастархан”, “Радость”, “Родная махалля” ва бошқа кўпгина шеърлари рус тилида битилган бадиий-эстетик таъсир кучи юқори ижод намуналаридир. Чингиз Айтматов икки тилда ижод килишнинг афзаллигини ўз ижод тажрибасига таяниб, шундай ёзган эди: “Мен китобларимни кирғиз ва рус тилларида ёзаман. Агар китоб дастлаб кирғиз тилида ёзилган бўлса, мен уни рус тилига таржима қиласман ва аксинча. Мен бу икки томонлама ижодий ишдан чукур қоникиш ҳис этаман. Менинг назаримда, бу ёзувчи услубини шакллантирадиган, тилдаги образлиликни бойитадиган жуда қизикарли ички жараён”<sup>1</sup>.

Икки ёки ундан ортиқ тил билишнинг яна бир афзаллиги бор. Агар икки тиллilar бадиий таржима билан шуғулланса, ўз асарини ўзга тилга таржима қилса, ютуғи салмоқли бўлади. Яъни, бошқа таржимондан кўра бу иш билан “муаллиф таржимон” шуғулланса, фақат муваффакият келтириши мумкин. Сир эмас, агар шоир ёки ёзувчининг бирор асарини иккинчи бир тилга муаллиф эмас, бошқа бир таржимон ўгирса, асл нусханинг кўп хусусиятлари йўқотилади. Таржимон билан асар муаллифи дунёқарашининг номутаносиблиги ёки тасвир услуби, ифодалар талқинида ҳар хиллик бўлиши, муаллиф танлаган ҳаёт материали таржимонга бегона бўлиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Шунга ўхшаган ҳолатлар таржимада асл нусханинг кўп хусусиятлари йўқотилишига сабаб бўлади. Таржима амалиётида бу фикрга мисоллар етарли. Кавсар Турдиева нафакат ўз асарлари, балки К.Чуковскийнинг “Доктор Войжоним”, С.Маршакнинг “Мушукойим уйи” эртаги, Р.Фарҳодийнинг “Ступеньки здоровья и счастья”, Абдулла Тўқайнинг “Шеърлар ва эртаклар”, “Бола билан капалак” китоблари ва яна кўплаб жаҳон болалар шеъриятининг етук асарларини маҳорат билан таржима қилган. Ўзбек болалар шеъриятидан рус тилига қилган таржималари ҳам таҳсинга лойик. Уларнинг барчасида аслиятнинг мазмун-моҳияти сакланган.

Филология фанлари номзоди, доцент Кавсар Турдиеванинг илмий-педагогик фаолияти ҳам ибратли. Хусусан, унинг “XX асрнинг 60-80 йилларида ўзбек

<sup>1</sup> Айтматов Ч. Человек между двумя языками. “Киргизия”, 1967, 17 октября.

болалар шеъриятида маънавият масалалари”, “Тиббий таълимда китобхонликни тоҳа билан боғлаб ўрганишнинг самарадорлиги” монографиялари, тиббиёт институтлари талабалари учун “Ўзбек тили” дарсликлари, рус тилини ўрганувчилар учун “30 шагов к русскому языку”, “Обучение студентов устной речи”, “Обучение студентов письменной речи”, “Учебное пособие по русскому языку для студентов-медиков 1-курса” номли ўқув қўлланмалари чоп этилган.

Кавсар Турдиева маҳоратли педагог бўлиш билан бирга, яхши ташкилотчи раҳбар ҳамдир. Мана бир неча йилдирки, у Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири лавозимида фаолият турсатмоқда. Кавсар опа ташабbusи билан институтда тез-тез таникли ёзувчи, шоирлару кино усталари билан учрашувлар ўтказилади. Бир куни таникли режиссер Мелис Афзалов ишхонамизга келганида Кавсар опани “Ўзбекистон Бартоси” деб таърифлаган эди. Агния Барто рус болалар адабиётининг қалами ўткир шоираси, ёзувчиси, кинофильмлар сценарийларининг муаллифи бўлган. Барто ижодидаги соддалик, жўшқинлик, самимийлик, мазмунан теранлик, қискаси, болалар адабиётининг барча сир-синоатларини Кавсар Турдиева шеъриятида ҳам кузатиш мумкин.

Кавсар Турдиева публицист сифатида болалар адабиётига бағишланган юздан ортиқ илмий мақолалари билан кенг жамоатчиликка яхши таниш. Унинг “Педиатр саҳифаларида” очерк ва мақолалар тўплами чоп этилган. ўтган йили Кавсар опа масъул муҳаррирлигига институтнинг иқтидорли талабалари ҳақида “Салом, ёшлик!” мақолалар тўплами нашр қилинди. 1989 йил Москвада, мустакиллик йилларида эса Ялтада ўтказилган Болалар адабиётига бағишланган анжуманда, Ашхобода ўтказилган “Аёллар тинчлик ва фаровонлик учун” форуми ва яна катор ҳалқаро анжуманларда болалар адабиёти таржимаси мавзусидаги илмий маърузалари билан иштирок этди.

Маълумки, шифокорнинг қуроли – сўз. Сўзни эса биз бадиий адабиётдан ўрганамиз. Кавсар Турдиева ташабbusи билан мана тўрт йилдирки, институтимизнинг ўқув режасига “Бадиий адабиётда тиббиёт” танлов фани киритилди. Айнан тиббий мавзу ёритилган жаҳон ва ўзбек адабиёти намуналарини талабаларимиз зўр кизикиш билан ўқишишади. Бу фанда бўлажак шифокорлар асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари орқали касб сирларини ўрганишади. Айнан шу фаннинг республикамиздаги барча тиббиёт олий ўқув юргларида ўқитилиши тарафдори бўлган таникли педагог “Бадиий адабиётда тиббиёт” ўқув қўлланмасини ҳам яратди. Бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия, адабиёт ва маданият соҳасига кўшган муносиб ҳиссаси учун қатор давлат мукофотлари билан тақдирланган Кавсар Турдиеванинг серкирра ижоди бугунги ўзбек болалар адабиётida мухим ўрин тутади.

Дарҳақиқат, болалар шоири бўлиб, муваффакиятга эришиш учун истеъодод ва ҳоҳишининг узи камлик қиласи. В.Белинский таъбири билан айтганда, болалар ёзувчиси бўлиб туғилиш керак. У бола қалбининг билимдони, нозик таъб эгаси, кичкингой табиати ва психологиясини чукур англайдиган, меҳрибон ва болажон, камтарин ва самимий, болаларча соддадил ва доно бўлиши даркор. Кавсар Турдиева ижодида айни хусусиятларининг барчаси мужассам.



Маҳкамой ТУРСУНОВА

# АЛИШЕРНИНГ ОНАСИ

Алишер Навоий ўзининг бекиёс асарларида болалиқдан то умрининг охиригача Хиротни шундай меҳр ва шавқу завқ билан кайта-кайта тасвирлайди. Шоир бир ўринда “фалакваш ернинг фазоси” деса, яна бир ўринда “Хуросоннинг жони”, “жаннатосо ҳавоси” дея таъриф беради.

Чунки унинг болалиги, тақдири, кейинчалик шахсий ҳаётида из колдирган тарихий шахслар, воеалар бевосита шу шаҳар билан боғлиқдир. Унинг дунёга келган санаси ҳақида Навоийнинг кичик замондоши, шогирди Хондамир “Макорим ул-ахлок” асарида: “Ҳакони олий мақом Шоҳрух султоннинг халифалик даврида... иззат ва иқбол гулшанида амонлик ва умид мевалари берадиган бир дараҳт кўкарди, марта ва улуғлик осмонида давлат ва баҳт-саодат кўзини ёритувчи бир юлдуз порлади 17-рамазон ойи сана 844 товук йилида йўқлик дунёсидан борлик оламига кадам босиб, ўзининг гўзаллиги ва порлок ҷехраси билан ер юзини ёритди”, дейди<sup>1</sup>. Муаррихнинг берган маълумотига кўра шоирнинг туғилган йиллари Шоҳрух Мирзонинг ҳукмронлик йилларига тўғри келган. Унинг отаси Фиёсиддин Кичкина, тарихчи Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро” асарида: “Бу донгдор амирнинг (яъни Алишер Навоийнинг) буюк мартабали отаси ўз вақтининг машхурларидан ва чигатой элининг қаҳрамонларидан”<sup>2</sup> эканлигини алоҳида эътироф этади. Алишер Навоийнинг “Бадое ул-бидоя” девонига ёзган сўзбошисида темурийлар даргоҳи ҳақида ёзган қўйидаги сатрларга дуч келамиз:

*Отам бу останнинг ҳокбези,  
Онам ҳам бу саро бўстон канизи.  
Манга гар худ бўлай булбул ва гар зоз  
Ки уибу даргоҳ ўлгай гулшану боғ<sup>3</sup>.*

<sup>1</sup> Хондамир. Макорим ул-ахлок. – Т.: “Академнашр”, 2018. – 64-б.

<sup>2</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. “Тазкират уш-шуаро”дан олинган парча “Навоий замондошлари хоти-расида” келтирилган.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 1 том. – Т.: “Фан”, 1997. – 66 б.

**Маҳкамой ТУРСУНОВА** – педагогика фанлари номзоди, профессор. 1947 йилда тугилган. Унинг “Мадрасалар таълимида адабиёт сабоги”, “Самарқанд мадрасалари” монографиялари, “Мадрасалар таълими тарихидан лаъжалар”, “Мадрасаларда адабиёт ўқитиши услублари”, “Болалар адабиёти” каби ўқув қўлланмалари нашр этилган. Шунингдек, “Темурий малика Гавҳаршодбегим”, “Мадраса барпо этган маликалар” номли илмий оммабон рисолалари чоп этилган.

Навоийнинг юқоридаги эътирофига диккат қиласар эканмиз, шоир ўта самимий таштарлик билан уларнинг оиласи темурийлар хонадонига яқинлигини, ўзининг зондан етти пуштигача”, “олий даражали хонадоннинг самимий хизматчиси” нини қаламга олган.

Афсуски, бошқа манбаларда ҳам, шоирнинг таржима ҳолида ҳам, шоирнинг ҳақидаги маълумотлар келтирилмайди. Айрим адабиётшуносларнинг миний маълумотларига кўра шоир онасининг исми Ҳалима ёки (Салима) лиги айтиб ўтилади. У Кобулнинг амирзодаларидан Шайх Абусаид Чангийнинг бўлган<sup>4</sup>. Отасининг исмига қўшилган “амир” лавозимини инобатга олсан, у темурийларга йиллар давомида садоқат билан хизмат қилганини тасдиклайди. Ҳаким, Алишер Навоий ҳам ота, ҳам она томонидан ўз даврининг юксак мартабаликкега эга бўлган авлод вакилидир.

Фиёсиддин Кичкина ана шу амирзода Шайх Абу Саид Чангийнининг қизига ғланган. Бу никоҳдан шоирнинг акаси амир Шайх Бахлул, амир Алишер Навоий укаси Дарвеш Али дунёга келган.

Бу ҳақда Алишер Навоий “Муншоат”ига киритилган 91-мактубида акаси Шайх Бахлунинг невараси Мирзо Иброҳимбекка қарата айтган фикрлари асносида тилга ғланган бўлса, укаси Дарвеш Али ҳақида эса 92-мактубда маълумот беради. Дарвеш Али Ҳусайн Бойқаронинг амирларидан бири бўлган. Бир неча вақт Балх ҳокими бўлган. Акаси Шайх Бахлубек Хоразм ҳокими бўлганини мактубларида қайд этиб ўтган<sup>5</sup>.

Фиёсиддин Кичкина хонадони, ёш оила Ҳиротда истиқомат қилганида мамлакатни темурийзода Шоҳруҳ Мирзо (1447) бошқарган.

Шоирнинг ота-онаси, aka-укалари у вояга етган оилавий муҳит ҳақида тасаввурга зга бўлиш учун она томонидан яқин қариндош бўлган тоғалари ҳақидаги маълумотлар муҳим аҳамиятга эгадир. Тоғалари ҳақида аниқ маълумотни Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида келтиради: “Мир Саид эл орасида “Кобулий” лақаби билан машҳурдир, факирға тоғойи бўлур. Яхши табъи бор эрди, туркчага мойли кўпроқ эрди, – дея маълумот берса, яна бир тоғаси “Муҳаммад Али – “Фарибий” таҳаллус килур эрди. Ул ҳам факирға тоғойи булур эрди, Мир Саид Кобулийнинг инициатори. Хуш муҳовада ва хушхулқ ва хуштаъб ва дардманд йигит эрди. Кўпроқ созларни яхши чолар эрди. Уни ва усули хўб эрди. Мусиқий илмидин ҳам хабардор эрди. Хутутни (хатнинг кўплиги) ҳам битур эрди”<sup>6</sup>, дейди.

Юқорида келтирилган маълумотдан уларнинг хонадонида шеъриятга алоҳида меҳр, хаттотлик санъатига эътибор, мусиқа илми чукур ўрганилганини билиб олишимиз мумкин. Оталарининг исмига “Чангий” рутбасининг қўлланиши ҳам, бу хонадонда мусиқа илмига эътибор катта бўлганини яна бир бор тасдиклайди. Оила муҳитидаги юксак маданият, санъатга ошифталик табиийки, шоирнинг онасига ҳам таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Кейинчалик худди шундай маърифатли, маданиятили муҳит Фиёсиддин Кичкина авлодлари хонадонида ҳам давом этган.

Кўриниб турибдики, Алишер Навоийнинг онаси юксак мартабали оила бекаси, ўз даврининг маърифатли аёлларидан бири бўлган. Шоирнинг “...ул саройнинг канизи эрди” шаклидаги ўта камтарона жумласи бевосита онасининг сарой маликалари билан яқин муносабатда бўлганлигига бир ишора эканини ҳам англатиб туради.

Аслида ҳам шоирнинг онасига замондош, айримлари билан яқиндан сухбатдош бўлган маликалар Шоҳруҳ Мирзонинг никоҳидаги Гавҳаршодбегим, Милкам оға, Ўқ Султон оғо, келинлари Малика Меҳри Нигор (ўғли Муҳаммад Жўкининг хотини), қизлари Марям Султон бегим, набира қизлари Ҳасиба Султон Хонзода

<sup>4</sup> Узбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 2 том. –Т.: “Фан”, 1997. – 41 б.

<sup>5</sup> Алишер Навоий. Муншоат (актублар). –Т.: “Маънавият”, 2001. – 144 б.

<sup>6</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. 12 том. –Т.: “Фан”, 1997. – 211 б.

бегим (Мирзо Улуғбекнинг қизи, Гавхаршодбегим тарбиялаган) Ойшабегимга (Бойсункур Мирзонинг қизи) ва бошқа бизга маълум бўлмаган маликалар, канизлар Шоҳруҳ Мирзо харамида умргузаронлик килганлар.

Давлатшоҳ Самарқандий Шоҳруҳ Мирзо, Абулқосим Бобур, Ҳусайн Бойқаро саройидаги маликаларга бўлган муносабат бошқа хонлару амирларнидан фарқ килганини, уларнинг саройда тутган мавқеига қараб алоҳида сарой ва қўшклар, Ҳиротнинг оромбахш ва гўзал жойларида ҳар бирига атаб боғлар барпо қилинганини алоҳида таъкидлайди. Табиийки, бу каби бунёдкорликлар асосан мамлакатда хукм сурган тинчлик, осойишталиқ даврида амалга оширилган. Ҳиротдаги маликаларга яратилган шарт-шароитларда, шубҳасиз, бош малика Гавхаршодбегимнинг ўрни бекиёс эканлигини муаррихлар эътироф этади<sup>7</sup>. Айниқса, маликаларга хизмат киладиган ходимларни, канизларни танлаш, сарой ичкарисида бўлиб ўтадиган тўй-ҳашамлар, турли тадбирлар, қўнгилочар машваратлар унинг хошиш-иродасига қараб амалга оширилган. Ёки Алишер Навоийлар хонадони билан янада яқинрок бўлган Ҳусайн Бойқаро саройи маликаларидан онаси Феруза Бегим, никоҳидаги Хадича бегим ва бошқа аёллари билан ўзаро муносабатлари, шоир онасининг саройга яқинлигини тасдиқлайди.

Бу фикрни Ҳусайн Бойқаро ўзининг рисоласида Алишер Навоий билан дўст бўлганидан Аллоҳга шукроналар айтганидан ҳам англаб олишимиз мумкин. Шоирнинг онаси ёшлигига Гавхаршодбегимни кўрган ёки у ҳақида кўплаб маълумотлардан хабардор бўлган. Чунки маликанинг, Ҳиротнинг ўша даврдаги шон-шуҳрати Самарқандда Бибиҳонимнинг юксак мартабасидан кам бўлмаганини Абдураззок Самарқандий ўзининг “Матлаъи саъдайн ва мажъмаи баҳрайн”<sup>8</sup> асарида 41 марта тилга олар экан, бутун тафсилотлари билан баён қиласди. Шунингдек, муаррих унинг сиёsatдонлик фаолияти, ҳатто давлатни бошқаришдаги иштироки ҳақида ҳам сўз юритади. Сарой ичкарисида ҳам тартиб-интизом унинг қўлида бўлиб, у ерда хизмат киладиган ходимларни танлаш, маликаларга бош-қош бўлиш, ички тартиб-қоидаларни назорат килишга катта эътибор берган.

Саройнинг олий табақага мансуб маликалари даврасида ўтказиладиган тадбирларга сарой ташқарисидан таклиф этиладиган меҳмонларни танлашда, уларнинг оиласавий мавқеи, нуфузи, маърифатига ва маданиятига алоҳида эътибор берилган. Алишер Навоийнинг онаси маликанинг назари тушгани, унинг саройда хизмат қилиш учун лозим топилгани тасодифий ҳол бўлмай, балки бу оиласига бўлган хурмат белгиси ҳамdir. Шу нуқтаи назардан караганда, Алишер Навоийнинг онаси юкоридаги талабларнинг барчасига мос келадиган хонадон сохибаси саналган. Шу боис, саройда маликалар томонидан ўтказиладиган йиғинларда, тўй-маракаларда, хурматли нодима, ҳамсухбат сифатида таклиф қилинганлиги ҳақиқатга яқинdir. Шоир айнан шу эътиборни назарда тутиб, “сарой канизи” иборасини қўллаган. Аслида ҳам, шоирнинг онаси кўрсатилган эътибор уларнинг оиласига бўлган хурмат белгисидир.

Сарой маликалари ҳақида сўз борар экан, шу ўринда Шоҳруҳ Мирзо саройига мансуб бўлган яна бир малика хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз деб ўйлаймиз. Бу малика Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх Мирzonинг умр йўлдоши Милкат оға ҳақидадир. Манбаларда Алишер Навоийнинг боболари факат Шоҳруҳ Мирзога хизмат қилибгина қўлмай, балки шаҳзода Умаршайх Мирзога ҳам яқин кишилар бўлганлигини тасдиқловчи маълумотлар учрайди. Алишернинг ота томонидан бобоси Амир Темурнинг ўғли Умаршайх билан эмикдош бўлиб, Бойқаро Мирзо хукмронлиги даврида Қандахорда амир бўлган<sup>9</sup>.

<sup>7</sup> Маҳкамой Турсунова. Мадраса барпо этган маликалар. –Т.: “Зилол булок”, 2019. – 60 б.

<sup>8</sup> Абдураззок Самарқандий ўзининг “Матлаъи саъдайн ва мажъмаи баҳрайн”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. – 104 б.

<sup>9</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 2 том. –Т.: “Фан”, 1997. – 41 б.

Навоийлар оиласининг Умаршайх Мирзога якинлигининг сабаблари Милкат штанинг Ҳиротга келиб қолиши воқеалари ҳакида Абдураззок Самарқандийнинг “Матлаъисадъайн ва мажъмаи баҳрайн” асарида келтирилган маълумот ҳам диккатга сизовордир. Муаррих берган маълумотга кўра, Умаршайх Мирзо ўз даврининг ўтиборли кишиларидан бўлган Ҳизр ўғлоннинг кизи Милкат оғага уйланади. Бу никоҳдан улар икки ўғил фарзанд кўрадилар (Мирзо Искандар ва Мирзо Бойқаро). Китимаганда ёш шахзода Умаршайх Мирзо 1394 йил 24 март куни тасодифан вафот этади. (Айнан шу йил шу санада Шоҳруҳ Мирзонинг тўнгич ўғли Мирзо Улуғбек дунёга келган.) Шахзода вафотидан сўнг тахминан 1395–1396 йилларда Амир Темур бу келинини тўртинчи ўғли Шоҳруҳ Мирзога никоҳлаб беради ва икки ўғли билан Ҳиротга жўнатади. Бу ҳакда муаррих Абдураззоқ Самарқандий ўша воеа таърифини куйидагича изоҳлайди: “...(Милкат оғага собикан Мирзо Умаршайх никоҳида бўлиб, Мирзо Искандар ва Мирзо Бойқароларни (Умаршайхдан) туккан сўнг уни ҳазрати хоқони сайд (Шоҳруҳ Мирзо) янги хотин қилиб ўз никоҳига олган ва Мирзо Суюргатмиш ибн Шоҳруҳ Милкат оғадан туғилган эди”<sup>10</sup>.

Бу маълумотлар Шоҳруҳ Мирзо саройининг яна бир эътиборли маликаларидан бири Милкат оғага эканлигини тасдиклайди. Унинг Ҳиротга келганидан то вафотигача (1441 йилда вафот этган) бўлган санани ҳисобга олсак, унинг қирқ йилдан ортиқ умри Ҳирот билан боғлиқ бўлган.

Шу ўринда Алишер Навоийнинг бобоси шахзода Умаршайх Мирzonинг хос мулозими бўлгани ва кўкалдошлиқ даражасига эгалиги инобатга олинса, малика Милкат оғага ҳам бу хонадонга нисбатан катта ҳурмат ва эътиборга эгалигини тасдиклайди. Алишер Навоийнинг ёш онаси сарой маликалари даврасида Милкат оғага сухбатларида бўлганини тахмин қилиш мумкин.

Маликанинг кейинги тақдири Балҳ шахри билан боғлиқ бўлиб, у ерда бирмунча бунёдкорлик ишларини амалга оширади ва ўз маблағи ҳисобидан мадраса барпо этади. У 1441 йилда вафот этган. Унинг қабри ўзи барпо этган мадраса хонакосидадир.

Табиийки, Алишер Навоий бу маликани кўрмаган, аммо у ҳақида анчагина маълумотга эга бўлган ва ўз хонадонларининг яқин кишиси сифатида қадрлаган, акс ҳолда у юксак мартабали лавозимларда фаолият олиб борган йиллари малика барпо этган Балҳдаги мадраса, Ҳиротдаги Дорулшифо фаолиятига алоҳида аҳамият бермаган бўлар эди. Бу фикрни тасдиқловчи муаррих Ҳондамир ўз асарида Алишер Навоийнинг Милкат оғага Дорулшифосига хиротлик Мавлоно Дарвешни бош табиб ва мударрис қилиб тайинлагани ва алоҳида маош тайин этилганини айтади<sup>11</sup>.

Аммо, Шоҳруҳ Мирzonинг вафоти (1447)дан сўнг, бирмунча вақт мамлакатда нотинчлик бошланади. Маълумки, темурийларнинг бирор авлоди билан маълум даражада яқин алокада бўлиш, айниқса, хавфли бўлиб, тахтни эгаллаган бошқа авлод вакиллари томонидан каттиқ жазоланиши мумкин эди. Шунинг учун Ҳиротнинг кўплаб аҳолиси вақтинча она шаҳарларидан чиқиб кетишга қарор килади. Уларнинг орасида Ғиёсиддин Кичкинанинг оиласи ҳам бўлиб, улар Фарб томонга Тафт шахрига қараб йўл оладилар.

1452 йилнинг август ойида Абулқосим Бобур ҳокимиятни қўлга олади ва мамлакатда тартиб-интизом тикланади. Абулқосим Бобур 1422 йилда туғилган бўлиб, у Мирзо Улуғбекнинг укаси Бойсункур Мирzonинг ўғли, Шоҳруҳ Мирзо ва Гавҳаршодбегимнинг набирасидир.

Шу йилда Ҳиротга қайтган Ғиёсиддин Кичкина Абулқосим Бобурнинг саройида хизмат килади. Бундан кўринадики, Навоийлар хонадонига бўлган ҳурмат ва эътибор Абулқосим Бобур даврида ҳам сакланиб қолади. Бу ҳақда муаррих Мирхонд

<sup>10</sup> Абдураззок Самарқандий. “Матлаъи саъдайн ва мажъмаи баҳрайн”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. – 104 б

<sup>11</sup> Ҳондамир. Холосат ул-ахбор (Баъзи воқеаларнинг қисқача баёни). Ушбу маълумот “Алишер Навоий замондошлари хотирасида” китобидан олинди. – Т.: “Фан”, 1985. – 62 б.

## Маҳкамой ТУРСУНОВА

ўзининг “Равзат ус-Сафо” асарида: “Ул жаноб амир Алишер болалик айёми ҳамда йигитлик ҳангоми аввалида зафарнишон Хоқон мулозаматида кун кечирди. Ул ҳазрат Султон Ҳусайн, Абулқосим Бобур билан ҳамсұхбат бұлған кезләри амир Алишер ҳам ул олий даражали подшоҳнинг мулозаматини ихтиёр қилди”<sup>12</sup>, деб ёзади. Кейинчалик Ғиёсiddин Кичкина Сабзавор шахри ҳокими этиб тайинлади. Академик Е.Э.Бертельс ўзининг “Навоий” номли монографиясида берган маълумотига күра, Ғиёсiddин Кичкина оиласини Сабзаворга күчириб олиб кетмаган. Чунки, Алишер шу даврда Ҳиротда таҳсилини давом эттирган. Шу сабабли унинг онаси ҳам темурийлар саройининг яқин кишилари сифатида тадбирларда қатнашған булиши мүмкін. Аммо, Ғиёсiddин Кичкинанинг 1454 йилдагы вафоти, кейинчалик 1447 йилда Абулқосим Бобурнинг вафотидан сұнг мамлакатда нотинчлик бошланади.

Ҳирот таҳтини эгаллаган Абдусаид Мирзонинг Шоҳрух Мирзо авлодларига нисбатан олиб борған хунрезликлари, Гавҳаршодбегимнинг қатлэттирилиши, Алишер Навоийнинг тоғалари Мир Сайд Кобулий ва Мухаммад Али Ғарифийларнинг қатли билан боғлиқ воқеалар Алишер Навоийнинг Самарқандга “ихрож” қилиниши, кичик ўғли Дарвеш Алиниң ҳукumatта қарши ҳаракатлари бу оила учун, асосан Алишер Навоийнинг онаси учун қаттиқ зарба эди. Мазкур долгали воқеалар ҳақида, шоир онасининг кейинги тақдирі ҳақида ёзувчи Пиримқұл Қодиров ўзининг “Шоҳрух ва Гавҳаршод” номли романининг “Сұнгти тасқин” номли бобида қысқа лавҳа киритган. Үнда айтилишича, Ҳиротни Абдусаид Мирзо эгаллаганидан сұнг ёлғизланиб қолған Гавҳаршодбегимни Боги Сафеддаги қароргохига Ферузабегим, Алишер Навоий ва унинг онаси Гулрухбону йүқтап берған. Сұхбат асносида шоирнинг онаси, яғни Гулрухбону Абдусаид Мирзонинг Ғиёсiddин Кичкинадан қолған ҳовли-жой, мол-мұлқларини тортиб олиб ўзларини күчага ҳайдаганликларини, Ферузабегим уларни ўз панохига олғанлигини сұзлаб беради. Воқеадан хабардор бұлған Гавҳаршодбегим уларнинг Марвга кетиш ниятларини англағач, Ферузабегимга тилла танға, Гулрухбонуга эса тилла билагузук ҳада қиласы.

Романда тасвиrlанған бу лавҳада ёзувчи тарихий воқеаларни очиб беришда бадий қаҳрамонлар образини асарға киритиш услубидан фойдаланған. Бадий образ Гулрухбону сұзлаб берған воқеа Ғиёсiddин Кичкина хонадонига Абдусаид Мирzonинг салбий муносабатини ёритиб берған бадий лавҳа булиш билан бирға, тарихий ҳақиқатни очиб берған маълумот ҳамдир.

Алишер Навоийнинг онаси билан яқин муносабатда бұлған сарой маликаларидан бу Ҳусайн Бойқаронинг онаси Феруза бегимдир. У Амир Темурнинг кизидан туғилған Мирзо Султон Ҳусайннинг кизидир. Ҳусайн Бойқаро 1469 йилда Ҳирот таҳтини эгаллаган. Самарқанддан қайтган Алишер Навоийни муҳрдорлық лавозимига тайинлаган күнларда Феруза бегим вафот этған. Маликанинг вафоти билан боғлиқ маълумотларни Абдураззок Самарқандий “Мирзо Султон Ҳусайннинг волидаси вафот топғанлиғи зикрини (1469–1470) йил воқеалари тафсилоти”та киритиб шундай баён қиласы. “...ул ҳазратнинг волидаси ийлар бу давлатни умид килип келған. ...умрдан бир талаи үтгач... Султон Ҳусайн мұлқу мол ихтиёрини мислсиз волидасига топшириб, эрта-ю кеч унинг мулозаматида бұлды. Замона ўз одатига мұвоғий бу шодликни ёқтیرмади... (Феруза бегим) бу фоний оламни тарқ этди, тұртинги мұхаррамда (14 июль 1469) олий жаннатда бир тұда хурлар билан ҳамнишин бұлды... Хиёбон күчасида хобгоҳ-мақбара тайин қиласы”<sup>13</sup>.

Табиийки, Ҳиротда бұлған Алишер Навоий ёшлиқдаги дүсті, мактабдоши Ҳусайн Бойқаронинг онаси Феруза бегимнинг вафоти билан боғлиқ маросимларда иштирок этған. Аммо, шоирнинг онаси ҳақиқати маълумотлар унинг Ҳиротта қайтганидан кейинги воқеалари тафсилотида тилға олинмайды.

<sup>12</sup> Мирхонд. Равзат ус-сафо. Ушбу маълумот “Алишер Навоий замондошлари хотирасида” китобидан олинди. – Т.: “Фан”, 1985. – 21 б.

<sup>13</sup> Абдураззок Самарқандий. “Матлағи саъдайн ва мажъмаи баҳрайн”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. – 644 б.

Пиримкул Қодиров романида Алишер Навоийнинг онаси Феруза бегим билан Марвга кетганлигини инобатга олсак, Ҳусайн Бойкаро таҳти эгаллагач, онаси Ҳиротга қайтиб келган. Марвда ёлғиз қолган, Ҳиротдаги кўргиликлардан озор чеккан шоирнинг онаси Хоразмдаги ўғли Шайх Бахлулга хабар берган ва у онасини ўз хузурига олиб кетгани эҳтимоли ҳам бўлиши мумкин. Чунки, Алишер Навоийнинг Ҳиротга қайтганидан сўнгги воеалар тафсилотида, унинг шахсий ҳаётда ёлғизлиги, ёнида яқин кишиси бўлмаганлиги билан боғлик айрим маълумотлар кўзга ташланади. Бу ҳақда “Бобурнома”да муаллиф: “Алишербек гил ва қиз ва аҳлу аёли йўқ, аламни тавре фард ва жарийда (якка ва ёлғизлик билан ўткарди)”<sup>14</sup>, дея юкоридаги фикрни тасдиқлади. Алишер Навоийнинг оила курмаганлигининг сабаблари турли манбаларда ҳар хил талқин килинган.

Аммо шоирнинг ўзи Самарқандга кетаётган вақтида “Хурсондан Самарқандга кетишининг асосий сабабларини, бу даврда кечирган ҳаёти, ички руҳияти ва тайфиятини дўсти ҳамда устози Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида батафсил баён қиласди”<sup>15</sup>. Шоир мактубда ота-онаси йўқлигини, унинг ҳолидан ҳеч ким хабар олмаганини, ахволи оғирлигини, шу боис оила ҳам қура олмаганини куйидагича изоҳлади:

*Не бир шўх васлига ул моядаст,  
Ки азмим аёгига бергай шикаст.*

Бу сатрлардан шоирнинг яқин кишилари атрофида йўқлиги, ҳатто кетишига монелик қилгувчи маҳбубаси ҳам бўлмаганлиги англашилади.

Одатда, фарзанд тақдирни билан боғлик муаммолар оиласи мажбурият бўлиб, бу вазифани ота-она ўз зиммасига олади. Ҳусусан, оналар фарзандининг оиласи бўлишини турли йўллар билан амалга оширадиган кучли хилқатдирлар. Назаримизда, Алишернинг тақдирини ҳал қиласидиган онаси ёнида бўлмаганлиги боис у ёлғиз колиб кетган деб таҳмин қилиш мумкин.

Нима бўлганда ҳам, туркий адабиётда сўз санъатининг энг юксак чўққисини зabit этган ягона бир зотни дунёга келтирган шоирнинг онаси ҳам замонасининг закий аёлларидан бири бўлганлигига ишончимиз комил.

Шоир Абдулла Орипов ўзининг “Алишернинг онаси” номли шеърида шундай сатрларни битади:


*Билмам, қандай аёл бўлган  
Алишернинг онаси.  
Балки унинг ақлига ҳам  
Лол қолган замонаси.  
Майлига, у ким бўлмасин,  
Ёлғиз бир сўз маъноси:  
Алишернинг онаси у,  
Навоийнинг онаси<sup>16</sup>.*

Шоир айтганидек, Алишернинг онаси ўз замонаси ўзининг ақл-идроқи билан лол қолдиргандир. Аммо, у дунёга келтирган фарзанду аржуманди башариятни лол қолдиргани айни ҳакиқатдир.

<sup>14</sup> Бобур З.М. Бобурнома. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 187 б.

<sup>15</sup> Рахимова Г. Алишер Навоий шеъриятида шоир ҳасби ҳолининг бадиий талқини. Монография. – Т.: “Наврӯз”, 2021. – 33 б.

<sup>16</sup> Абдулла Орипов. Юзма-юз. Ф.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. – Т.: 1978. – 162-6.



# СҮЮК ВА БҮЮК ШОИР

Эссе  
60

**Сулаймон РАХМОН**

Рауф Парфи ижоди билан салкам эллик йилдан бўён танишман. 1964 йилнинг кузи эди. Пахта терими авжида. Ҳали у, ҳали бу хўжалик режани бажаради. Радио тинмай гоҳ у, гоҳ бу илғорни мактайди, қўшиклар ҳадя этади. Шундай кунларнинг бирида “Ёшлик” радиоканали бўлажак журналистлар – дорилфунун талабалари ҳақида гап очиб қолди. Ризвон Сафарова деган талаба Фозил Усмонов деган курсдошини энтикиб-энтикиб таърифлайди. Айниқса, унинг “Лайло” деган қўшигини эшитиб маза қиласиз, дейди. Қўшиқ янграйди. Овоз нафакат тиник, ширали, чиройли, айни пайтда мунгли ва сехрли эди:

*Яна пайдо бўлдим йўлингда,  
Йўлларингда яна бўзладим.  
Бечора қалб сенинг қўлингда,  
Кўзларингда менинг кўзларим.*

Ёпирай, бу қўшиқ шеърини ким ёзган? Кандайдир бошқача, содда, жозибали, дардли, ёруғ. Нимасидир, – ноласими, сўзларими, нафасими, – янгича. Бир эшитишкадәқ ёдимда қолди:

*Дилнавозим, дилафкорим,  
Ёнингга учай, Лайло.  
Ҳисларимни йўлларингга  
Маржондай сочай, Лайло.*

*Сенга ёлгиз асраганим  
Қалбимни очай, Лайло.  
Агар ишқимни рад этсанг,  
Қайларга қочай, Лайло?..*

**Сулаймон РАХМОН** – (1946–2019). Тошкент давлат университетини (ҳозирги ӮзМУ) тамомлаган. Адибнинг “Илдиз нима дейди?”, “Хаёл”, “Хилол”, “Биглур қўнгироқлар”, “Учинчи қиз”, “Ойдин диёр”, “Яйнаган ўлке” (қорақалпоқ тилида), “Дараҳтларни уйготади шаббода” номли китоблари чоп этилган. У Ж.Байроннинг “Дон Жуан” шеърий романини, П.Неруданинг “Муштарак қўшиқ” шеърий эпопеясини ва Ж.Румийнинг “Маънавий маснавий” асарининг биринчи дафтарини она тилимизга ўгирган.

Қүшиқ тез кунда тилга тушди. Ҳаммаёқ – “Лайло”. Бирорта түй-томуша “Лайло”сиз үтмайди. Устига-устак, дув-дув гап таркалди. Эмишки, қүшиқчи йигит Лайло деган қизни яхши күраркан. Қизни күчада күриб қолиб, күнгил ёрмоқчи бўлибди. Қиз уялими, ғурури йўл бермайми, йигитнинг гапини эшитмабди, топкиллаганча, ўқдай учиб келаётган трамвай олдини кесиб үтмокчи бўлибди. Эхонаси чикиб кетган йигит қизнинг оркасидан отилибди. Қисматни қарангки, қиз фалокатдан эсон-омон кутилибди-ю, йигит қоқилиб кетибди, трамвай тагига тушиб, ғилдираклар унинг ҳар иккала оёғини тиззасидан узиб ташлабди. Мен бу воқеадан қаттиқ таъсиirlаниб, бир ҳикоя ҳам ёзган эдим.

Рахим деган курсдошим бир куни “Шарқ юлдузи”нинг янги сонини олиб келди.

– Сиз ҳам шоирман деб юрибсиз-да, – деди кулиб. – Шоирнинг зўри чикибди. Мана, ўқинг Ҳатто Аскад Мухтор ҳам тан берибди.

– Йўғ-э, – дедим. – Аскад Мухтор-а?

– Оғзидан бол томиб мақтабди-ку, тан бергани шу-да.

Ховликиб журнални варакладим. Рауф Парфи. Жиддият, катъият балқиб турган юз, хушбичим, кичкина бурун остида ингичка мўйлов, жисп юмилган юпқа лаблар, тубсиз дард ва нур чақнаб турган, бироз тепага, номаълумликка қадалган кўзлар...

Аскад Мухторнинг бир энликкина сўзи:

“Рауф Парфи ҳар бир шеърида одамнинг мураккаб руҳий дунёсидаги бирон ҳолатни тутиб олиб, суратлайди. Бу – қийин ижодий процесс. Лекин Рауфнинг сатрларида бу кийалиш билинмайди, улар гўё осон кўчгандек равон, табиий, самимий. Бу шеърларда декларативлик ҳам, насиҳат ҳам, иллюстрация ҳам, дидактив яланғочлик ҳам йўқ. Улар шоирнинг завқ дунёсидан туғилган. Агар бу дунё тобора кенгайса, тўлкин урса, инсоний эҳтирос ва гражданлик ҳислари билан янада бойиса, Рауф Парфи, шубҳасиз, хассос шоир бўлади”.

Ютоқиб шеър ўқишига тушдим.

*Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,  
Томчилар томчилар сочимга.  
Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар,  
Ҳам қайгуңга, ҳам қувончимга...*

\* \* \*

*Айланиб тушар қор  
Йулимга.  
Кулингни қўйгил, ёр,  
Кулимга...*

\* \* \*

*Кузимга беркитай  
Ва лекин,  
Ёшдай оқиб кетма,  
Севгилим...*

\*\*\*

*Кечак оқиом тушишмда  
Бухорода юрган эмишман.  
Зангор миноралар бошишмда,  
Оёкларим остида гулшан...*

Илгари бунакасини ҳеч учратмагандим. Фалати бўлиб кетдим. Содда, равон, айни пайтда қандайдир сехрли, жозибали. Самими, мусикий, ўйноки. Тўғри, илгари ҳам ўйноки шеърларни кўп ўқиганман. Аммо Рауф Парфининг “Шарқ юлдузи”даги шеърлари мен учун шеъриятнинг ўзга бир оламини очди. Ҳайронман, нимаси билан бунча ёқимли бу шеърлар? Рухга руҳдош, дилга дилдош. Кайфиятни хуш қиласди. Худди ўз кўнглингдан чикқандай қадрдон хиссиётга ошно этади. Устига-устак, юқумли. Эсда тез қолади. Ўз-ўзидан тилингга келаверади. Аслида бу шеърларда одамни лол колдирадиган ақлли бир гап, ўткир фикр, катта фалсафа, тасаввурингни ағдар-тўнтар қилиб ташлайдиган ташбех йўқ. Ўша, олтмишинчи йиллар қаричи билан ўлчайдиган бўлсан, бу шеърларда зўр ижтимоий фикрларни, оригинал поэтик хulosаларни эмас, инжа самимиятни, юқумли кайфиятни кўрдим. Тасвирдаги, ифодадаги ажабтовур ёрқин, тиниклик, оҳангдаги, нафасдаги, овоздаги ўзига хослик, ички жозиба бўртиб туради. Мухими, воқеликка нигоҳ, муносабат ўзгача. Яна ҳеч бир шоирда кўрилмаган лисон... Хуллас, Рауф Парфи билан гойибона илк учрашувим мени ана шундай хиссиётларга ғарқ қилган эди.

Рауф Парфининг ўзи билан илк учрашувим эса...

Ўша кезлари “Гулхан” журналида ишлардим. Хайридин Салоҳ адабиёт бўлимини бошқарап эди. Бир ёнимизда “Саодат”, бир ёнимизда “Фунча” журнали, сал нарида “Ўзбекистон физкультурачиси”... Эркин Жабборов бош муҳаррир, Абдувоҳид Мулламухамедов унинг ўринбосари. Абдувоҳид ака бир пайтлари “Гулхан”да ишлагани учун ўтган-кетганда ҳол-аҳвол сўраб туради. Ана шундай сўрашишлардан бирида “Бугун янги ходим олдик, Рауф Парфи деган зўр шоир”, деб колди. Наримон Орифжонов:

- Улфатчиликдаям зўрми? – деди ҳазиллашиб.
- Бокса, одам бўладиганга ўхшайди, – деди Абдувоҳид ака.
- Зўр шоир бўлса, улфат бўлмай иложи йўқ, – деди Хайридин Салоҳ.

“Шарқ юлдузи”даги шеърлари билан мени қизикириб қўйган шоирни тезроқ қўргим кепқолди. Даҳлизда учратиб қоларман деган ўйда “Ўзбекистон физкультурачиси” томон юрдим. Тахририят эшиклари ёпиқ. Нима қилишимни билмай, каловланиб “Ленин учкуни”га кирдим. Чўлпон Эргаш билан бирпас гаплашиб ўтиредим. Гап орасида “Рауф Парфи деган шоир “Ўзбекистон физкультурачиси”га ишга кирибди, танийсизми?” дедим. “Ҳа, яхши бола, ўзимиз қатари, – деди. – Чойхонада танишдим. Хоҳласангиз, эрта тушликни бирга қиласлий, танишиб оласиз”.

Қайтаётсам, йўлакда худди ўша “Шарқ юлдузи”даги расмда кўрганим, ингичка мўйловли, кўзлари мунгли чақнаган, пишиқ, миқти жуссали бир йигит зинапоя панжарасига суюниб, чекиб турибди. Салом бериб, ёнидан ўтаётганимда бурилиб каради-да, гавдасини бироз эгиб, худди билин-билинмас таъзим қилгандай, ўта қисқа қилиб “Салом” деди...

“Навоий-30”нинг шундок бикинида Маҳмуд мўйловнинг машхур чойхонаси бўларди. Чоғрок ҳовли, ўртасида суви кўкариб кетган, хазон босган ҳовуз (шу товуз Абдулла Ориповнинг машҳур “Тилла балиқча”си ёзилишига сабаб бўлган) тирдига пластмасса стол-стуллар кўйилган. Эртасига Чўлпон Эргаш айтганидай, тушликни шу чойхонада Рауф Парфи билан бирга қилдик. Рауф Парфи камовкат экан. Битта сомса билан кифояланди. Биз овқатланиб бўлгунча, онда-сонда чой кўплаб, хаёлчан кўзларини кисиб, сигарет чекиб ўтириди. Деярли гапирмади. Факат Чўлпон Эргашнинг баъзи бир артисона қиликларига, гапларига (Чўлпон Эргаш Театр институтини битирган, актёрлик дипломи бор) овозини атай ўриллатиб, ғалати килиб кулиб кўярди. Қайтаётганимизда, йўл-йўлакай “Ишдан кейин, Абдулла тушмоқчи. Сизлар ҳам тушинглар чойхонага. Бирпас отамлашиб ўтирамиз”, деди.

Ўша куни ишдан сўнг Абдулла Орипов бизни меҳмон қилди. Шу-шу Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Чўлпон Эргаш ва мен ўз-ўзидан улфати чор бўлиб қолдик. Деярли ҳар куни ишдан сўнг чойхонада ўтирамиз. Ҳаммамиз бўйдоқмиз. Овқат килиб, йўлимизга кўз тикиб ўтирадиган меҳрибонимиз йўқ. Шунинг учун бира тўла кечки овқатни ҳам шу чойхонадами, Навоий кўчасининг нариги бетидаги турнақатор ошхоналардан биридами, тановул қиласиз. Даврадошларим ичida мен энг ёшиман, бунинг устига, маҳмадоналиқ килиб бировга акл ўргатишдан кўра, акл ўрганиб ўтиришни маъкул кўраман. Бу борада Рауф Парфи билан бир хил эканмиз. У ҳам ҳамма гапга аралашвермайди, кўпинча даврани кузатиб, ўзи билан ўзи бўлиб ўтиради. Худди Навоий бобомизнинг базм ичida ҳам ўзинг билан ўзинг қол, деган ўтиларига амал қилгандай. Ҳаммамиз ижарада турамиз. Абдулла Орипов Маҳмуд Саъдий билан Оқлон маҳалласидаги бир хонадонда, мен Маматқул Ҳазратқулов билан Кўкчанинг Комаров кўчасидаги ҳовлида яшаймиз. Чўлпон Эргашнинг ёлғиз ўзи Театр ва рассомлик институти яқинида, Шпилковский кўчасидаги бир ўрис кампирнинг каталакдек ҳужрасида туради. Факат Рауф Парфининг тайин туаржойи йўқ. Ёлғизгина онаси Тошкентдан унча узоқ бўлмаган Шўралисой кишлоғида яшайди. Ҳафтада бир-икки марта ишдан кейин кишлоғига кетади. Шаҳарда колганида эса ҳар кимларни кида ётиб юради.

Бир куни Раззок Абдурашид тўй қилди. Тўйда Рауф Парфи билан ёнма-ён ўтиридик. Тўйдан кейин у бизникида қолди. Чирокни ўчириб, иккаламиз икки каравотга чўзилдигу, кўзимизга уйқу илинмади, туни бўйи гаплашиб ётдик. Гапимиз шеър ҳақида, адабиёт ҳақида бўлди дёёлмайман. Тарих ҳақида, тил ҳақида, милллат тўғрисида, жадидлар, босмачилар хусусида гаплашдик. Унинг айтишича, босмачилар босмачи эмас, миллий озодлик учун курашчилар бўлган. Улар халқни эмас, қизил аскарларни босган. Шунинг учун ўрислар уларни “босмачилар” деган. Аслида эса, қизил аскарларнинг ўzlари босмачи бўлган. Мисол учун, Мадаминбек ўзбекларни большевеклардан кутқариш учун, ислом динини химоя қилиш учун курашган. Унинг мақсади Туркистонни туркистонликлар қўлига олиб бериш бўлган...

Мен ҳам гарчи дарслкларда Ўзбекистон иттифоқнинг тенгхуқуқли аъзоси дейилса-да, аслида унинг Россияга қарам ўлкалигини яхши англардим. Асл тарихни, Амир Темур ҳақида рост гапларни билгим келарди. Ўша йиллари Иброҳим Мўминовнинг Амир Темурга бағищланган бир рисоласи қўлма-қўл бўлиб кетди. Бошқа китобларни, асл манбаларни ҳам топиб ўқишига ҳаракат қилдим.

Л.Лянгленинг 1890 йили чиккан “Жизнь Тимура” деган китобчасини, миллатчи деб кораланган Чўлпоннинг баъзи шеърларини топиб ўқидим...

– Биз – ўзбеклар, козоклар, кирғизлар, туркманлар, татарлар, кримтатарлар, озарбойжонлар – ҳаммамиз туркмиз. Буюк Нозим Ҳикмат билан бир миллатмиз. Тилимиз бир, динимиз бир. Шунинг учун битта давлат бўлиб ёки битта иттифок тушиб, биргаликда яшашимиз керак, – деди Рауф Парфи: – Тогамнинг ҳам энг катта орзузи шу бўлган...

– Тоғандиз? – дедим мен.

– Мен Мадаминбекнинг жияниман, – деди. – Асли фарғоналикомиз. Менинг икки исмим бор, бири – Турсунали. Алғов-далғов йиллари ота-онам Шўралисойга келган. Кишлоғимиздагиларнинг деярли ҳаммаси Водилдан...

Ўша кеча ухламадик ҳисоб. Миллий ғуруримиз жўш уриб кетди. Ора-сира шеърлар ҳам ўқидик. Унинг шеър ўқиши ғалати эди. Сўзларни узиб-узиб, киска-киска, энтикиб, лекин оғзини тўлдириб, шиддат билан ўқирди.

*Наҳотки умрбод ўртаса ўйлар,  
Умрбод занжирбанд этса хотирот?!  
Навоий байтига ўҳшайди йўллар,  
Бу тошлар Ҳамзанинг қотили, ҳайҳот...*

*Абут-турк ўтмишдан қолган ривоят,  
Бироқ сен борсан-ку ўзбек элида...  
Шоир, шеър айтмоқча сен шоима фақат  
Улуг Алишернинг қутлуғ тилида.*

Ўша кеча “Она тилим”, “Боғчасарой фонтани”, “Усмон Носир”, “Абдуллажон марсияси” каби шеърларини унинг ўз оғзидан эшитдим. “Абдуллажон марсияси”ни ўқиб бўлиб, кисқагина изохлади. Айтишича, Абдуллажон ҳам қариндоши, ҳам дўсти экан. Узок Сибирда, ҳарбий хизматни ўтаётган вақтида бир командирнинг “Виллис”ини ҳайдаган. Ўша мудхиш ҳодиса рўй берган куни командирни аллақандай зиёфатга олиб борган. Бўрон аралаш қор чапараста уриб, изғирин шамол нинасини санчиб турган кечада сувук шу даражада қаттиқ бўлганки, туф десанг тупугинг ҳавода қотган. Оддий ўзбек аскарини одам ўрнида кўрмаган командир унга машинада кутиб ўтиришни буюриб, ўзи иссиққина хонадонга кириб кетган. Зиёфат узок чўзилган. Совук бора-бора жонидан ўтган йигит машина эшикларини жипс ёпган-да, моторни ишлатиб, печкани ёккан. Вакт ярим тундан оғса ҳам командирдан дарак бўлмаган. Охири йигитни уйқу элитган... Хуллас, эрталабга яқин кайфи тароқ ҳолда келган командир не кўз билан қўрсинки, ҳайдовчисида жон асари йўқ. Маълум бўлишича, бечора йигит машина печкасидан чиккан буғувчи газ таъсирида ҳаётдан кўз юмган экан.

“Абдуллажон марсияси”да ўн гулидан бир гули очилмаган ёш йигитнинг бемаҳал ўлими шоир кўнглида дод-фарёдга айланса, “Боғчасарой фонтани”да “кимлардандир”, яъни бутун бошли бир ҳалқдан жудо бўлган фонтан ҳасрати уни ёху чекишга мажбур қиласди. Шеърда Сталин истибодди қурбони бўлган кримтатар ҳалқининг фожиасига ғоят нозик ишора бор:

*Гамли фонтан, ҳамон ииглайсан,  
Ҳасратларда бўлмайсан адо.  
Эҳтимол, кимнидир йўқлайсан,  
Кимлардандир бўлгансан жудо.*

Тасаввур қилинг, ўша пайтда, 1963 йилда, коммунистик мафкурунинг тегирмони тўла қувват билан ишлаб турган бир кезда ноҳак қувғин қилинган кримтатар ҳалқи тақдирига ишора килишнинг ўзи қандай хатарли эди. (“Боғчасарой фонтани” ёзилганидан сўнг чорак асрдан кўпроқ вакт ўтгачина кримтатар ҳалкига ўз тарихий ватанига қайтиш имкони берилди). Рауф Парфида ана шундай катта юрак ва жасорат бор эди. Шунинг учун ҳам унинг бир карашда беозор туюлган кўпдан-кўп шеърлари китобидан китобига кўчиб юраверди. Шунинг учун ҳам унинг замон ситамларидан нолиган тишли, тирнокли, асл шеърлари китобларидан тушиб қолаверди...

Хуллас, мен Рауф Парфи сиймосида инжа ҳолатлар, нозик кайфиятлар шоиринигина эмас, ўз ҳалқи ва бошқа туркий ҳалқлар тақдирини ўйлайдиган забардарст ижодкорни, катта маънавий ва руҳий йўқотишлар, шафқатсиз жудоликларга дучор қилинган миллатларнинг чинакам ичкуярини, ҳар қандай истибдодга, хусусан, миллий камситишларга, хукукий чеклашларга, инсон эркининг оёқости қилинишига қарши дадил бош кўтарган миллатпарвар, ватанпарвар шахсни – ҳалқнинг содик дўстини кўриб турардим.

Шу-шу Рауф Парфи ҳафтада икки-уч бор бизницида ётиб қоладиган бўлди. Янгийўлга, Шўралисойга кўпинча жумада кетиб, душанбада қайтарди. Кизиги, деярли ҳар гал янги шеърлар ёзиб келар ва уларнинг биринчи ўқувчиси мен бўлар эдим. Тез орада унинг ашаддий мухлисига айландим. У кашф этган шеърий дунё бутун жозибаси: ранглари, жилолари, оҳанглари билан руҳимга, қонимга сингиб кетди. Кўпинча “ҳасратимнинг суюқ тошлари”, “шаклсиз севинч”, “қандай машъум бу гўзал садо”, “огушимда зангори сезги, кипригимда суюқ ҳаяжон. Кўзларимда юмалоқ севги”, “кибор чўққиларда музлаган баҳор”, “шодумон дард” каби сюреалистик ташбеҳлар ҳаяжонга солар эди. Мен, йигирма ёшлардаги ҳаваскор шоир, Рауф Парфичасига ўйлаб, Рауф Парфичасига ёзадиган бўлиб қолдим. Ўша пайтлардаги шеърларимнинг аксариятидан Рауф Парфининг ҳиди келиб туради. Масалан, Рауф Парфининг “Деразамдан боқар зулумот, Зулмат билан жанг килар оғир, Юрагимга оқар зулумот, Оқиб фикримни тилар ёмғир” сатрларидаги “зулумот”га ошиқ бўлиб: “Сукунат қўйнида ухлар зулумот, зулумот бағрида мудрайди кеча. Боф ичра тўлғониб қиласиб ибодат, зулумот чокини тилиб бир күшча” деб ёзганман. Ёки Рауф Парфи “Фикрларим менинг сачрайди” деса, мен “Чекаман асабий. Толаман. Фикрларим менинг оғрийдир” деганман. Аслида бу шеърларда мазмунан яқинлик йўқ. Маъноси, максади бутунлай бошқа-бошқа. Лекин қандайдир ўхшашлик бор. Мен ўзим билиб-билмай, унинг баъзи сўзлари ва жумлаларидан иктибос қилганман. Энг ёмони, воқеликни Рауф Парфи позициясида туриб, Рауф Парфи нигоҳи билан кўрганман ва Рауф Парфи сўзлари билан ифодалашга ҳаракат қилганман.

Тан оламан, бу “ҳид”дан узоқ вакт қутулолмай юрдим. Машқларимни унинг ўзига ўқиб берсам, “Зўр” деб кулиб кўярди. Зўр эмаслигини ўзим билардим, шунинг учун матбуотга бермасдим, китоб чиқаришга шошилмасдим. Мен ўзимни топишим керак эди... Бир куни Рауф Парфи новчагина, хушбичим, худди чизиб қўйилгандай

ингичка мўйлов кўйган, кўз корачиклари ғалати ўйнаб турган, қўлтиқтаёкли бир йигитни бошлаб келди.

- Бу Фозил Усмон, – деб таништирди у. Кейин қўшиб қўйди:
- Ээески ҳамишишам.

Лоп этиб, радиодан эшитганим “Лайло” эсимга тушди. Фозил Усмоннинг қўлтиқтаёкларига караб, “Ия, анови гаплар ростга ўхшайди-ку”, деб ўйладим. Фозил Усмон кувноққина экан, чехраси очик, доим кулимсираб туради, шанғиллаброқ гапиради, овози ўткир, ингичка-ю, лекин ширали, кўзларининг қорачиклари бир нуқтага хотиржам боқиб туролмайди, худди пир-пир қилиб учиб, ликиллаб, ўйноклаб турганга ўхшайди.

Бир-бири билан сансирашиб гаплашади, бир-бирига ҳадди сиққанидан бўлса керак, муомалалари ортиқча илтифотсиз, лекин беғубор. Қўлтиқтаёкларга, сунъий сёқларга ишора бўлса керак, Рауф Парфи Фозил Усмонга “Техника” деб лакаб кўйган экан. Ўз навбатида Фозил Усмон ҳам уни “Дарвешали” деган лақаб билан сийлабди.

Фозил Усмон ўша кеча бизникида ётиб қолди. Ётиш олдидан сунъий оёкларини ечиб қўйди. Хар икки оёғи сонидан атиги бир-бир ярим қарич колдириб, кесиб ташланган эди. Мен “Лайло” билан боғлиқ, узунқулоқ гапларни эсладим. Фозил Усмон кулди.

– Ҳам тўғри, ҳам нотўғри, – деди у. – Тўғриси шуки, мени ҳақиқатан ҳам трамвай босиб кетган. Лекин у пайтларда етти-саккиз ёшли бола бўлганман. “Лайло”га келсан, бунақа қиз йўқ.

- Шеъри ўзингизникими? – дедим.

Фозил Усмон қахқах отиб кулди. Рауф Парфига ғалати қараб:

– Ия, Дарвешали, – деди. – Айтмаганмидинг? Бу жуда камтар-да. Шеър Рауфники. Бир домланинг зерикарли дарсида ўтириб ёзган. Ёзишга ёзгану, лекин тижимлаб итқитган, қоғоз тўппа-тўғри менинг тумшуғимга келиб тегса бўладими? Қарасам, шеър. Рауфнинг ёзуви. Туппа-тузук кўшиқбоп шеър. Ичимда минғирлаб куйга солдим. Домла дарсини юмалоқ-ёстиқ қилиб чиқиб кетиши билан овозимни барадла кўйиб айтдим. Курсдошларимиз чапак чалиб олқишлишди. Кейинчалик яхшилаб ишлаб, туғилган кунларда, улфатчиликда, ўтиришларда рубоб жўрлигига айтиб юрдим. Рубобда кўпинча Рауфнинг ўзи жўр бўларди. Тўғрими, Рауф? Рубоб чалишни қийиб кўяди бу. Хуллас, “Лайло” курсимизнинг кўшиғи бўлиб қолди. Курсдошимиз Тўлан Кўзибоевнинг радиодагилар билан алокаси бор эди. Улар орасида “Лайло”дан гап очган бўлса керак, Олим Маҳкамов деган “Ёшлиқ”чи мени атай қидириб топиб, кўшиғимни магнит лентасига ёзиб кетди, лекин яхши чикмабди, шекилли, кейин ўзимни студияга чакириб, қайтадан ёзиб олди. Сиз ўшани эшитгансиз. Шу. Лекин...

Фозил Усмоннинг гапи оғзида қолди.

- Шу-шу, – деди Рауф Парфи шоша-пиша. Гапиргани қўймади.

Аммо ўша “лекин”нинг давомини кейинчалик Фозил Усмоннинг ўзидан билиб олдим. Гап шундаки, “Лайло”ни аввалига Фозил Усмон куйга солиб қўшиқ қилган, бу қўшиқ радиода атиги бир мартагина кетган, аслида эса уни бошқа бир курсдоши – журналист, шоир ва хонанда Дадаҳон Ҳасанов ижроси машхур қилган экан...

Рауф Парфи “Узбекистон физкультурачиси”да кўп ишламади. Ишдан бўшаб, анча вакт бекор юрди. Баъзан ҳафталақ қўринмай қолади. Шўралисойга кетади.

Даста-даста шеърлар ёзиб келади. Аммо шеърлари вактли матбуутда чикмайды. Рауф Парфи “Шарқ юлдози”даги шеърлари билан адабиётга чақнаб кириб келди. Бирок чамамда адабиёт уни қучоқ очиб кутиб олмади. Назаримда, “Шарқ юлдози”дан сүнг адабиёт ва санъатга алоқаси бўлган-бўлмаган газета-журналларда унинг шеърлари кетма-кет потирлаб чиқиши керак эди. Ахир адабиёт осмонида үхшаши йўқ янги шоир – янги юлдуз пайдо бўлган эди! Афсуски, бундай бўлмади. Дарҳакиат, Акутагава Рюносекенинг “Аслида истеъдод билан бизнинг орамиз атиги бир қадам. Лекин шу бир қадамнинг ўзи минг тошдан ҳам узоклигини замондошлар билмайдилар ва шу боис истеъдодни пайқамайдилар, уни ҳалок этадилар”, деган гапида жон борга үхшайди.

Зеро, унинг илк китобчаси “Карвон йўли” ҳам минг бир чиғириқдан сүнг алоҳида (гарчи бунга юз карра лойик бўлса ҳам!) эмас, самарқандлик шоир Суръат Орипов китоби билан бир мукова остида чоп этилди. Рауф Парфи менга китобчадаги биринчи шеърининг охирги “Буқун бошқачадир она тупроқ ҳам” сатрини ўз қўли билан қаламда “Буқун қаерларга кетди экан фам?!?” дея асл ҳолига келтириб, тузатиб тақдим этганидан биламанки, китобдаги баъзи шеърлар бузиб таҳрир қилинган. Бундай муносабат кейин ҳам давом этди. Шунинг учун ҳам шоир бу тўғрида маҳсус шеър ёзди:

“Бир шеъримнинг, қаранг, боши йўқ,  
Кесилган-ку, қаранг, оёги –  
Муҳаррирга боқдим кўзим лўқ –  
Ахир қандоқ бўлди у ёги?”

Ўша йиллари ўзи бермасмиди ё берса ҳам чиқаришмасмиди, билмайман, ҳар холда бирор газетада шеъри босилганини эслай олмайман. Баъзида уни талабалар ўз ёткларига таклиф киларди. У эса мени етаклаб бораради. Давра кичик, доира тор бўлса ҳам шеърхонлик қизғин ўтарди. Рауф Парфи асосан мана шундай давраларда танилди, машҳур бўлди.

Кунларнинг бирида ярим кечада кириб келди, оғзи қулоғида. Жиндай ширакайф. Айтишича, нашриётда тасодифан шоир Шукрулло билан танишиб қолибди. “Ия, Аскад оқ йўл берган Рауф сенмисан? – дебди Шукрулло. – Омадингни қара, мана, ҳозиргина гонорар олдим, юр, бир меҳмон қиласай сени. Қатта ишлавоссан?” деб сўрабди. “Ҳозирча ишсизман” деган экан, “Шундай зўр шоир ишсиз юриши мумкин эмас. Қани, юр, кетдик, – дебди. – Менинг таниш-билишларим кўп. Этиқдўздан тортиб то министргача бор. Ҳаммаси билан таништираман. Бирортасидан бир иш чиқиб қолар”, дебди. Энг аввал Чорсу бозорига олиб тушибди. У ерда ҳакикатан ҳам этиқдўз ошнаси бор экан, таништирибди. Ошнасига, “Бунинг туфлисини яхшилаб мойлаб, ялтиратиб кўй”, дебди. Кейин аллақайси озиқ-овқат дўконига киришибди. Дўкончилардан қарзи бор экан, қарзини узибди. “Бу Рауф Парфи деган зўр шоир, қани, қуйларинг унга”, дебди. Дўкончилар дарҳол кичик бир дастурхон тузалибди. Шукрулло бир кесим колбасани газак килибди-да, Рауф Парфига узоқ тикилибди. Кейин кулиб: “Қараб турсам, маймунга үхшайсан-а, Рауф”, дебди. Рауф Парфи ҳам бўш келмабди. “Үхшаймиз, домла, үхшаймиз”, дебди. Гапнинг тагига етган Шукрулло “Вой, бало экансан-ку, окаси”, деб қах-қах отиб кулибди. Дўкондан чиқиб, бир сартарошхонага киришибди. Рауф Парфини таништириб, “Энди бунинг

соч-соколини кузаб қўйинглар”, дебди. У ердан чикиб, “Кўкаaldoш” мадрасаси биқинидаги узун бир дўконга киришибди. Шукрулло ака дўкончи йигитга, “Бу болага чиройли бир кўйлак билан, кўйлакка мос галстук топ бер”, дебди. Хуллас, кирмаган эшиги, таништирган ошна-оғайниси қолмабди. “Мана, кўрдинг, – дебди охири у, – буларда сенбоп иш йўқ. Энди министр оғайнимга кирамиз”. Уни иш куни охирлаб колганига қарамай Кинематография Давлат Кўмитасининг раиси Азиз Каюмовнинг олдига бошлаб кирибди. Киссадан хисса шуки, Азиз Каюмов уни ишга оладиган бўлибди.

Шундай қилиб, Рауф Парфи энди киночилар уюшмасида иш бошлади. Бу пайтда мен ҳам “Гулхан”дан “Ленин учқуни”га ўтгандим. Рауф Парфи бир кун меникида, бир кун Чўлпон Эргашникида, яна бир кун бошқа бир танишиникида қоларди. Мехмонларимиз асосан Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Чўлпон Эргаш, Фозил Усмон...

– Мен уйланяпман, – деди бир куни Рауф Парфи. – Яқинда тўй. Сиз боришингиз шарт. Овора бўлманг, баҳоналарингиз ўтмайди.

– Э, табриклайман, – дедим. – Энди одамгарчиликдан чиқаркансиз-да?

– Буни ўйлаб кўраман, – деб кулди. – Қўлимдан келмаса керак деб кўрқаман. Илгариям бир уйланганман, қўлимдан келмаган.

– Ростанми? – дедим хайрон бўлиб.

– Эмасам-чи, – деди. Баъзида майнавозчилик учун қайсиdir шевада гапириб, “Эмасам-чи” деб қўядиган одати бор эди. – Мен ҳали бола эдим унда. Биринчи курсда ўкирдим. Аям қўярда-кўймай уйлаб кўйган. Ҳам уялганман, ҳам қўркканман. Бечора келинни гўшангода колдириб кетворганман. Никоҳ ўқиган мулла “Келин олти ой ёлғиз қолса, ўз-ўзидан талоқ бўлади” деган эди. Шу кетиша етти ой йўқ бўлиб кетдим. Юрдим Тошкентда санғиб-сандираклаб. Киз шўрлик кутиб-кутиб, охири умидини узиб кетиб қолди. Ишқилиб, бунисини ҳам шундай қилмасам бўлди. Ахир бунисигаям аямнинг кўнгли учун уйланяпман-да...

Август ойидамикин, – ҳар қалай, Сокина холанинг ҳовлисидағи ишкомларда узум ғарқ пишиб ётарди, – тўй бўлди. Тўйга кўпчилик бўлиб бордик. “Тошкандан Турсуналининг ўртоқлари келди”, деб Сокина холанинг ўзи гиргиттон бўлиб кутиб олди. Сокина хола буғдойранг, соchlарига оқ оралаган, қотмадан келган, новчагина аёл экан. “Турсунали иш билан бир жойга кетувди, ҳозир келиб колади. Солижон, Турсунали келгунча меҳмонларга сиз қараб туриңг”, деб бир йигитни чақириди. Вақтлироқ бориб қолган эканмиз, сал нокулай бўлди. Кимдандир Шўралисойни бир айланиб келайлик, деган таклиф тушди. Солижон йўлбошловчилик қилди. Аввалига кишлокнинг дикқатга сазовор жойларини кўрсатган бўлди. Сал нарида сой бор экан. Шўралисой шу бўлса керак. Анчагина катта майдондаги чуқур жарликда сув йигилиб-йигилиб, гаройиб кўл ҳосил қилган экан. Буни кўриб ҳамманинг чўмилгиси келди. Чўмилдик, маза қилдик. Кечкурун келин келди, базм бошланди. Келин-куёвни кутлаб сузлар айтилди, шеърлар ўқилди. Ўйин-кулги, рақс узок давом этди. Фозил Усмон “Лайло”ни айтди. Келиннинг оти Мухаббат экан. Мен Рауф Парфининг “Она тилим” шеърини, Бегали Қосимов Абдулла Орипов шеърларидан ўқиди.

Тўйдан кейин Рауф Парфи Қоратош маҳалласининг Бешёочга яқинроқ жойидан ижарага уй олиб, келин билан Тошкентга кучиб келди. Бу пайтда мен Бешёочда, Рауф Парфининг кишлокдоши, айни пайтда Халқ хўжалиги институти талабаси Солижон билан ижарада яшаётган эдим. Рауф Парфи ҳали ҳам “одамгарчиликдан

чиқмаганини” исботлаш учунми, ҳар замон-хар замонда уйига таклиф қиласи. Мен эса истиҳола киламан. Ҳар қалай, энди у оиласи. Лекин барибир оёқ тираб туриб олади.

– Бугун бизникига борамиз, – дейди. – Хархашага айтиб келганман. Ош қилиб кутиб үтириби.

– Нокулай-да, – дейман ийманиб.

– Нимаси нокулай! Қўйинг шунака гапларни, – дейди астойдил аччикланиб. – Хархаша мемонбезор хотинлардан эмас.

Рауф Парфининг ўз луғати бор эди. Улфатларини “Ҳамшиша”, хотинини “Хархаша”, нашриётни “Издевательство” дерди (китобларини қийнаб-қиймалаб чиқаргани учун бўлса керак-да). Бешёғочнинг машҳур “Ухо-горло-нос” деган гўммасига “Думба-жигар” деб ном қўйганди. Дархақиқат, Мухаббат хушмуомала, хушфеъл, чиройли, одобли, устига-устак пазанда экан. Рауф Парфи очилиб сочилиб мезбонлик қилди.

Янги келин-куёв Қоратошда чамаси бир йилнинг нари-берисида турди. У маҳаллар Тошкентдан уй-жой олиш кони машакқат эди. Йиллаб навбатда туриларди. Ҳайтовур, Ҳудо ёрлақаб, Азиз Қаюмовнинг алоҳида жонкуярлиги туфайли бўлса керак, Рауф Парфига Чилонзор Октепаси майдонидаги тўккиз каватли иморатдан уй берилди. Ўғли Шуҳрат ўша уйда туғилди. Бу орада мен радиога, болалар таҳририятига муҳаррир бўлиб ишга үтдим. Шу сабабли энди Рауф Парфи билан учрашувларимиз анча сийраклашиб колди. Лекин иложини топиб, шунда ҳам тез-тез қўришиб турардик. Одатда тушлик баҳона учрашардик, лекин баъзан үтиришларимиз кора шомгача чўзилиб кетарди. Негаки, адабиётга, санъатга жиндак алокаси бўлган ёш-яланг борки, Рауф Парфининг сұхбатидан баҳраманд бўлишга орзуманд эди. Рауф Парфи учун мухими адабий мухит эди.

Атрофида доим одам гавжум бўлишига қарамасдан Рауф Парфи ёлғиз эди. Аввало, ёлғиз онанинг ёлғиз ўғли. Оилавий ҳаётидан ҳам хурсанд эмасдай эди. Уни доим нимадир қийнарди. Шеъриятда ҳам ҳеч кимга үхшамасди – дарди бўлакча, овози бошқача, руҳияти ўзгача, хуллас, ёлғиз эди. Устига-устак, янги шеърлари кўп бўлишига қарамай, улар кўзга кўринмас тўсиклар туфайли дунё юзини кўролмасди, китобларида кўпинча эски шеърлари қайта босилади. Ойбекнинг “Ёлғизмен, ёлғизмен, шундай ёлғизмен, шамоллар бегона, юлдузлар йирок” деган сатрларини айтиб юришни яхши кўрарди. Аксарият ҳолларда мунгли, ҳаёлчан бўлиб қолар, юпқа лабларини ғалати чўччайтирган ҳолда тамакисини буркситиб үтиради. Ич-ичидан эзилаётганга, нимадандир қийналаётганга үхшарди. Лекин зардини ёрмасди. Бир учрашганимизда ўғлини сўрадим, “Қалай, Шуҳрат катта йигит бўляптими?” дедим.

– Катта бўлишга бўляпти. Лекин даҳшат, – деди эзгин бир ҳолда, – юрагида овоз бор экан.

– Овоз? Қанака овоз? – дедим. – Кизик экансиз, ҳамма юрак ҳам дук-дук уриб, овоз бериб туради-да.

– Йўқ, уники дук-дук эмас, бошқача. Дўхтирларнинг айтишича, шум бор эмиш.

– Давоси бордир? Кўпам сикилаверманг, ҳали ёш, кўрмагандай бўлиб кетади, – дедим юпатиб...

Кўп ўтмай армияга кетдим. Қайтиб келсам, Рауф ПарфиFaфур Гулом нашриётида ишлаётган экан. Кетишдан олдин “Ҳаёл” деган тўплам тайёрлаб, таомилига

## **Сулаймон РАҲМОН**

кўра Ёзувчилар уюшмасида мухокамадан ўтказиб, тегишли тақризлар билан шу нашриётга топширган эдим. Келсам, китобим режага киритилган, босмахонага тушиш арафасида экан.

– Китобингизнинг кассоби менман, – деди Рауф Парфи кулиб. – Хафа бўлмайсиз энди, мажбур бўлдим. Баъзи шеъларингизнинг бошини, баъзиларининг оёғини қирқдим...

Мен дарров ўзининг шеърини эслатдим:

– Кечирингиз... лекин кўп оғир Ёлғиз корин билан яшамак.

Рауф Парфи ҳам дарҳол шеъридаги муҳаррир тили билан жавоб берди:

– Тилингни тий... Яхшиликни билмаган ҳамак.

Шундай деб, аввалига энгасиб, қорнини ушлаб, қотиб-қотиб кулди, кейин жиддий тортди.

– Бир ҳарф ўзгартириб, баъзи сўзларнинг маъносини бир юз саксон градусга бурвордим. Яъни, “тун”дан “кун” ясадим, қойилмисиз, – деди.

– Қойилман, боплабсиз, – дедим ичимдан қиринди ўтиб. – Авторлик хукуқим каёқда колди менинг?

– Хукукингизни пеш килаверсангиз, китобингиз чикмайди. Тақризчининг ёзишича, шеъларингизда мунг кўп эмиш. Яхшиси, битта балогардон топиш лозим, зўр сўзбоши керак. Катта шоирлардан бирортаси ёзса яхши бўларди. Оталикка олгандай бўлади-да. Мен Шукрулло акани ўйлаб қўювдим. Нима дейсиз?

– Майлику-я, – дедим. – Лекин Шукрулло aka мени билмайди-ку? Рози бўлармикан? Оталикка олармикан?

– Нега билмасин сизни? Яхши билади. Ахир “Мухбир” журналида унинг эллик ёши муносабати билан мақола ёзгансиз-ку. Хурсанд бўлиб гапирган ўшанда. Қарздор қилиб қўйгансиз. Қарзини узсин-да энди. Майли, бу ёғини ўйламанг, сўзни мен ёзаман, – деди Рауф Парфи. – Шукрулло aka имзо қўяди. Ўзим бориб қўйдириб келаман.

Очиғи, бу савдо менга ёқмади. Шундай бўлса-да:

– Ихтиёрингиз, – дедим бўшашиб.

Ўша кунлари ўйланиш тараффудида эдим. Таклифнома тутқаздим.

– Э, сизга пул керак экан-ку, – деди шартта ўрнидан туриб. – Пулсиз тўй бўладими? Эндинга армиядан келган бўлсангиз. Юринг, Ҳамид Ғуломга кирамиз. Китобингиз келаси йили чиқса ҳам пулнинг бир қисмини хозир олишингиз мумкин, яхши одам, йўқ демаса керак.

Ҳамид Ғулом нашриёт директори эди. Яхши одам экан, йўқ демади, хисобчисини чакириб, бирпасда тўғрилаб берди. “Тўйни яхши ўтказиб олинг”, деб тилак билдириди.

Тўйдан кейин уч-турт ой ўтиб, “Гулистон” журналига ишга кирдим. Бу ерга ишга киришимга ҳам Рауф Парфи сабаб бўлган. Гап шундаки, армиядалигимда унинг “Тасвир” деган китоби чиқкан эди. Айни кунларда “Хотирот” чиқиб қолди. Унисини ҳам, бунисини ҳам ўз қўли билан тақдим этди. Шуларни ўқиб бир мақола ёздим. Мақола бош муҳаррир Аскад Мухторга ёкиби. “Шу йигитни топинг, бир гаплашайлик, балки ишга олармиз”, дебди. Баҳонаи сабаб “Гулистон”чи бўлиб қолдим...

“Гулистон”га ёзда ишга кирган бўлсам-да, мақола янги йил сонида чиқди. Рауф Парфидан мақола тўғрисидаги фикрини сўраган эдим:

– Шуни таржима килиб, Москва нашрларидан бирортасига берсангиз бўларкан, – деди.

Бу унинг мақтовори эди. Орадан бир йил ўтдими-йўқми, Рауф Парфини яна ўша эски ахволда учратдим. Билсам, яна ўша дарвешона ҳаёт. Синчилаб карасам, ахволи фоят афтода, рухи ниҳоятда тушкун. Нима гап десам, “Хархаша билан ажрашдик”, деди.

Рауф Парфи кейинроқ “Мухаббат” деган шеър ёзди. Шу шеърдан ўша кунларда унинг ошик юраги, унинг шоир юраги канчалар изтироб ичидаги қолганини билдим. У дилидарё, кўнгли пок, гина-кудуратдан холи, кечирувчан, ҳамма жойда ва ҳамма масалада адолат тарафдори эди. У хар қандай густоҳликни кечира оладиган инсон эди.

Рауф Парфининг руҳий-маънавий исканжалар ичидаги кече ўтдими-йўқми билди. Унинг ошик юраги, унинг шоир юраги канчалар изтироб ичидаги қолганини билдим. У дилидарё, кўнгли пок, гина-кудуратдан холи, кечирувчан, ҳамма жойда ва ҳамма масалада адолат тарафдори эди. У хар қандай густоҳликни кечира оладиган инсон эди. Унинг ҳаёти зиддиятларга тўла, кисмати парадокслардан иборат эди. Бир тўртлигимда шуларни ифодаламоқчи бўлганман:

*Омад қочганида – пайғамбар турттар,*

*Худо урган шоир, Рауф Парфи бу.*

*Омад чопганида – кўтара-кўттар,*

*Худо берган шоир, Рауф Парфи бу.*

Оилам билан Андижон Медицина институти профессори Ҳусниддин Салоҳиддинов деган кишининг Оқлон маҳалласидаги бўш ҳовлисида ижарада турган пайтларим эди. Рауф Парфи шу уйимизга бир қизни эргаштириб келди. Аёлим уларни очиқ чехра билан кутиб олди-ю, лекин мени бир четга тортиб, “Хотини билан ажрашган деган эдингиз-ку, бу қиз ким бўлди? Нега уни бизникига олиб келди?” деб бироз хитлангандай бўлди. Мен елка қисдим. Даствурхон устида Рауф Парфи қадаҳни қўлига олиб, қизни таништириди:

– Бу Дилором, – деди. Бошқа ҳеч нарса демади. Хуллас, кейин маълум бўлишича, Рауф Парфи барча қайғу-ҳасратларини унутиб, бошқатдан ошик бўлиб қолибди. Дилоромни таништириш учун олиб келибди. У очик, шалдир-шулдур, беғубор кўринарди. Рауф Парфи билан ҳазил-хузул килар, даврада ўзини жуда эркин тутар эди. Феъл-авторида бироз шаддодлик, бироз эркакшодалик бордай туюлди. Чекиши баҳонасида ҳовлига чиққан Рауф Парфи, “Қалай, шунга уйланмоқчиман, нима дейсиз”, деди.

– Сирти яхши, ичини билмайман, – дедим дангал. – У билан яшайдиган сиз. Ўзингиз хал килишингиз керак буни.

У кўзларини қисиб, босиб-босиб чекар экан, хаёл суриб қолди. Кейин:

– Тўғри айтасиз, ўзим хал килишим керак, – деди.

Кўп ўтмади, орқаворатдан Рауф Парфи уйланибди, деб эшитдим.

Ўша кезлари “Гулистан”да “Адабиётимизнинг ёш авлоди” деган янги руҳи очиб, шоирнинг бир даста шеърини бериб, шу шеърлар баҳона умуман ижоди атрофида бирор адабиётшуносдан фикр олар эдик. Рауф Парфига қўнгироқ килиб, журналга шеър беришини сўрадим.

– Китобларингиз ўз йўлига, – дедим. – Ахир вақтли матбуотда ҳам кўриниб туриш керак-да.

– Мен ҳам шуни хоҳлардим, – деди у. – Лекин матбуотчилар мени севмайди-да.

– Нега?

– Билмадим. Газета-журналларга шеър олиб борсам, “Шеърингиз яхши, лекин бизбоп эмас экан, китобингизда чикарарсиз”, деб қўлимга тутқазиб юборишарди.

– Сиз олиб келаверинг, мен чикараман, – дедим.

“Тун якин”, “Бу кун кечди”, “Хамлёт” ва учликлардан иборат “Туйғулар” деган шеърларини олиб келди. Масъул котиб эдим. Шеърларни адабиёт бўлими ходими Аҳмад Аъзамга бериб, “Бирор адабиётшуносга ўқитиб, фикрини ёздириб олинг, “Адабиётимизнинг ёш авлоди”га тайёрланг”, дедим. Аҳмад Бегали Косимовга берган экан, аммо у ёзган мақола ёқмабди. “Бўлмаса, ўзингиз ёзинг”, дедим. У Рауф Парфи тўғрисида “Кундузнинг ранги” деган бир этюд ёзди. Шеърлари билан бирга чоп этдик.

Орадан бирор йил ўтгач, “Рауф ака бериб юборди” деб бир йигитча беш-олтида шеър олиб келди. Қарасам, Дилоромнинг шеърлари. “Ия, келин бола ҳали шоира ҳам экан-да” деб, ўқиб кўрсан, туппа-тузук. “Бу шеърлардан сизнинг хидингиз келиб турибди-ку?” дедим Рауф Парфига қўнғироқ килиб.

– Шу-шу, – деди у. – Қозонга якин юрсанг, қораси юқади-да. Маъқули борми ишқилиб? Агар бўлмаса, қўяверинг.

Уч-тўртасини танлаб “Гуллар – менинг қаҳқаҳам” деб сарлавҳа қўйдим-да, журналда эълон қилдим. Рауф Парфи кейин ҳам кўп ҳамкорлик қилди. Яхши-яхши ёш шоирларни топиб, жўнатиб турди. Рауф Парфи тавсияси билан “Гулистон” очган эшик оркали Хуршид Даврон, Йўлдош Эшбек, Тохир Қаххор ва бошқа шоирлар катта адабиётга кириб келди.

Шахсий кутубхонамда Рауф Парфидан олган анча-мунча китобларим бор. Нозим Ҳикматнинг Болгарияда турк тилида чиқкан саккиз жилдлиги, Қайсин Қулиевнинг уч жилдлиги, Леонид Пастернакнинг “Шоирлар кутубхонаси” туркумида чиқкан катта китоби, 1954 йили Москвада чиқкан эллик минг сўзли “Русча-ўзбекча луғат” ва ҳоказо. Гап шундаки, етмишинчи йилларнинг иккинчи ярмида, Муҳаббат билан ажрашганидан кейин, топган даромадининг асосий қисми болалар нафақасига кетгани учунми, баъзан пулга зориқиб турарди. Шундай пайтларда китоб қўлтиқлаб ёнимга келарди.

– Жиндак пул керак бўлиб қолди, шу китобни сиз олиб қўйинг, – дерди.

Мен, “Пул керак бўлса, шусиз ҳам бериб турман, қўяверинг”, десам ҳам, “Йўқ, барибир буларни сотишим керак, бегонадан кўра сизга сотганим яхши, хоҳлаган пайтимда олиб ўкишим мумкин, қолаверса, хисобли дўст айрилмас”, деб қўярди. Яхшиям олган эканман, ўша китобларни. Аввало, улардан маърифат олдим. Қолаверса, Рауф Парфидан эсадалик.

Назаримда, саксонинчи йиллар бошида унинг қитоблари кам чиқди. “Кўзлар” китоби билан “Қайтиш” китоби ўртасида каттагина танаффус бўлди. Мафкуравий бошқарув Раъно Абдулаева қўлига ўтган йиллар эди. Рауф Парфининг боши устида қора булутлар айланиб қолди. Кимларнингдир тавсияси билан унинг номи бетайин ғам-ғуссалар шоири сифатида тилга олинди. Ўша кезларда “Рауф ПАРФИга” деган бир шеър ёзган эдим. Унда шундай сатрлар бор эди:

Эзманг уни, асранг, етар, оҳламанг,  
куйлаш ҳуқуқидан қилманг бенасиб.  
Кун келар, сиз хоҳи хоҳланг-хоҳламанг,  
зўр ўғлон бўлгай у халқа муносиб.

Куйлаш – яшамоқдир, яшамоқ – куйлаш,  
алдовсиз, нашриётнинг адабиётшунослик бўлимида ишлардим. Шеърият  
бўлимининг мудири Рассоқ Абдурашид “Сиз Рауф Парфини жуда яхши биласиз,  
унинг эски кадрдонисиз. “Сабр дараҳти” деган янги китобини чиқармокчи эдик.  
Лекин кўряпсизки, унга ҳар хил тошлар отилиб колди. Китоби хавф остида. Уни  
химоя килишимиз керак. Шунинг учун сизга китоб қўлёзмасини берсам-да, гап  
тегмайдиган шеърларини ажратиб кўрсатиб, ички тақриз ёзиб берсангиз. Маърузада  
танқид қилинган шеърларни сиз ҳам танқид килаверинг. Чунки барибир уларни  
китобга киритиб бўлмайди. Бутунлай йўқ килгандан кўра, китобни ихчамрок бўлса  
ҳам чиқарганимиз яхши эмасми?” деб қолди.

Ўйлаб кўрсам, гапи жўяли туюлди. Қўлёzmани синчиклаб ўқиб чиқдим. Ўзимча  
китобдаги шеърларни сараладим ва илгари бир неча бор чоп этилган эски шеърларни  
китобга киритмаслик керак деган маънода фикримни бир варақ қоғозга қоралаб  
кўйдим. Матбуотда танқид қилинган шеърларни Рассоқ Абдурашид талабига кўра  
яроқсиз шеърлар каторига киритдим. Бу албатта шунчаки йўлига, хўжакўрсун учун  
эди. Бу билан, биринчидан, илгари қайта-қайта чоп этилган шеърларни чиндан ҳам  
тушириб қолдирилишини истаган бўлсам, иккинчидан, Рассоқ Абдурашидга, “Мана,  
синчиклаб сараладим, энди китобни bemalol чоп этсангиз бўлаверади”, демокчи  
эдим. Аслида, бу менинг узил-кесил фикрим эмас, тақриз ҳали тақриз ҳолига  
келмаган, шунчаки узук-юлуқ бир қоралама эди, холос. Тақризни қисташганда эса  
ҳар гал “Ҳали чала” деб жавоб беравердим. Лекин, кунларнинг бирида, менинг  
йўклигимда келган ходима, ғаладонимни титкилаб қўлёzmани олиб кетади. Турган  
гапки, ҳалиги бир варак имзосиз қоралама ҳам қўлёзма ичida бўлган. Тўғриси,  
кораламада ҳозирча фақат танқидий гапларгина қайд этилган эди. Кейинроқ маълум  
бўлишича, ходима ўша куниёқ Рауф Парфини чакириб, биладим, нима мақсадда,  
унга менинг қораламамни ўқитади. Кейинчалик бу гап танқидчи дўстларимиздан  
бирининг қулогига етади ва жаноб танқидчи қайта қуриш шаббодаси берган  
эрдан фойдаланиб, уни матбуотга – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” саҳифасига  
олиб чиқади. Ўз “қилмишимдан” хабардор бўлгач, бор гапни Рауф Парфига айтиб  
бердим.

– Э, шунақа бўлганмиди? – деди у. – Мен бошқача тушунибман.

Шу билан орамиздаги гина-кудурат кўтарилиди.

Саксонинчи йилларнинг охирларида Рауф Парфи янаFafur Fулом нашриётига  
ишга қайтди. Ишсизлигим туфайли моддий аҳволимдан ташвишланиб, уйимга

## **Сулаймон РАҲМОН**

ички такриз ёзиб беришим учун кўлёзмалар олиб келиб турди. Бир куни ёстиқдай бир китоб кўлёзмасини кўтариб келди.

- Биласизми, бу ким? – деди.
- Айтсангиз, биламиз-да, – дедим.
- Раззок Абдурашид.
- Ўчингизни олмокчимисиз? – деб кулдим. У ҳам кулди.
- Сиз нотуғри тушунманг, – деди хижолатомуз. – Мен буни атай сизга олиб келганимнинг сабаби бошка, сиз тұғри одамсиз, юзхотир килмайсиз. Донини – дон, сомонини – сомон, дейсиз. Бизга шу керак. Одил фикр керак.
- Биламан, – дедим мен ҳам жиддий. – Сиз – шоирсиз. Бегараз одамсиз. Қасоскор эмассиз. Ҳатто хиёнатни ҳам кечирган инсонсиз.

У дарров гапни бошка ёкка бурди.

Илгарилари Рауф Парфи бировни ўзининг юзига мақтаганини эшитмаганман. Ёш пайтларимда шеърларимни ўқитиб “Фикрингизни айтинг” десам, кўпинча бир оғиз “Зўр”дан нарига ўтмасди. Бир куни ўзидан-ўзи “Сиз жонглёрсиз!” деб қолди. Мен тушунмадим. Кўзига қарадим. “Халиги циркда бор-ку, хукқабоз. Ҳалқаларни отиб-илиб ўйнайдиган”, деди. “Ҳа”, дедим. “Сиз ўшанга ўхшайсиз, сўзни ҳар мақомга солиб ўйнатасиз”, деди. “Бу яхшими, ёмонми?” дедим. “Хукқабозлик – санъат, демак, сизнинг ишингиз ҳам санъат. Ҳақиқий шеър ҳамиша санъат асари бўлади”, деди.

1992 йил Мустақиллик энди атак-чечак қилаётган мураккаб, оғир пайтлар эди. Руҳий, моддий ахволим ёмонлашиб қолди. Илгари кунда-кунора қўнғироқ қилиб, кунда-шунда бўлиб, ўзини дўст кўрсатиб юрадиганларнинг эсидан чиқдим. Аммо Рауф Парфи унутмади. Биргина у goҳ уйимга келиб, goҳ қўнғироқ қилиб ҳол-ахвол сўраб турди.

Ўтган аср охирларида Рауф Парфи уйимга келди.

- Файёд Хамис деган шоирни таржима қилган эдингиз-а? – деди у.
- Ҳа, – дедим.
- Мен “Жаҳон адабиёти”да ишлайпман. Ўша таржимангиздан беш-олтитасини беринг. Кичкина сўз ҳам ёзинг, – деди.

Рауф Парфининг жонкуярлиги туфайли Файёд Хамиснинг бир даста шеъри ёруғ оламни кўрди...

Бир куни раҳматли укам Иноят унинг “Тавба” китобини олиб келди.

– Кўчада кўриб қолдим Рауф акани, – деди у. – Сизга салом айтди. Китоби чиқкан экан. Биттасини ёзиб берди. Мана, бунисини сизга.

Китобнинг титул варагига қарадим. Дастватсиз. Вараклай бошладим. Ажабо! Ҳаммаси таниш, эски шеърлар. Бу гал ҳам китобнинг салкам саксон фоизи тўқсонинчи йилгача ёзилган, китобдан китобга кўчиб юрадиган шеърлардан иборат эди. Ҳайрон бўлдим. Илгари-ку ҳар жихатдан қарам эдик. Ҳўш, энди-чи? Рауф Парфининг ҳакталаб, адолатталаб, дардли, куюнчак шеърлари нега яна панада қолиб кетяпти? Гўзал, мусиқий, теран, дилбар, оташин, ҳақгўй шеърлари билан аксарият мухлислар қалбини забт этган Рауф Парфининг нимаси ёқмайди, ҳайронман?

Рауф Парфи эркин күш бўлиб яшашга мойил эди. Ҳурриятни севди. Сўздаги эркинликни, фикрдаги ҳурликни қадрлади. Виждонига хилоғ иш қилмади, манфаат кули бўлмади. Кўп нарсалардан осонгина воз кечди.

Мана бу воеа шундан далолат. Ўзининг айтишича, ишсиз юрган кунларидан бирида яна Шукрулло билан учрашиб қолади.

– Ҳа, Рауф, нима қивоссан, қатта ишлавоссан? – деб қизиқади устоз.

– Бекорчиларнинг бошлиғиман, – дейди у ҳазиллашиб.

– Санам манга ўхшаб бекорчиларнинг бошлиғи бўлиб юрмагин-де, тузукроқ ишларда ишлагин, – дейди Шукрулло ака. – Эртага ман бир ишминам Шароф Рашидовга чиқвомман. Айтаман, сангаям бир иш топиб берсин.

Орадан бир кун ўтиб, Шукрулло ака Рауф Парфини топади.

– Ман Шароф ака билан гаплашдим. Санга зўр иш бермоқчи. Келсин, деди. Памилиянгни қабулига ёздириб қўйди, фалон куни, фалон соатда борасан. Кутиб ўтиради. Кийим-бошингга кара, галстук тақиб ол, – дейди.

Рауф Парфи хўп-хўп, домла, деб, тайинланган кунда янги костюм-шимини кияди, атай сотиб олган галстугини тақади-да, кўчага чиқиб кетади. Лекин ярим йўлдан кайтади. Бундан хабар топиб, “Нега ундан килдинг, Рауф, шундай катта одам сени кутиб ўтиrsa-ю, сен бормасанг, ўртада мени ҳам хижолатга қўйдинг-ку”, деб гина килган Шукрулло акага:

– Бораётган эдим, галстук йўлдаёқ бўйнимни сиқиб қўйди, бўғилиб кетдим, ҳали у одамнинг олдига кирмасданоқ шу аҳволга тушсам, кирсам нима бўлади, қандай килиб нафас оламан, деб ўйлаб, бормай қўяқолдим, домла, – дея жавоб беради...

Рауф Парфи ҳаммага ўхшаган оддий инсон эмас, балки одми инсон эди, зийрак ва тийрак шоир эди. Зукко эди-ю, зукколик даъво қилмасди. Буюк эди-ю, буюклик даъво қилмасди. Тўйларда, йиғинларда, ўтиришларда ўзини давранинг тўрига урмасди. Аксинча, буюк Рауф Парфи эканлигидан ўзини хижолатдай тутарди. Баъзиларга ўхшаб, бирорнинг оғзидан гапини олиб, маҳмадоналиқ билан ўзини кўз-кўзламасди. Панадаги пакир киши бўлиб қисиниб-қимтиниб ўтиради. Ўзига энг яқин кишилар орасида ҳам ортиқча очилиб-сочилиб кетмасди. Сипо эди, оғирбосик, мулоҳазали, ҳамиша ва ҳамма жойда камсуқум, хоксор ва ўта самимий эди. Ўрни келганда ўзига хос ҳазилкаш ҳам эди. Дунёни қалб кўзи билан кўрар, кўнгил кулоғи билан тинглар эди. Пинҳона қаршиликларга, фитналарга, ғаламисликларга дуч келганда ўзини бепарводай тутса-да, ич-ичидан эзилар эди.

Мен кирқ йилдан ортиқроқ у билан бирга юрдим, бирга турдим, ҳамхона бўлдим, ҳамсухбат бўлдим. Ва турган гапки, ҳамфикр, ҳаммаслак бўлдим. Лекин бирор марта унинг оғзидан ёлғон гап эшитмадим. Мулозаматида сохталик кўрмадим. Маңфаат юзасидан бирорга тилёғламалиқ қилганини, хушомад қилганини билмайман. Унда кибру ҳаво, иззатталаблик йўқ эди. Риё, муноғиқлик деган нарсалар унга тамоман бегона эди. Юз-кўзида ҳамиша болаларча самимият балқиб турарди.

Тарих музейининг эски биноси рўпарасида тасодифан учрашиб қолдик. Соч-соколи оппоқ օқариб, ўсиб кетган, кўзлари тўла мунг, руҳи сўлғин. Ўзини анча олдирган, илгариги миктилик йўқ, юзи ҳам бир бурдагина бўлиб қолган. Мени кўриб мунгайибгина жилмайди.

– Бормисиз бу дунёда? Минг йил бўлди-я кўришмаганимизга, – деди ўзини хушнуд тутишга уриниб, лекин овози синиқ эди.

Йўл устида, тик оёқда гаплашдик.

– Дијором қалай, болалар яхшими? – деб ҳол-аҳвол сўрадим.

– Билмайсизми? Минг йил бўлди у билан ажрашганимизга, – деди.

– Ия, нега?  
– Мени одам қиласман деб кўп уринди, бўлмади, факат овора бўлгани қолди, – деди кулиб. – Мен бир дарвеш бўлсан, шоир бўлсан...

– Шоир одам эмасми?

– Ким, қачон шоирни одам санаган ўзи!..

Томогига нимадир тиқилгандек овози бўғилиброк чиқди. Таажжубимни кўриб, ўзини тезда қўлга олди, хижолатомуз жилмайди.

– Ҳозир Сулҳида билан яшапман.

– Ия, шунақами? – дедим. – Мен бехабар эканман. Сулҳида ким? Қачондан бери?

– Уям бир ҳархаша. Минг йил бўлди бунгаям.

– Дон Жуан бўп кетинг-э!

– Э, айтмоқчи, “Дон Жуан” нима бўлди, чиқдими? – деди гапни бошқа ёкка буришга баҳона топилганидан хурсанд бўлиб.

– Чикади. Туянинг думи ерга текканда, – дедим. – Ўзингиз нима қиляпсиз, ёзаяпсизми? Янги китобларингизга кўзим тушмади?

– Ёзяпман. Лекин чиқаролмаяпман. Биласиз-ку, китоб чиқариш кийин бўлиб колди. Яхшиям ўзим саррофман. Уч жилд китобимни муқовалаб, нашрга тайёрлаб кўйдим. Йўқолиб кетмаса, бир куни чиқар. Илгари чала-чулпа бўлсаям китобимиз чиқарди, пул ҳам беришарди. Энди бўлса, пул берсанг, китобингни чикарамиз, дейишяпти. Биласиз-ку, пул менда ҳеч қачон бўлмаган. Ёки ҳомий топ дейишади. Шоир шеър ёзсинми, ҳомий кидирсинми?

Бу Рауф Парфи билан охирги кўришувимиз эканини ўшанда ким билиби дейсиз. Орадан йиллар ўтиб, унинг юриш-туришини, хатти-ҳаракатини, гап-сўзларини, юз-қўзидаги болаларча беғубор самимиятни кўз олдимга келтирсан, ёд бўлиб кетган шеърларини кўнглимдан ўтказсан, ажабтовур қиликлари, феъл-автори билан ҳеч кимга ўхшамаган бу гўзал инсонни, инсонийлик, туркийлик, миллийлик қонқонига сингиб кетган бу буюк ватанпарвар шоирни тириклигига етарлича кадрига етмаган эканмиз, деган бир надомат пайдо бўлади. Унга тириклигига айтмаган гапларимизни энди айтишдан нима фойда деган хаёлга ҳам бораману, ҳечдан кўра кеч яхшилигига амин бўламан. Бошқаларни билмадиму, мен учун Рауф Парфи мутлако ўзига хос феъл-авторли, ўз дунёкараши ва эстетик принципларига эга туғма шоир – Худо берган шоир. Жаҳон адабиётида сонетчилар кўп. Петrarка, Шекспир, Рильке сонетлари зўр. Аммо, назаримда, Рауф Парфи сонетлари теранроқ, гўзалроқ, соҳирроқ, эҳтирослироқдай. Унинг шахсиятини билмаса-да, соҳир шеъриятига ошно бўлган мухлиси боки, ушбу фикримга қўшилади.

Рауф Парфи нафаси ўткир шоир.

Рауф Парфи дил шоири.

Рауф Парфи руҳият шоири.

Рауф Парфи эҳтирос шоири.

Рауф Парфи эътиқод шоири.

Рауф Парфи нафосат шоири, нафис шоир.


Рауф Парфи севги шоири, севимли шоир.

Рауф Парфи ҳақиқат шоири, ҳақиқий шоир.

Рауф Парфи ўхшалий йўқ шоир, ўз мактабини очган шоир.

Ва ниҳоят, худди шу жиҳатлари билан у ҳеч муболағасиз улуғ шоир.

# ТАНҚИДЧИ ТЕРАН БУЛОҚЛАР КҮЗИНИ ОЧИШИ ЛОЗИМ



Бойназар ЙҰЛДОШЕВ

Ұзбек адабий-танқидчилиги тарихида үз муносиб үрнига эга мунаккид Иброҳим Ғафуровнинг “Ёнар сұз”, “Жозиба”, “Ям-яшил дараҳт”, “Юрак аланга”, “Лириканинг юраги” каби күплаб китоблари эстетик олам янгиликларидан бұла олган. Иброҳим Ғафуровнинг “Шеър билан сұхбатлар” туркумидаги “Тонг түкқан шеърият” илмий-тадқықотида XX асрнинг 60-80-йиллари үзбек шеъриятыдаги сифат үзгаришлари, бу шеъриятта инсон рухий дүнёсінинг нозик тебранишларини ifодалашдаги фалсафий теранликнинг умулаштирилгани, айникса, ақамиятлидир.

Иброҳим Ғафуров шеърият дүнёсінің ниҳоятда кенг идрок этиш билан бирга шоир түйғуларининг энг назокатлы нұқталарини аник белгилай олади, бадиий дидисзлик билан юзма-юз келганды эса аччик танқидни ҳеч аяб үтирумайды: “Шеър – бу оламга татирлик гап айтиш санъати. Баъзи шеър бадандаги қон каби бұлади, – дейди у. – Зиддиятли танаачалардан ташкил топади. Булар зиддиятли тұлқинларни туғдиради. Тұлқинларнинг мингашуви, үркән бұлып денгиз сатхидан күтарилуви – әхтиросдырки, шеър шудир. Баъзи шеър бадандаги сув каби бұлади. Гарчи унинг ҳам тириклик учун нағи бұлса-да, лекин унда рангсизлик ҳоким. Унда зиддиятлар йүк. У ҳаётнинг совуган ҳолати. Жұшишлар, безовталиклар, пұртанаалар, вулқонлар, үпқонлар унга ёт. У ҳаётнинг үзи әмас, унинг сурати. Лекин у қондан күп. Доимо күп. Бу үлган сұз. Үлган шеър”<sup>1</sup>.

Мунаккид шеъриятда устозлар йўлига назар солиш, анъанавийлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор беради. Үз вақтида Иброҳим Ғафуров Рауф Парфи, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Маъруф Жалил, Абдулла Шер, Машраб Бобоев, Җұлпон Эргаш, Ҳалима Корабосева каби ижодкорлар ҳақида ilk фикрларини билдириб, улар шеъриятыдаги ижобий ва салбий ҳолатларни ҳам аник күрсатиб беради.

Мунаккид шеъриятда устозлар йўлига назар солиш, анъанавийлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор беради. Үз вақтида Иброҳим Ғафуров Рауф Парфи, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Маъруф Жалил, Абдулла Шер, Машраб Бобоев, Җұлпон Эргаш, Ҳалима Корабосева каби ижодкорлар ҳақида ilk фикрларини билдириб, улар шеъриятыдаги ижобий ва салбий ҳолатларни ҳам аник күрсатиб беради.

<sup>1</sup> Ғафуров И. “Ёнар сұз”. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. 7 б.

**Бойназар ЙҰЛДОШЕВ** – 1946 йилда туғилған. Қарши давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. “Қашқадарे бадиияти”, “Насаф нафаси”, “Үйгөнші даври адабиети ҳақида маъruzalар”, “Қардошлиқ түйғулари”, “Адабий жасарап: танқидчи услуги ва маҳорат муаммолари”, “Адабий танқид тарихи”, “Бадиий олам таҳлили” каби рисолаларни нашар этилген.

## Бойназар Йўлдошев

оркали, шеърият бағрида яшириниб ётган тилсимларни усталик билан очиб, асарнинг энг ҳаяжонли нуқталарини чуқур мантикий таҳлил қиласди. Бу жиҳатларни Иброҳим Faфуровнинг Зулфия ва Аскад Мухтор ижоди ҳақидаги нозик ва ўта дидли кузатишларида ҳам кўришимиз мумкин. Мунаққид Зулфия ва Аскад Мухтор шеъриятини таҳлил қиласкан, поэзиянинг инсон руҳий оламига чуқурроқ кириб бориши, руҳий қатламларни кенгроқ ишғол қилинишини ниҳоятда мантикли ва гўзал ифодасини бера олган: “Зулфиянинг ўн олти катор бир шеъри бор, – деб ёзди Иброҳим Faфуров. – У “Кўзгу олдида” деб аталади. Шу шеърнинг ичига вақт-одам-тириклик-ёшлик-карилик-ўткинчилик-бокийлик бир тугунчага туғиб қамаб қўйилган. Кўзчага девни қамаш қанчалик сеҳргарликни тилаган бўлса, Зулфия ҳам бир олам гапни тўрт энлик шеърий кўзчага жойлаш учун шундай сеҳргарлик килган. Кўзгу соф Шаффоф. Лекин унинг шаффоғлиги маккорлик. Унда тилсим бор”<sup>2</sup>.

Иброҳим Faфуров Зулфиянинг ушбу шеърини гўзал фалсафий мушоҳадалар билан таҳлил килиб, шоиранинг шеърий фикрларига ўзининг бадиийликка мойил индивидуал таҳлилларини омухта этган тарзда “...биз ўн еттида эканимизда ҳам шу кўзгу эди. Шу кўзгу ром қиласди. Биз элликда эканда ҳам ўша кўзгулигича турибди. Биз эса ўзгардик. У ўзгармади. Шунинг учун у – безбет. Биз гул-гул очилган эдик. У ҳам гул-гул очилди. Биз қаридик у эса қаримади. Шунинг учун у – сотқин. Биз умр ўтиб ҳам, унга умид билан тикиламиз. Бироқ У дўст эмас. У энди совуқ нигоҳ билан боқади. Шунинг учун – у рақиб. Биз нуксонимизни кўргимиз келмайди. У эса юзимизга солади... Демак, кўзгу бу дунёда абадий қоладими? Инсон унинг совуқ юзи каршисида ожизми? Йўқ, ожиз эмас!”

Иброҳим Faфуров инсон кўзгу олдида ожиз эмаслигининг рад этиб булмайдиган жавобини шоира Зулфия ўз шеърида шундай инкишоғ этиб: “Қани, руҳим китобин ўқиб, Сўзлаб бер-чи, қайта ўзимга!” дея кўзгуни лол қолдирганини, бу билан Зулфия инсоннинг руҳий китоби абадий эканини ва бу улуғ китобни ўқиш ва яратиш, абадиятга ошно бўлиш фақат инсонгагина мусассар эканини таъкидлайди. Иброҳим Faфуров Зулфиянинг мазкур серкирра шеърини ниҳоятда теран таҳлил қиласкан, ундаги рамзий маънолар тилсимини очиб беради. Шоира санъаткор руҳ китобини ўқий олиши, фақат ўқиши эмас, руҳ китобини яратиши кераклиги ҳакида улкан бир фалсафийликка йўғрилган рамзий маънони бера олганлигини жуда топиб, юксак дид, калдан сизиб чикувчи эҳтиросли мушоҳадалар билан ифода этиб бера олган.

Иброҳим Faфуров ўқувчини Аскад Мухтор ижодидаги одам, унинг буғунги ва эртанги келажаги ҳақидаги чуқур ўйланган фалсафий фикрлари сирли оламига олиб киаркан, шоир ижодининг таҳлилига ниҳоятда теранлик билан ёндашади: “Аскад Мухторнинг шеъри хеч қачон маълум гапларнинг йиғиндинисидан иборат бўлмайди. Айтилмаган гапни топишга, кесилмаган ердан кесишга, училмаган жойда учишга, сузилмаган сувда сузишга интилади. Гарчи унинг шеърлари хиссиётдан кўра кўпроқ аклга озиқа берса-да, лекин шу озукани тўла беришга ҳаракат қиласди. Унинг шеърларида фикр ҳаракати, фикрнинг зиддиятли ҳаракати зўр”, дейди.

Ўтган асрнинг 60-70-йиллардаёқ Сайёр, О.Ҳаким, Барот Бойқобил, Тўлқин, Эътибор Охунова, Гулчехра Жўраева, Гулчехра Нуруллаева, Ойдин Ҳожиева, Нормурод Нарзуллаев, Теша Сайдали, Йўлдош Сулаймон, Омон Мухтор, Миразиз Аъзам каби кўплаб шоирлар ижодини кузатиб борган Иброҳим Faфуров ўзининг “Тонг тўккан шеърият” мақоласида ёш шоирлар шеър устида кўп ишлаб, кўплаб китоблар нашр эттираётганини, лекин уларнинг айримларида катта ижодий сифат ўзгариши жуда секинлик билан бораётганини, шеър эса осуда дамларнинг эмас, ғалаёнлар, тўқнашувлар, нотинч илҳомларнинг фарзанди эканини, у безовталикни, яраланишни, пўртанали масканларни хуш кўриши, унинг душманлари совуқ

<sup>2</sup> Ўша асар, 18-бет.

лоқайдлик, талантсизлик, мушақбозлик эканлигини жонкуярлик билан қайд этиб, ижодкорлардан нурланиб, қалбни аён қиласынан, тегса оловдай ёндирадын бадий сүз, шеърий безовталиктин талаб қилишини қайд этади.

Мұнақкід Минхөжиддин Ҳайдарнинг “Инсон юраги” тұпламасынан кирганса “Күёш” шеърини қуидагиша шархлады:

*Хаёт деб қуёш бир садаф тұгмадай  
Нур сочди миллион йиллар қаъридан.  
Хаёт бор – мангу қуёш ўчмагай,  
Хам суюк юлдузлар бир-биридан.*

“Аввало, “хаёт” деб нур сочган” улуғ қуёшни садаф тұгма даражасында тушира олиш хар кимнинг құлидан келавермайды, – деб ёзади Иброҳим Faуров. Иккінчидан, у миллион йиллар қаъридан эмас, күк қаъридан нур сочади. Учинчидан, хаёт бор бұлғанлығы учун қуёш ўчмайды эмас, аксинча қуёш бор бұлғанлығы учун хаёт ўчмайды”<sup>3</sup>.

Мұнақкід шоир ва танқидчи фикрлари атрофика “рух иқлемі”ни құришни истайды. Шеърият бағрида яшириниб ётган бой түйғу ва фикрларнинг ҳақиқиғи таҳлилини қуришни, үқишини истайды. Шунинг учун хам баъзида шеърият колиб, танқидчиларнинг чалкаш ва нотұғри қараашларини тұғрилашга шошилади. Масалан, Иброҳим Foғurovning юқоридаги каби адабий-танқидий қараашларини Уммат Түйчиевнинг “Қизларнинг поэтик дүнәси” мақоласи хусусида айттынан фикрларида хам құриш мүмкін. Танқидчи Уммат Түйчиевнинг мазкур мақоласидаги “Әркін ва Абдулла поэзияда қисман мавжуд бұлған риторикага бириңчи зарбани берган эди”, деган фикрларини инкор этади ва шеъриятда риторикага илк зарба бера бошлаган Faғur Fулом, Ойбек, Зулфия, Миртемир, Аскад Мұхтор, Мирмухсин каби шоирлар эканлигини қайд этиб, Әркін ва Абдуллалар шуларнинг ишларини, йұлларини давом эттірмокдалар деган тұғри фикрни айтады.

Иброҳим Faуров үз қараашларыда адабий танқидчи олдига жиғддий талаблар құяды. У адабий танқидчини анатом тарихчи, файласуғ, адіблик сифатларини хам үзіда мужассамлаштирган ҳолда қуришни хохлады. Адабий танқидда таҳлил маҳорати әнг бириңчи даражали нарса эканини таъқидларкан, 70-йилларға келиб үзбек адабий танқидчилігінің тобора күчті шоғырлап бергенде қуонади. “Яқин-яқин үйларға бізде адабий танқид күпроқ асосан биографик таҳлил, биографик тадқиқттар тарзда мавжуд эди, – деб ёзади Иброҳим Faуров. – Ҳозирги кунда адабий танқидчилігімиз чукур назарий йүсіндегі катта тадқиқттар билан бир каторда эстетик, публицистик танқиднинг ҳам ранг-баранғ намуналарига әга. Буларнинг тажрибаларында катта әзтибор билан қарамақ, тажрибаларни чукурлаштырмок, самарали күлмек керак”<sup>4</sup>.

Маълумки, 60-80-йиллар адабий танқидчилігі тарихида танқидчи билан танқидчининг ёки мұнаққид билан ёзувчининг матбуот орқали мұлоқотта киришуви, баҳслашуви жуда мухим ахамият касб этиб, янги фикрлар, янги ғоялар туғилишига күмак берганды. Иброҳим Faуровнинг 1972 йилда адабий танқидчи Норбай Ҳудойбергановнинг “Шарқ юлдузи” журналининг 1971 йил 8-сонида чоп этилған “Бадий кашфиёт талаби билан” мақоласынан жағынан тарзда ёзилған “Лукма” баҳс-адабий танқидий мақоласи ҳам адабий доирада янги фикрлар үйгөтиб, яхши таассурот колдирған эди. Иброҳим Faуров үзининг баҳс-мунозарасыда “танқидчининг қалами адабиётнинг илдизини кавлашга эмас, теран булоқларнинг күзини очишина хизмет қилиши лозимлигі, ана шундагина ҳақиқи

<sup>3</sup> Үша асар, 36-бет.

<sup>4</sup> Үша асар 47-б.

## Бойназар ЙУЛДОШЕВ

истеъдодларни химоя килиш ва саклаб қолиш мумкин”лигини уқтиради. ИброҳимFaфуровнинг ҳакикатдан ҳам истеъдодларни ўз вактида кўра билиб, уларни химоя килиб, келажаги ҳакида кайғуриб қалам тебратадиган ижодкор эканининунинг Омон Матжон ижодига бўлган муносабатида ҳам яққол кўриш мумкин. Иброҳим Faфуров 70-йиллар танқидчилигига шов-шувларга сабабчи бўлган Омон Матжоннинг “Очиқ деразалар” шеърий китобига ёзган “Ўз қалбининг Колумби...” деган мақоласида шоир шеъриятининг ўзига хос жозибадор майнин ёғдуларини кўра билган ва бадиий оламига чукур кириб бориб, унинг ижодига катта умид боғлаган эди. Унинг бу ижобий адабий-танқидий карашлари ва каромати ҳаққоний эканлиги кейинчалик тўлиқ исботланди.

Мунаққиднинг таҳлилий мақола, тақриз, адабий ўйларида асоссиз мақтову мадҳиялар учрамайди, танқидчининг баҳолаш истеъдоди даражаси, гўзаллик туйғуси ғоявий-бадиий етуклик намунаси сифатида жило бериб туради.

Иброҳим Faфуровнинг Ойбек шеъриятига бағишланган мақоласида шоирнинг салкам эллик йил мобайнида яратилган шеърлари, шу билан бирга ижодкор тақдири, дунёкараши, кечинмалари, руҳий дунёсини тебратган хиссиётлар, шоир яшаган муҳит, нафас олган шароит, ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғланган ҳолда таҳлил қилинган. Мунаққид Ойбекнинг 20-йилларда яратган, илк романтик кайфиятлар хукмрон бўлган орзу ва хаёлларга тўла ёш кўнглида туғилган бадиияти ҳакида сўз юритар экан, шоирнинг лирикасида мунг кучлироқ ифодалангандигига алоҳида эътибор қаратаркан, ўн саккиз-йигирма яшар ёш шоирда бунчалар ҳасрат ва синиқлик қаердан пайдо бўлди, деган савол қўяди. Мазкур саволга жавоб берар экан, йигирманчи йилларнинг мураккабли олғов-далғовли даврларида Ойбек дунёқарашида, шунингдек, унинг поэзиясидаги “мен”ида, кўп чигалликлар, ечилмаган муаммолар мавжуд бўлганини, у йўлсизликдан қийналганини, мураккаб воқелик, дарров ечиб бўлмайдиган мушкул масалалари билан унинг ўз қарashi кўндаланг турганлиги, бу ҳолат шоир “мен”ини бироз саросима қоплашига сабаб бўлганини кўрсатади. Лекин мунаққиднинг таъкидлашича, бу мушкул йўлакда шоир “мени”ни бутунлай ожиз деб бўлмайди, унинг кўлида бу адаш йўлакдан олиб чиқадиган ипнинг учи бор. Бу ип – шеърият. “У ҳозир “мен” шахсига куй бўлиб эшитилаяпти, шу куй уни ҳали тароват ва сеҳр билан тўлган кўп боғлар, чаманлар, илҳомсоз масканларга олиб боради...”<sup>5</sup> дейди.

Иброҳим Faфуров Ойбек шеъриятини ана шу тарзда даврма-давр таҳлил киларкан, шоир “мени”даги ижодий эволюция асосида нозик фалсафий-эстетик кузатишларни амалга оширади, шоирнинг шеърий тафаккури, караши тобора мустаҳкам бўла бориш жараёни, тасвир усуулларнинг ранг-баранглашуви, образларнинг чукур хиссий рангларида, мавзуларнинг танланишида, нозик кечинмаларни ҳашамдор образлар тасвирини бўёқдор сўзлар билан мохирона ифодалай олишликларида эканини ҳаққоний очиб беради.

Иброҳим Faфуровнинг “Юрак аланга” тўпламида Шайхзода ҳақидаги мақоласи шоир шеърларида оҳанг товланишлари, ранглар жилоси, нозик ташбеҳлар устида баҳс юритиб, нозик қашфиётлар яратади. Мунаққид Максад Шайхзода лирикасидаги фуқаролик эҳтироси, чукур тарихийлик, яъни шоирнинг ўтмиш билан бугунни бир поэтик нуктада бирлаштира олиш ва ўтмиш тарихини бугуннинг катта манфаатлари нуктаи назаридан ҳаққоний ёритиб бера олиш маҳоратини кенг тарзда таҳлил қиласди.

Умуман, Ўзбекистон Қаҳрамони, нуктадон мунаққид Иброҳим Faфуров ўзининг юқсан адабий-танқидий карашлари билан XX ва XXI аср адабий танқидчилиги тарихида муҳим ўрин эгаллади.

<sup>5</sup> Иброҳим Faфуров. Юрак аланга. F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1980 йил, 14-бет.



# ҲАР БИР КУН БУ – ЁЗУҚ

Шухрат ОРИФ

\* \* \*

Парвоз юксалишни англатмайди.  
Парвоз юкори кўтарила олиш, холос.  
Манзилни англаш юксалишдир!

\* \* \*

Ошиклар мангу манзил қидиргувчи қушлардир.

\* \* \*

Бирга баҳтли булишга даъвогарлар доим бор.  
Сиз бирга йиғлай оладигани изланг!

\* \* \*

Қалбингизда ўсаётган гулларни узманг.  
Бегона ўтдек кўринса-да, узманг.  
Уларнинг уруғин Яратган сочган!

\* \* \*

Муҳаббат исмлардан воз кечилган жойдан бошланади.

**Шухрат ОРИФ** – “Шуҳрат” медали соҳиби. 1981 йилда тугилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. “Зомин – 1997” семинари голиби. Унинг “Мен асли одаммас, ёр эдим”, “Шом товуши” китоблари чоп этилган.

\* \* \*

Хаётдан ҳамма нарсани кутманг:  
Факат сизники бұлғанини олинг!  
Сизники бұлғаны үзи келади.

\* \* \*

Тұзғимай туриб бутун бұлолмайсиз.  
Парчалана олганларгина бутунликка эришадилар.

\* \* \*

Манзилга етмасдан манзилга айлана олмайсиз..

\* \* \*

Сизни ғийбат қиласындар – сизге ҳеч қачон үхшай олмаслигини тан олган  
ночор одамлардир!

\* \* \*

Гулнинг каерда үсгани унинг кийматини асло туширмайды.

\* \* \*

Ё сен кунга ёзасан, ёки кун сенга ёзади...

\* \* \*

Севишиң күлингиздан келмаса, билингки, сиз яашшага муносибсиз!

\* \* \*

Айрим одамлар севги ахтариб юради.  
Айрим одамларни севги ахтариб юради...

\* \* \*

Дуч келган карвонга күшилма!  
Сени излаб юрган карвонни топ!

\* \* \*

Хамма нарсани вақт ҳукмига ташлаб күйманг.  
Айрим нарсаларни вақтдан тортиб олиш керак!  
Чунки, улар шунчаки тортиқ қилинмайды.

\* \* \*

Сени чакираётган қирғокка қараб сузма.  
Сенга эътиборсиз бўлган қирғоққа интил!

\* \* \*

Болаликда қандай юришни ўргатишади.  
Балоғатга етганингда эса қаерда юришни ўргатишади... \*\*\*

\* \* \*

Ҳамма каби ўйласангиз майли.  
Лекин ҳамма каби қараманг.

\* \* \*

Бахтга ҳеч қачон ёлғиз эришилмайди.  
Бахт доим икки қалбнинг ютуғи бўлади.

\* \* \*

Ҳаммаси оддий:  
Сиз излайверасиз ва сизни ҳам излайверади.  
Излашни тўхтатсангиз, улар ҳам излашдан тўхтайди...

\* \* \*

Тақдиримиз темир излари, эҳтимол, аввалдан қуриб чиқилгандир.  
Лекин унинг бекатларини ўзимиз белгилаймиз ва танлаймиз.

\* \* \*

Мухим қарорлар ёлғиз қабул қилинади.  
Уларни ёлғиз қабул қила олмасангиз, демак – қаҳрамон эмассиз!

\* \* \*

Сиз муносиб бўлаверинг.  
Сизга муносиби ўзи келади...

\* \* \*

Ҳаёт сизга гул тутишини кутманг!  
Ўзингиз унга гул тутинг!

\* \* \*

Мұхаббатда соатларни бир вактга тұғрилаб олиш етарли.  
Колгани – калбларнинг иши!

\* \* \*

Муносиби келмаяптыми, демак, ҳали сиз муносиб бұла олмабсиз!

\* \* \*

Денгизни күрган одамлар бошқача бұлади.  
Улар тұлқынлар борлигига ва тұлқин бўлиш мумкинлигига ишонадилар...

\* \* \*

Манзил аслида узок эмас.  
Йўлга ҳозирлигимиз узок...

\* \* \*

Тақдирда тасодифлар бўлиши мумкин.  
Лекин тақдирнинг тухфалари тасодифий эмас.

\* \* \*

Ёқимли кунлар ўзи келмайди, яратилади!

\* \* \*

Севги учун ҳаммасига тайёр бўлиш керак.  
Ишқ учун эса ҳаммасидан воз кечиш керак.  
Ишқнинг севгидан фарқи шунда!

\* \* \*

Ҳаёт туйғулар бермайди.  
Аксинча туйғулар ҳаёт беради.

\* \* \*

Кута олмасангиз, демак, сиз бандасига ошиқсиз!

\* \* \*

Кимга боришни эмас, кимдан кетишни билинг!  
Борганда эмас, кетганда топасиз...

\* \* \*

Келишга имконни үзингиз топасиз.  
Кетишга имконни тақдир беради...

\* \* \*

Бахт берадиган дардлар бор.  
Дард берадиган баҳтлар бор...

\* \* \*

Излаган йўр эмас.  
Кутган йўрдир!

\* \* \*

Сизга аталган кун бўлмайди.  
Сиз ўша кунга аталган бўласиз...

\* \* \*

Манзилга етилгач, излар йўқолади...

\* \* \*

Севгини кўрмаган остоналарда тентираманг.  
Улар севгини танимайди-ю, сизни танирмиди?!

\* \* \*

Чинакам баҳт фақат үзингизники бўлади.

\* \* \*

Кетаётган одам йўлда фақат келаётганни кўради.  
Кетаётган кетаётганга дуч келмайди.

\* \* \*

Инсон қалбини ранжитманг. Ҳар қалбда Худо бор!

\* \* \*

Сиз ҳақиқатни изламанг, умрингизнинг кўпи бехуда ўтиб кетади.  
Сиз үзингизни топинг – ҳақиқат ўзи келади.

\* \* \*

Калб күзи очилмаса, ҳеч бир дарвоза очилмайды.

\* \* \*

Келгандардек келиш осон.  
Кетгандардек кетиш кийин...

\* \* \*

Баъзидә ёнингдаги ким эканлиги муҳим бўлмай қолади.  
Муҳими – ёнингда кимнингдир борлиги.

\* \* \*

Ёлғиз колишдан асло қўрқманг.  
Сизни тушунмаган кўпчилик билан қолишдан қўркинг.

\* \* \*

Эгасизлик – дардларнинг энг оғири!

\* \* \*

Томчи бўла туриб денгизнинг шавкини берадиганлар бор!

\* \* \*

Шундай яшангки, ҳаёт ўз йўлидан кетсин!  
Сиз хам йўлингиздан қолманг!

\* \* \*

Қўлимизга бокиши, лекин уларга атаганимиз қўксимиизда эди...

\* \* \*

Умидга сабрни қўшиб аралаштиринг ва бир умр ичинг.  
Ҳаётнинг дориси шу!

\* \* \*

Севилган доим муносиб бўлмаслиги мумкин, лекин севган доим муносибидир.



# “МИНГ БИР ҚИЁФА” РОМАНИДА ЭРКИН ИНСОН ФОЯСИ

Саъдулло ҚУРОНОВ

XIX аср охири ва XX аср бошларида Ф. Ницше, З. Фрейд, А. Бергсон, К. Юнг каби файласуф ва рухшуносларнинг қарашларидан таъсиранган бир гурӯҳ ижодкорлар санъатда янги – модернизм йўналишига асос соладилар.

Модернистлар оламни мантиқка таянмаган ҳиссий “тафаккур” асосидагина тұлаконли тушуниш мумкин деб хисоблайдилар. Улар бунда мантиқий-аналитик мушоҳадага қарши туриб, иррационал онгни етакчи санайдилар.

Модернизмга келиб инсонга бўлган муносабат ўзгарди, одамнинг мавжудликдаги мақоми кайтадан баҳоланди. Бошқача айтганда, санъаткорда инсоннинг оламдаги мақомини қайта баҳолаш эҳтиёжи туғилган нуктада модернизм вужудга келди.

Ўзбек адабиётида 80-йиллар сўнгига келиб модернизм йўналиши таъсириданаги аср сезиларли тарзда қўпая бошлади. Мафкура босимининг бир қадар пасайиши маданий хаётдаги жиҳдий ўзгаришларга туртки бўлди. Аввало, ижодкор кўнглидаги дардни айтишда нисбий эркинликни хис қиласди. Айни дамда, қарийб бир аср давомида одамларнинг бутун фикр-хаёлини банд этиб, эътиқод даражасига кўтарилиган коммунистик мафкурунинг асл киёфаси ошкор бўлади. Кудратли ва улкан “империя” емирилаётган пароканда давр санъаткор рухиятига, унинг ижодига жиҳдий таъсири ўтказди. “80-йиллар охири 90-йиллар бошларидаги вазият бизда модернизм адабиётининг, абсурд инсон образининг туғилиши учун замин тайёрлади”<sup>1</sup>. Ўзбек модернизмининг “кайнаган” вакти 90-йилларга тўғри келади. Бунга сабаби жодкорларни бирлаштирган бир хил кайфият ва шу кайфиятни таъминлаб турган “утиш даври” эди. Абдували Қутбиддиннинг “Тасаввур лаҳзалари” шеъри, Фахриёрнинг “Мучал ёши”, “Ёзик” каби достонлари, Баҳром Рўзимуҳаммад, Азиз Саиднинг бир туркум шеърлари, Омон Муҳтор, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонкул, Ахмад Аъзам ҳамда Улуғбек Ҳамдамнинг роман, кисса ва хикоялари айни шу даврнинг маҳсули эди.

Албатта, ўзбек ижодкорлари Farb модернизмiga хос фалсафий-ғоявий қарашларни айнан “кўчириб” олмади. Миллий анъана ва кадриятларга мос равишда уни қайта талқин қиласди. Бироқ талқинлар ҳар қанча кўп бўлмасин, мазкур йўналишнинг асоси – шахс эрки ва инсон қадри масаласи ўзбек модерн адабиётининг ҳам бош ғоясига айланди.

<sup>1</sup> Норматов У. Умидбахш тамойиллар // Шарқ юлдузи, 1993. – № 10–11. – Б. 182.

**Саъдулло ҚУРОНОВ** – филология фанлари бўйича фалсафа доктори. 1989 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Ифода ва ифодавийлик” номли адабий-танқидий мақолалар тўплами, “Элиз санъатлар” монографияси чоп этилган.

Омон Мухтор мустакилликнинг дастлабки йилларида биринчилардан булиб ижодий экспериментларга кўл урган, миллий роман тафаккурини модернистик услуг билан бойитган пешқадам ижодкорлардан саналади. Унинг 90-йилларда ёзилган “Минг бир киёфа”, “Кўзгу олдиаги одам”, “Тепаликдаги хароба”, “Аёллар мамлакати ва салтанати”, “Афлотун”, “Майдон” каби романлари бадиий юксаклик даражасидан қатъи назар ўзбек романчилигига янги даврни, ўзига хос йўналишни бошлаб беради. Мазкур романларда модернизм йўналишига хос талай ифода усуллари: замон ва маконнинг номутаносиблиги, реаллик ва хаёлот чегарасининг бузилиши, воқеаларнинг изчил даврийликдаги ривожи ҳамда қаҳрамонлар руҳий оламининг реалистик мантиқ асосида очиб берилмаслиги каби жиҳатлар кузатилади. Бу борада Дилмурод Куронов шундай ёзади: “Омон Мухтор ижодий изланишларида энг мақбул жиҳат шуки, унинг модерн адабиётига хос усул ва қарашларни ўзлаштиришида юксак даражадаги ижодийлик кузатилади. Хусусан, адаб миллий фольклор, диний ривоятлар ва Шарқ мумтоз адабиётига хос нореалистик усулларни асос килиб олади-да, уларни модерн усуллари билан бойитади, натижада улар миллий адабий заминнинг ўзидан ўсиб чиққандек, соғ миллий эстетик ҳодисадек таассурот қолдиради”<sup>2</sup>.

Албатта, Омон Мухтор ижодидаги бундай ўзига хосликка шунчаки ижодий эксперимент, янгилик килишга уриниш сифатида қарашиб нотўғри. Зотан бу янгиликлар аввало ижодий-рухий эҳтиёжнинг маҳсули эди. Ўзбек романчилигига ноанъанавий тамойилларнинг шаклланиши ҳакида ёзаркан, профессор Зулфия Пардаева муаммони шундай изоҳлайди: “...баҳор ҳавосига ўхшаш инсон табиатини тасвирлаш анъанавий романлар поэтикаси рамкасига сиғмайди, шу сабабдан ҳам ёзувчилар мураккаб қурилиши роман поэтикасига мурожаат этадилар”<sup>3</sup>. Дарҳакиат, 90-йиллар бошида рўйбеган ҳодислар: СССРнинг кулаши, коммунистик мағкуранинг саробга айланиши, иқтисодий кийинчиликлар, ўтиш даври депрессияси – буларнинг бари ижодкор руҳий-маънавий оламини пароканда килади. Унда даврни, инсоннинг борликдаги ўрни, мақсад ва вазифаларини қайта баҳолашга эҳтиёж туғдиради. Шундай экан, ижодкорнинг ноанъанавий тажрибаларидан мурод янги инсонни англаш эҳтиёжидан келиб чиқади.

Адабнинг “Минг бир киёфа” романи ядросида ҳам эрк ғояси туради. Ёзувчи сабиқ шўролар даврида ҳак-хуқуқи бўғилган инсоннинг руҳий-маънавий оламини чукур тафтиш этишга, тузум билан зиддиятга киришган шахснинг мураккаб муносабатларини тасвирлашга, мустабид сиёsat инсон руҳи ва онгидаги қолдирган жароҳатларнинг кейинги давр (тузум)да бўй берган асоратларини кўрсатишга, бир вактнинг ўзида ўтмиш ва бугунги кун қаҳрамонини бир шахс сиймосида яратишга уринади. Бошқача айтганда, модернизмнинг услубий имкониятлари муаллифга замон ва макон чегараларини бузиб, ижтимоий ҳаётнинг шундай бир киноявий моделини яратиш имконини берадики, ўқувчи бадиий вокеликда ҳам ўтмишни, ҳам “бугун”ни кўра бошлайди. Айтиш жоизки, бу романда модернистик услуг нафақат шахс ва жамиятнинг серқирига, мураккаб муносабатларининг бадиий талқинида, балки айтилаётган ғоя ва фикрнинг ўзига хос “қалкон”и ўрнида ҳам самарали қўлланилган.

Албатта, асарда тасвирларган воқеа-ҳодисалар унинг ўтмиш ҳакидаги роман эканидан далолат бериб туради. Бироқ ёзувчининг мазкур роман асосида яратган инсон концепциясидан келиб чиқсан, асар муаллиф яшаб турган замонга ҳам тааллукли экани аён бўлади. Гап шундаки, ижодкорнинг инсон концепцияси реал вактдан ортда ҳам бўла олмайди. У асар ёзилган замон ва макон

<sup>2</sup> Куронов Д. Адабиёт надир – Т.: Зарқалам, 2006. Б.120.

<sup>3</sup> Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2003. Б.124.

маҳсали. Шундай экан, ёзувчи хоҳ үтмишни, хоҳ келажакни тасвирласин, алалоқибат үзи ва замондошларининг мавжуд ҳолатини баҳолайди.

Мазкур қарааш табиий равишда бошқа катор саволларни туғдиради: Омон Мухтор нима сабабдан үз замонида туриб үтмиш воқеаларини қаламга олди? Ёзувчидаги үтмишда колган тузум, шахс ва жамият муносабатларини тафтиш қилиш эҳтиёжи нега пайдо бўлди? Нима учун бевосита үз замонига юзланмади?

Ўртага ташланган саволларга жавобни аввало бадиий асар табиатидан қидириш мақсадга мувофиқ. Чунки давр яшаб үтилганидан кейингина чинакам эстетик обьектга айланади. Киши үзи яшаб үтган замонга турли ракурслардан бокиши, бошидан кечирганларини объектив баҳолаши мумкин. Демак, үтган замондаги замиятнинг бадиий моделини яратиш ҳам нисбатан осон кечади. Бундан ташкари, мустақилликнинг дастлабки ўн йилида ижодкорнинг собиқ мустабид тузум ҳақида ёзиши, үтган даврни үз замонаси билан киёслашга уриниши шунчаки истак эмас, балки эҳтиёй-рухий эҳтиёж эди. Негаки, 90-йиллар бошидаги иктиносидий-ижтиёмий ғийинчиликлар, ўтиш даври депрессияси ижодкор (умуман зиёли)да қарийб бир аср үтилган истиқлолга нисбатан шубҳа, ишончсизикни туғдириши табиий эди. Шундай замон, ижодкор аввало үзини ва орзуланган эркинликнинг моҳиятини англашга уринади. Мустабид тузумнинг асл фожиаси ва асоратлари ҳақида мулоҳаза юритади, хуросалар чиқаради. Бу хуросалари билан кенг ўқувчи оммасига таъсир үтказишни, шарни тушкунликдан чиқаришни мақсад қиласа-да, аслида ёзганлари аввало унинг үзи учун таскин, саволлари учун жавоб вазифасини үтайди.

Үтмиш ҳақида ёзишининг яна бир жиҳати шуки, бу жараён ижодкорга яшаб үтган аври ва яшайтган даврини үзаро таққослаш имконини беради. Гүёки үтмиш ҳақида ёшайтган ижодкор бугун айта олмайдиган ёки айтишга йўл кўйилмайдиган гапларни “ёзиш” имконига эришади. Зийрак ўқувчи учун бир-икки ишора ва аломатлар бериб, үтмиш манзаралари билан бугунни тасвирлаши ҳам мумкин бўлади. Мухтасар либайтганда, инсон концепциясини үтмиш колоритида яратишнинг қатор ғизаликлари, кенг ифодавий имкониятлари мавжуд.

Омон Мухторнинг “Минг бир қиёфа” романи уч қисм: “Тўрт манзара”, “Олисдаги зам”, “Афандининг болалиги” каби нисбий мустақиллика эга ҳикоятлардан шакил топган. Ёзувчи инсон концепцияси марказида шахснинг руҳий-маънавий, эҳтиёй эркинлиги муаммоси туради. Зотан эркинликнинг ҳар қандай шакли ғилган жамиятда киши меҳнати ва қобилиятига яраша қадр топмайди (Абдулла Ҳаким, Бурҳон Шариф), ўзлигини йўқотади (Гулхумор), ёлғонлар қобигида яшайди (Насрилдин Афанди) зулмкорлик, адолатсизлик, тилёғламалик урчиди (Раҳим II, ғулом сартарош). Энг ачинарлиси, бундай жамиятда инсон үз қиёфаси билан эмас, балки минг бир қиёфага кириб буқаламун сингари ҳаёт кечиришга маҳкум.

Муаллиф асарнинг үзига хос композицияси ҳақида “Асаддаги ҳикоятларда, асосан, ҳар хил одамлар учраганидан, кимгадир улар бир-бирига деярли боғлиқ эмасдек туғлиши мумкин. Аммо зийрак ўқувчи, нега уч ҳикоят яхлит асар деб аталгани, маъно ва мазмун нимадан иборат эканлигини үзи илғаб олади, деб ўйлайман”<sup>4</sup> деб ҳазари. Чиндан ҳам бир қараашда тарқоқ, үзаро алоқаси йўқдек кўринувчи мазкур ҳикоятларни романдаги марказий қаҳрамон Абдулла Ҳаким образи ва унинг ижоди бирлаштириб туради. Шундай экан, ёзувчининг инсон концепциясини англаш учун биринчи ҳикоят қаҳрамони Абдулла Ҳакимнинг мураккаб тақдирини чукурроқ сизил этишга зарурат бор.

Абдулла Ҳаким турмушда ҳам, ижодда ҳам омади чопмаган соддадил, камсукум инсон. У бирорга ёлғон гапира олмайди, бирорга озор бермайди, кези келса, бирорнинг манфаатини үз манфаатидан устун кўяди. Айни шу хислатлари унинг бошига етди – эн Бурҳон Шариф деб ўйлаган жиноятчилар томонидан қатл қилинди. Абдулла

\* Омон Мухтор. Минг бир қиёфа. – Т.: Шарқ, 1994. – Б.3.

эса дўстининг жонини ўйлаб уни сотмади, ўлимга рози бўлди. Роман воқеалари Абдулла Ҳакимнинг ана шундай фожиавий ўлими билан бошланади. Бундан сўнг асарда унинг руҳи ва шеърлари “яшайди”, холос.

Абдулла Ҳакимнинг ўлдирилиши билан боғлик воқелик рамзий характерга эга. Умуман, унинг каллакесарлар манзилига шофёrsиз афтобусда бориб қолиши, унинг Бурхон Шарифга қуйиб қўйгандек ўхшаш, бу ўхшашликни дўсту биродарлари тугул хатто Бурхоннинг хотини Ҳалима ҳам фарқлай олмаслиги каби ҳолатларга бирор рационал изоҳ йўқ. Сабаби буларнинг бари рамздир.

Абдулла Ҳаким ўлимга қадар ўз танасининг тутқуни бўлган. Бизнингча, бобнинг “Тутқун” деб номланиши ҳам шу билан боғлик. Руҳи тутқун бўлган чоғларда қаҳрамон ўзлигига, шу ўзликни ўраб турган воқеликка юкоридан карай олмас, мавжудлигини тўлақонли баҳолай олмасди. Ёзувчининг бу мақсади кўпроқ қиёмат кунида Абдулланинг фаришталар томонидан сўрока тутилган маҳали аён бўлади: “Сен ётиб-туриш, еб-ичиб, кийинишдан бўлак нарсани ўйламасдинг! Сен оқимга тушган хас эдинг, оқим қаёққа олиб борса, кетаверардинг. Умрингда маъно-мақсад йўқ эди” дейди фаришталар. Бу билан ёзувчи шўро сиёсати одамларни манқурт қилганини айтмоқчи бўлади. Яна фаришталар унга ўзлигини англашга уриниб кўрмагани, Худога эътиқод қилиш, фақат унга суюниш ўрнига одамдан бўлган раҳбарларга Худодан кўра кўпроқ ишонганини айтиб таъна қилишади. Мазкур ҳолатга ёзувчи “Бу – аслида, Абдулла билан бирга, унинг атрофидаги барча одамлар, замондошларининг ҳам гуноҳи эди. Бироқ, шоир бўлганидан, бу гуноҳ, афтидан, унга юкланган эди!” дей изоҳлайди. Кўринадики, адид Абдулла Ҳаким сиймосида факат гуноҳкор шоирни эмас, балки манқурт жамият тимсолини яратишга уринган.

Абдулла Ҳаким факат озод руҳ билангина ҳаёти давомида қилган хатоларини, жамиятдаги муаммоларнинг туб илдизларини кўра олади. Бу билан адид ўзликни англаш учун шахс руҳи эркин бўлиши керак деган ғояни илгари суради ва собик мустабид даврида инсон руҳи тузумнинг “тутқун”и бўлган ва бу ўзликнинг пароканда бўлишига олиб келганига ишора қилади. Шу маънода адабиётшунос Зулфия Пардаева ҳам Абдулла Ҳаким сиймосида “парадоксал тузум воқелигида синаётган инсон шахси”<sup>5</sup> намоён бўлишини айтади.

Адабиётшунослар Абдулла Ҳаким образи воситасида социалистик жамият ижодкорни “ортиқча одам”га айлантириб, унинг ўз миссияларини бажаришига йўл очмаганлиги ўзликни англаш ўйлидаги катта тўсик бўлгани ҳакида мулоҳаза юритадилар. Бундан ташкари, Абдулла Ҳаким адабининг илохий тартиботга солинган инсон тақдири ҳакидаги қарашларини ёритишда мухим воситага айланади. Алоҳида қайт этиш лозимки, мазкур қаҳрамон Омон Мухторнинг инсон концепцияси абсурд фаслафасига зид эканини ҳам тасдиклайди. Зоро, Абдулла Ҳакимнинг руҳи танидан чиқиб ҳам азоб уқубатдан кутула олмаган, дўзахда минг турли қийноқларга солинган бўлса-да, кейинчалик гуноҳларидан покланиб жаннатга дохил бўлади.

Романнинг “Тўрт манзара” номли биринчи фасли асосан ёзувчининг инсон ва унинг мавжудликдаги мақоми ҳақидаги фалсафий қарашларидан иборат бўлса, “Олисдаги одам” фаслида муаллиф эътиборни бевосита тузум шакллантирган характерларга қаратади.

“Олисдаги одам” фаслида асосий воқеалар тўккиз қаватли кошона – “Тарих ва маданият” ташкилотида содир бўлади. Бу ташкилот “Тарих ва маданиятни гуллатиши шиори остида қадимий обидалар – масжид ва мадрасаларни бузиш, минг йиллик кўркам ховузларни кўмиб ташлаш, қабристонларни топташ, ота-боболардан колган эски китобларни ёкиш билан шуғулланарди”. “Тарих ва маданият” ташкилоти умуман тузумнинг рамзи бўлса, ундаги марказий қаҳрамон – Гулхумор эса азал чашмасидан

<sup>5</sup> Пардаева З. Ҳозирги ўзбек романчилигининг тараққиёт тамойиллари: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2003. Б.129.

сув ичиб қалби покланган шахс рамзи. Бирок Гулхумор “Тарих ва маданият” ташкилотига ишга кириши билан унинг руҳи миллий заминдан, “қалб шифокори” Садиржондан ихоталанди. Ташкилотнинг иш тутуми, одамларининг феъл-атвори секин-аста Гулхуморга ҳам таъсир эта бошлади, натижада қаҳрамон бир қиёфадан бошқа қиёфага эврилади. Тадқиқотчи Н.Азизов буни шундай изоҳлайди: “Абдулла Ҳаким тақдир синовига қўниб, онгли равишда ўзлигини, асл қиёфасини йўқотса, Гулхумор ўзи англамай, аммо ички хоҳиш туфайли қиёфасизликка юз тутади”<sup>6</sup>. Ёзувчининг ўзи эса танқидчи Аҳмад Отабой билан сұхбатда шўро мағкурасининг инсон тафаккурига таъсири ҳакида сўзларкан воқеликка “Инсон ва унинг дунёвий тафаккури, дунёни кўрган кўзлари боғланди-да, у факат тор доирада, ўзи яшаб турган муҳит ичиди, кобигида қолди” дея таъриф беради. Романдаги тўқиз каватли кошона Гулхумор тақдирда ана шундай “қобиг” ролини бажаради.

Мана шу “қобиг” ичиди пишиб етилган ташкилот раҳбари Кабиров фикрларига ётибор қаратинг: “...менга шаҳардаги мана шу бутун масжид-мадрасалар бузилгани ёқади, деб уйлайсизми?! <...> Илож йўқ, билдийизми?! Бизга шундай кўрсатма берилган... Биздан юкорида катта-катта корчалонлар, девдай одамлар бор. <...> Улар ҳалқ ўзининг тарихини, маданиятини билмасин, бунинг устига, шароитдан кийналиб, кўз очишга имкон топмасин, деб ҳалқни қулликда саклаш учун шундай килишади!” Кўринадики, Кабиров барини тушунади. У шунчаки ниқоб билан, бошқа қиёфа билан яшайди. Кўрккани учун, нафсига қул бўлгани учун. Адид “минг бир қиёфа” деганда айни шу ҳолни, жамиятда тусланиб яшаётган, шунга маҳкум этилган одамларни назарда тутади.

Гулхумор ҳам худди Абдулла Ҳаким каби давр курбони. Фақат Абдулла ижодий эркинлиги бўғилгани, шахс сифатида намоён бўла олмагани учун ҳалок бўлган бўлса, Гулхумор миллий кадриятларни, ўзлигини топтагани учун манқуртга айланди. Романнинг учинчи – “Афандининг болалиги” фаслида эса биз қаҳрамоннинг ёлғонлар курбонига айланганига гувоҳ бўламиз.

Номаълум замондаги номаълум давлатда Раҳим II отли подшоҳ ҳукмронлик килади. Раҳим иккинчининг зулмкорлиги ва нодонлиги чеку чегарасиз. У таҳтга ўтиаркан олдига икки муҳим масалани қўяди:

1. Култепа ва бутун музофотдаги одамлар, ёш-қари, ҳамма баҳтли бўлиши керак.
2. Олижаноб бу мақсад йўлида кимки бизга қарши турса, унга шафқатсиз муносабатда бўлиш, дорга осиш ёки шартта бошини танасидан жудо қилиш керак”. Подшоҳнинг ғояси бир қарашда мантиқли кўриниши ҳам мумкин. Зоро, у одамларни баҳтли килиш учун қайфуряпти. Бирок мулоҳаза қилинса, икки бандли ғоя ўта парадоксал. Яъни жамиятда ҳамманинг тенг баҳтли бўлиши имконсиз бўлгани каби, ҳамманинг тенг бир ғояни маъқуллаши ҳам мумкин эмас. Алалоқибат бу ғоя (иккинчи бандга кўра) минглаб одамларнинг кулини кўкка совуради. Раҳим иккинчининг бу ташаббуси моҳиятан коммунистик мағкуранинг айни ўзи эди. Зотан коммунизмни куриш йўлида ҳам миллионлаб бошқача ўйлайдиган одамлар катагон килинди.

Шундай қилиб Раҳим иккинчи “Ким оғзини очса, осамиз ёки сўйиб ташлаймиз! Бундан бўёғи қандай яшаш, нима қилишни ҳамма одамлар учун мен ўзим ўйлайман!” деб сиёsat юритди. Оғзини очган-очмаган<sup>6</sup> минглаб зиёлиларни қатл килди. Унинг зулми, адолатсизлигидан ҳалқ нафратлана бошлади. Шунда у Фулом сартарош деган уддабурон лоғчининг гапига кириб юзига “ниқоб” кияди. Фулом эса ўз тадбирини “Мен сиз хақингизда афсона-латифалар тўкиб юраман. Менга етиб келган ҳар қандай воқеага янгича тўн бичаман. Кейин, одамлар мана шу тўнни кийиб кетаверишади. Номингиз элда достон бўлади, шоҳим”, деб тушунтиради. Шу

<sup>6</sup> Азизов Н. Ижодкор шахс образи ва бадиий ният ижроси // Илмий хабарнома, АДУ, №1 2019 й. Б.88.

тарика Раҳим иккинчининг ёлғонга таянган сиёсати бошланди. Олис музофотда яшовчи ёш Афанди ҳам ана Ғулом сартарош бичган “түн”ни кийиб юргувчилардан эди. “Раҳим иккинчининг юрт сўрашида – ёзади Дилмурод Қурунов – шўро хукумати етмиш йил юритган сиёсатда ишораларни, сартарош Ғуломжон қўллаган тадбирда эса мағкурачиларнинг иш усули ва шаклларини кўрган”. Бу шундай ёлғонки, киши жамиятда ўз кўзи билан кўриб турган воқеликка эмас, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ёлғонларга ишонади. Ҳаётий мақсадлари, ўзлигини шу ёлғон билан боғлаб тасаввур килади. Гўё куч ишлатмай, кон тўкмай одамларни аср олиш, ёлғон сиёсатнинг қулига айлантириш методи. Шунчаки, бу ёлғонлар тизимли, мақсадли бўлса кифоя. Занжир реакциясини жамият аҳлининг ўзи давом эттиради. Яъни, уларнинг ўзлари ёлғонни “реаллаштира” бошлайди. Адолатсиз шохни билиб турса-да адолатли дея олкишлайди, оч-нахор бўлса-да фаровон жамият ҳакида кўшик куйлади... Омон Мухтор айни шу иллатнинг асл моҳиятини, одамлар руҳи ва онгидаги манзараларини очиб беришга интилади. Буни биз бола Афанди дунёқарашининг тадрижий кенгайишида ҳам яққол кўрамиз.

Афанди Ғулом сартарошни илк бор учраттганда унинг шоҳ ҳакидаги хикояларига маҳлиё бўлиб қолади: “Насрилдин ўй-хаёлини ўғирлаб, қони-жонига чирмовуқдай ўралиб олган афсона-латифаларга берилиб қолганидан, Ғуломжондан ҳам қўпроқ ўзи ҳеч қачон кўрмаган, кандайлигини тасаввур ҳам қилолмаган шоҳга мафтун-маҳлиё эди”. Кейинчалик ўзи ҳам сартарошдан эшиттганларини эл-улусга ёйиш билан, базан ўзи ҳам янги ҳикоялар тўкиш билан банд бўлди. Кун келиб у пойтахт – Қултепага боришини, шохни ўз кўзи билан кўришга аҳд килади. Йўлда элнинг ҳакиқий яшаш шароити билан танишади. Нураб ётган пастқам лойсувок уйларни, ранги “чоллардан баттар зарҳил” болаларни, “ўттизга кирмай кампир бўлган жувонлар”ни, сахардан ярим кечгача “лой кечиб юрган эркаклар”ни кўриб хulosалари ўзгара бошлайди. Вазиятни танқидий баҳолай бошлайди. Айни шу нуқтада романнинг бутун мазмун-моҳиятини камраб олган муаллиф нутқи – асарнинг кульминацияси содир бўлади:

“Азалдан сенинг қисматинг шумиди, ҳалқ?! Кимлар, бошман, деб сенинг бошингга чикмади! Жиловни қўлига олган борки, сени сўяди, осади, ўлдириш пайига тушади! Зиндонга ташлайди! Бу етмаса, сени кийимсиз, оч қолдиради! Йўлларда тентираб, сарсон-саргардан бўлишга мажбур килади!.. Хукмдордан кутулдим, деганингда минг хил тўралар, бекларга тутиласан. Пулдорлар, корчалонлар сени талайди. Булардан ҳам кутулганингда, безорилар, ўғриларга йўлиқасан. Сени булар ҳам уради, тунайди!.. Ҳаммаси сендан қўркиш, оқиз-нотавон, қул булиб яашни талаб килади! <...> Сен ҳамон ишонасан, бечора ҳалқ! Эртанги кунга умидланасан! Одил шоҳ излайсан. Бирон виждонли ҳакам бордир-ку, дейсан!”

Юқорида ҳам айтганимиздек, бадиий асарда шаклланган инсон концепцияси муаллиф яшаган замон маҳсулидир. Шундай экан, Омон Мухтор бадиий концепциясини фақат ўтмиш билан боғлаб талқин килиш хато. Ёзувчи ўз замондошларининг қуллик, мутелик, манкуртлик исканжасидан ҳамон чиқа олмаётганидан, мустабид тузум қолдирган жароҳатлар асорати ҳали-ҳамон “оғриқ” бераётганидан кайгуради. Ўтмиш манзараларини тасвирлаш орқали аслида бугуннинг кишиисига хитоб қилади, ишора ва белгилар беради.

Омон Мухтор ўзининг “Минг бир киёфа” романидаги Фарб модернизмiga хос ифода шаклларини қўллаган бўлса-да, инсон концепциясини яратища Шарқнинг азалий ҳаёт фалсафасидан узилиб кетмайди. Буни биз Абдулла Ҳакимнинг дўзахда абадий қолиб кетмагани, гуноҳлардан покланиб жаннатга киритилганида кўришимиз мумкин. Бу ҳол модернизмнинг асоси бўлган абсурд фалсафасини инкор қилишини юкорироқда ҳам таъкидладик. Негаки Шарқ кишииси фоний дунёда абсурдни кўриши мумкин эса-да, бокий дунёда Адолат ва Ҳақиқат мавжуд эканига имон келтириб яшайди.



**Лутф ила күнглимини ол,  
дилрабо, бир қайрилиб**

**Баҳодир ҚұЧҚОР**

\* \* \*

Гул юзинг очти санам, гулшанда гуллар яйрасин,  
Бир күриб хусну жамолинг ошик диллар яйрасин.

Токи чашминг бодасин исса агар гулғунчалар,  
Ғүнчай лаъли лаб аро қанду боллар яйрасин.

Гул ёноғинг узраким, ул каро холинг, ажаб,  
Үйнатарап күзларни бехос, дона холлар яйрасин.

Ҳар нафас олсанг түйиб, гул жамоли барқ урап,  
Ул нафас тафтига хуррам, гул ниҳоллар яйрасин.

Ғүнча гул шайдосидир, боғ аро шүх андалиб,  
Гул каби гулгүл ёниб, чехраи оллар яйрасин.

Диллашиб юрсақ, Баҳодир, Лайлию Мажнун бўлиб,  
Ишқимиздан не ажаб, саҳрои чўллар яйрасин.

\* \* \*

Дилға ўт солди кулиб, маҳвашо бир қайрилиб,  
Жилваси олди хушим, дилкушо бир қайрилиб.

Ой, қуёш янглиғ кулиб, ёғдуларинг таратиб,  
Қалбима келгин олиб, нурӯ шуо бир қайрилиб.

---

**Баҳодир ҚҰЧҚОР** – 1949 йилда туғилган. Наманган давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тугатган. Ижодкорнинг “Шабнам”, “Дилдан келар бир нидо”, “Онам кўксисда оламни туйдим” шеърий тўпламлари ва “Кўнгил довони” номли ғевони нашр этилган.

Ишваю нозинг ила нимтабассум айлабон,  
Лутф ила кўнглимни ол, дилрабо, бир қайрилиб.

Ҳар нигоҳи хийлаю сехрига дил бандадур,  
Бир қиё боксанг магар, хурлико, бир қайрилиб.

Ҳар нафас олмак анинг хохиши, ҳукмидадур,  
Хушхиром айлаб келар, дилдора бир қайрилиб.

Эй Баҳодир, ўксима, қалбинг эшигин оч мудом,  
Ул малак айтар сенга, ҳамду сано бир қайрилиб.



Эломон ТОЖИЕВ

## Қумга сингиб кетди товушинг

### Хатолар

Ёш эканмиз, юрдик билмасдан,  
Елкамизни эзди кўп юклар.  
Хатолардан огоҳ қилмасдан,  
Ўтиб кетди қанча буюклар.

Болам, ёшсан имкон қулингда,  
Кетолмайман ичимга ютиб.  
Хушёр бўлиб юргин йўлингда,  
Хатоларим турибди кутиб.

### Севишга ошиқма

Севишга ошиқма ҳозир куз фасли  
Ҳар бир яхши ният вақт билан кўркам.

---

Эломон ТОЖИЕВ – 1957 йилда тугилган. Фарғона Политехника институтининг нефтгаз факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Онажон” шеърий тўплами чоп этилган.

Туйғулар шу пайтда хотиржам асли  
Мұхаббат фаслини хурмат қил, әркам.

Шириң орзуларга бурканиб олиб  
Хаёллар киш бүйі яйраб туш күрар.  
Янги тонг қалбингга илиқлик солиб  
Боғларинг баҳорни олқишлиб турар.

Табиатнинг ўзи бетакрор адаб  
Бусиз гүзал олам яшнай олмайды.  
Орзулар ниш урган мұхаббат атаб  
Энди туйғуларинг пинқон қолмайды.

### Тақдир экан

Садо эдинг жарангдор мағрур,  
Атрофингда тоғлар бор эди.  
Юрагингни ёқарди ғурур,  
Бахту омад сенга ёр эди.

Энди сени қийнар муаммо,  
Тақдир экан, саҳро – оғушинг.  
Садоман деб, уриндинг аммо  
Кумга сингиб кетди товушинг.

## Хеч үчмасин күнглинг чироги



Бахтиёр ТЕМУР

### Китоб йўқ жойларда

Китоб кўтариб эл, юртни кўп кездим,  
Таъзим – баҳрамадга Улуғ Китобдан.  
Вале, иттифоқо, кўрдим ва сездим  
Юз бурган касларни Буюк Офтобдан.

**Бахтиёр ТЕМУР** – 1962 йилда туғилган. Самарқанд давлат университети амалий математика факультетини тамомлаган. Унинг “Ҳуррият”, “Дунё келур”, “Тоза ҳаволарим” номли тўпламлари чоп этилган.

Айтсам ишонмассиз, күп экан хатто,  
Битта ҳам китоб ўқимаган “нор”.  
Эзгу хикматлардан ҳоли ва йирок  
Қасру кошоналар қатору қатор...

Китоб йўқ жойларда кафтигни очиб,  
Толею тақдиринг кўрганлар қанча.  
Ўзгалар сатрини куйлаб, пул сочиб,  
Давру даврон суриб юрганлар қанча.

Китоб йўқ жойларда чўлланар воҳа,  
Айланиб боради боғлар саҳрога.  
Китоб йўқ жойларда улғаяр қуллар,  
Кумга кўмилади қадимий йўллар.

Китоб йўқ жойларда урчир разолат,  
Жаҳолат, хиёнат, фийбат, хурофот.  
Китоб йўқ жойларда оқил сўзи хор,  
Комига тортади талафот, офат.

Китоб йўқ жойларда оломон, тӯда,  
Чанг солур бир-бирин бошин емакка.  
Китоб йўқ жойларда адолат гўрда,  
Малъунлар эл ризкин қиласи “сокқа”.

Китоб йўқ жойларда унут даҳолар,  
Йўлсизлик кутади ҳар жонни ҳар он.  
Китоб йўқ жойларда максад йўқолар,  
Неклик, орзу-умид кулмас хеч қачон.

Дўстим, сенга китоб ола келдим мен,  
Унда хислар қийғос, туйғулар гулгун.  
Ўқисанг, ҳаётинг беҳиштларга тенг,  
Ўқсанг, йўлинг равон, толеинг дуркун.

### Нарзий ғазалига мухаммас

Тайинли бўл, тики сени замон сўроқлар,  
Мехри факат тилда каслар бийрон сўроқлар,  
Мехр кўрса сендан ҳатто жайрон сўроқлар,  
Самоларда юлдузларни осмон сўроқлар.  
Чин инсонга кўнгул кўйиб инсон сўроқлар.

Ёнингда оворасан излаб фалакдан,  
Улар бисёр то даст узун, куч бор билакда,  
Вафо дерсан хар дуода, хар бир тилакда,  
Орзу-истак туғулади ерда, юракда,  
Чўққиларда баҳтин излаб довон сўроклар.

Майли, еллар наво туғса отинг ёлида,  
Майли вужуд қақраб катрон бу ишқ чўлида,  
Умр дарахтинг яшнар фақат чин ёр қўлида,  
Юрак ёнгил бир умрга вафо йўлида,  
Ошиқ ахли ўз ишкини пинҳон сўроклар.

Асл дўст-ёр ҳаётингга кут-маъно қўшар,  
Колма улар даврасидан, шодланиб яша,  
Сўрокласа қадамига жонингни тўша,  
Дўст қадрига дўст етади жон дўстинг ўша,  
Бу оламда мол дунёнингни нодон сўроклар.

Покланмокка вужуд етар зилол бир кўза,  
Кору ният тўғри бўлса ўзинг хокизар,  
Инсонликда диёнати бутун жон ўзар,  
Инсон қадри номусидай бўлсин покиза,  
Беномуслар ўз нархини арzon сўроклар.

Бу оламда энг ёмони қондош нифоги,  
Ҳеч ошёнда куримасин ҳикмат булоги,  
Тилагим шу, ҳеч ўчмасин кўнглинг чироғи,  
Бу оламда фарзанд дерлар кўзлар кароғи,  
Фарзандларнинг камолини замон сўроклар.

Тўғри бўлгин гарчинигун, гарчи пиёда,  
Адашмагин олислардан келган зиёдан,  
Бақо топган борми кутиб шафериёдан,  
Гар ҳаётсан армон билан ўтма дунёдан,  
Армон билан ўтсанг бир кун армон сўроқлар.

Юз минг сароб чорласа-да айлаб карашма,  
Умринг бўйи интилганинг Ҳак отли чашма,  
Бахтиёр, тоғ ўйларингда, бироқ сен шошма,  
Нарзий, тутгил одил йўлни, йўлдан адашма,  
Билки, дунё сарҳисоблик виждан сўроқлар.



Гулчехра  
ШАХОБИДДИН қизи

## Қалбимда чирсиллар олов

### Жоним Ватан

Қалкон бўлай, корингга бир яроғ бўлай,  
Қош-кўзимда асрагувчи қароғ бўлай,  
Курбон бўлай, тунингда ёқ, чироғ бўлай,  
Жоним – Ватан, шоним – Ватан, борим – Ватан!

Сенга шараф-шонлар бўлсин, шаънинг буюқ,  
Ялпизингдан андизгача бунча суюқ!  
Толейингни асраромоқлик зиммамда юқ,  
Жоним – Ватан, шоним – Ватан, борим – Ватан!

Табарруксан, саждагоҳим, сен паноҳим,  
Ҳумо қушим, баҳту таҳтим, суянҷ тօғим,  
Бекиёсим, бебаҳойим, жаннат боғим,  
Жоним – Ватан, шоним – Ватан, борим – Ватан!

Сен Отамсан қўлларимдан тутиб турган,  
Сен Онамсан йўлимга кўз тикиб турган,  
Сен толесан, менга баҳтлар битиб турган,  
Жоним – Ватан, шоним – Ватан, борим – Ватан!

### Қақнус қўшиғи

Исмим – Гулчехрадур,  
чехрам мисли гул,  
Кўнглим атиргулдир, аслим – оби гил,  
Қалбим тўла туғён, асло сўнмас ул,  
Ғамнинг либосларин ечганман буткул.

Гулчехра ШАХОБИДДИН қизи – 1964 йилда тугилган. Жиззах давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Соғинч”, “Янги ой чиққан кечা”, “Дилда дардинг бўлмаса”, “Қалдирғочим”, “Жон ичра жондир Ватан”, “Садарайхон ифори”, “Онажон, кечир”, “Баҳт ҳумори” шеърий түпламлари чоп этилган.

Қакнус күш мэндирман, ёнаман лов-лов,  
Кул қолмас қалбимда чирсиллар олов.  
Ғанимлар сұз билан жонимга қалов  
Топдилар, чопдилар, үлмадим мен-дов.

Үтларга отдилар, сувга отдилар,  
Яна яшайвердим қайта ва қайта.  
Күнглимга ботдилар, бориб сотдилар,  
Кулдан чиқавердим қүшиғим айта.

Нолалар боиси – юрақдаги ишк,  
У қақнус нидоси, мунгли бир қүшиқ.  
Ёнсамда, куйсамда кул бўлмам асло,  
Мен ишкни куйлаган ошикман, ошик!



Сардор СИРОЖИДДИН

## Сизсиз кўклам келди, отажон

### Отамсиз келган баҳор

Сизсиз кўклам келди, отажон,  
Сизсиз кайтди баҳорлар ғариб.  
Қалдирғочлар айвонингизда  
Чуғурлашар сизни ахтариб.

Арғимчоқлар солишиб кўкка,  
Қайтиб келди яна турналар.  
Улар сафи бутмикан, ота  
Айрилиқдан бағрим тирналар.

**Сардор СИРОЖИДДИН** – 1988 йилда туғилган. Андижон давлат университетининг биология факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг "Сентябрь", "Қадам" номли шеърий, "Мустақиллик қалбларда янграган күй" номли публицистик китоблари чоп этилган.

Күм-күк либос кийди барчаси,  
Сизсиз чорбоғ тутмоқда мотам.  
Афсус, қайтар ҳар йил баҳорлар,  
Лек қайтмаскан ғанимат одам.  
Сизсиз қўклам келди, отажон...

\* \* \*

Бунча қаттиқ муҳаббат қаҳри,  
Яна шеърга бормайди қўлим.  
Хаёлларим яна тарқалар,  
Бизга азоб керакми, гулим.!?

Бўғзимга тикилар,  
овозисиз бир дард,  
Наҳот бир нуктада тулашмас тақдир.  
Наҳот баҳт деганим – айрилиқ,  
Наҳот ишқ деганим – гуноҳи кабир.

Бунча қаттиқ муҳаббат қаҳри,  
Яна шеърга бормайди қўлим...



## Бахт бўлиб суйғандик

Садоқат ҚУРБОНОВА

Кутгин

Кутгин, борадирман бир кун қошингга,  
Қалбимдаги ўтни ўчирмок учун.  
Ва кафтингда бир уй этаман бунёд,  
Орзу, умидларим кўчирмок учун.

*Садоқат ҚУРБОНОВА – 1992 йилда туғилган. Термиз давлат университетининг туртингич босқич талабаси. Ижодкорнинг “Хаёт қадри”, “Куйлаётган юрак” шеърий тўпламлари чоп этилган.*

Бесадо бораман қошингга изсиз,  
Хадсиз ҳасратларим айтиб бергани,  
Качондир күзингнинг мунис ишқини,  
Бир тутам гулдайин қайтиб бергани.

Үша кун келаман қаршингга мутлақ,  
Ёнган танам узра музлар босгани,  
Бизни аврагану, алдаган йўл ва  
Аламли дунёни дорга осгани.

Ишон, келсам магар ҳайратда қолма,  
Мовий булатларни олиб боролсам,  
Кўрасан хижрондан яралган дилни,  
Ёмғир томчисига солиб боролсам.

Шаксиз борадирман, кута олсанг бас,  
Тунларим узундир, кундузим маҳзун.  
Сачраб кетсам агар, йигиб ол фактат,  
Сенга аталгани руҳимда хузун...


### Афсус

Олисдан олисдир дил истар манзил,  
Хаёл, хотиротлар ёлғиз нажотим.  
Ишкқа белаганди бутун боримни,  
Айрилик доғида ёнар хаётим.

Боғ кезсам, боғларнинг файзи йўқдайин,  
Мунғайиб тургандай булбуллар унсиз.  
Хушҳаво манзиллар чорлаб турса ҳам  
Олға одимламас қадамлар усиз.

Менинг юрагимни ғамга тўлдириб,  
Ўзи-чи, баҳтлардан ёниб юргандир!?.  
Қалбида минг бир ўй, табассум билан,  
Зухрога термилиб қараб тургандир!?.

Баҳт бўлиб суйгандик, ёнгандик ўтдай,  
Афсус, у дамларни асраб қолмадик.  
Ҳайҳот, зорланмасин юрак энтикиб,  
Ўшал шод дамларга қайтаолмадик.



Лев ТОЛСТОЙ

## ИККИ ҚАРИЯ

Ҳикоя



*Юханно, IV, 19.* – Ҳазрат, кўриб турибманки, Сен пайгамбарсан, деди аёл. 20. – Ота-боболаримиз бу тоғда топиндилар. Аммо сизлар топинадиган ер Куддусда, дейсизлар.

21. Исо унга айтди:

– Менга ишонгин, шундай вақт келадики, шунда Отага на бу тоғда, на Қуддусда топинасизлар. 22. Сизлар нимага топинишни билмайсизлар, бизлар эса, нимага топинишни биламиз. Чунки нажот яхудийлардандир. 23. Бироқ вақти-соати билан ҳакикий топинувчилар Отага Рух ва ҳакикат билан топинадилар, ана ўша вақт-соат келди! Ота шу йўсинда Ўзига топинувчиларни излайди.

### I

Икки қария кўхна Куддусга бориб, Худога сифинишни ният қилишди. Бири бой дехқон, уни Ефим Тарасич Шевелев дейишарди. Иккинчиси эса, ўртаҳол киши Елисей Бодров эди.

Ефим оғир-вазмин, ароқ ичмайди, тамаки чекмайди, ҳатто ҳидлаб кўрмаган, гапнинг дангалини айтганда, умрида ҳақоратли сўзни тилга олиб сўкинмаган, боз устига қатъиятли, қаттиққўл киши. Қишлоқда икки муддат оксоқолликни ўтади, ҳалол-тоза ишлади. Оиласи катта: икки ўғли, уйланган набираси бор – ҳаммалари бирга яшайди. У табиатан соғлом, серсоқол ва тўғрисуз чол, етмишни қоралаб колган бўлса-да, соколига эндиғина оқ оралаётпи. Елисей эса, на бой, на камбағал, дастлаб дурадгорлик билан андармон бўлди, энди картайганда хонанишин бўлиб қолди, асалари бокади. Битта ўғли овга чиқади, бошқаси – уйда. Елисей кўнгли очиқ, хушчақчак киши. Ароқ ичади, тамаки чекади, кўшик айтишни яхши кўради, аммо ўзи мўмин-қобил, уйидагилар билан ҳам, кўни-кўшниси билан ҳам тинч-тотув

**Лев Николаевич ТОЛСТОЙ** – (1828–1910). Рус адаби. Қозон университетини тамомлаган. Унинг “Уруш ва тинчлик” эпопеяси, “Анна Каренина”, “Тирилиш” каби романлари, “Хожимурод”, “Сергий ота”, “Иван Иличнинг ўлими” каби қиссалари ва бошқа кўплаб асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

яшайди. Елисей паканарок, корачадан келган, патаксоқол, қадди-басты жойида, бошида бир туки йүқ, такирбошилигидан пайғамбар Елисейга үхшаб кетади.

Қариялар сафарга чиқишиб келишиб, гапни бир жойга құйғанига ҳам анча бўлди, бироқ нуқул Тарасичнинг юмуши чиқиб қолаверади: ҳеч иши тугамайди. Бири охирлади деганда бошқаси бошланади: ё набирасини уйлантиради, ё аскарликдан қайтган кенжасини кутиб олади, йўқ деганда кулбасини бузиб, қайта қуради.

Қариялар байрамда учрашиб қолиб, йўғон болор устига ўтиришиди.

– Хўш, – деди Елисей, – қачон бурчимизни адо этишга борамиз?

Ефимнинг пешанаси тиришиди.

– Шошмайлик, – деди, – борамиз, бу йил мен учун оғиррок келди. Уйимни бузиб қайта тикладим, юз сўмча чегириб қоларманни дегандим, учинчисиям кетяпти. Шундаям охирига етказолмадим. Ёзга чиқиб битираман, шекилли. Ёзда, Худо хоҳласа, албатта, йўлга чиқамиз.

– Ақли ожизимча, – деди Елисей, – эзгу ишни ортга суриб бўлмас-ов, ҳозироқ йўлга чикиш керак. Баҳор – айни вақти-да.

– Тўғрику-я, бироқ ишлар қалашиб ётибди, дабдурустдан ташлаб кетаманми?

– Сендан бошқа ишлайдиган йўкми? Үғлингга буюр.

– Эпломайди! Тўнғичимга ишонч йўқ – панд беради.

– Бир куни келиб дунёдан ўтамиз, биродар, улар бизсиз ҳам кунини қўриб кетаверади. Үғилинг ҳам ўрганиши керак.

– Шундайку-я, бироқ ҳаммаси кўз ўнгимда бажарилишини истайман.

– Эҳ, биродар! Ишни тугатиб бўлмайди. Мана, яқинда уйимдаги аёллар байрам арафасида ҳаммаёкни супуриб-сиdirяпти. Гоҳ уни қилиш керак, гоҳ буни. Катта келиним, эсли аёл-да, эшиш, нима дейди: “Рахмат, дейди, байрам ўтади-кетади, бизни кутиб турмайди, дейди, минг уринма, ишнинг охирига етолмайсан”.

Таrasич ўйланиб қолди.

– Шу курилишга, – деди, – ҳазилакам пул сарфламадим; сафарга куруқ қўл билан чиқиб бўлмайди. Юз сўм – озмунча пулми?!

Елисей кулиб юборди.

– Гуноҳга ботма, биродар, – деди у. – Сенинг топган-тутгандаринг меникидан ўн ҳисса зиёд, пулни баҳона қиласан. Фақат айт, қачон йўлга чиқамиз, мендаям пул йўқ, топилади-да.

Таrasич мийифида истехзоли кулди.

– Қара-я, қандай бойвачча, – деди, – қаердан оласан?

– Уйда кириб-қиртишлайман-да – унча-мунча чиқади; етмаганига – ўн-ўн бештacha асалари уясини кўшнига пуллайман. Қачондан бери сўрайди.

– Асалари галаси тез кўпаяди, тер тўкиб ишлайсан, тиришасан.

– Нега тиришарканман?! Йўқ, биродар! Ҳаётда мен ҳеч нарсага, гуноҳга ботишдан бошқасига ғам чекмайман. Кўнгил хотиржамлигидан бошқаси бекор!

– Шундай дейсану, уйда бош бўлмаса, иш пачава.

– Агар кўнгилга келганини килаверсанг, ўзингни бошқармасанг, шундай бўлади. Кўнгил чопса – кетдик! Чинданам, борайлик.

## II

Елисей биродарини кўндириди. Ефим роса ўйлаб, эртаси куни тонгда Елисейнинг уйига келди.

– Хўш, жўнаймизми, – деди, – тўғри айтасан, Худонинг ўзи йўлимизни очар. Тирик эканмиз, кучимиз борида йўлга чиқайлик.

Бир хафта деганда чоллар йиғинишиди.

Тарасичнинг уйида пули бор эди. У йўлга ўзи учун юз сўм олди, кампирига икки юз сўм қолдирди.

Елисей ҳам йифинди; кўшнисига ўнта асалари уясини сотди, шу наслнинг ўнта қутисини ҳам қўшнисига берди. Ҳаммасига етмиш сўм олди. Қолган ўттиз сўмни уйидагиларнинг чўнтағидан қокиштирди. Кампири ўлимтигига деб йифиб қўйган пулинини, келини бор-будини берди.

Ефим Тарасич ҳамма ишни: қаерда қанча пичан ғамлашни, гўнгни қаёқка чиқариб ташлашни, уйни охиригача битириб, устини ёпишни ўғлига юклади. Мўлжаллаб юрган ишларини – ҳаммасини унга тайинлади. Елисей эса, хотинига фақат сотилган асалари уяларини алоҳида ажратиб қўйишни ва алдам-қалдамсиз ҳаммасини қўшнига беришни уқтириди, уй юмушлари ҳакида оғиз очмади: уларни қандай уддалашни, ҳар қалай, ишнинг ўзи кўрсатади. Қандай қилса яхши бўлишини уйдагиларнинг ўзлари билади.

Чоллар сафарга шай бўлишди. Уйда нон ёптиришди, тўрвалар тикириб, янги пайтавалик йиртишиди, пишиқ пойабзal тикишиди, эҳтиётдан дараҳт пўстидан тўқилган енгил чиптаковуш ҳам олишиди. Уйдагилар уларни кишлoқ четигача кузатиб хайрлашгач, чоллар олис йўлга равона бўлди.

Елисей кайфи чоғ бўлиб йўлга тушди, кишлoқдан узоклашиши биланоқ барча ташвишларни унутди. Унинг фикру хаёли ёлғиз йўлдошининг кўнглини оғритиб қўймаслик, бирорга кўпол галириб юбормаслик, манзил-мақсадга етиб, уйига эсономон қайтиш ўйи билан банд. Елисей йўл-йўлакай ўзича ё пи chirlab дуо ўқир, ё авлиё-анбиёлар ҳакида ўзи билган ривоятларни такрорлаб бораради. Бирон киши дуч келса ёки тунашга тўғри келса, ким бўлмасин, художўйлик билан хушмуомалада бўлишга, ширин сўзлашга интилди. Юрган сари кўнгли қўтарилди. Елисей фақат бир ишнинг уддасидан чиқолмади. Тамаки хидлашни ташламоқчи бўлиб, тамакидонини уйга ташлаб келган эди, хумори тутди. Йўлда кимдир сийлади. Орасира йўлдошидан ортда колиб, уни гунохга ботирмай, деб тамаки хидлаб оларди.

Ефим Тарасичнинг кадам олиши дадил, ножоиз иш қилмайди ва бехуда гап сотмайди, у кўнгилчан, аммо енгилтак эмас. Фақат уйидаги ташвишлар миясидан чиқмайди. Улар нима қилаётган экан, деб хавотирланади. Ўғлига зарур ишни тайинлашни унутмадими, ўғли айтганларини қиляптими? Йўл-йўлакай картошка экаётган ёки гўнг ташиган одамларга кўзи тушса: ўғлим ишни ўзим буюргандай уддалаяптими, деб ташвишланади. Канийди, ортига қайтса, ишларни бир-бир кўрсатарди, ўзи дўндириб қўя коларди...

### III

Чоллар беш ҳафта йўл босишиди, чиптаковушлари тўзиб кетди, янгисини сотиб олмоқчи бўлиб хоҳоллар кишлoғига киришди. Уйларидан чиқкандан буён тунашга ва тушликка пул тўлашади, аммо хоҳоллар бир-бирига гал бермай уларни меҳмонга чорлашади. Уйларига олиб кириб, сийлашади, бир тийин пул олмайди, яна йўлда тамадди қиласиз, деб тўрваларига нон, ҳатто кулча ҳам солишади. Шу тариқа чоллар эмин-эркин хўп ва кўп юришди; яна бир губерния худудини босиб ўтиб, хосилсиз худудга етиб келишди. Бу ерликлар уйига киритишади, тунагани учун ҳак олмайди, аммо овқат бермайди. Ҳамма жойдаям нон улашишмади, бир сафар пулга ҳам топилмади. Ўтган йил ҳосил битмади, дейди одамлар. Бойлар хонавайрон бўлиб, бор-будини сотишиди, ўртамиёналар – йўқчиликка юз тутди; қашшоқлар эса бир амаллаб тирикчилигини ўтказишиди ёки айримлари бу ерлардан бутунлай бош олиб кетди, ёки тиланчилик килишди, бирорлар уйида кўл учида кун кечирди. Қишида тўпон чайнаб, лайлак гўшти ейишди, дейишади.

Чоллар мұғазгина кишлоқчада тунаб қолишиди, үн беш фунт<sup>1</sup> нон харид килишиди, кун иссигига қолмайлик деб, саҳарлаб йұлга чикишиди. Үн вёрст<sup>2</sup> үришгач, сой бўйига етишиди, косачада сув олиб, унга нон ботириб тамадди килишиди ва пойабзалларини алмаштиришиди. Утириб, ҳордик чикаришиди. Елисей мугузни олди. Уни Ефим Тарасичнинг боши узра айлантириди.

– Шу жирканч нарсани, – деди Тарасич, – итқитиб юбориш қийинми!

Елисей қўлини силтади.

– Зўрсан, – жавоб берди у, – аммо мени гуноҳга ботирма!

Улар қўзғалиб, сафарни давом эттиришиди. Яна үн вёрстча яёв юришиди. Кагтагина кишлоқка келиб, тўғри ўртасидан кесиб ўтишиди. Энди кун қиздира бошлаган эди. Елисейнинг тинкаси қуриди, ташналикка чидолмай, бироз нафас ростламоқчи бўлди, Тарасич эса, йўлида давом этаверди. Тарасич дадил юрар, Елисей унинг ортидан етиб юришга қийналарди.

– Чанқаб кетдим, – деди у.

– Майли, сув ичиб ол. Мен ичмайман.

Елисей тўхтади.

– Сен мени кутиб ўтирма, анави уйга кириб, чанқоқбосди қилиб чиқаман. Бир зумда ортингдан етиб оламан.

– Маъқул, – деди у.

Ефим Тарасичнинг ўзи кетди, Елисей эса, уй томонга бурилди.

Елисей уйга етиб келди. Чоғроқ экан, харобага айланибди; пойдевори қорага, юқориси окка бўялган, девори нураган, афтидан, окланмаганига кўп бўлган, томининг бир чети очилиб ётиби. Ўйчага ховлидан ўтиб кириларкан. Елисей ховлига ўтди; караса – пойдеворга туташ супачада соколсиз, ориқ бир эркак чўзилиб ётиби, хоҳолча кўйлак-иштонда. У совук, зах ерда ётар, қуёш тифи устига тик тушиб туриби. У кимир этмай ётиби, аммо ухламаган. Елисей сўз котди, сув суради – эркак жавоб бермади. “Ё бемор, ё қўпол”, ўйлади Елисей ва эшикка якинлашди. Ўйчада бола йигларди. Елисей эшик ҳалкасини қоқди. “Хўжайн!” Жавоб бўлмади. Яна таёқча билан эшикни тақиллатди. “Диндошлар!” Мик этган овоз йўқ. “Худонинг бандалари!” Садо чиқмади. Елисей орқасига қайтиб кетмоқчи бўлди, шунда девор ортида кимнингдир инграгани эшишилди. “Бу одамларнинг бошига кулфат тушганми? Бир қараб кўйиш керакдир?” Елисей кулбага караб юрди.

#### IV

Елисей ҳалқани бураб кўрди – ёпиқ эмас. Эшикни очиб, даҳлизга кирди. Уйнинг эшиги очиқ эди. Чап томонда печь; тўғрида катта хона; бурчагида бут кўйилган токча, стол; стол ортида – эшак-ўтиргич; эшак-ўтиргичда биргина кўйлақда яланѓошини столга кўйганча бир кампир ўтириби, коксуяқ, ёнида сомондай сарик, ингичка, катта иштон кийган болакай кампирнинг кўлидан тортиб, нимадир сўраб йиғларди. Елисей ичкарилади. Хонадан қўланса ҳид анқийди. Караса – печдан наридаги каравотда яна бир аёл ётиби. Кўзлари маънисиз тикилдган, фақат хириллаб, оёғини тоҳ кўтаради, тоҳ туширади. Кампир бош иргаб, бегона кишига кўз ташлади.

– Сенга нима керак? – деди у аранг. – Нима керак? Ҳеч вақо йўқ.

Елисей кампирнинг нимадир деганини илғаб, унинг ёнига борди.

– Мен, – деди у, – Худонинг бандаси, бир коса сув бер.

– Йўқ, дейман, ҳеч вақо йўқ. Оладиган нарса йўқ, йўлингдан қолма.

<sup>1</sup> Фунт – оғирлик ўлчови, 1 фунт – 0,4914 кг.

<sup>2</sup> Вёрст – узунлик ўлчови. 1 вёрст – 1066,8 метр.(Тарж. изоҳлари.)

Елисей сұради: “Нима, орангизда бирон соғ одам йўқми, аёлга карайдиган?”

– Ҳеч ким қолмади; мужик ҳовлида жон беряпти, биз бу ерда.

Болакай бегона кишидан чўчиб жимиб қолганди, кампир тилга киргач, яна унинг қўлидан торткилади: “Нон, энажон! Нон!” дей йиғлай бошлади.

Елисей кампирдан энди сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганда хонага эркак киши кирди, у деворга суюниб келиб, эшак-үтиргичга чўкмоқчи бўлди, аммо етиб келолмади, бўсағада ерга қуллади. У ўрнидан туришга уринмай, сўз котди. Ҳар бир сўзни аранг ҳижжалар – орада нафас ростлаб олиб, кейингисини айтарди.

– Бўлисни очарчилик босди, – деди у. – Одамлар очликдан ўляпти! – эркак боши билан болакай томонга ишора қилиб, йиғлаб юборди.

Елисей елкасига осилган тўрвасини силтаб тушириб, қўлларини бўшатди, кейин тўрвани эшак-үтиргич устига қўйиб, ипини еча бошлади. Очиб, ундан нон, пичок олди, нондан бир бўлак кесиб эркакка узатди. У олмади, болакай ва қизча томонга имлади – уларга бер деган маънода. Елисей болакайга узатди. Болакай нон ҳидини сезиб, бир бўлак нонга икки қўллаб ёпишди ва уни юзига босди. Печ устида ётган қизча ҳам тушиб келиб, ютоқиб нонга тикилди. Елисей унга ҳам нон берди.

Яна бир бўлак кесиб, кампирга узатди. Кампир нонни олиб, чайнай бошлади.

– Сув бўлсайди, – деди у, – оғзимиз қуруқшаб колган. Сув келтирмокчийдим, – деди, – кечами, бугунми, эсимда ҳам йўқ, ийкилиб тушдим, уйга етиб келолмадим, агар бирор олмаган бўлса, чеълак ўша жойда ётгандир.

Елисей улардан кудук каердалигини сўради. Кампир тушунтириди. Елисей ўша жойга бориб чеълакни топди, сув келтириб, ҳаммага улашди. Болалар сув ичиб, яна нон кавшадилар, кампир ҳам, аммо эркак олмади. “Кўнглим тортмаяпти”, деди. Аёл ўрнидан турмади, у ҳеч ўзига келолмас, фақат каравотда ётганча тўлғанарди. Елисей кишлоқдаги дўконга кетди, бориб буғдой, туз, ун, мой сотиб олди. Болтачани топиб, ўтин ёрди, ўтинни печга қалаб, ўт ёқди. Қизча унга кўмаклашди. Елисей шўрва, бўтка пишириб, уларнинг қорнини тўйдирди.

V

Эркак озгина тамадди қилди, кампир ҳам нимадир еди, қизалоқ билан болакай эса, косачани ялаб-юлқагач, бир-бирини кучоклаб уйкуга кетишиди.

Эркак билан кампир қандай қилиб бу ахволга тушишганини гапириб бера бошлади.

– Биз бир амаллаб кун кечирардик, – деди у, – ўтган йили ҳосил битмади, куздаёқ бор-будимизни еб тутатдик. Ҳеч вакомиз қолмади – қуни-қўшинидан, саховатпеша кишилардан тиландик. Бошида бериб туришиди, кейин эса, рад қила бошлашди. Қўлдан берганга күш тўймас. Ҳадеб тиланиш жонга тегди: нарсаларимизни сотиб, қарзга ботдик – пул ҳам, ун ҳам, нон ҳам, – бари тугади. Ўзимга иш қидирдим, – деди эркак, – қидирдим, топилмади. Ҳамма жойда одамлар фақат қорин тўйдириш эвазига ишлайди. Бир кун ишлайсан, икки кун санқийсан – иш излайсан. Кампир қизалоқни етаклаб, узокларга бориб тиланчилик қилишади. Хайр-садақа қаёқда, ҳеч кимда нон йўқ. Амал-такал қорин тўйғазардик, пишиқчиликка етиб олармиз, деган умидда эдик. Баҳордан бошлаб ҳеч вақо бермай қўйишди, боз устига касаллик тарқалди. Жуда ёмон келди. Бир кун туз totsak, икки кун очмиз. Гиёҳларни еб бошладик. Гиёҳданми, бошқаданми, хотин дардга чалинди. Ётиб қолди, менинг ҳам, – деди эркак, – мадорим қуриди. Оёққа туриб олишига ҳеч вақо йўқ.

– Ёлғиз ўзим, – деди кампир, – югурдим-елдим, охири очликдан силлам қуриб иккىлдим, мадорим қолмади. Қизалоқ ҳам bemажол, шўрлик қўркиблар кетди. Қўшнининг уйига чиқиб кел дегандик, чиқолмади. Бўсағага борганда мадори қуриб

йикилди. Ўтган куни құшни хотин чиккан эди, бизни оч ва касал ҳолда құриб, терс бурилганча кетиб қолди. Унинг үзини эри ташлаб кетибди, гұдакларини бокишга хеч вақоси йўқ. Шу ахволда ётибмиз – ажалимизни кутиб...

Елисей уларнинг сўзини охиригача тинглади ва ўша кунине ўлга чикиб, шеригига етиб олиш фикридан қайтди – шу ерда тунаб қолди. Елисей эрталаб туриб, гўё хўжалик үзиникидай, уни тартибга солишга киришди. Кампирнинг хамир коришига кўмаклашди, печга ўтин қалади. Қизалокни эргаштириб, қўшнилардан керакли нарсаларни сўраб олди. Хўжаликка зарур бўладиган нарса қолмаган – ҳаммасини сотиб, еб тугатишган: на хўжалик асбоб-усқуналари, на кийим-кечак қолган. Елисей керакли нарсаларни ғамлай бошлади: нималарни дир ўзи ясади, бошқаларини сотиб олди. Шу тариқа Елисей бир кун, иккى кун, учинчи кунни ҳам шу ерда ўтказди. Болакай оёкка туриб, дўконга чикиб келадиган бўлди, Елисейга эркалана бошлади. Қизалок эса, шўх-шодон, барча юмушларда ёрдам беради. Улар Елисейнинг изидан чопиб юради: “Амаки, амакижон!” дейди. Эркак ҳам деворга суюниб юра бошлади. Факат аёл ўрнидан туролмади, уч кун деганда қўзини очиб, егулик сўради. “Кани, – ўйлади Елисей, – энди борақолай, шунча вактимни бекорга сарфламадим, ҳар қалай”.

## VI

Тўртинчи кун рўза-ҳайит келиб қолди ва Елисей ўйлади: “Майли, улар билан бирга ҳайитни ўтказай, байрам баҳона бир нима ҳадя киласай, оқшом йўлга чиқарман”. Елисей яна қишлоқ оралади, сут, ок ун, гўшт-ёғ харид қилди. Кампир билан бирга овқат пиширди, нон ёпди, эрталаб ибодатга чиқди, қайтиб келиб одамларга қўшилиб ҳайитлик қилди. Шу куни аёл ҳам ўрнидан туриб, қадам босди. Эркак соқолини қиртишлаб, тоза ок кўйлагини кийди – кампир ювиб қўйган эди – қишлоқдаги бой дехқоннинг уйига ҳайрия сўраш учун йўл олди. Бойнинг жамғарган пичан ва буғдойи кўп эди – ундан янги ҳосилгача қарзга пичан, буғдой олмоқчи эди. Қош қорайгандан хўжайнин сўлжайиб қайтиб келди ва йиглади. Бой раҳм қилмабди, “Пулини олиб кел”, дебди.

Елисей яна ўйга толди. “Энди буларнинг тирикчилиги қандай ўтади?” Одамлар ўрим-ийғимга чиқади, бир амаллашади: пичан ғамлайди. Жавдари буғдой етилди – одамлар ўрим-ийғимга киришади (кўз тегмасин, баракали бўлибди!), улар нимадан умид қиласди: ўзларига тегишли бир ботмон ер бойга сотиб юборилган бўлса. Мен кетар бўлсам, улар тағин бурунги аҳволига тушади”. Елисей ўйга ботди ва оқшом йўлга чикишга ошиқмади – эрталабга колдирди. Ухлаш учун ҳовли томонга ўтди ва чўзилди. Ибодат қилди, аммо уйқуси кочди: бир ўйи – кетиши керак, вактини ҳам, пулини ҳам совурди; бир ўйи – одамлар увол: “Ҳаммасига кўмак беролмайсан. Уларга сув келтириб, бир бурдадан нон бермоқчи эдим, холос, ташвишлар бири бирига уланиб кетди. Энди эса, пичан билан буғдой сотиб олиб бериш керак. Буғдой ол, кейин – болаларга сигир, эркакка от даркор, пичан ташийди. Афтидан, шу ерда ӯралашиб колдинг, Елисей Кузьмич. Жаҳл келса, ақл қочади!” Елисей ўрнидан қўзгалди, бошига ёстиқ қилган чакмонини олиб коқди буғдой бошогини хидлади, калаванинг учини топмоқчи эди, йўқ, бўлмади: ўйлаб ўйининг охирига етолмади. Кетиши зарур, аммо бу уйдагиларнинг ҳоли не кечади. Нима қиласини билмайди. Чакмонини тахлаб бошининг тагига қўйиб, яна чўзилди. Ётди, ётди, хўролзар кичкира бошлаганда кўзи илинди. Туйқусдан кимдир ўйғотгандай туюлди. Караса, йўлга шай ҳолда, тўрvasи ҳам, ҳассаси ҳам кўлида, шундок дарвозадан чиқса бас, дарвоза эса, бир киши сиккулик очик, гўё йўлга чорлаётir. У дарвоза томон одимлади, аммо чиқища ёнбошдаги тўрvasи тиравиб қолди; уни ўтказиб оламан деганда, ҳассаси деворга қадалди. Ҳассани чиқарib олмоқчи бўлганди, караса,

хасса деворга қадалмаган, уни кизалок тутиб турганча: “Амаки, амакижон, нон!” деб кичкирмиш. Пастга караганди, болакай пайтавасидан тортармиш, деразадан эса, кампир билан эркак термилиб турганмиш. Елисей уйғониб кетди ва ўзига ўзи: “Эртага буғдой билан пичан сотиб оламан, – деди овоз чикариб. – От ҳам, янги хосилгача етгулик ун ҳам, болаларга сигир ҳам олиб бераман. Денгиз ортидан Исони излаб топгунча ўзингни йўқотиб кўйишинг ҳеч гапмас. Одамларга најот бериш керак!” Шундан сўнг Елисей тонггача котиб ухлади. Елисей эрта турди. Бой дехконнинг уйига борди – жавдари буғдой сотиб олди, пичанга ҳам пул тўлаб қўйди. Уйдагини сотиб юборишиган экан – чалғи ҳам олди. Эркакни пичан ўримига жўнатди, ўзи эса, кишлок оралади: қовоқхона эгасидан араваси билан сотиладиган от топди. Савдоси пишди, бир қоп унни аравага босди ва ниҳоят, сигир сотиб олишга чоғланди. Елисей икки хохол аёлни қувиб етди. Хотинлар ўзаро гап сотиб кетишаётганди. Уларнинг ўз лаҳжасида гаплашаётганини эшитиб, гап ўзи ҳакида эканини илғади.

– Қара-я, олдин унинг кимлигини билмабмиз, шунчаки бир бегона-да, дегандик. Айтишларича, сув сўраб кирган экан, шу бўйи қолиб кетибди. Уни Худо етказибди. Кўрдинг-ку, қовоқхона эгасидан от-арава сотиб олди. Бу дунёда шундай одамлар ҳам бор экан-а. Бориб қўрайлик-чи, нималар киларкин?!.

Буни Елисей эшитди, ўзини алқашаётганини англади ва сигир сотиб олгани кетди. Қовоқхона эгасининг ёнига қайтиб, унга отнинг пулинин берди. Сакраб аравага чиқди ва унни олиб уйга жўнади. Дарвоза олдига келиб тўхтаб, аравадан тушди. Уйнинг эгалари отни кўриб анграйиб қолишиди. Улар отни ўзлари учун сотиб олинган деб ўйлашса-да, сўрашга журъат этишолмади. Хўжайнин чиқиб, дарвозани очди.

– Отахон, – сўради у, – отни қаердан олдинг?

– Сотиб олдим, – деди. – Арzonроғи учраб қолди. Охур тўладиган қилиб ўт ўриб қўй, окшом берасан. Аравадаги қопни тушир.

Хўжайнин отни аравадан чиқарди, қопни омборга киритиб қўйди, ўт ўриб охурга солди. Сўнг ухлагани ётишиди. Елисей ташқарида ухлашга чоғланди ва кечкурун тўрвасини ҳам олиб чиқиб қўйди. Эл уйқуга кетди. Елисей ўрнидан туриб, тўрвасининг оғзини бойлади, чакмонини кийди ва Ефимнинг ортидан равона бўлди.

## VII

Елисей беш вёрстча йўл босди. Кун ёриша бошлади. У дарахтнинг тагига ўтириб, тўрвасини очиб, пулинин санади. Ўн етти сўму йигирма тийин қолибди. “Хўп, – ўйлади у, – бу билан денгизнинг нариги тарафига ўтолмайсан! Исонинг номи билан пул йиғиши бориб турган гуноҳ. Биродарим Ефим бир ўзи етиб борар-да, мен учун бир шам ёқиб қўяр. Афтидан, зиёратим охиратга қолди, шекилли. Раҳмат, Яратган Эгамнинг сабри улуғ”.

Елисей ўрнидан турди, тўрвасини силтаб елкага ташлади ва ортига қайтди. Фақат қишлоқни айланиб ўтди, одамларнинг кўзига кўрингиси йўқ. Елисей уйига тез етиб келди. Чунки бир кўнгли Ефимнинг ортидан боришни ўйлади, аммо бу мушкул туюлди; ортига қайтганди, Худо мадад бердими, чарчоқ сезмади, йўли унди. Енгил қадам ташлаб, ҳассасини ўйнатиб, бир кунда етмиш вёрстдан йўл босди.

Елисей ўзининг уйига етиб келди. Даладаги ҳосилни йигишириб олишибди. Уйдагилар отахонни кўриб қувониб кетишиди, аммо йўлдошидан нега ажralиб қолгани, нега манзилга етмай ортга қайтганини сўраб-сuriштиришиди. Елисей сабабини айтиб ўтирамади.

— Насиб килмаган экан, — деди, — йўлда пулимни йўқотиб қўйиб, шеригимдан ортда қолиб кетдим. Хуллас, боролмадим. Исо ҳаки, кечиринглар.

Колган-қутган пулини кампирга тутқазди. Елисей уйдаги юмушлар ҳақида сўраб-суриштириди: ҳаммаси яхши, юмушлар вақтида бажарилган ва барча тинч хотиржам, ҳамжиҳатликда яшаётир.

Ефимовлар хонадонидагилар Елисей уйга қайтганини эшитиб келиб, ундан оталарининг ахволини сўрашди. Елисей уларга ҳам ўша гапларни такрор айтди.

— Отангиз, — деди у, — жуда яхши кетяпти, биз Петров кунига уч кун қолганда айрилишгандик; мен ортидан етиб бормоқчи бўлгандим, иш чаппасига кетди: бор пулимни йўқотиб қўйдим ва ортимга қайтдим.

Одамлар ҳайрон қолиши: қандай қилиб шундай аклли одам бундай аҳмоқона ишга йўл қўяди — сафарга чиқса-ю, ярим йўлдан ортга қайтса, пул йўқотгани-чи? Ҳайрон бўлишди-ю, кейин унтишиди. Елисей ҳам унугди. Уй ишларига чалғиди: ўғли иккови қишига ўтин фамлади, хотинлар билан буғдой янчили, саройнинг устини ёпди, асаларига қаради, ўнта асалари уясини қўшнига берди. Кампири қўшнига сотилган асалари уяларидан қанча янги кўч чиқарганини яширмокчи бўлди, буни Елисей ўзи ҳам, қанчаси бир уяга йиғилган-йиғилмаганини яхши биларди, шунинг учун қўшнига ўнта ўрнига ўн етти уя асалари берди. Елисей йиғинди, ўғлини пул ишлаб келишга юборди, ўзи эса, қишига чиптаковуш тўкишга ўтириди ва унга қолип ясаш билан андармон бўлди.

### VIII

Ўша куни Ефим касал қишиларнинг уйида қолган сафардоши Елисейни кун бўйи кутди. У узокка кетмади, бир жойга ўтириб йўл қаради. Кутди, кутди, ухлади, уйғонди, яна кутиб ўтириди — шеригидан дарак йўқ. Кўзлари тўрт бўлди. Қуёш дараҳтлар ортига яширинди ҳам Елисейнинг кораси кўринмади. “Наҳотки, ёнимдан ўтиб кетган бўлса, — ўлади у, — ёки ўтмадими (балки, кимдир аравасига миндириб олиб кетгандир), ухлаган бўлсан, кўзи тушмагандир. Йўқ, кўрмай қолиши мумкин эмас. Даشتда атроф кафтдагидек кўринади. Оркага қайтсан, — деб ўйлади, — у олдинга ўтиб кетади. Орамиз баттар узоклашиб кетади. Кел, юраверайчи, карвонсаройда топишармиз”. Қишлоқка етиб келиб, суриштириб элликбошини топди, мабодо мусофири қария келиб қолса, ўзи турган уйга олиб боришлигини тайинлади. Аммо Елисейдан дарак бўлмади. Ефим йўлида давом этар экан, кўринган қишидан калбош қарияни кўрмадингизми, деб сўрарди. Ҳеч ким кўрдим демайди. Ефим ҳайрон, бир ўзи ёлғиз кетди. “Одессадами, кемадами, — ўлади у, — бир жойда қўришармиз”. Кейин бу ҳақида қайта ўйламади.

Йўлда бир мусофирига дуч келди. Унинг эгнида ридо ичидан кийиладиган қатак, сочи узун, бошида кулоҳ, Афондан келиб, Куддусга кетаётган экан. Улар мусофирихонада танишди ва гурунглашиб бирга кетишиди.

Одессага қийналмай етиб боришиди. Уч кун кема келишини кутишиди. Кўплаб тақводорлар йиғилганди. Улар турли тарафлардан келишган. Ефим яна бир бор Елисейни сўраб-суриштириди — уни ҳеч ким кўрдим демади.

Ефим хорижга чиқиши паттасини тўғрилади — беш сўм экан. Қирқ сўлқавойни борди-келдига сарфлади, йўлга нон, тузланган балиқ харид килди. Кема тақводорлар билан лиқ тўлди, Тарасич билан мусофири ҳам жойлашиди. Лангар тарилиб, арқонлар бўшатилди-да, кема очиқ денгизга чиқди, кундузи тинчгина сўзишиди; кечга бориб бурон қўпди, ёмғир куйиб, кема саҳни сувга тўлди. Ҳамма ўзизиб, хотинлар бақир-чакир килишиди, чидамсиз эркаклар кема бўйлаб изғиб, сон саклашга жой излашиди. Ефимни ҳам қўркув босди, факат ҳаяжонини сиртига кармади: кемада қаерга ўтирган бўлса, шу жойда тамбовлик қарияларнинг ёнида,

тунда ҳам, эртаси куни ҳам шундай қылт этмай үтиради; фақат тұрvasини маҳкама күчоклаб олди, бирорға бир сүз демади. Учинчи кун бурон тинчили. Бешинчи куни Царградга етиб келишди. Айрим мусофиirlар кирғокка тушиб, турклар құлидаги мұқаддас София ибодатхонасина зиёрат қилишди; Тарасич тушмади, кемада үрнидан жилмай үтиради. Фақат оқ бұлқа нон сотиб олди. Бир кун тургач, яна денгизда сузид кетишиди.

Кейин Смирна шахри ва Искандариядан үтиб, Яфа шахрига эсон-омон етиб боришиди. Яфада барча тақводорлар кемадан тушди: бу ердан Куддусгача етмиш вёрст яёв борилади. Кемадан тушаётганда ҳам одамларни вахима босди: кема баланд, ундан пастдаги қайиққа сакраш керәк, қайиқ эса чайқалиб турибди, унинг ёнига қулаб тушиш хавфи бор; икки киши шалаббо бұлды, қолғанлар бешикаст. Сұнгра яёв кетишиди; уч кун деганда Куддусга етишиди. Шаҳардан ташкарида, Рус карvonсаройига жойлашишиди, патталарни рүйхатдан үтказишиди, түшлик қилиб бұлғач, мусофиir иккиси қадамжоларға зиёратта отланишиди. Ҳали Мұқаддас зиёратгохға киришга рухсат берилмаган эди. Патриархлар ибодатхонасига боришиди, тақводорларнинг бари шу ерга йиғилди, эркаклар алохіда, аёллар алохіда үтиришиди. Ялангөек, давра қуриб жойлашылар. Сочик туттган рохіб чикиб, одамларнинг оёғини юва бошлади; ювади, артади, үпади, ҳаммага бирдай алохіда алохіда хизмат құрсатди. Ефимнинг ҳам оёғини артиб, үпди. Кечки, эрталабки ибодатларни адo этиб, шам ёқишиди ва үтган авлод-аждодларини хотирлашиди. Ұша ернинг үзида таом берилди ва вино тортилди. Эрталаб мисрлик Мария жон сақлаган хужрани зиёрат қилишиди. Шам ёқишиди, қисқагина ибодат қилишиди. Ұша ердан Иброҳим пайғамбар ибодатхонасига йүл олишиди. Савеков боғини, Иброҳим пайғамбар үғлини Худога құрбонлик күлмоқчи бұлған жойни қўришиди. Ундан кейин Исо Мария Магдалинага аён бұлған жойга, Ёкуб пайғамбар ибодатхонасига үтишиди. Мусофиir ҳамма жойни қўрсатди ва қаерда қанча пул бериш кераклигини айтib турди. Туш пайти карvonсаройга қайтиб, овқатланишиди. Уйқуга ётишга шайланар экан, мусофиir нола қилиб, тугуни ва кийимларини титкилай бошлади.

— Үғирлашибди, — деди у, — менинг пулым, катмонимни үмаришибди, йигирма уч сүм бор эди: иккита үн сүмлик, учта бир сүмлик.

Мусофиir қанча ох-воҳ чекмасин, охир-оқибат иложклиз уйқуга кетишиди.

## IX

Ефим ухлагани чўзилди, кўнглига яна вахима оралади. “Мусофиirlнинг пулини үғирлашмаган, — үйлади у, — аслида унда пул бұлмаган. Бирор жойда хайр-садака қилмади. Буни менга буюрди, үзи бергани йўқ, қолаверса, орада мендан бир сүм олди”.

Ефим шундай хаёлларга берилди ва үзига үзи маломат қилди: “Бир бандани коралашни менга ким қўйибди, гунохга ботмай. Энди бу ҳакида үйламайман”. Энди унутай деганда мусофиirlнинг пулга үчлигини, гапирғанда ҳечам катмонини үғирлатган кишига үхшамаганини үйлай бошлади. “Унда пулнинг үзи йўқ эди, — үйлади у. — Ҳаммаси ёлғон!”

Эрталаб туриб мұқаддас кадамжо – Исо Масих ибодатхонасига – эрталабки ибодатга йўл олишиди. Мусофиir Ефимнинг изидан қолмай эргашди.

Ибодатхонага етиб келишиди. Тумонат одам – тақводор-мусофиirlар, руслар, турли элатлар, юону арманлар, турклар ва суряликлар – жуда кўпчилик йиғилган.

Ефим оломон қатори Мұқаддас қопка остонаясига етиб келди. Рохіб уларни йўлга бошлаб, турк посбонлари ёнидан олиб үтди, Халоскор хоцдан ечиб олинган ва мұқаддас ёғ суртилган, тўққизта катта шамдондаги шамлар порлаб турган жойга

бошлади. Йүл-йүлакай ҳаммасини күрсатиб, изохлаб борди. Ефим ўша жойда шам қади. Сүнгра роҳиб Ефимни ўнг кўлдаги зинадан юкорига – Голгофга, хоч турган жойга бошлади; Ефим бу жойда яна ибодат килди. Сүнгра Ефимга ер дўзахга гуташган кудукни күрсатиши; кейин Исонинг қўл ва оёқлари хочга михланган тарафга ўтиши; ундан сўнг Одам Отанинг қабрига, Исонинг қони тўкилган жойга бориши; Сүнгра Исога тиканли чамбар кийдиришганда у ўтирган тошни; кейин қалтаклаш учун Исони боғлашган устунни күрсатиши. Кейин Ефим Исонинг ёғини банд этиш учун тайёрланган икки тешикли тошни кўрди. Яна ниманидир күрсатишмокчи эди, ҳалойик шовқин кўтарди: ҳамма муқаддас қабр жойлашган ғорга шошарди. У ерда ўзга, православ ибодати бошланди. Ефим оломонга кўшилиб, ғор томон юрди.

У мусофиридан узокрок юрмоқчи эди – мусофири үйласа, гуноҳга ботарди, – аммо мусофири унинг изидан қолмади, ортидан эргашиб, муқаддас қабргача борди. Улар меҳробга яқин турмоқчи эди, кечикишибди. Одамлар шунчалик тикилишиб жетгандики, на олдинга, на оркага юриб бўларди. Ефим тик турганча ибодат килар экан, аҳён-аҳёнда ҳамёнини пайпаслаб кўярди. Ҳардамхаёл бўлиб қолди у: бир ўйи – мусофири алдаётгандай туюлади; бир ўйи – алдамагандай, ҳақиқатан ҳатмонини ўғирлатгандай; мен ҳам шундай аҳволга тушишим мумкин-ку, деб үйлади у.

## X

Ефим тик турганча ибодат бажо келтираётир, нигоҳини тўғрига, бутхонага тиккан, муқаддас қабр ва қабр устидаги ўттиз олтита чироқдан кўз узмасди. Ефим тик турганча, бошлар узра бокди, бу не мўъжиза! Яркираган чироқлар остида, муқаддас олов ёниб турган жойда, энг олдинги сафда, эгнида жун чакмон, кал боши ялтираб Елисей Бодров тургандай туюлди. “Елисейга ўхшаркан, – үйлади у. – Бўлиши мумкин эмас! Мендан аввал етиб келиши даргумон! Бизнинг кемадан аввалигиси бир ҳафта бурун жўнаган. Унга улгуриши мумкин эмасди. Биз тушган кемада эса, йўқ эди. Мен такводорларнинг барчасини ўз кўзим билан кўрдим”.

Ефим шуни үйлаган чоғида қария ибодат қила бошлади ва уч бора юкунди: бир марта тўғри Худога, кейин православ одатига кўра икки ёнга! Қария бошини ўнгга бурганди, Ефим уни аниқ кўрди. Бодровнинг айнан ўзи, ўша – соқоли кора, патакдай, ёнокларидаги туклар мошгуруч, чинтоғи ҳам, қошлари ҳам, кўзлари ҳам, бурни, бутун қиёфаси ўзиники... Худди ўзи, Елисей Бодров.

Ефим дўсти топилганига қувонди, аммо Елисей қандай килиб ундан ўзиб кетганига хайрон қолди.

– Тасанно сенга, Бодров, – деб үйлади у. – Бунча ўзғир бўлмасанг! Афтидан, учар одамга ҳамроҳ бўлгандирсан-да. Ҳали чикишда уни топиб оламан, ўзимнинг кулоҳ кийган мусофиридан воз кечаман, энди сенга ҳамроҳ бўламан, балки сен мени олдинроқ топарсан.

Ефим Елисейни кўздан қочирмасликка тириши. Ибодат ниҳоясига етди, ҳалойик кўзғалди, сур-сур бошланди ва Ефимни бир четга чиқариб ташлаши. Уни яна ваҳима босди, ҳамёнини ўмаришмасин-да, ишқилиб. Ефим ҳамёнини кўлида маҳкам ушлаб, одамлар орасини ёриб ўта бошлади, бир амаллаб четрекка чиқиб олса, бас. Холи жойга ўтгач, тинмай изғиди, ибодатхонадан ҳам, ундан наридан ҳам Елисейни излади. Ибодатхонадаги ҳужраларга жойлашган тумонат одамларни кўрди: улар ўша ернинг ўзида овқатланишар, вино ичишар, ухлашар, китоб ўқишар экан. Аммо Елисей еру кўкда йўқ. Ефим карvonсаройга қайтди – ўртоғини тополмади. Шу оқшом мусофири келмади. Ғойиб бўлди, бир сўмни ҳам қайтармади. Ефим ёлғиз қолди.

Эртаси куни Ефим мукаддас кабрга кемада ёнма-ён үтирган тамбовлик чол билан бирга йўл олди. Олдинрокка ўтмокчи бўлганди, яна четга суреб ташлашди, устуннинг ёнида тик туриб ибодат қилди. Тўғрига караган эди – яна ёрқин чироклар остида олдинги сафда Елисей – меҳроб қаршисидаги роҳибдай қўлларини ёйиб турибди, кал боши ялтирайди. “Қани, – үйлади Ефим, – энди қўлдан чиқариб бўпман!” Оломонни ёриб үтиб борди – Елисей йўк. Афтидан, кетиб қолган. Учинчи кун ҳам мукаддас кабрга қаради – Елисей табаррук, кўринарли жойда турибди, қўлларини ёйиб, юкорига боқади, худди боши узра нима борлигини билиб тургандай. Кал боши ялтирайди. “Қани энди қўрамиз, – үйлади Ефим, – уни қўлдан чиқармайман, чикиш йўлагига бориб тураман. Ўша жойдан үтади, албатта!” Ефим ташқарига чиқди, турди-турди, ярим кун тик оёқда юрди: ҳамма кетди, аммо Елисей йўк.

Ефим Куддусда олти ҳафта турди ва ҳамма жойда бўлди: Вифлеемда ҳам, Вифанияда ҳам, Иорданда ҳам; мукаддас қабр ёнида янги қўйлагига муҳр бостириб олди, уни шу қўйлакда дағн этишлари учун; Иордандан сувдонни тўлатиб олди, бир сиким тупрок, мукаддас олов шамларини харид қилди, олтита жойга хотиранома ёздирди, уйга етиб олгунча егулика асраран пулидан бошқа барини ишлатди. Яфагача келди, кемага үтириб, Одессагача сузди ва қолган йўлни уйигача яёв босиб ўтди.

## XI

Ефим Ўша юрган йўлидан ортига кайтди. Уйига яқинлашгани сари яна турмуш ташвишлари хаёлини банд этди, унинг йўғида: уйида қандай тириклилик үтказишиди экан. “Бу йил, – үйлади у, – сув сероб келди. Уйни бир умр қурасан, бир кунда вайрон бўлади. Менсиз ўғлим нима қилди, баҳорги юмушлар бажарилдими, чорва қандай қишлиди, уйни қўнгилдагидек таъмирладими?” Ефим үтган йили Елисей билан айрилишган жойга етиб келди. Одамларни таниб бўлмайди. Үтган йил қаҳатчиликка дуч келган одамлар энди тўқ, тўкин яшаётир. Далада ҳосил мўл. Халк қаддини тиклабди, азоб-уқубатлар унутилибди. Ефим шомда үтган йили Елисей ушланиб қолган қишлоққа яқинлашди. Қишлоққа кириб келиши билан четдаги бир кулбадан оқ қўйлакли бир кизалоқ чопиб чиқди.

– Бобо! Бобожон! Бизнинг уйга кир.

Ефим үтиб кетмоқчи эди, аммо кизалоқ йўлини тўсиб, этагидан тортқилаб ҳовлига олиб кирди, ўзи эса қиқирлайди.

Уй бекаси ўғилчасини эргаштириб айвонга чиқиб, уйига таклиф қилди:

– Бобожон, уйга кир, овқатлан, ётиб қолақол.

Ефим кирди. “Айни вакти, – үйлади у, – Елисейни ҳам сўраб-суринтираман: ўшанда айнан шу уйга сув ичгани кирган эди”. Ефим ичкарилади, аёл унинг елкасидан тўрвасини олиб, қўлига сув қўйди, дастурхонга үтиргизди. Сут, мураббо, бўтқа олиб келиб қўйди. Тарасич мусофириларни шундай қарши оладиган одамларни алқади. Аёл бош ирғаб унинг гапини маъкуллади.

– Бизнинг, – деди у, – мусофириларга қайишмаслигимиз мумкин эмас. Биз бир мусофиридан ҳаётни ўргандик. Ўшанда биз Худони унутиб яшардик, Худо шундай жазоладики, ҳамма бирдек фақат ажалини кутди. Ёзга бориб ҳаммамиз ётиб қолдик – егулик йўқ, касаллик авж олган. Ўлар ҳолга тушганимизда худо бизга сенга ўхшаш қарияни юборди. У туш пайти сув сўраб кирганди, ночор аҳволимизни қўриб, ачинганидан уч-тўрт кун шу ерда қолди. Ҳаммамизни едирди, ичирди, оёққа турғазди, ер, от-арава харид килиб, бизга ташлаб кетди.

Уйга кампиршо кириб келди ва жувоннинг гапини бўлди.

— Асли кимлигини ўзимиз ҳам билмаймиз, — деди у, — одаммиди ёки Тангрининг фариштасимиidi. Ҳаммага меҳр берди, ғамхўрлик кўрсатди ва кетди-борди, энди кимниг ҳакига дуо қилишни ҳам билмаймиз. Ҳозиргидек кўз ўнгимда: ётибман, ажалимни кутялпман, қарасам — кекса киши кириб келди, тўпоригина, такирбош, мендан сув сўради. Мен эса, гунохкор банда, ким у, нега бу ерда сандироклаб юрибди, деб ўйлабман. У-чи, кара, қандай савоб ишлар қилиб кетди! Ахволимизни кўриб, тўрвасини шу ерга кўйиб, боғичини ечди.

Қизалоқ гапга кўшилди.

— Йўқ, — деди у, — бувижон, у олдин тўрвасини хонанинг ўртасига ташлади, кейин дўконга кетди.

Сўнгра улар кизишиб, қариянинг айтган гаплари, килган савоб ишларини бирмабир эслашди: каерда ўтиргани, каерда ухлагани, нималар қилгани, кимга нималар дегани.

Кечга бориб отда уй эгаси эркак келди, у ҳам Елисейнинг бу ерда қандай яшаганини ёдга олди.

— У бизнигига келмаганида, — деди у, — гунохга ботиб ўлиб кетардик. Гам-аламда ўтардик, одамлардан ҳам, Худодан ҳам норози бўлиб жон таслим қиласадик. У эса, бизни оёққа турғазди, у туфайли биз Худони англадик, саховатпеша инсонлар борлигига ишондик. Уни Худонинг ўзи ярлақасин! Аввал ҳайвондай яшаган эканмиз, у бизни одам қаторига кўшиб кетди.

Мезбонлар Ефимни обдон сийлашди, тунашга жой беришди ва ўзлари ҳам уйқуга ётишли.

Ефимнинг уйқуси кочди, Куддусда, биринчи сафда Елисейни уч марта кўргани хаёлидан кетмади.

“Хўш, у мени каерда ортда қолдиргани, — ўйлади у, — мана энди аён бўлди! Мен чеккан заҳматлар қабул бўлдими, йўқми, билмадим, аммо унинг савоб ишларини Худойим ўз даргоҳида қабул қиласадик.”

Эрталаб мезбонлар Ефим билан хайрлашдилар, йўлда ейиш учун бўғирсок пишириб беришди, кузатишди ва ўзлари ҳам ишларига отланишди, Ефим эса, ўз ўлига равона бўлди.

## XII

Ефим роппа-роса бир йил сафарда бўлди. Баҳорда қишлоғига қайтди.

У уйига кун қорайганда кириб келди. Уйда ўғли йўқ экан: қовоқхонага кетибди. Ўғлининг маст-аласт қайтганини кўриб, Ефим уни саволга тутди. Атрофига қараб билдики, унинг йўғида болапакир бироз қуюшқондан чикибди. Пулни совурибди, ишларни ташлаб кўйибди. Ота ўғлини тергай бошлади. Ўғил кўполлик қиласадик.

— Ўзинг-чи, — деди у, — ўзинг ўғрилик қилгансан, кетаётганингда ҳамма пулни олиб кетгансан, яна мени тергайсан.

Кария ғазабланиб, ўғлини урди.

Эрталаб Ефим Тарасич ўғлининг устидан шикоят қилиш учун оқсоқолнинг хузурига йўл олди, Елисейнинг ҳовлиси ёнидан ўтаётганида унинг айвонда турган кампири қуюқ саломлашди:

— Ассалому алайкум, отахон, — деди у. — Зиёратинг қабул бўлсин, ибодатга кирдингми?

Ефим Тарасич жойида тўхтади.

— Худога шукур, — деди у, — кирдим; аммо чолингни йўқотиб кўйдим, ҳа, уйга қайтганини эшитдим.

Кампиршонинг жағи очилди — гап сотишга иштиёқи зур эди.

## Лев ТОЛСТОЙ

— Қайтди, — деди у, — валиненъматимиз аллақачон қайтиб келди. Биби Марьямни хотирлаш кунидан кейин, шекилли, адашмасам. Худо йўлдан уйга қайтаргани учун суюнди! Уни соғиниб қолгандик. Энди нима ҳам киларди — даври ўтган. Бизга бош бўлиб юрса, бас, хурсандмиз. Ўғлимизнинг кандай кувонганини курсанг! Усиз — кўзим нурсиз, дейди. Уни тез соғиниб қоламиз, яхши кўрамиз, асраб-авайлаймиз.

— Қани ўзи, ҳозир уйдами?

— Уйда, қариндош, асаларизорда, асал йиғяпти. Ҳосил мўл бўлди. Худо асалариларга шундай файрат берибдики, валиненъматимиз бунакасини кўрмаганман дейди. Худо баракасини берса, ҳеч гапмас, дейди. Уйга кир, отахон, у хурсанд бўлади.

Ефим айвондан, кейин ҳовлидан ўтиб, Елисейнинг асаларизорига борди. Асаларизорга кириб караса — Елисей тўрсиз, енгчасиз, кулранг чакмонда оккайн соясида кўлинин икки томонга ёйиб юкорига караб турибди, кал боши ялтирайди, худди Куддусда, мукаддас қабр бошида тургандагидай, унинг боши узра худди Куддусдагидай, оқ қайн оралаб тушган нур жилва қиласи, бошини айланиб олтин асаларилар чамбардай чарх уради. Ефим жойида тўхтаб колди.

Елисейнинг кампири эрига кичкирди.

— Отахон келди!

Елисей ортига қайрилиб қаради-ю, кувониб кетди, асалариларни соколидан авайлаб ажратиб оларкан, биродарига пешвоз чиқди.

— Хуш келибсан, биродари азиз... Яхши бориб келдингми?

— Юрған — дарё. Сенга Иордан дарёсидан сув келтирдим. Уйга кириб ол, Худо дуоларимизни даргоҳида қабул қилсин...

— Худога шукур, ўзи асрасин.

Ефим жимиб колди.

— Йўл юриб, бориб келдик, даргоҳида қабул килдимикин, ёки билмадим...

— Худонинг айтгани бўлади, биродар, Худонинг айтгани...

— Қайтишимда сен қолиб кетган уйга ҳам кирдим.

Елисей чўчиб тушди, шошиб, гапни бошка ёкка бурди:

— Худонинг айтгани бўлади, биродар, Худонинг айтгани. Уйга кир, қани, асал бераман.

Елисей гапни айлантириб, босди-босди қилди.

Ефим енгил тортди ва Елисейга йўлда учраган уйдаги одамлар ва Куддусда ўзи гувоҳ бўлган мўъжиза хақида ҳам лом-мим демади.

У Худо дунёга келган ҳар бир кишига ўз бурчини меҳр-муҳаббат ва савоб ишлари билан адo этишини буюрганини англаб етди.

Рус тилидан ҲУМОЮН  
таржимаси



**ҲУМОЮН** — 1964 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини тугатган. Ижодкорнинг “Юракдаги рангин камалак”, “Унумилган гул”, “Дилхирож”, “Ёшлик бекати”, “Туйгулар рақси”, “Интиҳосиз наволар” каби китоблари чоп этилган.



## ШЕЪРИЯТ ҲАЙРАТГА АЙЛАНЯПТИМИ?

Тилланисо НУРЁФДИ

Нега ҳозирги даврда шеър ўқилмаяпти? Бу савол кўпчиликни қизиктирмаслиги аник. Шеър ўқимайдиган одамнинг бу ҳақда ўйлаб кўришга ҳам эхтиёжи бўлмайди. Хўш, унда шеърият бора-бора фақат шоирларнинг ўзи учун яратиладиган санъат турига айланадими ё қачондир одамлар яна шеър мутолаасига қайтиши мумкинми? Энг қизиги, бу факат бизнинг жамиятда кузатилаётган ҳолми ёки бутун дунёнинг шеърга бўлган эҳтироси сўнганми?

Худди шу саволларга рус файласуфи ва маданиятшуноси, адабиётшуноси Михаил Эпштейн ўзининг “Юксак поэзия ва алподам” эссесида жавоб қидириб кўради. Эпштейн одамлар шеър ўқимай қўйган бу давр одамини “тобора поэтик шахсга айланиб боряпти” деб таърифлайди. Чунки бундай одамнинг ўзи “образли”, мажозийдир. XXI аср одами бир мамлакатда туғилади, бошқасида таълим олади, учинчисига бориб ишлайди. Бундай киши – поэтик мажоз, унинг ҳаёти эса кўпқатламли матн.

Эпштейн одамнинг ўзи образлашиб, мажозийлашиб бориши билан бирга, поэзия ҳаётимизнинг ҳамма соҳасига кириб борётганини, факат бунинг учун энди унга сўз керак бўлмай қолганини айтади.

Поэзиянинг бу турлари: антропоэзия ва технопоэзия, поэзия физикаси, космопоэзия ва биопоэзия, соционпоэзия ва эконопоэзия, ноопоэзия кабилардир. Техника тараққиёти натижаси сиз қўлингиздаги смартфон орқали сиздан неча минг километр масофалардаги яқинингиз ё ёрингизни бир пайтнинг ўзида кўриб, эшишиб суҳбатлаша оласиз. Энди сиз уни соғинганингизда, унинг ҳаёли билан овунишингизга ҳожат йўқ. Туйғуларингизни ўша оннинг ўзидаёқ етказиш имконига эгасиз.

Яна бир томони – авваллари одамлар нима учун шеър ўқирди? Ўзи истаган, кўрмоқчи бўлган образини ёзилган асардан қидиради ва асардаги образ унинг чанқоғини босарди. Энди эса одамлар бошқа образларни излашмайди, унга

**Тилланисо НУРЁФДИ** – фалсафа фанлари доктори (*Phd*). 1993 йилда тугилган. Узбекистон Миллий университетини тамомлаган. Унинг “Дилхат”, “Оловранг түгён”, “Қон” каби шеърий, “Сунбула” номли насрий асарлари чоп этилган. “Таҳсин” ёшлар мукофоти билан тақдирланган.

сигинишмайди, ижтимоий тармоқлардаги профиллари орқали ўзининг асли реал хаётдан бир қадар узоқ бўлган виртуал образини яратади. Бугунги инсон энди санъаткор яратган образлар дунёсида яшовчи одам эмас, у ўзининг образини ўзи яратадиган ва уни ўзи тақдим килаётган одам. Инстаграм, Фейсбуқ, Тик-Ток каби тармоқларда одамлар ўз ички дунёсини матн, кийим, услуб, юриш-туриш воситасида яратиб ва ўша пайтнинг ўзидаёқ тақдим эта оляпти. Социопоэзияни ифодалаган бу жараёнда тармоқ тизимида “биз бошқа одамлар ролини ўйнаймиз, ўзимизни “ўзимиз эмас” тимсолида шакллантирамиз, ...биз энди кўп “ўзга” эга шахс бўлиб, унга битта “мен” торлик қиласиди”. Айни шу пайтда хатти-харакатимиз шоирнинг ўз лирик қаҳрамонини яратиш жараёни билан бир хил. Шоир ҳам лирик қаҳрамонлари яратувчиси эди, энди биз ҳам ўз тимсолимизни яратувчимиз.

Авваллари болалар достон ва эртак ўқишишди ва улардаги учар гиламлар, қаҳрамонинг кун эмас, соат сайин улғайишидан, ўзга оламларга саёҳат килишидан ҳайратга тушарди. Бугун эса илм-фан тараққиёти туфайли, учар гилам мўъжиза эмас, масалан, Тошкентнинг қоқ марказига бориб, сиз учар шарда учасиз, заминга тепадан туриб қарай оласиз.

Якинда бир дугонам “Гўруғли” достонларида қаҳрамонларнинг соат сайин улғайиши дегани ёруғлик тезлигидан ҳам тезроқ вақтнинг борлиги туфайли шундай деган фикрини айтди. Демак, энди эртак ва достонда бизга мўъжиза бўлиб туйиладиган воқеаларнинг ҳам қандайдир илмий изоҳи борлигига, у мўъжиза ё хаёлий тасаввур маҳсули бўлмай реалликлигига ишонади. Нега бундай? Чунки, бир аср давомидаёқ биз учар гилам тасаввуридан чекиниб, учар самолётга эга бўлдик. Энди гилам ва у ҳақда айтиш, тинглаш мўъжиза эмас. Учоқда учеб қўришнинг ўзиёқ сизга учишдан туғиладиган завқ-шавкни тақдим эта олади. Шунинг учун учар машина-ю, бошқа мамлакатлар билан боғлайдиган самолёт, наинки бошқа мамлакатлар, балки космостга учирилаётган ракета-ю кемаларни мультфильмда томоша қилаётган бола бугун Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” эртагидан таъсирланиши қийин. Бунда хеч кимни айблаб бўлмайди, болани китоб ўқимаётганлигига айблашдан олдин поэзия ҳаётимизнинг ҳамма жабҳасига кириб борганини, тасаввур маҳсули бўлган ҳодисанинг моддийлашгани ва инсон ҳаётининг ўзи мажоздан чиқиб мажозийлашганини эътироф этиш керак.

Бугун эртак қаҳрамонининг нега соат сайин улғайиши ҳайратланарли эмас? Машхур “Интерстеллер” деган кино бор. Ундаги воқеалар ривожи Ерда апокалипсис бошланганидан кейин бошланади. Озиқ-овқат тугаётган, ресурслар йўқ, инсоният боласининг тақдирни сўрок остида қолган бир палла. Шу паллада космонавт янги ресурслар топиш учун бошқа сайёра ва галлактикаларга учади. У кетаётганида қизи ўсмир ёшига етмаган бола эди. Қаҳрамон ўз миссиясига эришиб қайтиб келганда эса Ерга, қиз кампирга айланиб ўлим түшагида ётар, ота эса мутлако ўзгармаган, қаримаган, қизи билан хайрлашганда қандай бўлса, қайтганида ҳам шундай ахволда эди. Кинодаги бу воқелик ҳам тасаввур маҳсули эмас, аксинча илм-фан ҳақиқати, Эйнштейнинг машҳур “Нисбийлик назарияси”га исбот. Яъни вақт бизнинг сайёрамиз ва бошқа сайёralар, галлактикалар, космос учун нисбий ҳодисадир. Бугун буни биладиган инсон соат сайин улғаядиган қаҳрамондан ҳайратга тушмайди. Балки вақт ҳақида савол бериб кўради ўзига. Бу ҳам поэзиянинг – ноопоэзия, илм-фан сатҳларига қай тарзда кўчганини кўрсатади.

Яна бир кизик жараён – авваллари эртак ё достондаги ўлиб-тирилиш, нариги дунёга бориб келиш деган сюжет чизиги ўкувчини ўйлантиради. Энди эса олимлар Ер ва Космос ўргасида ёруғлик тезлигидан-да тезроқ муддатда “нариги оламларга”,

галлактикаларга бориб келиш имконини берадиган “қуртешиклар” деб аталувчи вактмакон туннели борлигини назарий жиҳатдан башорат килиб бўлишиди. Биз ёзган смс ё юборган расмимиз бир дакикадаёқ океанортидаги инсонга етиб боришидан бутун ҳайратланмаймиз. Аммо ўша вакт-макон туннели топилса, биз ўзимизни келажакка, ўтмишга хам телепортация кила олишимиз мумкин бўлиши бутун илмий-фантастик киноларда кўрсатилмоқда. Вакт ўтиб ҳатто ўтмишдаги ўзимиз ҳақида ўйлашимизга ҳожат колмаслиги, у билан бориб юзлашиб, гаплашиб келишимиз мумкинлиги поэзиянинг ақлга сифрас даражада такомиллашаётганини кўрсатади. Йўқ, у айнан сўз ёрдамида кенгаймаяпти, аммо бизнинг хаёлларимиз, тасаввурларимиз реаллашиши, моддийлашиши натижасида даҳшатли кенгайиб боряпти.

Квант физикасининг очилиши физиканинг мутлако поэтик эканини исбот этди мен учун. Авваллари шоир “Ойга кара ва мени ўйла, ўша маҳали мен хам сени ўйлаётган бўламан” дерди. Ҳар бир энергия бир-бирига тортишади дейди квант физикаси. Бугун ҳар бир моддада бўлинувчи атомдан хам кичик зарра – квантнинг мавжудлиги, энг муҳими у одамлар кўзига айнан ўз ҳолатида кўринмаслиги, нима билан қараётган бўлсангиз, сизга шу шаклда кўриниши авваллари шоирона гап бўлиб туйиладиган “Дунёга қандай карасанг, шундай қарайди у ҳам сенга”, деган сўз билан баробар.

Дарвоқе, яна бир ҳодиса. Хошимжоннинг қалпоқчаси эсингиздами? У орқали Хошимжон кўринмас бўлади, баҳоларини ўзгартиради ва ҳоказо. Бугунги физика, физик олимлар кўринмаслик хам назарий жиҳатдан мумкин бўлган ҳодиса демоқда, эҳтимол минг йиллар оралиғидаги келажак физикасини инсоният учун кўринмасликнинг очилиши кутар.

Эпштейн поэзия ҳамма нарсанинг ҳамма нарсага кириши, ўтишидир дейди. Бугун ҳаётнинг ҳамма жабхасида шу жараён кетяпти. Поэзия ижтимоий тармоқларда кўп ўзликларни намоён қиляпти, физика ва поэзия тили аллақачон бир тилни эслатиб юборган, космос, галлактикалар, осмондаги юлдузлар биз учун хаёл қилинадиган нарса эмас, турли телескоплардан олинган расмларда уларнинг суратини кўряпмиз, ҳатто биз Катта портлашдан миллион йил кейин телескопларга келган нур сабаб унинг ҳам қисмларини кўрдик. Бугун ҳеч нарса ҳайрат уйғотмаслиги табиий, чунки турмуш тарзимизда ҳар бир ҳайратланарли нарса моддийлашиб, реаллашиб бормоқда.

Бу дегани энди шеърга эҳтиёж қолмади деганими? Йўқ, ундан эмас. Шеърга эҳтиёж ҳамиша мавжуд. Биринчидан, бизга доим шоир керак. Шоир ким? Шоир – санъатчи. Санъатчи эса доим индивидуал шахс, олам. Биз бугун кўп жиҳатдан бир-бирмизга ўхшаш одамлармиз – тараққиёт меваларини истеъмол қилишда, ишлаб чиқарувчи инсон бўлиб тараққиётнинг бир бўлагига айланишда. Бунда ўз-ўзидан индивидуаллик йўқолади. Шоир аввало ўзида ўша индивидуаллигини асраб қолган одам.

Ва бундай индивидуалликка доим бизнинг эҳтиёжимиз бор, нега деганда, воқеликка бошқа томондан қараш учун бизга доим ўша бошқа томондан қарай оладиган, қаранглар, бу томон ҳам бор, бу томондан ҳам қараш мумкин деган одамлар керак. Индивидуаллик бизнинг якранг, умумий турмуш тарзимизни бузуб туради. Энг муҳими индивидуалликни таърифлаб бўлмайди, у ўз-ўзидан содир бўлади, агар бундай бўлмаганда ҳамма шоир бўлиши мумкин эди.

Иккинчидан эса, бугун поэзиянинг бошқа сатҳларга кучиши натижасида сўздаги поэзия ҳам ўзгаришларга юз тутди. Айрим шоирлар поэзиянинг бу тарзда ҳаётимиз сатҳларига ёйилишига исён сифатида энди юксак бадиий тил билан эмас,

балки оммабоп тил, ҳатто күча тилида ҳам ёза бошлашди. Бундай шароитда шоир үйлайди – энди ёзиш учун нима қолди унга, хаёл ва тасаввурлар реаллашаётган бир паллада? Энди ҳаётдаги энг исқирт, энг күримсиз, энг тубан деб билинадиган нарсалар, тушунчаларга ҳам маъно бериш вақти келгандир, поэзия ҳаётнинг доим четда қоладиган қисми ҳақида ҳам гапиришга ўзига рухсат берар?! Бундай хусусият Американинг Аллен Гинзберг, Чарльз Буковски каби XX асрнинг сўнгги таникли шоирлари бўлмиш “синдирилган авлод” ижодида кўрина бошлади. Кейинчалик бундай кайфият дунё шеъриятига ҳам ёйилди.

Учинчидан, поэзиянинг ўзи ижтимоий, биологик, физик, космик ва илмий ҳаёт сатҳларига ёйилган экан, қандай қилиб сўзли шеърият буларнинг барчасини камраб олмаслиги мумкин?! Азалдан шеърият барча санъатнинг чўккиси бўлган, чунки у бир лаҳзани муҳрлаш орқали, бир лаҳза таърифи ҳақида айта туриб, бутун борлик ҳақида гапирган. Поэзиянинг бу табиатини тушуниш ҳамма учун осон эмас. Салафларимиздан бири айтганидек, бунинг учун камида “икки вагон” китоб ўқиш керак бўлади. Агар сиз ўзингизни шундай китобхон қилиб тарбияламаган одам бўлсангиз, шеърни тушунолмайсиз. Айниқса, бугунги ҳамма нарсани қамраб олишга уринадиган шеъриятни.

Яна бир фикр, XX асрдаги француз шеърияти шеър тили, структураси, фикр оқими – барчасини тубдан ўзгартирди. Ва уларнинг ёзгани ҳамма учун тушунарли эмас эди, улар маълум хос одамлар учун эди. Ҳўш, улар нега бундай қилган деб үйлайсиз? Мен үйлайманки, бундай шеърият орқали улар инсониятни мутлақо бошқа фикр ўлчамида карашга ўргатмоқчи бўлган. Бу орқали ҳам шеърият башорат қилган. Биласизми, нимани башорат қилган, ҳозирги олимлар коинотнинг биз билмаган галлактикаларида мутлақо бошқа ўлчамлар бор дейди, эҳтимол у ерда цивилизациялар бор ва у ердаги ўлчамлар мутлақо бошқа, биз унинг қандайлигини ҳатто тасаввуримизга сиғдиролмаймиз дейишади. Бу вакт ўлчами маъносида ё замон ўлчами маъносидами, хуллас, ҳаммасида шундай. Демак, ҳақиқий шеърият ҳамон мавжуд ва у ўз даврининг фикр ўлчамларидан олдинда юрмоқда. Аммо уни тушуниш учун сиз исталган шеърни олиб ўқиб кетишингиз кифоя эмас. Ҳа, энди шеърни ўқиш, англаш, ҳис қилиш учун хос бўлиш ҳар қачонгиданда зарур. Ҳаётимизнинг ҳамма палласи ва жабҳаси шеърга айланганда шеъриятнинг ўзи нима демоқда? Сиз шеър воқелигига айни шу нуқтадан қарай олишингиз керак.

Бунинг учун эса яна ўша – хослик муаммоси. Шеър нега ўқилмаётганига сабаб ҳам шу – ўқувчининг ўзини хос даражада тарбиялай олмаслиги, мабодо хос бўлиш ҳақида гап кетса, тезда бурун жийириши. Тўғри, билмаган нарсангизни бирор билмайсан деб айтса, дарров эгомизга тегиб кетади ва ўрнимиздан сакраб кетамиз. Лекин иккинчи томондан үйлаб қараса, сизда имкон бор. Билмаган нарсангизни қачондир билиш ёки шу эго измида ҳеч қачон билмай ўтиш. Хос бўлинг, деган гапни ҳам камситилишдек қабул қилишингиз мумкин. Аммо унутманг, нега хос бўлинг, деса жаҳлингиз чиқади, биласизми, биз ўзимизни ҳамма юқори, юксак нарсаларга лойик кўрмай кўйган одамлар эканимиздан. Биз ўзимизни хосликка лойик кўрмаслигимиз ва ўзимизни хос қилиб тарбиялашга уринмаслигимиз эвазига ҳам хосликдан бурун жийирамиз. Аммо сиз чинакам шеъриятдан завқ олишни истасангиз, хос бўлишингизга тўғри келади. Агар сиз буни танламасангиз ҳам, юксак шеърият доим яшайверади, ўзини хосликка лойик кўрадиган инсонлар ва халқлар учун. Улар шеърият берган тасаввур имкони эвазига поэзияни ҳаётга татбиқ қилиб бораверадилар.

Шеър ўқинг. Бунинг учун ўзингизни хосликка лойик кўринг. Хос бўлинг!

## Кўксимда изтироб яшар



**МАСИХУЛЛОҲ**

### Эртакли кунлар

Эй, пари!  
Қарагин кўқда ой қуюк,  
Домига тортганми оловдам аждар.  
Менинг түғёнимда  
Сокин жилға йўқ,  
Менинг түғёнимда ҳаловат – хатар.

Эй, пари!  
Шомларнинг ранги ўзгарди,  
Бузруквор юлдузлар йиқилди бир-бир.  
Бу дунда минг йилки излайман сени,  
Минг йилки кўксимнинг куйлари дилгир.

Эй, пари!  
Куёшнинг илкидан тортдим,  
Қора дев қаршимда тиз чўқди бўзлаб.  
Энди сен қанотли кийимингни кий,  
Озодсан, учавер осмонни кўзлаб.

Эй, пари!  
Кетгину, кетишдан аввал,  
Ўйлагин бошимни битмаган тошдан.  
Мени ҳам олиб кет парилар сари,  
Кўрқаман одамлар билан яшашдан.

**МАСИХУЛЛОҲ** – 1998 йилда тугилган. Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. “Эртакли кунлар” шеърий тўплами нашр этилган.

### Дилда борим

Дилда борим,  
бир эслагин  
Сенинг ҳам хур ёдинг бұлса –  
Биз адашган йүлдан гапир,  
Йүриғи ок.  
Худо дедим,  
Худодан ҳам сени севдим,  
Энди менинг ожизгина ҳолимга бок...

Бир дам эди,  
Мен тегинсам хас яшнаган,  
Нафасимдан тилга кирған туман булбул.  
Тонг саҳарда исминг айтиб гулга боқсам,  
Маржон-маржон  
Шабнамини артарди гул.

Кизғанарди етти буржнинг паризоди,  
Қадамимга қурбон үлан  
Бұлған суман.  
Бугун эса у кунлардан  
Хат-хабар йўқ,  
Ўзанини излаб, лойқа топган сувман.

Ким үйлабди, менинг қалбим күйишини,  
Сенинг изинг жайронларнинг изидами?  
Масихман деб  
Исо сифат юрган пайтим,  
Минг чирандим  
Аммо күнглинг исимади.

### Озод қүш ҳакида әртак

Икки бор туғилди бу митти қанот,  
Икки бор оламга довруғин ёйди.  
Бир марта онанинг қорнидан тушиб,  
Бир марта тухумнинг бошини ёрди.

Күз очиб құрдикі, отаси – ғулом,  
Инсоннинг құлиға очилған оғзи.  
Икки бор дунёни күрган полапон  
Туғилиш баҳтидан бұлмади рози.

Исёнчи күч келди қүш юрагига,  
Учинчи ҳаётта үзи интилди.

Ниҳоят синдириб темир қафасни  
Азалий  
кулликдан  
кутулди...

### Қакнуслар сайраса

Қакнуслар сайраса,  
томоғи қонар.  
Оlam ҳам юз бураг,  
гуллар ҳам тонар.  
Нега биз учрашсак  
яноғинг ёнар?  
Эй, менинг ҳабибим,  
эй, менинг жоним.  
Эй, менинг кўзимга  
сиғмаган томчи,  
Дунё хотам экан,  
кўнглим тиламчи.

Мен дедим, кулгингдан  
кулади башар,  
Кулгингни подшоҳлар  
кулдан талашар.  
Менинг-чи, кўксимда  
изтироб яшар,  
Эй, менинг рафиқим,  
эй, менинг жоним.  
Борми, айт, қаршингда  
мен каби ғариб,  
Кўз остинг машрику,  
Кўз устинг мағриб.

Изладим, топмадим  
дардимга гиёх(x),  
Сехриё дегайман  
яна Сехриё!..  
Сен Хорут, мен Морут  
бокмайсан киё,  
Эй, менинг насибим,  
эй, менинг жоним.  
Дунёда жамийки  
унсур алдамчи,  
Вужудинг мулкимдир,  
соchlаринг соқчи.

## Оху

Билсангиз,  
Марҳамат томонда  
Бир қиз бор.  
Адашдим. Бир гул бор.  
У факат қўксимда унсин деб,  
Марғилон тарафда бир қул бор.

Бир кулки, қўнглига ғул урган  
Ҳукамо ҳукмидан норизо.  
У гулки – тупрокни яйратган,  
Кўзлари мунис ва дилафзо.

Ким оху кўзларнинг сайёди?  
Кимларнинг тутқуни ул оху?  
Қул кимга арз қилисин, қулидан  
Гулинин қизғаниб турса у...

## Қисмат

Тоғларнинг чекига ўсмоқлик тушди,  
Осмоннинг хақкига муаллақ турмок.  
Одамнинг лойига кўшиб мулкини  
Бағрини топтатиб ётиби турок.

Кийикнинг бўғзига тиш изи инди,  
Ўлакса кўймади ўз одатини.  
Наҳотки, бурч дея ишонди-қўйди,  
Ваҳшийга ўрмоннинг назоратини.

Бу қўқда кушлар ҳам бор эди, аммо,  
Парвозни унуди, қаноти қотди.  
Баликлар эрк дея сакраган маҳал  
Ой ипак тўрини дарёга отди.

Яна парвонага теккани мардлик,  
Ўт билан ўйнашиш, оқибат – куйиш.  
Менга ҳам битгани Одил Ҳакамнинг  
Шеър ёзиб, дунёнинг устидан кулиш.

# Тиллолар сочади дарахтлар



Ашурхон КОМИЛОВА

\* \* \*

Бир хона  
тор хона  
ичида яшайди Тасаввур  
Ташкари беранг,  
тасаввур,  
яшилга бўялган деразанг!

ойнадан боқасан  
шуурингни коплар яшил.  
яшил томчилайди булутлар,  
дарахтларга инар ям-яшил сукут

Тўрт ёнга тўзгийди яшил одамлар

Бир хона  
тор хона  
ичида яшайди тасаввур  
Ташкари беранг  
тасаввур,  
сариққа бўялган деразанг.

Ойнадан боқасан  
шамолнинг камони  
тортилар таранг.

*Ашурхон КОМИЛОВА – 1998 йилда туғилган. Андижон қишиюқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти 4-босқич талабаси. Шеърлари республика матбуотида чоп этилган.*

## Ашурхон КОМИЛОВА

Ёпирила бошлар  
сариқ рангли ўқ,  
нафас олар коинот аранг.

Бир хона  
тор хона  
кимсага зор хона

Дераза беранг,  
кимсасизлик бокар ойнадан

Бир ён яшил сукут,  
бир ён сариқ ранг...

\* \* \*

Сени йилда олқишилагани:  
Уч фаслни босиб келар куз,  
Ундан содиқ мухлисинг йўқдир.

Сен уйингдан  
Машхур юлдуз мисол  
чиқиб келасан.  
Тавозе қиласди,  
Пояндоз тўшайди.  
Бошингдан  
тиллолар сочади дарахтлар...

\* \* \*

Дунёни бошига кўтарар,  
Асаблари қақшаган шамол.  
Май оқшоми...  
Шовқин кўкарар,  
Сукунатлар бўлар bemажол.

Ёвга жабри етолмагану  
Ололмайн гўё хунини,  
Тулпорини қамчилагандек,  
Чўчитади чақмоқлар тунни.

Тонг, мисоли нажот кабида,  
Тупроқларга сингиб чакинлар.  
Учук мисол, тупроқ лабига,  
Бўртиб чиқар қўзиқоринлар.

# ALLO, “TEZ YORDAM”?

Qissa



Kavsar TURDIYEVA

- Tur qizim, eshikni yopib qol.
- Uf... oy... Yo‘-o‘q. O‘zingiz qulflab ketavering. Yana ozgina uxbab olay.
- Shu “yo‘q” deyishu “uf” tortish odatingga aylanib qoldi-da, qizim... – xafa bo‘ldi ona. Parizod bunga parvo ham qilmay yostig‘ini boshiga bosib yana uxbay boshladi.
- Hoy, uyg‘on endi. Bugun qiladigan ishlaring ro‘yxatini yozib qo‘ydim. Men ketdim: nonushtang stolda. Ukangni ovqatlantir.

Eshik yopilganidan ancha o‘tgachgina Parizod xohlamaygina ko‘zini ochdi.

- Uf, yakshanba kuni ham tinchlik yo‘q. Hammaning ota-onasi odamga o‘xshab uyda o‘tiradi. Bizda esa boshqacha: har kuni ish, ish! Dadam esa doimgidek safarda.

U erinibgina stol oldiga bordi-da, yuzini ham yuvmay telefonni ochgach telegramdan oyisining ovozi keldi: “Avval yuzingni yuv! Keyin ishingni qil!”

Achchiqlangancha yuz-qo‘lini yuvib kelgan Parizod oyisining bir varaqqa yozib ketgan topshiriqlariga ko‘z yogurtirarkan:

- Uf! Yana uy yig‘ishtir, idish yuv, ukangni ovqatlantir, – dedi jahl bilan va ukasining ustidan ko‘rpani tortib olib tashlarkan, buyurdi: – Qani, tur-chi!

Shamshod titrab burchakka tiqilib oldi.

- Tur o‘rningdan endi! Joylaringni o‘zing yig‘! Hozir ovqat yeysan, keyin piyolaga ham tegmaysan, nonga ham. Sening orqangdan yig‘ishtirib yuradigan malaying yo‘q, – degancha onasi buyurib ketgan barcha yumushlarni jahl bilan bajarishga tushdi.

– Men shohmat o‘ynayman, – injiqlandi Shamshod.

– Yo‘q! Yana ortingdan yig‘ishtiramanmi? Ahmog‘ing yo‘q!

Shu zaylda Shamshod yotaverdi. Kechgacha turmadi. Parizod endi undan xavotirlana boshladi.

– Yur, televizor ko‘ramiz! – dedi ukasiga muloyimlik bilan.

– Yo‘q, – rad etdi zo‘rg‘a ko‘zlarini ochgan Shamshod.

– Yo ertak o‘qib beraymi?

– Kerak emas.

**Kavsar TURDIYEVA** – O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan yosħlar murabbiysi. 1958 yilda tug‘ilgan. Toshkent davlat universiteti (hozirgi O‘zMU) hamda Lelingrad (hozirgi Sankt-Peterburg) davlat universitetini tugatgan. Ijodkorning “Varrak”, “O‘ynayapman, o‘ylayapman”, “Qush bo‘lib uchgan ona”, “Raqamlar bo‘ylab sayohat” kabi yigirmadan ortiq kitoblari nashr etilgan.

Shamshod hatto doimiy qiziqib tomosha qiladigani “Oqshom ertaklari”ni ko‘rishga ham turmadi. Qorong‘i tushdi. Birdan uning g‘alati ihragani eshitildi. Bundan xavotirga tushgan opasi uning peshonasiga qo‘l tekkizishi bilan ukasining isitmasi balandligidan qo‘rqib ketdi.

– Shamshod, ukajon senga nima bo‘ldi?

Shamshod nimalardir deb alahsirardi. “Endi nima qildim?” o‘ylanib qoldi Parizod. Va xayoliga kelgan birinchi fikridanoq qo‘shnilarni chaqirish uchun yugurib avval yo‘lakka, u yerda hech kim ko‘rinmagach, ko‘chaga chiqdi. Afsuski, ko‘chada ham hech zog‘ ko‘rinmasdi.

Shoshib uyga qaytib kirgach tezda “03” – “Tez yordam”ga qo‘ng‘iroq qilmoqchi edi, go‘shakdan hech qanday ovoz chiqmayotganini anglab, “uf”, deb xo‘rsinib qo‘ydi. Ukasining holatidan xavotirlanib yana najot izlab ko‘chaga chiqqanida tun yarimlagan, deyarli barcha derazalar ham chirog‘i o‘chgan edi. Parizod boshini changallagancha yig‘lab yubordi. Boshqa iloji yo‘qligidan uyiga tomon ketayotgan edi hamki, birdan ortidan kimdir:

– Hoy qizaloq, to‘xta! – deb qoldi qandaydir shoshqin, yig‘lamsiragan ovozda.

Parizod biroz talmovsirab qoldi. Keyin hadik aralash orqasiga o‘girilib, u yerda qo‘lida “Tez yordam” sumkasini tutgan, boshi va quloqlariga dori idishlari yopishib qolgan, egniga ko‘k rangli xalatu qalpoq kiygan ko‘zoynakli kishi turganini ko‘rdi.

– “Tez yordam”ni sen chaqirmoqchimiding, qizaloq? – so‘radi o‘sha odam. – Ukang og‘ir ahvolda-ku, yur tezroq, – degancha shoshiltirdi uni negadir sira ko‘zyoshi timmayotgan o‘sha “ko‘zoynak”.

– H...ha-a-a... – dovdirab qoldi Parizod. Lekin hali “Tez yordam”ga qo‘ng‘iroq qila olmagan bo‘lsa-da, shifokorning yetib kelganidan hayron edi.

– Yuraqol tezroq! – shoshiltirdi ko‘zoynakli xaloskor.

Ular xonaga kirib, Shamshod yotgan karavotga yaqinlashishganida soat o‘n ikki marta bong urdi. Shu payt ko‘zoynaklining yuzlari birdan yorishib, “Qanday soz!” dediyu, betob bola ustiga engashdi. Qizig‘i, uning yonoqlaridan hamon ko‘zyoshlari duv-duv oqardi.

– Issig‘i juda baland-ku! – dedi keyin chuqur “uh” tortgancha. – Xo‘sh-shsh... Endi nima qilsak bo‘ladi? – so‘ng yana bir xo‘rsindi-da, darhol o‘zini qo‘lga olib, qat’iyat bilan dedi: – Biz bu isitmani yengmaguncha kasallik bilan olishamiz! Lekin u makkor dardni bir o‘zim daf qilishim mushkul!

So‘ng qo‘llarini yuvib kelgach, Shamshodga yuzlandi:

– Endi, azizim, bu kasallikni yengishga menga o‘zing yordam berasan!

– Buning uchun nima qilishim kerak? – zo‘rg‘a so‘radi Shamshod tepasida turgan notanish kimsaga umidvor termilgancha.

Shifokor esa hamon ko‘zyoshlari oqib, xo‘rsinib, o‘ksigancha gipnoz qilayotgan gapini Shamshodga uqtira boshladi: – Sen juda aqli bolasan. Har kuni darsingni vaqtida bajarasan. Va kelajakda kosmonavt bo‘lasan.

Shu payt Parizod nimadir demoqchi bo‘lib og‘iz juftlagandi, shifokor uning jim turishini iltimos qilib, barmog‘ini labiga bosdi.

– Biz hozir tanangni jarohatlayotgan kasalni yulib tashlaymiz, – degancha sumkasidagi dorilarni ko‘zdan kechirib, ular orasidan birini olib, shprisga tortdi va Shamshodni emladi. Har doim “ukol”dan o‘lguday qo‘rqadigan ukachasi bu gal “g‘iq” ham etmadi. “Ko‘zoynak”ning har gapiga so‘zsiz itoat etdi.

– Ana endi tuzalasan, – yig‘loqi shifokor va chuqur “uh” tortib, deraza tomon yo‘nalarkan.

Parizod hamon bu notanish kimsaga hayrat bilan qarab turardi. Chunki qanaqasiga o‘ylamasin, hozirgina ukasini davolash uchun kelgan bu kimsaning xatti-harakatlari qandaydir g‘alati edi.

– Kechirasiz... Siz... Siz... – deb nimadirni so‘ramoqchi bo‘lib gap boshlagan Parizodga shartta qayrilib qaragan bu kimsa ko‘zoynagini yechib, uni qayta taqarkan, go‘yo Parizodaning fikrini o‘qib turgan kabi dedi:

– Bilaman, ko‘zingga g‘alati ko‘rinyapman. Negaki haqiqatdan ham oddiy odamlarga o‘xshamayman...

– Nega? – tili zo‘rg‘a gapga kelib so‘radi Parizod bu kimsa uning xayolidan kechganlarini bexato topganidan battar dovdirab.

– Chunki men jazolanganman... Shuning uchun o‘z gunohlarimni yuvish uchun har daqiqada yordamga muhtoj odamlarning oldiga kelishim kerak. Payqadingmi? Qulog‘im inson tanasidagi o‘zgarishlarni fonedoskopdek eshitsa, ko‘zlarim rentgen nurlaridek ko‘radi, qalbim esa ukpardek yengil, paxtadek yumshoq bo‘lib qolgan, – piqillab yig‘lab yubordi doktor. – Shuning uchun boshqalarning og‘rig‘i, dardini darrov sezadi, simillab og‘riydi...

Parizod hamon hayratda edi. Shunday bo‘lsa-da, darrov so‘radi:

– Unda meni ham nima bezovta qilayotganini sezayotgandirsiz?

– Ha, – javob qildi sirli shifokor yana yig‘lamsirab. – Bundan bir necha kun oldin “ikki” baho olganining uchun kundaligingni oyingga qanday ko‘rsatishni o‘ylab, siqilyapsan. Buning ustiga dadangning kompyuterida o‘yin o‘ynayman deb, uning muhim bir maqolasini o‘chirib yuborganingdan ich-etingni yeb yuribsan.

– Voy! – bu qadar aniq dalil-isbotlardan hayrtaga tushgan Parizod bexosdan yerga o‘tirib qoldi. So‘ng xavas bilan dedi: – Eh, qaniydi menda ham shunday qobiliyat bo‘lgandami?!

– O, bu juda qiyin. Menga havasing kelmay qo‘ya qolsin, – dedi shifokor va xonada u yoqdan-bu yoqqa yurgancha qo‘shib qo‘ydi: – Bir paytlar men ham shunday qobiliyat emasdim, o‘ta bilimli shifokor edim.

– Hozir-chi? – sabrsizlik bilan so‘radi Parizod. – Hozir shifokor emasmisiz?

– Yo‘q... – va dabdurustdan piqillab yig‘lab yubordi “ko‘zoynak”. – Hozir... hozir “Tez yordam”man, xolos. Hatto ismim ham shunday. Egnimdagи xalatim, qalpog‘im ham qachonki sehr kuchi ketsagina avvalgi oq rangiga qaytadi....

– Nahotki o‘sha sehrni olib tashlashning iloji yo‘q?

– Bor, albatta. Lekin buning uchun sehrgarning uchta shartini bajarish kerak.

– Qanaqa shartlar ekan ular?

– Bu shartning birinchisini bajarish ikki yil deganda mana hozir nasib qildi. Unga ko‘ra kasal ko‘rishga kirgan xonadonim ostonasidan o‘tishim bilan soat o‘n ikki bor bong urishi kerak edi.

– Qolgan ikki sharti-chi?

– Afsus... Men ularni bilmayman.

– Unda kim biladi?

“Tez yordam” yana piqillay boshladi:

– Bilmadim.

Parizod biroz xayol surib turdi. Keyin birdan ko‘zi Shamshodga tushdi. Ukasi allaqachon o‘rnidan turib, yostiqqa suyangancha “Tez yordam”ga hayrat bilan tikilib turar, boyagi xastaligidan asar ham qolmagandi.

– “Tez yordam” amaki, – dedi Shamshod. – Bir narsa so‘rasam xafa bo‘lmaysizmi?

– So‘rayver. Men xafa bo‘lishdan mahrum etilganman.

– Sehrgar nima sababdan sizni shunday jazoladi?

“Tez yordam”ning chehrasi yana g’ussaga cho’mdi va xo’rsinib dedi:

– Buning tarixi juda uzun. Eshitib, nima ham qilasiz?

– Ayta qoling, iltimos... – uni hol joniga qo‘ymay qistovga olishdi bolalar.

– Unda eshiting, – deya hikoyasini boshladи “Tez yordam”. – Boya aytganimdek, bir vaqtlar oddiy shifokor edim. Oldimga ko‘plab kasallar kelar, epchilligim, aqliligim, bilimga chanqoqligim uchun hamma mendan, hatto o‘zim ham o‘zimdan xursand edim. Bolalar shifokori bo‘lganim uchun mijozlarim juda ko‘p, ular qabulimga kirish uchun juda uzun navbatlarda turishardi. Asta-sekin bu yutuqlarimdan g‘ururlanib, kekkaya boshladim. Bemorlarni ham kim sovg‘a bilan kelsa, o‘shalargagina yaxshi xizmat ko‘rsatadigan bo‘ldim. Bir kuni qabulimga hassaga tayangan, o‘zi juda keksa bo‘lishiga qaramay, nevarasini opichlab olgan bir kampir tashrif buyurdi.

– Do‘xtirjon, iltimos nevaramni ko‘rib qo‘ying, – dedi u. Men istamaygina bolani tekshira boshladim. Bolakayning ahvoli xaqiqatdan juda og‘ir, uning dardiga davo bo‘ladigan dori esa nihoyatda qimmat edi. Ammo aynan o‘sha dorining o‘ntasi mening tortmamda turgandi.

– Iltimos, qanday bo‘lmasin nevaramga yordam bering! – yana yalindi kampir.

– Hozir sizga bir dori yozib beraman. Darhol o‘shani toping, – dedim men.

– Bu doridan o‘zingizda yo‘qmi? Iltimos, agar bo‘lsa, nevaramga o‘zingizdagidan qilib turing... Bu yaxshilgingizni ming chandon qilib qaytaraman, – yolvorishga tushdi kampir.

– Menda unday dori yo‘q! – qat’iy dedim.

– Axir nevaram o‘lib qolishi mumkin-ku!

– O‘lsa menga nima, – javob berdim sovuqqina.

– Siz bor narsani yashiryapsiz! – uvvos tortgancha yig‘lab yubordi kampir.

– Yo‘qol! – dedim unga jig‘ibiyron bo‘lib.

– Hali shunaqami? – birdan tinchlandi kampir va shunday qarshimda turgancha bir qo‘lini tepaga ko‘tarib, gir aylana boshlagandi, bag‘ridagi nevarasi shu zumdayoq oppoq kaptarga aylanib, “pirr” etgancha uchib ketdi.

– Evoh! Sen tufayli nevaram uchib ketdi! Buning uchun hoziroq jazoyingni olasan! – past, ammo yurakni teshib yuborar darajada qat’iyat bilan dedi kampir ko‘zlarimdan nigholini uzmay.

– Siz o‘zi kimsiz? – tanamga kirgan dag‘-dag‘ titroqni bosolmay so‘ray oldim zo‘rg‘a.

– Men vijdon bo‘lamon! Ha, sehrli vijdon.

– Unda nega oddiy odamga o‘xshaysiz?

– Chunki men ba‘zi-ba‘zida odamlar oldiga inson qiyofasida kelib, ularni sinab turaman. Sinovdan o‘tmaganlarni esa jazolayman!

Va sehrli vijdon jazosiga ko‘ra boshim, manglayim, qulog‘im, sochlariimga tortmamdagи, bemor bolalardan yashirib qo‘ygan jamiki dori-darmonlar qandaydir kuch bilan yopishib qoldi. O‘shanda kampir bu sehrdan qanday xalos bo‘lishimning birinchi shartini aytib, ammo to‘liq uchta shart bajarilgandan keyingina asl holimga qaytishim mumkinligini bildirib, ko‘zdan g‘oyib bo‘ldi.

– Bu juda yomon-ku! Endi nima qilasiz?

– Nima qilishimni o‘zim ham bilmayman. Shunday yuraveraman. Chunki o‘z aybimni yuvishim kerak. Men qilgan aybimga juda afsuslanaman. Yana aslimga qaytishni xohlayman.

– Xafa bo‘lmang, siz shu ko‘rinishingizda ham chiroylisiz, – chin dildan uning ko‘nglini ko‘tarishga harakat qildi Shamshod.

– Rahmat!

– Siz ko‘p odamlarni davolashga yugurib yetib boraman, deyapsiz, ammo siz haqingizda hech qayerdan eshitganimiz yo‘q... – hayron bo‘ldi Parizod.

– Chunki men yordam bergani kirgan xonadonim ostonalaridan qaytib chiqishim bilan odamlarning xotirasidan o‘chib ketaman.

– Unda bizning ham esimizdan chiqasizmi?

– Ha-da!

– Yo‘q! Yo‘q! Men sizning bizga qilgan yaxshililingizni unutishni istamayman! Axir siz meni tuzatdingiz-ku! Nima qilsak sizni eslab qolamiz?

– Uzr. Bu yerda ortiq qololmayman. Chunki tong yorishyapti.

– Topdim! – o‘tirgan o‘rnidan sakrab turib ketay dedi Shamshod. – Bizning xotiramizda qolishingiz uchun tuynukdan chiqib ketsangiz-chi? Chunki sehrgar sharti bo‘yicha ostona hatlasangizgina yoddan chiqasiz. Tuynukda esa ostona yo‘q!

Shamshodning bu topqirligidan “ko‘zoynak” xursand bo‘lib ketdi:

– Ha, shunday qilaman!

Shu tariqa “Tez yordam” tuynukdan chiqib, ko‘zdan g‘oyib bo‘ldi. Uni kuzatib qo‘ygan Parizodni esa g‘am bosdi:

– Nima qilib bo‘lsa ham unga yordam berishimiz zarur! – dedi ukasiga qat’iy.

– Qanday qilib?

– Sehrgarni topishimiz kerak!

Parizod o‘z o‘rniga borib yotganicha ancha vaqt uxlay olmadi. Sehrgarni qanday va qayerdan izlab topish mumkinligini o‘ylay-o‘ylay ko‘zi ilindi. Uyqusida esa ajib bir tush ko‘rdi. Unda ukasi Shamshodjon bilan qandaydir botqoqlik yonida turishar, botqoq o‘rtasida esa bir uloqcha botib ketayotgan ekan. Uloqcha xuddi odam kabi ularni yordamga chaqirardi. Shunda Parizod bir shox uzatib, uloqchani botqoqdan chiqarib olgan ekan, jonivor uning atrofida dikir-dikir sakrab, “rahmat” aytibdi.

– Ey mehribon qizaloq! Nimaniki orzu qilgan bo‘lsang, unga erishtirib beraman! – debdi.

– Mening birdan-bir orzuim “Tez yordam” amaki yana avvalgi o‘z holiga qaytsa... – iltimos qilibdi Parizod.

– Bu ishni qanday uddalash mumkinligini bilaman, – javob qilibdi uloqcha. So‘ng Parizodaning qo‘llariga bir qopcha tutqazib, tayinlabdi:

– Mana shu qopchani bir silkiganimda chorak qop, yana bir silkiganimda yarim qop, uchinchi bor silkiganimda yana chorak qop echki juni tushadi. Sen ularning hammasidan ip yigirasan. Yigirilgan ipni yumaloqlab olgach, uni oyog‘ing tagiga tashlab, bunday deysan:

*Ipim yo ‘lga boshlagin,  
Ezgu qadam tashlagin.  
Sehrgarga boraman,  
Faqat juda shoshmagin...*

– Aytib qo‘yay, – gapida davom etibdi uloqcha, – sen yo‘lga qoq yarim tunda chiqishing kerak.

Shu gaplaridan keyin uloqcha uch marta silkinibdi. Parizod va Shamshod qopchadan to‘kilayotgan mayin echki junlarini chaqqonlik bilan bir joyga yig‘a boshlabdilar. Ular ish bilan andarmon payti qayerdandir xo‘rozning baland ovozda butun borliqni buzib, “Quqaraqu-uq!” degani yangrabdi-yu, Shamshod bilan Parizod bab-baravar uyg‘onib ketishibdi.

– Hozirgina nima bo‘lganini sen ham ko‘rdingmi? – biri boshqasiga gal bermay ko‘rgan tushlarini bir-biriga aytib berishdi opa-ukalar. Ajabo! Parizod ham, Shamshod ham bir paytda bir xil tushni ko‘rgan edi! Undan ham ajablanarlisi, xonaning o‘rtasida o‘sha uloqcha bergen qop ham yotardi!

Ular yugurib borib qopni ochib ko‘rishsa, ichi liq to‘la echki juni ekan.

– Eh... – afsus bilan bosh chayqabdi Shamshod. Biz ip yigirishni bilmaymiz-ku? Endi nima qilamiz?

– Mahallamizdagi Gulshod opoqimlar bor-ku, o‘shalar doim ip yigirib o‘tirganlarini ko‘raman. Kel, Gulshod opoqida yordam so‘rab, ipni yigirib olamiz! – topqirlik bilan javob berdi Parizod.

\*\*\*

Bolalar hovliqqancha tong sahardan Gulshod opoqinikiga kirib borishganda, mehribon qo‘shnilari tovuqlariga don sochib yurgan ekan. Gulshod opoqi Parizod bilan Shamshodni ko‘rib, hayron qolibdi.

– Assalomu alaykum, opoqijon! Biz sizga uy ishlarida yordamlashgani keldik. Nima yumush buyursangiz, qilamiz. Faqat mana bu qopdagagi yungni bizga yigirib bering. Iltimos! – chuvillashibdi opa-ukalar.

– Mayli, mayli! – debdi opoqi kulgancha va kechgacha Parizodga ip yigirish sirlarini o‘rgatibdi. Bu paytda Shamshod chopqillagancha mehribon qo‘shni xolaning ancha-muncha ishlariga ko‘maklashibdi. Lekin qopchadagi junni oxirigacha yigirib ulgurishmabdi. Shunda Gulshod opoqi urchug‘ini, uning yonida issiqliq, yog‘li, sutli, shirin va xushbo‘y yopgan patiridan ham berib, bolalarni kuzatib qolibdi.

Qorong‘i tushib, oyijonisi har kechagidek chiroqlarni o‘chirib, Parizod va Shamshodlarning ustiga ko‘rpalarini yopib, o‘z xonasiga kirib ketishi bilan opa-ukalar ip yigirishni oxiriga yetkazishga tushib ketibdilar.

Nihoyat Parizod va Shamshod barcha ipni yigirib bo‘lishlari bilan uning yumaloq kalavasini ko‘chaga olib chiqib, oyoqlari tagiga tashlab, o‘sha sehrli so‘zlarni aytibdilar:

*Ipim yo‘lga boshlagin,  
Ezgu qadam tashlagin.  
Sehrgarga boraman,  
Faqat juda shoshmagin.*

Birdan dumaloq kalava harakatga kelib, yumalab keta boshlabdi. Parizoda uning bir uchini bilagiga mahkam bog‘lab olibdi.

Shu tariqa ular kalava ortidan ketaverishibdi-ketaverishibdi. Nihoyat o‘ram tugab, u keltingan manzilda oppoq oydin yo‘l hosil bo‘libdi. Bu yo‘lning oxirida esa bir uycha bor ekan. Bolalar o‘sha uyga yaqinlashganlarida qarshilariga kattakon, vahimali it yugurib chiqibdi.

– Voy! – qo‘rqib ketdi Parizod.

Lekin u it g‘amgin vovillagancha, xuddi nimadir demoqchiday Parizodning ko‘ylagi etagidan tortqilab, ichkariga boshlardi.

Shamshod va Parizod ichkariga kirganlarida ularni oppoq libosli sehrgar Vijdon qarshi olibdi.

– Assalomu alaykum! – barobar salom berishibdi opa-ukalar.

Vijdon alik olib, ularni maqtabdi:

- Juda aqlli bolalar ko'rinasizlar, xo'sh xizmat?
- Keyin yonida dumini likillatib aylanayotgan itga qarab:
- Hoy, Soli Soliyevich, sen chiqib tur, – debdi. It shu zahotiyog uning buyrug'ini bajaribdi.

Sehrgar vijdon bolalarning hayratda qolganlarini ko'rib, tushuntiribdi.

– Bir paytlar bu ham odam bo'lgan. Ammo rahbarligidan kekkayib, hammaga baqirib, urishib, qisqasi, itdek talab, ko'plarning dilini og'ritgan. Shu sababdan men uni kuchukka aylantirib qo'ydim. Lekin afsuski, endi uni asliga qaytarish qiyin.

So'ng sehrgar ularga qattiq tikilgancha so'rabdi:

- Shunday qilib sizlar "Tez yordam"ni sehridan ozod qilmochimisizlar?
- Ha, – deyishdi bir ovozdan Parizod ham, Shamshod ham.
- Yo'q! Bu mumkin emas. U o'z xatosining jazosini olishi kerak.
- Axir u afsusda-ku!
- Endi afsusdan foyda yo'q. Eng yomoni shuki, bunday odamlar kundan-kun ko'payib bormoqda. Men hatto ularga jazo topishga ham qiyalyapman. Shuning uchun iboralar kitobini ochib, ularni shu iboradagi ko'rinishga kirityapman.

– Iltimos, jon Vijdon opoqijon, siz juda mehribon va yumshoq ko'ngil ko'rinasiz. "Tez yordam"ga yordam bering. Hamma shartningizga rozimiz.

Sehrgar yana bir bor sinovchan nigoh bilan bolalarga razm soldi.

– Xo'p, ko'ndirdingiz. Biroq shartim shuki, avval mening mulkimni aylanib chiqishingiz kerak. Agar qo'rqiypman, uyga ketaman, degan so'zni aytangiz, shu zahoti uyingizda paydo bo'lasiz, bo'lib o'tgan barcha voqealarni unutasiz. Mana bu qo'ng'iroq siz baqirishingiz bilan jiringlaydi.

– Yo'q! Qo'rqiymiz! Uyga ketaman, demaymiz.

Shu tariqa ular asta-asta qadam tashlab, yo'lakka chiqishdi. Chor-atrof temir panjaralari devor bilan o'ralgan xuddi o'rmon kabi quyuq daraxtzor edi. Bolalar devor bo'ylab ketgan yo'lakdan oldinga intilishdi. ularni "Tez yordam" kutib oldi:

– Muhimi, sira qo'rqiymang! Bu o'rmondag'i barcha hayvonlar asli odamlardir. Ularning hammasi taybasiga tayangan, faqat endi kech... – dedi u.

Bolalar yo'lak bo'ylab borisharkan, biri boshqasidan g'alati odamlarni ko'rishibdi. Qay birining boshiga turli yo'l harakati belgilari yopishtirilgan, yana kimningdir qulog'i va og'zidan pullar o'sib chiqqan. Ularning barchasi na eshit, na ko'ra, na gapira olishadi. Faqat yig'lardilar. Yana kimningdir qo'llari egri bo'lib buralib qolgan, boshqasining yuzi yo'q, yana birovining burni tomgacha ko'tarilgan. Shuningdek, bu o'rmonda turli yirtqich hayvonlar bo'lib, ularning hammasi qachonlardir odam bo'lganini nigohlari aytib turardi. Parizod bilan Shamshod hamma joyni aylanib bo'lishgan ham edi, ularning oldidan sehrgar chiqib qoldi.

– Qoyil, bolalar. Sayrlaring davomida menga birorta ham qo'ng'iroq yetib kelgani yo'q. Endi oxirgi shart. Uyingizga keting, ammo borganingizdan keyin bir yil davomida "yo'q" degan so'zni aytmaslikka va'da berishingiz kerak. Kim chaqirsa "labbay", ish buyursa "xo'p bo'ladi", deysiz. Agar bu ishni uddallasangiz, "Tez yordam" sehrdan xalos bo'ladi. Aks holda sizlar ham jazolanasizlar.

Parizod o'ylanib qoldi, bir yil davomida hech bir ishdan bo'yin tovlamay "yo'q" deb aytishni Shamshod uddasidan chiqarmikin? Axir u hali kichkina-ku? Ba'zida erkaligi ham haddan oshib ketadi. Yaxshisi, bu shartni uning bir o'zi bajarsa-chi?

Sehrgar Parizodning taklifini eshitib, bunga rozi bo'libdi.

– Ammo yodingda tut! Va'dangda turolmasang, nafaqat o'zing, balki ukang, ota-onang ham vijdoni oldida jazolanadi! Uqdingmi? Endi esa xayr! Ko'rishguncha, – debdi keyin.

\* \* \*

Tong otdi.

– Parizod! Tur menga nonushta tayyorlashga qarashib yubor, – oshxona tomondan onasining ovozi keldi.

Avvaliga yana biroz dargasalik qilib yotmoqchi bo‘lgan Parizod sehrgarga bergan va‘dasi yodiga tushib, “dik” etib o‘rnidan turibdi.

– Xo‘p bo‘ladi, oyijon, – dedi darhol.

Keyin shosha-pisha yuvinib ishga unnab ketdi. Kunlar o‘tdi. Uyidagilar Parizodning o‘zgarishidan hayron edilar. Ayniqsa onasi. Bir necha bor dasasiga maqtaganini Shamshod ham eshitganini aytди. Hatto dadasi bir kuni undan shubhalanib so‘radi:

– Qizim, nega bunday o‘zgarding?

– Qanday? – hech narsa tushunmaganday so‘radi Parizod.

– Juda ishchan bo‘lib ketyapsan, yoki biror narsa olib berishimiz uchun shunday qilyapsanmi?

– Nega endi, sira unday emas.

Otasi ham, onasi ham xursand. Mana, ikki oy ham o‘tdi. Maktab tugab, imtihonlar yakunlandi. Dadasi ishdan kelib, ikkita yo‘llanmani stol ustiga qo‘ydi.

– Bu qizingga va ukasiga. Bir opa-uka dam olib kelishsin.

Yo‘llanma oromgohga edi.

– Ura! – xursand bo‘lib chapak chalib yubordi Shamshod. Parizod na xursand, na xafa bo‘lishini bilmasdi.

Bolalarni lagerga eltgan avtobus ketgach hamma guruhlarga bo‘linib, tarbiyachilarga biriktirildi. Parizodni birinchi kundan boshlab hamma yaxshi ko‘rib qoldi. Nega deysizmi? Chunki kim yordam so‘rasa, hammadan oldin oshiqadi. Atrofdagilarga mehribon, intizomli. Birovga “yo‘q” deyishni bilmaydi. Hamisha “labbay!” doimo “xo‘p bo‘ladi!” Parizodning bu odatidan foydalanib, ba’zan unga ataylab ish buyuradigan tannoz qizlaru va ustidan kulib yuruvchi bolalar ham topilib qolardi. Ammo Parizod hech narsaga e’tibor bermas, chunki nima bo‘lganda ham “Tez yordam”ni qutqarish kerak edi-da.

Bir kuni bolalar toqqa ekskursiyaga chiqishdi. Lagerning eng shumtakalari bo‘lgan Ali bilan Vali orqaroqda nima haqidadir qattiq bahslashishardi.

Keyin to‘satdan Parizodni chaqirishdi:

– Parizod! – dedi sinovchan Vali.

– Labbay! – javob berdi Parizod.

– Huv anavi olmani olib ber!

– Xo‘p bo‘ladi, – dedi Parizod va hech narsa bo‘lmaganday olmani olib Valiga berdi-da, ketaverdi.

Vali esa “Ana ko‘rdingmi?” deganday Aliga qaradi-yu, quvnoq holatda hushtak chalib yubordi. Tushlikni ham bolalar o‘sha yerda qilishdi. Tushlikdan so‘ng biroz dam olish uchun to‘xtashdi. Tog‘ yonboshidan sakragancha uloqcha tushib keldi. Bolalar yugurib uni qurshab olishdi. Uloqcha sira yovvoyiga o‘xshamas, hammaning yoniga borar va erkalanar, qo‘llaridan yemak yer edi.

Shunda Vali sekin Alining oldiga kelib qulog‘iga nimadir deb shipshidi. Ali esa yelkasini qisib qo‘ydi. Keyin Vali uloqchaning oldiga borib uni jar yoqasiga sudradi. Pastda jar tubi ko‘rinmas, hayqirib oqayotgan suv esa bu jarlikni yanada dahshatlil ko‘rsatar edi.

– Parizod! – baqirdi Vali kulimsirash va masxara ohangida:

— Labbay! — dedi Parizod, ammo yuragiga g'ulg'ula tushdi. Bu g'ulg'ula u Vali chaqirgan joyga yaqinroq kelganida dahshatga aylandi. Vali uloqchani ikki shohidan tutib jar yoqasida muallaq ushlab turar, Parizodga esa: — Beri kel, uloqchani jarga uloqtir! — derdi.

— To'xta, to'xta! — jon-jahdi bilan baqira boshladi Parizod. — Iltimos, gapingni qaytarib ol! Unday qilma!

Parizodning ovoziga hamma yugurib kela boshladi.

— Yana bir bor aytayapman! — buyruq ohangida qichqirdi Vali, — tezda uloqchani jarga tashla! Yo'qsa uni pastga o'zim uloqtiraman!

— Yo'q! — qichqirib yubordi Parizod va shaxd bilan Valining qo'lidan uloqchani tortib olib, mahkam bag'rige bosdi. Ammo bergan va'dasi yodiga tushib, boshi gir aylanib ketdi.

“Tamom! Men va'damni bajara olmadim! Endi nafaqat “Tez yordam”, o'zim ham, ukajonim, ota-onam ham sehrli Vijdon tomonidan jazolanadi!”

Bu dahshatli xayollardan Parizodning yonoqlaridan ko'zyoshlari duv-duv oqa boshlarkan, xayoliga “Yaxshisi, o'zimni jarga tashlayman! Oilam, yaqinlarim jazolanishini istamayman!” degan qo'rqinchli fikr keldi.

Uloqchani bag'ridan chiqarib, yalanglik tomon qo'yib yubordi. O'zi esa ko'zlarini “chirt” yumib, titragancha jarlik tomon endi bir qadam tashlagandi hamki, quloqlari tagida:

— To'xta! — degan tanish ovoz jarangladi. Bu sehrgar Vijdon tovushi edi.

— Vijdon opoqi! — yig'lab yubordi Parizod qarshisidagi bo'shliqqa qarab. — Endi nima bo'ladi? Axir men va'damni bajarmadim.

— Lekin o'z vijdoningga xilof ish tutmading! Shuning uchun ham men seni taqdirlayman. Nafaqat “Tez yordam”, balki o'rmonimdagи tavbasiga tayangan barcha “sobiq vijdonsizlar”ni o'z asliga qaytaraman.

\* \* \*

Qayerdandir mashinaning qattiq signal bergan ovozini eshitib, cho'chib ketgan Parizod ortiga o'girilib qaradi-yu, hayratdan qotib qoldi. U o'z uyida, o'z xonasida, karavotidan oyog'ini osiltirib, hayronu lol o'tirardi.

Oshxona tomondan onasining kimadir tushuntirayotgani eshitildi:

— Voy, “Tez yordam”mi? Yana qo'shnimiz Sayyor akaning mazalari qochibdi, shekilli...

Parizod irg'ib o'rnidan turib, Sayyor amakining uyi yo'lagiga yugurib chiqdi. Zinadan endigina ko'tarilib kelgan oppoq xalat va qalpoqli, ko'zoynak taqqan shifokorni ko'rishi bilan “Tez yordam” amakini tanib, quvonib ketgancha:

— Assalomu alaykum, “Tez yordam” amaki! Qarang, ko'rdingizmi? Xalatingiz oppoq! — dedi hovliqib.

— Albatta! Axir men shifokorman, — kului qo'shnining uyiga kirib ketayotib doktor bu notanish qizning g'alati gaplaridan hayron bo'lib. So'ng ichkaridan yana ovoz berdi: — Xalatim hamisha oq bo'lgan!

Parizod hech narsaga tushunmay orqasiga qaytdi.



## ТАҚВОМИ, ОРЗУ-ҲАВАС?!

Абдумухтор ОЛИМОВ

Бир дўстим тўйга айтиб келди. Қизини турмушга узатаётган экан. Шанба куни наҳорга ош бераман, деди. Табрикладим, ва албатта, ўша куни тўйга ҳам бордим. Тўйхона жуда ҳашаматли. Дастурхон ноз-неъматларга тұла. Ёш йигитлар елиб-югуриб хизмат киляпти. Аммо негадир санъаткор йўқ, унинг ўрнига компьютердан булбул овози янграйди. Дўстим бизни иззат қилиб тўрга ўтказди. Домла маъруза қилгач, ош тортилди. Яна булбул навоси. Нихоят одамлар дастурхонга дуо қилиб, бирин-кетин кета бошлади. Шунда бир отахон ёнидаги шеригига, “Авваллари ошларда чиройли ашулалар эшитардик, энди қаерга борма, булбул сайратиб кўйишияпти”, деди.

Ўйга толдим: “Дўстим нега бундай килди? Агар пулни ўйлаган бўлса, у ўзига тўқ одам. Мехмонларга ёзган дастурхонидан, тўйхонанинг қимматлигидан ҳам кўриниб турибди”. Фарзандларига камол тилаш асносида нега нахорги ошга санъаткор айтмагани сабабини сўрадим.

– Кўнглингга олмагину, дўстим, домлалар мусика ҳаром деяпти, – деди у хижолат бўлиб. – Шунга тинчгина булбулни сайратиб қўйдим. Яна бир дунё гуноҳга ботмайлик...

– Майли, тақво қилган бўлсанг, Аллоҳ рози бўлсин, – дедим.

Аммо барибир, санъаткорлигимни юзхотир қилмагани кўнглимга тегди. Куни бўйи “Мусика ҳаром экан, шунга...” деган сўзлари қулоғим остида жаранглади. Бир вақт телефоним жиринглади. Қарасам, яна ўша “тақводор” дўстим.

– Э, ошна, қаерларда юрибсан, базмга келмайсанми? – деди у.

– Яна қанақа базм?

– Қиз базми-да, тез етиб кел, – дея телефонни учирди.

Дўстим-ку, хурсандчилик кунида ёнида турай, деб яна йўлга тушдим. Тўйхонага кирсам, тумонат одам. Энг қизиги, ўша дўстимнинг қизи тўда-тўда бегона йигитларнинг қуршовида кўёв бола билан ракс тушяпти. Бир ёш хонанда елкалари очик икки қизни икки ёнига олиб, фонограммани “урив” ётибди. Русча, инглизча ва яна аллақандай ажнабий куй-қўшиклар... Ширақайф йигит-қизлар тўйхонани ларзага келтириб рақс тушарди.

Ҳайратдан қотиб қолдим. Наҳотки мусика ҳаром деган дўстим, шу бўлса?! Не ажабки, базм қаҳрамонларидан биттаси унинг қизи эди. Ошнамга бир нарсалар дегим келди-ю, индамадим. Аммо ундан жуда-жуда сўрагим келди: “Буюк мутафаккир

**Абдумухтор ОЛИМОВ** — 1973 йилда туғилган. Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтини (ҳозирги Ўз ДСМИ) тамомлаган. Мақолалари республика матбуотида чоп этилган.

боболаримиз Яссавий, Навоий, Лутфий, Бобур, Машрабу Огахий ғазаллари билан айтиладиган, кадимий анъаналаримиз ва қадриятларимизга мос ашулалар ҳарому, тўйхонадагиларни сакратаётган мана шу ажнабий кўй-қўшиклар ҳалолми?”

Шу пайт дўстим келиб ўйинга тортид. Ортиқ чидаб туролмадим.

– Эрталаб мусикани ҳаром, дегандинг. Миллий ашулаларимиздан қилган тақвонг шайтонбазмга келганда тугаб колдими?

– Ҳа энди, орзу-ҳавас, деган нарсалар бор. Тўй-тўйдай ўтсин-да. Кизимнинг кўнглига ҳам қарашим керак-ку.

Тўйдан қайтар эканман, хаёлан у билан баҳслашаман: “Наҳорда домланинг гапига амал киласан. Базмда қизингни, хотинингни гапига кирасан. Ўз сўзинг, фикринг йўқми? Эрталабки катъиятинг қани, оғайнини?! Тўғри, бирор масалада фатво беришга на илмим, на ваколатим бор менинг. Аммо одамларни эзгуликка ҷақирадиган, ёмонлиқдан қайтарадиган, ота-онага муҳаббатли, оиласа садоқатли, Ватанга меҳрли бўлишга чорлайдиган, фарзандларни тўғри тарбиялашга ундейдиган ашулалар янграб турса, буни ҳаром дейиш қанчалик тўғри?”

Аминманки, Турғун Алиматов чалган “Чули ирок”, “Сегоҳ”, “Чоргоҳ”, “Муножот”, “Танавор”дек ашулаларимиз тингловчини беихтиёр дунё ва охират ҳакида тафаккур килиш, моҳиятни тўла идрок этишга чорлайди. Улуғлар бежиз айтишмаган: “Бир дақикалик тафаккур юз йиллик ибодатдан афзал”, деб. Нега энди дўпини бир четга олиб кўйиб, тафаккур қилмаймиз?

Шу онда бир воқеа ёдимга тушли. Наҳор ошида хизматда эдим. Бир киши ёнимга келиб: “Хофиз ука, домла маъруза килиб, тўйхонадан чикиб кетгунча ашула айтмай турасиз, кеттач, айтишингиз мумкин”, деди. Ҳайрон бўлсам-да “хўп”, дедим. Домла маърузасини тутатиб, дуо килди-да, худди оловдан қочгандай шоша-пиша чикиб кета бошлади.

Шу тобда хаёлимга шоир Ҳазиний қаламига мансуб “Назар сол осий умматга, тасаддуқ ё Расулolloҳ...” ашуласи келди-ю, шартта куйлай бошладим. Домла ташқарига чикиб улгурмаганди. Қадамини секинлатди. Ҳатто атрофга қараб, ўтиришга жой ҳам излади. Аммо жой йўқ эди. Ортга қайтишга хижолат бўлди, шекилли, эшик олдида бироз турди. Сўнг мен томонга қараб, қўлини кўксига кўйди-да, раҳмат айтган бўлиб чикиб кетди. Ўша пайтда домланинг хаёлидан нелар кечгани менга коронги. Балки куй-қўшикларнинг ҳаммаси ҳам ҳаром эмаслигини тушуниб етгандир. Домла-ку илмли, мулоҳазали, хатосини англаб, уни тезда бартараф эта олади. Дўстим каби илмсиз одамлар-чи?..

Қизик, нега ҳалқимиз мумтоз куй-қўшикларимизга эмас, енгил-елпи, умри кисқа, тужжорий яллаларга берилиб кетяпти? Бунга ким айбор? Гўзал наволаримизни яхши ижро қила олмаётган чала санъаткорларми ёки мумтоз куйларимизни ҳамма ухлаганда кўйиб, ҳамма телевизор кўрадиган вақтда пул учун, томошабин йиғиши учун эфирни бемаза ижролар билан тўлдираётган телерадиоканалларми? Саволлар кўп, аммо жавоб йўқ.

Бироқ, шуниси аниқки, мусиқанинг инсон психологиясида, эстетик дид ва баркамол авлод тарбиясида муҳим ўрни бор. Маърифатга ундовчи, қалбингида умид уйғутувчи, фахру ифтихор ҳиссини жўш урдирадиган ашулаларни, албатта, эшитиш керак. Шусиз ҳам турли зарарли энергетик ичимликлар, болалар таглиги-ю, аёллар... яна кўплаб бехаёй рекламаларни бемалол оила даврасида индамай чидаб, томоша қиляпмиз. Тўғри, рекламанинг ҳам ижтимоий ҳаётда ўз ўрни борлигини инкор қилиб бўлмайди. Аммо мумтоз наволаримиз, миллий санъат дурданалари тарғиботини ҳам реклама даражасида бўлмаса-да, лоақал одамларни бездирмайдиган даражада йўлга кўйсак бўлади-ку. Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан Халқаро Мақом фестивали ташкил этилмоқда. Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтига асос солиниб, Миллий Мақом маркази фаолияти йўлга кўйилди. Биз зиёлилар, миллатпарварлар бу йўлда бардавом бўлиб, ушбу қарорлар ижросида событ турмогимиз лозим.

# Адабий ҳаёт

\* \* \*

**1 октябрь.** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаоллари Устоз ва мураббийлар куни муносабати билан уюшма аъзолари Нусрат Раҳмат, Ҳамида Каримова, Ойхумор Асадова, Жумагул Сувоновалар каби кўплаб ижодкор устозларнинг холидан хабар олиб, улар билан сұхбатлашишди.

\* \* \*

**5 октябрь.** Истеъдодли шоир Фахриёр таваллудининг олтмиш йиллигига бағишенланган “Янги давр адабиётида Фахриёр ижодининг ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

\* \* \*

Таниқли шоир Вафо Файзуллоҳнинг “Из” сайланмаси китоби нашрдан чиқди.

\* \* \*

**11 октябрь.** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёзувчи ва журналист Ўқтам Усмонов таваллудининг саксон беш йиллигига бағишенланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

\* \* \*

**13 октябрь.** Ёзувчи Хайриддин Султоннинг қирғиз тилида нашр қилинган “Йўқчилик ва тўқчилик” китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

\* \* \*

**16 октября.** “Янги аср авлоди” нашриёти ёзувчи Абдужалол Раҳимнинг “Абу Али ибн Сино” тарихий роман-трилогиясини тўлиқ нашрдан чиқарди.

\* \* \*

Ўзбекистонда яшаб козок, корақалпок, тожик, рус тилларида ижод қилаётган шоир ва ёзувчиларнинг ўзбек тилига таржима қилинган шеър ҳамда ҳикоялари “Ўзбекистондадир баҳтим, толеим” номи билан китоб ҳолида чоп этилди.

\* \* \*

**18 октября.** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида иктисодиёт фанлари доктори, профессор, ёзувчи ва шоир Абдуманноп Эгамбердиев таваллудининг тўксон беш йиллигига бағишенланган адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

\* \* \*

**20 октябрь.** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбек тили байрами куни муносабати билан мазкур ижодий ташкилот ҳамда Faafur Fулом номидаги нашриётматбаа ижод уйи томонидан чоп этилган лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида тайёрланган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” олти жилдлик китоби ва “Ўзбек тили синонимларининг катта изоҳли луғати” икки жилдлик китобларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

\* \* \*

**21 октябрь.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбек тили байрами билан ҳалқимизни табриклади. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганигининг ўттиз тўрт йиллигига бағишиланган байрам тантаналари республикамизнинг барча вилоятларида кенг нишонланди.

\* \* \*

Туркия пойтахти Анқара шаҳридаги “Kültür Ajansi” нашриёти томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Кулман Очилнинг “Erkekçe sözüm” (“Йигит сўзим”) китоби чоп этилди. Асарларни турк тилига уюшма аъзоси, ёзувчи ва таржимон Рустам Жабборов таржима қилган.

\* \* \*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Дўстбек Сулаймоновнинг адабий-танқидий сұхбатлар ва адабий маколалардан иборат “Бадий ижод сирлари” китоби нашр этилди.

\* \* \*

**24 октябрь.** Ёзувчилар уюшмасида козоғистонлик ёзувчи ва таржимон Баситхўжа Рустемов билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Баситхўжа Рустемов Ўрта Осиё давлатлари ўртасида ўtkazilgan “Адабий Осиё – 2023” танловида Ёзувчилар уюшмасидан катнашган бир гурух ғолибларига кўкрак нишонлари ва эсадалик совғалари топширилди.

\* \* \*

**25 октябрь.** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида болалар адиби, уюшма аъзоси Шукрулло Абдуллаев таваллудининг 70 йиллигига бағишиланган маънавий-маърифий тадбир ва “Тонгни кутлаб” номли китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

\* \* \*

**26 октябрь.** Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон ҳалқ шоири Рауф Парфи таваллудининг саксон йиллигига бағишиланган “Оловлар, чаманлар ичра ўзим бор” номли адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

\* \* \*

**27 октябрь.** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида озарбайжонлик ижодкор Воҳид Азиз билан учрашув бўлиб ўтди. Икки миллат адибларининг ўзбек-озарбайжон тилларида нашр этилаётган асарлари ва олдиндаги таржима жараёнлари муҳокама қилинди.

Муассис:

## ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР ЮШМАСИ

\* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуткай назаридан фарқланиши мумкин.

Таҳририятта юборилган материаллар муаллифларга кайтарилмайди.

Журнал ОАҚ эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

\* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

### Обуна индекси – 911

#### Манзилимиз:

100066, Тошкент шахри,  
Бунёдкор шоҳкуча, Адаблар хиёбони,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
биноси.

Телефонлар:  
71231-23-67, 71231-23-68 903721438  
[www.sharqyulduzi.uz](http://www.sharqyulduzi.uz)  
e-mail: [sharqyulduzi@umail.uz](mailto:sharqyulduzi@umail.uz)  
[sharqyulduzi1931@mail.ru](mailto:sharqyulduzi1931@mail.ru)

Босиша руҳсат этилди:  
3.11.2023

Қоғоз бичими 70x108  $\frac{1}{16}$   
Офсет босма усулида офсет қоғозида  
босилди. Босма табоби 11,0.  
Шартли босма табоби 15,4.  
Наширёт хисоб табоби 17,2.  
Адади 7050 нусха.  
Буюртма № 143.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва  
аҳборот агентлигига 05.02.2016 й.  
0562-ракам билан рўйхатга олинган.  
Faafur Furom nomidagi нашриёт-  
матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шахри,  
Лабзак кўчаси 86-уй  
Журнал ойда бир марта  
чоп этилади.

Муҳаррир:

*Дилғуз Maҳнудова*

Мусахҳих:

*Moҳира Xусанова*

Веб-сайт муҳаррири:

*Байрам АЛИ*

Сахифаловчи-дизайнер:

*Аҳрор Маликов*

Copyright © “Шарқ ўлдузи”

### МУНДАРИЖА

#### НАЗМ

Эшқобил ШУКУР. Бир шоир шамолдай айланиб юрсам ..... 4

Алишер НАРЗУЛЛО. Соғинч тун бағрида – чақмок ..... 13

Ойгул СУЮНДИҚОВА. Мозийлар қаъридан келади садо ..... 32

Ширин САБУРОВА. Сизиб келар дақиқалар ..... 37

#### НАСР

Абдукаюм ЙЎЛДОШЕВ. Каромат. Ҳикоя ..... 19

Хабиб АБДУНАЗАР. Аравакаш. Кисса ..... 40

Холмўмин ЁДГОРОВ. Озорланган оқибат. Эссе ..... 68

Абдулла БОБОЁРОВ. Мусаввир. Ҳикоя ..... 76

#### ТАХЛИЛ

Иқболой АДИЗОВА. Тафаккур машъаллари ..... 58

#### ТАҚРИЗ

Бахтиёр НАЗАРОВ. Сажъ – навобахш санъат ..... 63

#### АДАБИЁТ ВА ШАХС

Сулаймон РАҲМОН. Суюк ва буюк шоир. Эссе ..... 98

Бойназар ЙЎЛДОШЕВ. “Танқидчи теран булоқлар кўзини очиши лозим”. ..... 115

#### ҚАТРАЛАР

Шуҳрат ОРИФ. Ҳар бир кун бу – ёзук ..... 119

#### АДАБИЁТШУНОСЛИК

Саъдулло ҚУРОНОВ. “Минг бир киёфа” романида

эркин инсон гояси ..... 125

#### МУШОИРА

Баҳодир ҚЎЧҚОР. Лутф ила кўнглимни ол, дилрабо,  
бир қайрилиб ..... 131

Эломон ТОЖИЕВ. Қўмга сингиб кетди товушинг ..... 132

Бахтиёр ТЕМУР. Ҳеч ўчмасин кўнглинг чироғи ..... 133

Гулчехра ШАҲОБИДДИН қизи.  
Қалбимда чирсиллар олов ..... 136

Сардор СИРОЖИДДИН. Сизсиз кўклим келди, отажон ..... 137

Садоқат ҚУРБНОВА. Бахт булиб суйғандик ..... 138

#### ТАЛҚИН

Гуландом ҚУРАМБОЕВА. Ўзбекистон Бартоси ..... 88

#### ТАДҚИҚОТ

Махкамой ТУРСУНОВА. Алишернинг онаси ..... 92

#### ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Лев ТОЛСТОЙ. Икки кария. Ҳикоя ..... 140

#### МАКТУБЛАРДА БОРДЕК ҲАҚИҚАТ

Тилланисо НҮРЁҒДИ. Шеърият ҳайратга айланяптими? ..... 153

#### МУЛОҲАЗА

Абдумуҳтор ОЛИМОВ. Тақвоми, орзу-ҳавас?! ..... 172

#### БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

МАСИХУЛЛОХ. Қўксимда изтироб яшар ..... 157

Ашурхон КОМИЛОВА. Тиллолар сочади дараҳтлар ..... 161

#### BOLALAR DUNYOSI


Kavsar TURDIYEVA. Allo, “Tez yordam”? Qissa ..... 163

Адабий хаёт ..... 174

# Унумилмас лаҳзалар



Кавсар ТУРДИЕВА ҳәётидан лавҳалар



«Сўнгги ҳовуз»  
Алишер МИРЗО асари



«Натюроморт»  
Дилшод ЭШМАТОВ асари